

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

# МАТИШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

الّتِي صَرَبُوهَا عَلَى مَدَارِجِ الْحِكْمَةِ فِي الْكُرْبَابِهِ وَالنَّسْعَةِ حَتَّى يَلْعَمُ الْقَابِلُ  
الْتَّاقِلُ وَأَوْصَلَ النَّاقِلَ الْحَامِلَ لِجَمِيعِهِ الْأَشْيَايَا الْمَذْكُورَةِ وَاللُّغَاتِ  
الْمَشْهُورَةِ فَلِمَعَ الْكِتَابُ فِي الْجُودَةِ بِمَا سَهَّا وَتَرَكَ فِي الْلَّطَافَةِ عَائِيَشَةُ  
وَاللَّهُ أَسْأَلُ التَّوْفِيقَ فِيمَا نَوَّثَ وَقَلَّبَ عَلَيْهِ طَوْتَ وَلَاجَوْلَ وَلَا  
فُؤَّهَ الْأَبَاهَةُ الْعَظِيمُ وَهُوَ جَسِينٌ وَنَعِمُ الْوَكِيلُ  
**الفول** فِي الْحِزْرَ وَالْتِي تَبَسَّطَ عَلَيْهَا اللُّغَاتُ  
الْمَرْوَقُ الَّتِي تَذَرُّعُ عَلَيْهَا السَّنَةُ الْتُرْكُ باشْ رَاهِيْ تَانِيْهُ عَشَرَ حِزْرَ فَإِنَّ  
أَصْلَيْهِ تَرَكَ مِنْهَا كِتَابَهُ الْتُرْكِيَّهُ مُجْعَمًا هَرَهُهُ الْمَقْدِنَهُ اخْوَهُ  
لَفَّ سِيجَ نَرْزَقَ بَذَرَ شَقِيقَهَا فَتَكَبَّتْ مُقْطَعًا ثَمَّا عَلَى هَذِهِ الْعُصُوَّهُ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ**

**МАТНШУНОСЛИК ВА  
МАНБАШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

*Филология ва тилларни ўқитиш (мумтоз тиллар бўйича)  
таълим йўналишида ўқиётган талабалар учун ўқув қўлланма*

Тошкент – 2017

Ушбу ўқув кўлланмада матншунослик ва манбашуносликнинг назарий ҳамда амалий асослари баён килинган. Унда Ўрта Осиё ҳалкларининг ёзув маданийти тарихи, китобат иши, унинг юзага келиши ва такомилли, шарқ кўлёзма китоблари, кўлёзмаларни тавсифлаш масалалари ёритилган. Шунингдек, китобда кўлёзма манбалар асосида илмий матн яратиш принциплари очиб берилган.

Китоб филолог талабалар ҳамда манбашунослик, матншунослик йўналишларида илмий иш олиб бораётган изланувчиларга мўлжалланган.

Ушбу ўқув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйругига асосан нашрга тавсия этилган.

**Масъулмухаррир:**  
филология фанлари доктори, профессор Абдурахим Манионов

**Тақризчилар:**  
филология фанлари номзоди, доцент Алимулла Ҳабибуллаев  
филология фанлари доктори Шафоат Ҳасанова

## КИРИЛЛ

**Таянч сўз ва бирикмалар:** манба, манбашунослик, адабий манбашунослик, манбашунос; матн, матншунослик, текстология, текстолог, матншунос; қўлёзма, қўлёзма китоб, шарқ қўлёзмалари, ёзма ёдгорликлар; китобишунослик.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

“Матншунослик ва манбашунослик асослари” фани, унинг мақсад ва вазифалари.

Манбашунослик ва матншуносликнинг йўналишлари. Адабий манбашунослик ва матншунослик – фан сифатида.

Асарларнинг қўлёзмалари манбашунослик ва матншуносликнинг ўрганиш соҳаси (объекти) сифатида.

Китобишунослик фанининг юзага келиши ва такомили.

*Манбашунослик* (русчада *источниковедение* дейилади) адабиёт, тарих ва бошқа фанларнинг ёзма манбаларини, ўтмишдан қолган асарларини ўрганувчи кенг кўламли ёрдамчи соҳасидир. Унинг *адабий манбашунослик, тарих манбашунослиги, фан соҳаси манбашунослиги* (*илемий асарлар манбашунослиги*) сингари йўналишлари бор.

*Адабий манбашунослик* (яъни, *литературное источниковедение*) деганда адабиёт тарихининг турли даврларида яратилган ёзма манбаларни, шоир ва ижодкорларнинг ёхуд муаллифи номаълум бўлган бадиий асарларнинг яратилган давридан бошлаб, то хозиргача кўчирилган қўлёзмаларини, босма нашрларини, халқ оғзаки ижоди асарларини танқидий ўрганиш чиқиши тушунилади.

*Тарих манбашунослиги* тарих фани, яъни историографиянинг соҳасидир. У ўтмишда яратилган тарих китоблари, йилномалар, расмий ҳужжатларни манба нуқтаи назаридан танқидий ўрганиш билан шуғулланади.

Манбашунослик, ўз навбатида, фаннинг бирор соҳасига (масалан, математика, астрономия, геофизика, медицина, тилшунослик сингари) тегишли ёзма манбаларни ҳам тадқиқ этади. Фаннинг бу тармоғи *илемий асарлар манбашунослиги* бўлиб, у илемий манбанинг мундарижаси ва тузилиши, асарнинг илемий аҳамияти, матн таржималари, талқини билан шуғулланади.

Ўтмишда ота-боболар томонидан яратилган, лекин унуглигандан илмий манбани замонавий фан доирасига олиб киради.

*Матншунослик* (яъни, *текстология*) эса манбашуносликнинг бир тармоги бўлиб, матн устида иш олиб боради. Матншуносликнинг икки йўналиши бор: бири – назарий матншунослик, иккинчиси эса амалий матншуносликдир.

*Назарий матншунослик* матнларни илмий тадқиқ этишнинг умумий қонуниятлари, турли тарихий босқичларда уларнинг ўзгариб бориш хусусиятларини ўрганади, асар қўлёзма нусхаларини ўзаро чоғишириш натижасида унинг муаллиф нусхасига яқин бўлган вариантини қайта тиклаш йўллари, илмий принципларини ишлаб чиқади.

*Амалий матншунослик* эса муайян асар қўлёзма нусхалари асосида унинг илмий, илмий-танқидий, йигма матнини яратиш билан шуғулланади. Амалий матншунослик филология, тарих ёки фаннинг бирор соҳаси учун ишончли бўлган янти бир манбани (асарнинг илмий матнини) тайёрлаб беради.

Манбашунос ва матншунос олдида қўлёзма манбани ўрганиш билан боғлик бир қанча қийинчилик туради.

Қийинчиликларнинг бири, ёзув мураккаблигидир. Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг ўтмишдан қолган ёзма манбалари турли алифболарда битилган бўлиб, ўша ҷоғларда ишлатилган ёзувларнинг кўпи ҳозир унуглиганди. Тадқикотчи ўша ёзувни билмай туриб, асар устида изланиш олиб боролмайди. Демак, манбашунос, биринчи галда, эски ёзувларни ўқий олмоғи ва матнни илмий транскрипцияга ўтира олмоғи керак бўлади.

Бошқа бир қийинчилик, ёзма манбанинг тилини тушуна ола билишdir. Марказий Осиё халклари томонидан яратилган ёзма манбалар турли тилларда: ислом даврида яратилганлари эски туркий, арабий ва форсийда. Ёдгорликлар орасида ҳатто сүғд, қадимги хоразмий сингари ўлик тилларда яратилган асарлар ҳам бор. Бундан ташкари, ёдгорлик туркий тилда эса-да, унинг яратилган даври билан орамизни узоқ муддат ажратиб туради. Ўтган даврда тил ҳам ўзгариб кетган. Мутахассис ёзма ёдгорликни тадқиқ этиши учун унинг тилини ҳам билуви керак. Англашиладики, мутахассис асар битилган ёзувни ўқий олса, шунингдек, унинг тилини яхши билсагина матн бўйича тадқикот олиб бориши мумкин.

Шарқшунослик олдида турган мұхим ишлардан бири, бу матншуносликни жонлантиришдір. Илмий тадқиқот, керак у тарихнавислик бўлсин, керак тил тарихи ё классик адабиёт бўлсин, бари ёзма манбаларнинг илмий, илмий-танқидий, йигма нашрларига таяниб иш кўради. Ёзма манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали назарий хуросалар чиқарилади. Шунинг учун манбашунослик ва матншуносликни классик йўналишларнинг очқичи деса бўлади.

Улуғ ёшдаги олимлар яхши эслайди, ўтган юзийилликнинг 60-, кейинроқ, 70–80- йилларида ўзбек матншунослигига қалкиш юз берди. Ўша кезлар илмий-танқидий матн яратиш ишлари анча жонланиб қолган эди. Ўзбек классик ижодкорлари асарларининг илмий-танқидий матнларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу баҳонада, Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис”, “Насойиму-л-муҳаббат”, “Садд-и Искандарий”, “Назму-л-жавоҳир”, Оғаҳийнинг “Таъвизу-л-ошиқин” девони ва бошқа шунинг сингари қанчадан-қанча асарларнинг илмий-танқидий матнлари яратилиб қолди. Негадир, илмий-танқидий ёки йигма матн яратиш ишлари сўнгги чоғларда эътибордан четда қолаётир. Тўғри, ўша кезлар ижод қилған матншуносларнинг аксари ҳозир кекса ёшда. Лекин, фанда ворислик деган нарса бор. Демак, уларнинг билими ёшларга ўргатилмаги, йигит-қизлар орасидан матншуносларнинг янги авлодини етиштириб чиқармоғимиз лозим. Ўзбек матншунослиги мактабининг бурунги анъанаси узилмаслиги керак.

Машхур манбашунос ва матншунос Д.С. Лихачев “Текстология. На материале русской литературы X–XVII вв.”, “Текстология. Краткий очерк” сингари ўлмас асарларни яратиб кетди. Ҳозирги текстология фани ана шу жiddий тадқиқотларга эргашади, ундан андоза олади. Ҳақиқатан, Д.С. Лихачев ишлари бунга арзиди. Олим эски славян (рус) манбаларини ўрганиш натижасида кучли илмий хуросаларга келди, манбашунослик ва матншуносликнинг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Ана шундай жiddий ишларни яратиш ўзбек олимлари олдида ҳам турибди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, шарқ қўллэзма манбалари бошқа бир олам. Китобат санъатидан тортиб, хаттот асар якунида битиб қўйган хотима (колофон)гача фарқ қиласади. Яна бир қирраси, шарқда китобат иши юксак санъат даражасида турган. Айниқса,

матн мазмунни, тузилиши, бадиий-эстетик хусусиятлари, салоҳияти, маънавий аҳамиятига катта эътибор қаратилган.

Шарқ кўлёзма амалиётининг ўзига хослиги матн таҳририда ҳам кўзга ташланади. Бир муаллифнинг бир даврда икки ҳаттот томонидан кўчирилган кўлёзмалари бир-биридан фарқ қилиши мумкин: матн таҳрири бутун бир асарни ўзгартириб ҳам юборади.

Бошқа бир жиҳати, классик ижодкор ўз асарини ёзиб бўлгач, тинчиган эмас. Кейинги куллиётларда, девон тузиш жараённида уни қайта кўриб, жиддий ўзгартишлар ҳам киритган. Тадқикотчи шарқ кўлёзмалари устида ишлаганда бунинг сингари ҳолатларни назардан четда қолдирмаслиги керак. Шарқ кўлёзма манбаларига ўзига хос илмий ёндашув талаб этилади.

Ўзбек илмида адабий манбашунослик ва матншунослик йўналиши анча изига тушган. Бу борада кўлёзмаларни тавсифлаш ва илмий ўрганиш билан боғлиқ кўзга кўринган ишлар амалга оширилди; манбашунослик ва матншунослик йўналишида қатор-қатор диссертациялар ёқланди.

Бу соҳада олий ўқув юртлари талабалари учун бир қанча кўлланмалар ҳам яратилди. А. Ҳабибуллаевнинг “Адабий манбашунослик ва матншунослик” (Тошкент, 2000), унинг М. Ҳасаний билан ёзган “Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари” (Тошкент, 2012) ўқув кўлланмалари чиқди. Айниқса, Ш. Сирожиддинов ва С. Умарованинг биргаликда яратган “Ўзбек матншунослиги қирралари” китоби (Тошкент, 2015) бу йўналишдаги яхши ва фойдали ишлардан бўлди.

Ҳозирги пайтда Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг “Филология ва тилларни ўқитиши (мумтоз тиллар)” таълим йўналишида “Матншунослик ва манбашунослик асослари” фани ўқитилемоқда. Уни ўқитишидан мурод келгусида йигит-қизлар орасидан манбашунос ва матншуносларни етиштиришдир. Кўлингизда тутиб турганингиз китоб ана шу таълим йўналишига мўлжалланган.

Кўлёзмаларга таянган ҳолда манбашунослик ва матншунослик соҳасида китоб ёзиш фикри менда анча илгари – ЎзР ФА Кўлёзмалар институтида ишлаб юрган кезларимда туғилган эди. Бу ишга, айниқса, 1996–1997 йилларда каттиқ киришдим. Институт фондида сақланаётган нодир кўлёзма

китобларнинг анчасини ўрганиб чиқдим. Ёзган нарсаларимни соҳанинг етук мутахассиси бўлмиш Муҳаммаджон Ҳакимовга ўқиб берар, ундан яхши маслаҳатлар олардим (Оллоҳ раҳмат килсин у кишини, яхши инсон ва билимли олим эди домла). Ушбу китобга кирган материалнинг катта бир бўлаги ўша чоғларда ёзиб кўйилган эди.

Кейинчалик, Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг Мумтоз филология кафедрасида дарс бериш жараёнида китобнинг фасллари янги-янги материаллар билан бойитилди. Ушбу фаннинг ўқув дастури ҳам ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, ушбу ўқув қўлланма узоқ йиллик меҳнатимизнинг натижасидир. Насиб этса, келгуси нашрларда китобни такомиллаштириб, янги-янги материаллар билан бойитиб бориш истагидаман.

### **Китобшунослик фанининг юзага келиши ва такомили**

Манбашуносликда “китоб тарихи”, “китобат иши” тушунчалари билан бир қаторда “китобшунослик” (яъни, “книговедение”) деган тушунча ҳам бор. Буларни бир-биридан фарқламоқ керак.

*Китобат иши* (яъни, “книжное дело”) китоб тайёрлаш, уни безатиш билан боғлик амалий жараёндир.

*Китобшунослик* эса фан тармоғи бўлиб, китобат ҳақидаги илмий-назарий билимларни жамлайди, китоб тарихининг юзага келиши ва такомили билан шуғулланади.

Муҳими, Марказий Осиёда илк ўрта асрлардаёқ китобшунослик билим соҳаси сифатида шаклланди. Китобшунослик билимлари бирйўла эмас, жамиятнинг узоқ асрли маданий-маърифий тараққиёти, хат санъатининг ривожланиши, кишилар ўргасида саводхонликнинг ошуви, китобат ишининг шаклланиб, ривожланиши билан боғлик ҳолда китобшунослик билимлари ҳам юксала бошлади. Китобшуносликнинг юзага келиши ёзув маданияти тарихи билан узвий боғлиқдир.

Илк ўрта асрларнинг ёзма манбаларида хатидан тортиб китоб турларигача – ҳаммасининг ўз атамаси бор. Ёзма адабий тил тарихидаги ушибу ҳодиса ўша чоғлардаёқ китобшунослик билими

юзага келиб, ўзининг такомил босқичига эришиб улгурганидан далолат беради.

Китобшунослик соҳасининг илкин атамаларидан бири *bitig* сўзиdir. *Bitig* – “китоб; хат, мактуб; хужжат; ёзув”; ёзув билан боғлиқ нарсаларни атовчи ялпи сўз эди тилимиз тарихида. Бу сўз “ёзмоқ, битмак” маъносидаги *biti-* феълига от ясовчи -*g* қўшимчасини қўшиб ясалган (*biti+g>bitig*).

*Bitig* сўзи туб англамида “ёзув”ни билдирган, бошқа маънолари ана шундан урчиган. Илкин маъносига Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асаридан мисол:

*Qatuy el išin barča etgän bitig,  
Bitigin tutar el kirišin tetig. –*

“Эл ишининг барини ёзув изга солади,  
Тетик (киши) эл даромадини ёзув туфайли қўлга олади”  
(QBN.101b,5).

Кейинчалик бу сўзининг маъноси кенгайиб, “мактуб; хужжат; китоб; матн” сингари ёзув билан боғлиқ нарсаларни ҳам *bitig* деб кетилган. Расмий хужжатлар ҳам *bitig* аталган.

Туркий тил тарихида бу сўзининг қўлланиш қўлами ниҳоятда кенг. Тошларга битилган кўк турк ёзма ёдгорликлари ҳам матнининг ўзида *bitig* аталган. Жумладан, Иккинчи кўк турк хоқонлиги давридан қолган Кул тигин битигида (бу асар 732 иили яратилган) матнни Йўллуғ тигин биттанлиги шундай қайд этилади: *Bu bitig bitigmä atisi Yol(l)uy t[ig]in.* – “Бу битиг битилгучининг жигари Йўллуғ тигин” (Ka.13). Ёки битигнинг охирига шундай деб ёзib қўйилибди: *Bunča bitig bitigmä Kül tigin atisi Yolluy tigin bitidim. Yigirmi kün olurup bu tašqa, bu tamqa qop Yolluy tigin bitidim.* – “Бунча битигни битилгучи Кул тигиннинг жигари Йўллуғ тигин битдим. Йигирма кун ўтириб, бу тошга, бу бинога тўлиқ Йўллуғ тигин битдим” (К.П).

Махмуд Кошгариининг “Девону лугати-т-турк” асарида *bitig köčürdi* деган бирикма берилган, “китобни, хатни кўчирди” англамида. *Ol bitig köčürdi* жумласини “у китоб ёзди. Бир нусхадан бошқасига кўчирди” дея изоҳлайди лугат муаллифи (МК.154а).

Қадимги туркий тилде *bitig* сүзидан бошқа атамалар ҳам ясалған. Масалан, *bitig-belgü* дейди, бу атама “давлат тузуги; низоми” маъносини англатади. Күк турк, уйғур хоқонликлари замонида тошларга давлат тузуклари ҳам битилған. 745 йили Иккинчи күк турк хоқонлиғи ўрнига келған уйғур хоқонлигининг хукмдори Мұюн-чұр шарафига ўрнатылған битигда (Малов 1959, 30–44) буни тасдикловчи қызық бир мисол бор. Битигда 750 йил воеалари түгрисида сөз борар экан, Мұюн-чұр тилядан: “Ўша йили ... оқ ўрда чодирини тиктирдим, мудофаа деворларини курдирдим, ёзни ўша ерда ўтказдим, ўша ерда Тангрига ибодат ўтказдим, тұғроимни, битигимни, (тузугимни) ўша ерда яраттирудим (*belgümmin-bitigimin anta yaratıtdım*)” деде тақидаланади. Кейинги йил воеалари баёнида ҳам шунга яқын мазмұнли жумлаларни ўқыймиз: “Ўшанды гарбда Идуқ бащда, Ябаш ва түкүш (дарёларининг) қуишлишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни курдирдим, мудофаа деворларини ўша ерда курдирдим, минг ийлілк, туман күнлик битигимни тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирудим (*bıñ yıllıq tūmān künlik bitigimin belgümmin anta yası taşqa yaratıtdım*)” дейилади битигда (матннинг 19–22- қаторларига қаранг).

Ушби мисолда кечган *bitig-belgü* – “давлат тузуги; низоми” маъносини билдиради; *bitigimin-belgümmin anta yası taşqa yaratıtdım* дейилганды “тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим” деган мазмұн англашилади.

Ёки *bitig* билан ясалған бошқа атамалар: *baş bitig* – бош, асосий хужжат; *boş bitig* – әрк хужжати; кулға эркінлик ҳуқуқини берувчи хужжат; *boş idmıs bitig* – эркінлик берувчи хужжат; *könlilik aytu bitig* – күнгил сүрөвчи мактуб; *yantut bitig* – жавоб хати; *bıçyas bitig* – қасам битими; *qumaru bitig* – насиҳатнома, васиятнома; *saqurt bitig* – аралаш сүзлар луғати; *tonqul bitig* – эълон қилинган асар; *bitigtaş* – битигтош; *bitig salām* – салом хат; мактуб; *bitig işik* – ёзув, хат, сингари.

*Bitig* сүзи ўзи боғланған феъллар билан қуидалы маъноларни англатади: *bitig berdi* – хужжат берди; *bitig biidi* – хат ёзди; *bitig köčürdi* – бир нұсхадан бошқасига күчириди; *bitig büründi* – мактуб, хат бураб буқланди; *bitig yıldırı* – хатни қириб ўчириди; *bitig yulđı* – китобни күчириб ёзди; *bitig türüldi* – хат ўралди.

Хат битувчи кимсани *bitig bitiğüči* дейилганды.

*Biti-* феълига *-gū* аффикси кўшилса, *bitigü* (яъни, сиёҳдон) бўлади.

Қадимги турк-будда адабиётида йирик фалсафий-бадиий асарларга нисбатан *nom bitig* атамаси ишлатилган. Жумладан, “Олтун тусли ёруғ” сутраси матннинг ўзида *nom bitig* дейилган. Мана мисоли: “*Altun öylög yaruq yaltriqlıq qopta köträlmış nom eligi*” *atlıy nom bitigdä onunč ülüş tegzinč nom bitiyü oqiyu tükädi*. – “Олтин тусли ёруғ ялтирокли тугал юксак нўм тождори” отли нўм битигда ўнинчи қисмнинг бўлим нўми битилиб тугади (AY.673,5–11).

Бу атама таркибидағи *nom* (<сүгд. *nim*) – “дин, шариат; диний таълимот; буддавий қонун-коидалар; йўруғлар” дегани.

Махмуд Кошғарийнинг ёзишича, бу сўзнинг маъноси “дин ва шариат” дегани. Бундан олиниб, *täjri nomi* дейилади, “худонинг дини ва шариати” демакдир. Ҳамма динларга ҳам *nom* дейилади. Бу *şin* ликлар сўзидир (МК.252a).

*Nom* атамаси эски туркий-хитойча “Идиқут маҳкамаси сўзлиги”да ҳам мавжуд. Бу сўз хитойча ўгирмада 經 *jīng* (яъни, нўм) деб берилган (IMS.49).

Қадимги турк-будда адабиётида “эпос, эпик асар” маъносида *kavi* (<санскр. *kāvya*) атамаси ишлатилган. Масалан, таникли хитой роҳибининг саёҳатларига бағишиланган “Сюань-цзан кечмиши”асари *kavi nom bitig* аталган. Унинг тўлиқ номи: *Bodisatv Tayto Samtso ačariniň yoruyp iqitmaq atlıy Tsi-in-čün tigmä kavi nom bitig* (“Бўдисатв Тайтў Самтсў устоз кечмишларининг ҳикояси отли эпик асар”) (СЦ.В.87,14–17).

Ёки яна: *nom-boqşut* – қонун китоблари (қаранг: ДТС,360; QTH.1,7).

*nom eligi* – нўм тождори: “*Altun öylög yaruq yaltriqlıq qopta köträlmış nom eligi*” *atlıy nom bitig*. – “Олтин тусли ёруғ ялтирокли тугал юксак нўм тождори” отли нўм битиг (AY.201,4–6).

Ислом давридан бошлиб бурунги *bitig* сўзининг ўрнида *kitāp* (<араб. *كتاب*) атамаси ҳам ишлатила бошлади. Масалан, “Қутадгу билиг”да: *Bu kitāp turur edi 'aziz, yawlaq tajsuq*. – “Бу китоб жуда азиз, мўътабар ва тансик турур” (QBH.2,9); *Bu kitāpnī oqiyli, bi bayitlarnī ma'lum qilyučilar kitāptin 'azizraq erür*. – “Бу китобни

ўқигучи, бу байтларни маълум қилғучилар китобдан (ҳам) азизроқ бўлади” (QBН.2,12–13).

*Mintuň hikmati, kör, bu tört nän üzä,*  
*Kitāpnī tūgātmış bularnī tūzä. –*

“Бунинг ҳикмати, кўргин, бу тўрт нарса узрадир,  
Буларни тузиб, китобни тугатмиш” (QBН.7,22).

Ёки Адид Аҳмад Ўгнакийнинг “Ҳибату-л-ҳақойик” асарида:

*Tat ispahsalar beg üçün bu kitāp*  
*Čiqardım açunda ati qalsu dep. –*

“Дод испоҳсолар бек учун бу китобни  
Яратдим, дунёда оти қолсин деб” (YugC.7,11–8,1).

Асар муаллифини *kitāp idisi*, яъни “китоб эгаси” дейилган. Масалан, “Кутадгу билиг”да: *Kitāp idisi sözləmisiškä öz 'uzrīn qulur.* – “Китоб эгаси сўзлаганига ўз узрини сўрайди” (QBН.18,2).

Ўрта асрларда *kitābat* (<араб. كتابة) атамаси ҳам ишлатилган. Заҳириддин Мухаммад Бобур Навоий билан бўлган ёзишмасини, хатини ана шундай атаган. Мана ўша ёзганлари: *Bu ikkinči navbat Samarcandnī alyanda, 'Alšer-beg tirig edi. Bir navbat mejā kitābat ham kelip edi. Men ham bir kitābat yibarip edim, arqasida türkī bayt aytip, bitip yibarip edim. Javāp kelgünčä, tafriqa-vu γανγᾶ boldi* (BN.78).

Ислом давридан бошлиб “хат, ёзув” маъносида *bitig* билан бир қаторда *xaṭ* (<араб. خط) сўзи ҳам ишлатила бошлади. Масалан, “Кутадгу билиг”да:

*Bitigdä xaṭ uz bolsa, ačlur köňül,*  
*Oqïyu kelir baqsa, awnur köňül. –*

“Мактубнинг ҳағи чиройли бўлса, қўнгил очилади,  
Боқса, ўқигиси келади, қўнгил қувонади” (QBН.101a,7).

Демак, ёзма манбаларда китобат атамаларининг кенг ишлатилгани китобшунослик фани шаклланиб, такомил босқичига етишганидан дарак беради.

### *Сўрек ва топшириқлар*

*Манбашунослик, матншунослик атамаларининг маъносини тушунтириб беринг.*

Машқ дарсида “Матншунослик ва манбашунослик асослари” фанининг максад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб беринг.

Матншунос ва манбашунос олдида турган масъулиятли вазифалар нималардан иборат?

*Китоб тархи, китобат иши, китобшунослик атамаларининг маъноларини бир-биридан фарклаб беринг.*

Уйда ёки кутубхонада ўқитувчи тавсия этган китоблардан манбашунослик ва матншунослик соҳасига тегишли билимларни ўқиб ўзлаштиринг. Ўзингизга керакли даражада конспект тузинг.

## **ИЛК БЎЛИМ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ЁЗУВ МАДАНИЯТИ ТАРИХИ**

*Таянч сўз ва бирикмалар: ёзув, графема, ёзув маданияти, ёзув турлари, алифбо, алифбо тизими; графемика, палеография, эпиграфика, нумизматика.*

**Эътибор қаратиладиган масалалар:**

Ўрта Осиёда ёзувнинг пайдо бўлиши, ёзувнинг илк намуналари.

Ёзув маданиятининг такомили ва тарихий босқичлари.

Ёзув турлари. Фонетик ёзувлар: унинг илдизлари.

Исломгача бўлган даврларда Ўрта ва Марказий Осиёда кўлланган ёзувлар тизими.

Қадимги алифболарда сакланган ёзма ёдгорликлар.

Араб ёзуви ва унинг Ўрта Осиёга кириб келиши. Араб хатининг Ўрта Осиё халқлари ёзув маданияти тарихида тутган ўрни.

Тилшуносликда *графема* атамаси бор, гарб тилларидан ўзлашган. Бу “ҳарф, ёзув белгиси” дегани.

Тилшуносликнинг ёзув тарихи, унинг келиб чиқиши ва такомили, белги ва товуш муносабатлари сингари назарий масалаларни ўрганувчи бўлими *графемика* дейилади.

Графемиканинг ёзув кўринишлари, хат санъати билан боғлиқ бўлган ички йўналишлари ҳам бор. Ҳарф кўринишлари, уларнинг шаклий тараққиётини ўрганувчи соҳа *палеография* дейилади.

Ўтмишдан қолган кабртош ёзувлари, ёғоч ёки сопол буюмлар, тошларга битилган ёзувлар, деворий хатларни ўрганувчи соҳа *эпиграфика*, тангалардаги ёзувларни ўрганувчи соҳа эса *нумизматика* деб аталади.

Тилшуносликда, историография ва маданиятшуносликда ёзув тарихи, ёзув маданияти деган тушунчалар ҳам бор. Ёзув китобат санъатининг материали сифатида кишилик тафаккури, халқ маданиятининг даражасини белгилайди. Бироқ у киши нутқининг белгилар ёрдамида ифодаланишидир. Шунинг учун у тилшуносликда ўрганилади.

Ёзув кишилик тарихининг буюк ихтиrolаридан биридир. У жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта ўрин тутади. Ёзув замонлар ва маконлар узра ахборот тизимини яратиб, кишиликтининг ҳаётий тажрибаларини, адабий ва илмий меросини

авлоддан-авлодга етказиб келди; маънавият ва тафаккур тараққиётининг узлуксизлигига, давлат ва жамият бошқарувига, адабий тил меъёрларининг бир қолипда амал қилиши ҳамда ёзма услубларниңг такомилига хизмат қилиб келди. Шу билан у кишилик цивилизациясини таъминлаб берди.

Кишилик тарихида ёзув амалиётини пиктографик, идеографик, бўғин ёзувлари бошлаб берди. Алифболи (фонетик) ёзувлар тарихи, табиийки, инсон ўз нутқидаги товушларни фарқлай бошлаган, лингвистик билимлар анча такомиллашган даврларга тўғри келади. *Алифболи* (ёки фонетик) ёзув нутқ товушлари билан ёзув белгилари мослиги асосига қурилган, ёзувда нутқ товушларини акс эттирувчи ёзувдир.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, туркий халқларниңг ёзув маданияти тарихида қатор, ҳар қайсиси ўзича такомил босқичига эришган бутун бошли ёзувлар тизими амал қилган.

Ер юзида тарқалган ҳозирги фонетик ёзувларниңг илдизи бир. Илк фонетик алифбони канъонийлар (финикийлар) ўйлаб топган эдилар. Улар ўз тилидаги ундошлар тизимига таянган ҳолда 22 белгили алифбони яратдилар. Ушбу хат фанда *финикий* (ёки канъоний) ёзуви номи билан юритилади. Фонетик ёзувлар ўша канъоний алифбосидан келиб чиқкан. Бу тизим қадимги юнон алифбоси воситасида Европага, оромий ёзуви воситасида эса Олд Осиё, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёга ёйилди.

Мелоддан бурунги VI юзийиллиқда Мисрдан Марказий Осиёгача бўлган минтакада ахмонийлар сулоласи ҳукумронлик қилган. Бу сулола даврида давлат ишларида оромий хати амал килди. Ўша кезлар Ўрта Осиё ҳам Ахмонийлар давлатининг қўл остида бўлгани учун, маҳкама ва хўжалик фаолиятида оромий ёзуви ва тили ишлатилган.

Ахмонийларниңг инқирозидан сўнг, ерли халқлар давлат ишларини ўз кўлларига ола бошладилар. Бунинг оқибатида миллий тилларниңг ҳам мавқеи кўтарилиди. Мелоддан бурунги V-IV юзийилликлардан ажждодларимиз оромий алифбоси асосида ўз тилларига мос бўлган ёзувларни яратга бошладилар. Бошлаб хоразм, сугд, парфиёний, бохтарий, авестў ёзувлари юзага келди. Кейинчалик бу шажара уйғур, моний алифболари билан бойиди. Бироқ бу ёзувларниңг ilk босқичларига оид ёдгорликлар жуда оз сақланган. Бу тупроқлардан чиқкан археологик топилмаларга

қараганда, Ўрта Осиё халқлари қўллаган айрим ёзувларнинг тарихи 2500 йилни бўйлади.

Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маънавий-маданий юксалиши, давлатчилик тарихи, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг юзага келиши, диний қараашлари, уларнинг қўшни шарқ халқлари билан кечган маданий муносабатларига боғлиқ ҳолда ёзув маданиятида ўзгаришлар юз берган. Баъзи ёзувлар халқнинг маданий, ижтимоий-сиёсий юксалиши, давлат ва жамият бошқарувининг тараккёти оқибатида юзага келган бўлса, бошқа бирлари қўпроқ диний таъсирлар ёки бу тупрокларда яшаган халқларнинг қўшни халқлар билан бўлган маданий, иқтисодий, савдо алоқалари натижасида қабул қилинган. Масалан, қадимги турқлар моний, браҳми, сурёний ёзувларини қўшни халқлар билан кечган диний муносабатлар туфайли қабул қилганлар. Туркий жамоаларда монийлик, буддизм, насронийликнинг ёйилиши ушбу ёзувларнинг ҳам қабул қилинувига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам моний ёзувини фақат турк-моний жамоалари, браҳми хатини турк-буддистлар, сурёний хати негизида яратилган эстронгелони эса турк-насронийлар қўллаган. Уйғур хати эса буткул ўзга бир маданий, иқтисодий муносабатлар туфайли шаклланди; туркий халқлар уни оромий ёзуби негизида яратди. Бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан араб ёзувига ўтилди.

Суѓлар эса миллий суѓд хати, моний ёзувларидан фойдаланди. Қадимги хоразм тили учун хоразм ёзуби, кейинчалик араб алифбоси ишлатилган.

Куйида Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихи, улар томонидан ўтмишда кенг ишлатилган ёзувлар тўғрисида сўз юритамиз.

### Кўк турк ёзуби

Қадимги туркий битигларда Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари даврида (VI–VIII юзийлликлар) яшаган туркий халқлар “кўк турклар” (*kök türklär*) деб аталган. Бу атамадаги “кўк” сифати “ранг” (кўк, зангори ранг) маънодида эмас, у “илдиз, асл, туб” англамида дадир. Битиглардаги отидан келиб чиқиб, ҳозирги замон туркшунослигинда қадимги турк давлатларини “кўк турк

хоқонликлари”, улар қўллаган ёзувни “кўк турк алифбоси” деб аталмоқда.

Фанда ушбу туркий ёзув “урхун-енисей ёзуви”, “туркий рун ёзуви” деб ҳам юритилаётир. Лекин ушбу атамалар тарихий эмас, балки кўхна туркий ёзувнинг бугунги номлари саналади.

Кўк турк ёзуви туркларнинг энг эски, тахминларга кўра мелоддан бурунги даврларда ота-боболари томонидан яратилган ўз ёзуви эди. Ушбу алифбо туркий муҳитда қашф этилган, шунинг учун унда туркийнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатга олинган.

Таъкидлаш керакки, кўк турк алифбосининг тизими ва ёзув принциплари тамоман ўзига хос.

Яна бир хусусияти, кўк турк хатида айрим идеографик белгиларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчиларнинг эътирофича, <у> ҳарфининг генезиси *ay*, яъни “ой” сўзи билан боғлиқ. Ойнинг кўринишини назарда тутиб, ушбу ҳарфни яратганлар, дея фараз қилиш мумкин. Чунки ёзувда *ay* сўзи ой шаклидаги D ҳарфи билан ёзилади. Шунинг сингари, T <*r*> ҳарфи *er* (киши) кўриниши, ↓ <*oq*> ҳарфи “ўқ”нинг кўриниши, ♀ <*e*> эса “том”нинг кўриниши асосида шаклланган, чамаси.

Мухими, ёзувда қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик хусусиятлари тўлиқ инобатга олинган эди. Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичида ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди.

Туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бирйўла эмас, аста-секинлик билан, юзийиллар давомида, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан узвий холда ривож топганидан далолат бермоқда.

Бизгача сақланиб қолган урхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг ilk босқичига оид эмас, балки мазкур обидалар ёзувнинг такомиллашган босқичида яратилган. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да эскироқ.

Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган, деб ҳам чамаламоқдалар. Лекин сўнгги ўйнилларда топилаётган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинligини кўрсатмоқда. Жумладан, Алмати яқинидаги Иссиқ қўргонидан, Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги кент харобаларидан чиқкан

битиглар бунинг далилидир. Қадимги туркий ёзув маданиятини тадрижий жараён сифатида яхлит талқин этмоқ учун ушбу топилмалар устида яна чукур тадкиқотлар бажарилмоғи лозим.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган әдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган, деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув, асосан, кўк турк хоқонликлари даврида Енисей ва Урхун теварагида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Шарқий Туркистонга қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий тевараги бўйлаб Шаркий Европагача бўлган улкан ҳудуддан топилган ва топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу тупроқларда ёзув маданиятининг ғоят равнақ топганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил. Уларни палеографик жиҳатдан бир гурухга бириктириб бўлмайди. Ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айрим белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради.

Қадимги турк ўлкаларидан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг ўзаро фарқли эканлигидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тупроғидан топилаётган илк ўрта асрларга тегишли обидалар бу ерлар ҳам ўтмишда қўхна турк ёзувининг маданий ўчоқларидан бири ўтганидан далолат бермоқда.

**Алифбо тизими.** Кўк турк ёзувида унлилар тўртта ҳарф ёрдамида ифода этилган: І ҳарфи [a]–[ä]~[e], Й ҳарфи [i]–[i]~[e], Ў ҳарфи [o]–[u], Ў ҳарфи [ö]–[ü] товушларини ифода этган. Енисей битигларида Й ҳарфи ҳам ишлатилган. Бу белги [e] фонемасини англаттган.

Муҳим белгиларидан бири, кўк турк хатида унлилар, асосан, биринчи бўғинда ёзилади, сингармонизм қонунига кўра кейинги бўғинда келувчи унлилар ёзилмайди, лекин ўрнига қўйиб ўқилади.

Ундошларни ифодаловчи ҳарфлар учта гурухга бўлинади:

(1) Ёзуда ундошларнинг йўғон ва ингичка эш(вариант)ларини фарқламайдиган ҳарфлар. Булар:

Белгиси Англатган  
томуши

Ч	<i>z</i>
Х	<i>m</i>
Ү	<i>y</i>
І	<i>p</i>
Л	<i>c</i>
Ү	<i>s</i>
Ә	<i>ñ</i>

(2) Ёзувда ундошларнинг фонетик жуфтини билдирадиган ҳарфлар:

Белгиси	Англатган	Белгиси	Англатган
томуши		томуши	томуши
Ԃ	<i>b</i>	Ҳ	<i>b'</i>
Ӯ	<i>v</i>	Ҕ	<i>g</i>
ө	<i>d</i>	Ҳ	<i>d'</i>
҆	<i>y</i>	Ҕ	<i>y'</i>
↓ Ӣ Ӣ	<i>q</i>	Ӣ Ӣ Ҕ	<i>k</i>
Ӣ	<i>l</i>	Ӣ	<i>l'</i>
Ӣ	<i>n</i>	Ӣ	<i>n'</i>
Ҕ	<i>r</i>	Ӣ	<i>r'</i>
Ҋ	<i>s</i>	Ӣ	<i>s'</i>
Ӣ	<i>t</i>	Ӣ	<i>t'</i>

(3) Ёнма-ён келган қўш ундошларни билдирадиган ҳарфлар:

Белгиси	Англатган
томуши	
Ӣ	<i>lt</i>
Ӣ	<i>nt</i>
Ӣ	<i>nc</i>
Ӣ	<i>rt</i>

Кўк турк ёзуви қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик, морфонологик хусусиятларига мослашган эди. Буни ёзувнинг туркий сингармонизм (унлилар уйғулуги) конунига бўйсунганилигига яккол кузатиш мумкин. Ёзув белгилари сўзнинг фонетик-фонологик табиатини англатиб туради.

Баъзи ундошлар қандай унли билан ёндош келаётгани, бўгиннинг ҳолатидан келиб чиқиб, турли ҳарфлар ёрдамида ифода этилган. Битигларда жарангиз [q] ундоши -*iq*, -*qi* морфонологик ҳолатида ▶ ҳарфи билан, -*aq*, -*qa* ҳолатида й ҳарфи билан, -*iq*, -*oq*, -*qu*, -*qo* ҳолатида эса ↓ ҳарфи билан ёзилади. Масалан, *qiz* сўзи ▶ ҳарфи билан ёзилади: №1; *Toqiqiq* сўзи ↓ ҳарфи билан ёзилади: ↓↓3>8. Айни ҳодисани [k] товушининг ифодасида ҳам кузатамиз. Бу товушнинг бўгиннинг фонетик ҳолати билан боғлиқ ҳолдаги й Յ Ҳ ҳарфлари бор.

**Ёзма ёдгорликлари.** Кунимизгача сақланган кўк турк ёзув ёдгорликлари Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари, уйғур хоқонлиги даврларига тегишлидир. Улар Мўгулистандан, Олтой ўлкаси ҳамда Енисей дарёси теварагидан, Шарқий Туркистондан, Талас ва Фарғона водийларидан, шунингдек, Шарқий Европада Дунай атрофларидан топилган. Бу эса қадимги турк ёзувининг ана шу кенг худудда амал килганидан дарак беради. Ёзувлар қабр тошлари, қоялар, сопол ва металл буюмлар ва таёқчаларга битилган. Ёдгорликлар орасида қоғозга битилганлари ҳам бор.

Кўк турк битигларининг энг йириклари Мўгулистандаги Урхун дарёсининг теварагидан топилган. Бир пайтлар бу ерлар турк хоқонликларининг маданий марказлари эди. Турк хоқонликларининг пойтахти, йирик шаҳарлари ўша ерларда бўлган, шаҳарсозлик гуллаб-яшнаган. Ҳозир ўша шаҳарларнинг харобалари қолган, холос. У ердан топилган битиглар кўк турк ва уйғур хоқонликлари даврида ўтган хоқонлар, саркарда ва йирик амалдорлар шарафига тикланган. Ушбу обидалар фанда “урхун битиглари” номи билан юритилмоқда.

Урхун битигларининг эскилари Иккинчи кўк турк хоқонлиги замонига тегишли. Ўша кезлар яшаб ўтган давлат арбоби ва саркарда Тўнюқуққа қўйилган битигтош, Элтариш хоқоннинг кичик ўғли Кул тигин (=Кўл тигин) хотирасига унинг оғаси Билга хоқон томонидан 732 йили ўрнатилган ёдгорлик, Элтаришнинг тўнгич ўғли Билга хоқон (=хитой манбаларида Мўгилан деб аталган) шарафига 735 йили тикланган мангуттош, VIII юзийилликнинг биринчи ярмида (чамаси, 732 йили) саркарда Алп

Элэтмиш хотирасига тикланган Ўнгир битиги, айни хоқонлиқ даврига мансуб Кули-чўр битиги шулар жумласидан.

Матн тузилиши жихатидан Кул тигин ва Билга хоқон битиглари алоҳида ажралиб туради. Иккала битигнинг муаллифи адаб ва муаррих Йўллуғ тигиндир. У Билга хоқоннинг ўғли эди. Отига “тигин” сўзининг қўшиб айтилиши ҳам шундан, “тигин” – қадимги туркий тилда “шаҳзода” дегани.

Туркий адабиёт ва тарихнавислиги тарихида Йўллуғ тигиннинг иккита асари таниқли. Асарлардан бири Билга хоқоннинг иниси, Йўллуғнинг амакиси Кул тигин шарафига, иккинчиси Билга хоқон шарафига битилиб, уларнинг қабртошига ёздирилган. Битиглар фанда ёдгорлик аталган кишиларнинг оти билан юритилмоқда. Кул тигин битиги 732 йили, Билга хоқонга бағишланганни 735 йили тикланган.

Эътиборлиси, Кул тигин қабртошидаги ёзув икки тилда: асосий матн туркий тилда. Терс юзида хитойча матни ҳам бор.

Ушбу тарихий асарлар ўзининг баён услуби, тили билан бадиий асар даражасида. Муаллиф матнни битищда турли бадиий воситалардан фойдаланган; унда оғзаки ва ёзма адабиётнинг анъаналари умумлашган. Мухими, адаб бу таърифлар баёнида туркий тилнинг бор бадиий-услубий имкониятлари, бойлигини ишга солган. Бу асарларни қадимги турк адабиёти ва адабий тилининг энг ажойиб ёдгорликлари дейиш мумкин.

Олтой ўлкаси ва Енисей теварагидан топилган кўк турк ёзувидағи ёдгорликлар фанда “енисей битиглари” деб аталмоқда. Уларнинг сони жуда кўп. Лекин урхун битиглари сингари катта-катта матнлар эмас; йириклари 15–16 қаторли. Битиглар қабр тошларига, қояларга битилган.

Мўгулистондан топилган кўк турк ёзувили битигларнинг муайян қисми уйғур хоқонлиғи даврига тегишли. Улардан айримлари қадимий Қорабалғасун харабаларидан чиқкан. Қорабалғасун обидалари уйғур хоқонлиғи давридан қолган йирик ва ўта қадрли тарихий монументал ёдгорликлардир. Улар асл ҳолатида сақланган эмас. Мангутошлардан бўлаклар қолган, холос.

Буларнинг ичида 1- Қорабалғасун битиги эътиборни ўзига тортади. У катта бир тош парчасида. Ёдгорлик гўзал бир кўринишда, бироқ анча шикаст еган. Эътиборлиси, ёдгорликнинг

уст қисмига бир тасвир ишланган. Мангутошни ўрганган олимлар уни икки аждар тасвири, дея талқин этмоқдалар. Аммо синчиклаб разм соглан киши, тасвирда аждарни эмас, ўз ўлжасини еяётган арслонни кўради. Ҳаркалай, ёдгорликдаги тасвир арслон экани тайин. Сабаби, қадимги турк фалсафасида арслон – жасурлик рамзи. Аждар тимсоли эса хитой фалсафасига хос.

Остидаги қалқонга кўк турк ҳарфлари билан беш қаторли туркий матн битилган. Матннинг ўқилиши шундай: *[B]u teþrikän teþridä q[u]t bulniš al[p] bilgä teñ[r]i iuuyur q[ay]an* ... – “Бу художўй Тангрининг қутига [иноятига] эришган Алп Билга уйғур хоқони ...”

З-Қорабалғасун битиги кўп йилдан бўён олимлар эътиборини қозониб келмоқда. Бунинг боиси, обиданинг уч тил – туркий, сугдча ва хитой тилида битилганлиги, шунчигдек, унинг уйғур хоқонлиғи тарихининг мухим ёдгорлиги эканлигига. Ёдгорликнинг хитойча матнида ёзилувига караганда, мангутош тўкуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга (хитой манбаларида Баои) хотирасига 820–821 йилларда тикланган.

Ёдгорлик ҳозир парчаланган ҳолда. Тош сиртидаги ёзувнинг ҳам ози қолган. Бошқаларига қарагандан хитойча матннинг катта бўллаги мавжуд. Ёдгорликдаги суғдча матннинг ҳозирги туриши ҳам нисбатан яхши. Буларнинг ичидаги энг ёмон сақлангани туркий матнидир. Чунончи, тошнинг юзи анча емирилган бўлиб, матндан узук-юлук жумлалар, айрим сўз ва ҳарфлар қолган, холос.

Кўк турк хатидаги яна бир ёдгорлик фанда Сужа битиги номини олган. Битиг Мўгулистондаги Сужа довонининг жанубидан топилгани учун шундай аталади. У, тахминларга кўра, IX юзийилликда ёзилган.

Кўк турк ёзувида битилган ва бизгача бутун ҳолда етиб келган ягона китоб “Ирқ битиги”дир. Қадимги туркийда *irq* – “фол”, *irq bitig* – “фол китоби” деган маънони англатади. Асар қўллэзмаси ҳозир Англияда Британия кутубхонасидағи С.А. Стейн коллекциясида (British Library, Or.8212/161) сақланмоқда.

## Авестў ёзуви

Авестў хати қадимги авестў тилининг ёзвидир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авестў” ана шу ёзувда.

Ушбу ёзувдаги якка-ёлғиз ёдгорлик ҳам шунинг ўзиdir. Мазкур диний асарнинг тили фанда *авестў тили*, китобнинг хати эса *авестў ёзуvi* деб юритилмоқда.

Баъзи мутахассислар авестў ёзуви ва тили фақат “Авестў” китоби учун яратилган деб қарайдилар. Аслида бундай эмас. Авестў тили ва ёзуви қачонлардир зардушт жамоалари орасида кенг амал қилган. Кейинчалик бу тил истеъмолдан чиқиб, ўлик тилга айланган. Шунинг билан бирга, ёзув ҳам қўлланилмай қўйган. Лекин китобий тил (*авестў тили*) дин тили сифатида сакланиб қолаверган.

### **Қадимги хоразм ёзуви**

Хоразм ёзуви қадимги хоразм тили учун амал қилган. Фанда “қадимги хоразм тили” деб аталаётган тил ўрганча эроний тиллар туркумига мансуб бўлиб, мелоднинг XII–XIII юзийилларига қадар, асосан, Хоразмда амал қилган эди, кейин ўлик тилга айланди.

Қадимги хоразм тили ёдгорликлари жуда оз. Уларнинг энг эскилари Хоразмда олиб борилган археологик қазишмалар чоғида чиққан. Ушбу ёзув ёдгорликлари сополакларга битилган бўлиб, хати хоразм алифбосида.

Қадимги хоразм тилига мансуб айрим манбалар араб хатида. Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг “Осору-л-боқийя” асарида қадимги хоразм глоссалари берилган. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг энг эски қўлёзмаларидан бирида ҳам қадимги хоразмча сўзлик келтирилган. Қадимги хоразм тилидаги манбалар оз бўлишига қарамай, улар асосида қадимги хоразм тилининг кисқа грамматикаси ишлаб чиқилди.

### **Суғд ёзуви**

Зарафшоннинг юқори окимларидан бошлаб Қашқадарё водийси эскида Суғд ерлари эди. Бу ўлқача сүѓилар яшаган. Ёзма манбаларда улар *soyd-suyd*, туркий битилиларда эса *soydaq* номи билан юритилади. Суғдларнинг ўз тили, милий ёзуви бўлган.

Сүғд ёзуви (*бұ ёзув тұғрисида кенгроқ маълумот олиши учун қаранғ*: Исхоков 1989; 2008) мелоддан аввалги III юзийлликта оромий хати негизида шаклланган бўлиб, мелоднинг XI юзийллигига қадар сүғдларнинг миллий ёзуви сифатида амал килган. Узоқ тарихий биродарлик таъсирида туркий халқлар учун ҳам хизмат қила бошлаган. Туркий-уйғур ёзуви ҳам ана шу хат негизида шакллангани маълум.

Сүғд тилининг секин-аста ўлук тилга айлана бориши ва истеъмолдан чикиши билан баробар ёзув ҳам унугтилган.

Сүғд ёзма ёдгорликлари бошлиб қадимги Сүғддан узоқ ўлкалардан – ҳозирги Мұғалистандаги Урхун дарёси яқинидан, кейинчалик Шаркий Туркистаннинг Турфон воҳасидаги қатор қишлоқ ва кентлардан топилган эди. Бундан ташқари, Дунхуан яқинидаги кўхна қалъа деворининг харобасидан ҳам сүғдча кўлёзмалар чиқкан. Сүғдларнинг қадим замонлардан шаркий ўлкаларга кўчиб кетиши, кейинчалик уларнинг халқаро савдо алоқаларида фаол аралашуви туфайли карвон йўлларида сүғд қишлоқлари пайдо бўлган. Мазкур топилмалар ҳам ўша қишлоқларда яшаган, савдо ишлари билан юрган сүғдлардан қолган.

Шундай қилиб, сүғдлар ўша кезлар Марказий Осиё бўйлаб халқаро савдо ва маданий алоқаларнинг таъминловчилари бўлган эди. Уларнинг ўзи ҳам маънавий-маданий камолот йўлида кўпгина халқлар эришган ютуқлардан баҳраманд бўлди. Сүғдлар Марказий Осиё халқлари ёзув маданиятига катта ҳисса қўшди: мелоднинг бошларида сүғд хатидан уйғур хати, уйғур хатидан эса XIII юзийлликка келиб мўғул, унинг асосида манжур ёзуви шаклланди.

Бизгача сақланиб қолган сүғд ёзма ёдгорликлари ниҳоятда кўп: улар шахсий хатлар, хўжалик ишларига оид, дипломатик ва хуқуқий хужжатлар, диний-ахлоқий асарлар, мақбара ёзувлари ва бошқа турдаги адабий асар узиндиларидан иборат. Улар орасида диний-ахлоқий мазмундаги асарлар алоҳида ўрин тутади. Мазкур ёдгорликларни уч гурухга бўлиш мумкин: сүғд-будда, сүғд-моний ва сүғд-насроний асарлари.

Сүғдлар томонидан каşф этилган ёзув фанда “миллий сүғд алифбоси” деб аталади. Миллий сүғд алифбоси мелоддан бурунги I мингйилликнинг иккинчи ярмида оромий хатини сүғд тилига

мослаштириб қўллаш натижасида шаклланиб, кейинчалик мустақил тараққиёт йўлига кўчган.

Суғдларда фонетик ёзувнинг пайдо бўлиши сугд тили адабий меъёрларининг шаклланиши билан баробар кечган. Дастлаб қисқа хўжалик ёзувлари, тангаларда, расмий ишларда қўлланган ёзув аста-секин тилнинг грамматик меъёрларини ҳам шакллантира борди.

Суғд миллий ёзувининг энг эски намуналари бизгача мелоднинг бошларига мансуб кумуш тангаларда етиб келган. Улардан-да эски ёдгорликлар топилганича йўқ. Ваҳоланки, суғдлар ҳам алифбони хоразмийлар ва парфиёnlар билан бир кезда ўзлаштирган эди.

**Алифбо тизими.** Суғд миллий алифбоси бошлаб оромий хатининг барча белгиларидан фойдаланган. У йигирма икки ҳарфдан иборат бўлиб, ҳаммаси суғдча матнларда ишлатилган.

Дастилаб оромий тилида иш юритувчи маҳкамалар анъанаси асосида суғд матнларида ҳам парфиёний матнлардаги каби гетерограммалар оромийча ёзилиб, грамматик кўшимчалари суғдча бўлган кўплаб сўзлар бор эди. Ўзаги оромийча бўлган бундай сўзларни ёзувда акс эттириш учун оромий алифбосининг ҳамма белгиларидан фойдаланилган. Лекин кейинчалик кўпгина гетерограммаларнинг маъноси унудилиб, уларнинг ўрнига туб суғдча сўзлар қўллана бошлади ва суғд матнларида гетерограммалар сони кескин камайиб кетди. Окибатда оромий алифбосининг суғд тили фонетик тизими учун бегона товушларни ифодалайдиган тўрт белгиси қўлланилмай қўйди. Шундай килиб, миллий суғд ёзувининг такомиллашган босқичида (VII–X юзийликларда амал қилган ёзувда) оромий алифбосида бўлгани сингари 22 та эмас, 18 белгидан фойдаланилган. Кетма-кетлиги шундай: *a, b, γ, h, w, z, y, k, δ, l, m, n, s, p, č, r, š, t*.

## Уйғур ёзуви

Туркий халқлар ўтмишда кенг қўллаган алифболардан бири уйғур ёзувиdir.

Хозир фанда “уйғур ёзуви”, “уйғур лати” деб аталаётган ёзувни Махмуд Кошғарий “туркча ёзув” (*kitābatu-t-turkiyya* ҳамда *xaṭṭu-t-turkiyya*) деган. У ўзининг “Девону лугати-т-турк” асарида

туркий халқларнинг ушбу миллий ёзуви тұғрисида көң маълумот беріб, унинг алифбосини ҳам келтирған (МК.3b–4b, 102b). Олимнинг туркий ёзув ҳақидаги маълумоти ва унинг алифбоси ўта мұхим аҳамиятга эга. Ўтмишдан бундан бошқа ҳам уйгур алифболари етиб келган. Лекин уларнинг ҳеч бири Кошғарий алифбосига ва у келтирған маълумотта тенглаша олмайди.

Махмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта. Муаллиф алифбода ҳарфларнинг бош шаклини күрсатып, тағида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини (транслитерациясина) беради (МК.3b). Уйғур ҳарфларининг вазифаси тағидаги ана шу изоҳларга қараб тушунилади.

Кошғарий алифбосида ҳарфлар кетма-кетлиги күйидагича: *a, w, x, v, z, q, y, k, δ, m, n, s, b, ġ, r, š, t, l*.

Олимнинг таъкидлашича, тилнинг товуш тизими шунинг билан чекланмайды; туркий тиілде ишлатыладыган еттита товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмас. Булар: *p, ž* (сирғалувчи), *y, g, η* ҳамда *č, w* лардир. Ушбу товушлар юкорида күрсатылған ҳарфлар воситасида ифода этилған ёки улар сингари ифодаланиб, құшымча белгилар билан фарқланған. Ушбу маълумотдан уйғур хатида қүйидаги товушлар бир хил ифода этилғанлығы аён бўлади: *k–g, x–y, č–j–ž, w–f*. Сонор *η* эса ёзувда икки ҳарф (*n+k*) билан берилған.

Кошғарий туркий алифбо ҳарфларининг отини ҳам эслатади: ҳарфларнинг оти, улар ифодалаган товушга *faiħa* қўшиб ҳосил қилинған: *a, wa, xa, va, za, qa, ya, kä, da, ta, na, sa, ba, ča, ra, ša, ta, la*. Бу кетма-кетликни эсда сақлаш учун улар учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaxa, vazaqa, yakäda, manasa, bačara, šatala* тарзида ўқилған. Бу шакилар китобда алифбо ва унинг изоҳларидан кейин алоҳида-алоҳида қилиб берилған.

Муаллифнинг ёзишига кўра, “Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, Кошғардан Юқори Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилған” (МК.4b).

Махмуд Кошғарийнинг түлиқ ёзилиши тұғрисида тұхталиб, талаффузда ўрни йўқлигига қарамай (бунда қисқа унлилар назарда тутилмоқда – К.С.) *faiħa* ўрнида *alif, ɬammat* ўрнида *vāv, kasra* ўрнида *yā* ёзиш коида эканлигини таъкидлайди.

У мисол тариқасида айрим сўзларнинг уйғур ва араб ёзувларида ёзилиш тартибини ҳам берган. Араб хатида – كەلەن KeLiN, уйғур хатида – كەلەن KELİN; араб хатида – تەپنەن TaPaN, уйғур хатида – تەپنەن TAPAN (тую товони) (МК.102б).

Бошқа бир ўринда Махмуд Кошгариј уйғурларнинг тили ва ёзуви ҳакида сўз юрита туриб, ёзади: “Уйғурларнинг тили туркчадир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир тиллари ҳам бор. Ёзувда китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарфли туркча ёзувни қўлловчилик, хатларини шу ёзув билан ёзадилар. Уйғурларнинг ҳам, синликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. Синликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар”.

Манбаларда уйғур хатининг *türkçä xaṭ* деган оти ҳам бор. Алишер Навоий Ҳусайн Бойкаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиш учун қулай ё қийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, уйғур хатини ҳам эслайди; уни *türkçä xaṭ* дея тилга олади. Навоий ёзади: *Yana ul-kim, har türlüg 'arzadäšt-kim, uygari bitilsä, nasxta 'liq xaṭi bilä andaq xānä bitilsä-kim, oqurda oqur kişigä taşviš tegmäsä, türkçä xaṭ bilä xud aslā bitilmäsäki, bu bābda dayi qavle bar* (Mun.794a.3–4).

Ушбу туркий ёзув ёзма манбаларда “уйғур хати” деб ҳам аталган. Жумладан, форсча манбаларда у *xaṭ-i uygūrī* дея қайд этилган. XIII юзийликида яшаб ижод этган форсигўй шоирлардан бири Пури Баҳои Жоми ўз қасидаларидан бирида уни ана шундай атаган (Sertkaya 1977,19). Шеърининг уйғур хати тилга олинган байти шундай:

*Kāmān turraxāi tu čūn kilki baxšiyān,  
Kardan mašq barrūhi tu xaṭ-i uygūrī.*

Мазмуни:

“Сенинг кокилларинг баҳшиларнинг қалами кабидир,  
Юзингда гўё уйғур хатини машқ қилдилар”.

Арабча манбаларда арабий изофа билан *xaṭtu-l-uyğūriyya* дейилган. Машхур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзизининг “Ажоибу-л-

мақдур фи навоиби Таймур” деб аталган китобида уни “уйгур хати” дея тилга олган ва бу ёзувнинг тарихи тўғрисида яхши маълумот келтирган (Қохира миллий кутубхонасида сақланаётган 3543- кўрсаткичли кўлёзма, 186a–187a- бетлар).

Р.Р. Аратнинг маълумотига кўра, Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланаётган “Хибату-л-ҳақойик”нинг Е нусхаси киритилган кўлёзмада уйгур алифбоси келтирилган (Arat 1992,34–35; CLXIX).

Алифбодан олдин шундай жумла бор: *fi xāṭu-l-iyyūr alāna niqāl moyūlī va ḥurūfihā 16 ḥarfān mubniya 'ala-l-fath.*

Мазмуни: “Ҳозирда мўғулча деб аталадиган уйгур хатида ҳарфлар (сони) 16 та ва фатҳа асосига қурилган”.

Шундан сўнг 18 та уйгур ҳарфи келтирилиб, улар 16 хил араб ҳарфи билан изоҳлаб чиқилган.

Ҳозирда “уйгур хати” деб аталаётган эски туркий ёзув ўтмишда “мўғул хати” (*xāṭu-l-moyūliyya*) номи билан ҳам аталган. Жумладан, Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида сақланаётган 4757- кўрсаткичли Абдулраззок баҳши кўчиригган мажмуанинг биринчи бетига араб тилида бир қайд битилган бўлиб, унда мазкур мажмуа “мўғул хати” (*xāṭu-l-moyūlī*)да битилгани қайд этилган. Қайднинг мазмуни шундай: “Мўғул тилида мўғул хати билан тузилган ўғитлардан иборат рисолалар мажмуаси ҳамда мўғул тили ва мўғул хатидаги “Маҳзуну-л-асрор” китоби – уларнинг ҳар иккиси туркийдадир” (қаранг: Arat 1992,LXIII).

“Хибату-л-ҳақойик”нинг араб ёзувида битилган С кўлёзмасининг бошланишига Адиб Ахмад асарининг туб нусхаси ва мўғул хати (яни уйгур ёзуви) билан боғлиқ керакли бир маълумот ёзиб қўйилибди. Араб тилидаги ушбу қайднинг маъноси шундай: “Мўғулча “Хибату-л-ҳақойик” (китоби) насиҳат ва тасаввуфга багишлиланган. (Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир. Инжил ана шу (сурёний) хатда битилган” (қаранг: Arat 1992,CXVII). Ушбу кайдда “мўғулча “Хибату-л-ҳақойик” (китоби)” дейилганда, афтидан, асарнинг туб нусхаси мўғул (уйгур) хатида эканлиги, араб ёзувли ушбу нусха эса ўшандан кўчирилгани *куйи* ишлмоқда. “(Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир” деган жумлада уйгур ёзувининг сурёний ёзуви билан ўзакдош эканлигига ишора бор. Чунки сурёний ёзуви ҳам оромий ёзувидан ўсиб чиқкан.

## Алифбо тизими күйидагича:

T/k	Сүз охирида	Сүз ичида	Сүз бошида	Англатган тovуши
1	𠂇	𠂇	𠂇	a
2	𠂅	𠂅	𠂅	ā-e
3	𠂄	𠂄	𠂄	ī,i,e
4	𠂆	𠂆	𠂆	o,u
5	𠂈	𠂈	𠂈	ö, ü
6	𠂉	𠂉	𠂉	b,p
7	𠂈	𠂈	𠂈	w,v
8	𠂆	𠂆	𠂆	k,g
9	Ӯ	Ӯ	Ӯ	q
10	Ӱ	Ӱ	Ӱ	q,y,x
11	Ӳ	Ӳ	Ӳ	t,d
12	ӱ	ӱ	ӱ	d(~δ),t
13	ӵ	ӵ	ӵ	s,z
14	Ӷ	Ӷ	Ӷ	š
15	ӷ	ӷ	ӷ	z,s
16	Ӹ	Ӹ	Ӹ	ž
17	ӹ	ӹ	ӹ	y
18	ӻ	ӻ	ӻ	l
19	Ӵ	Ӵ	Ӵ	m
20	ӵ	ӵ	ӵ	n
21	Ӷ	Ӷ	Ӷ	ŋ
22	ӷ	ӷ	ӷ	r
23	Ӹ	Ӹ	Ӹ	č

**Ёзма ёдгорликлари.** Уйғур ёзувида битилган түркій ёдгорликларни замони ва маданий мұхитига күра қуидаги түркүмларга ажратыш мүмкін:

- (1) Тангриканлик иончи давридан қолган битиглар;  
(2) Буддизм мұхитида яратылған битиглар;  
(3) Мечійлик мұхитида яратылған битиглар;

- (4) Насронийлик мұхитида яратылған битиглар;
- (5) Ислом мұхитида яратылған битиглар.

“Ұғузхокон” достонининг энг эски варианти тангриканлық иноңчи давридан қолған. Асар құләзмаси ҳозир Париждаги Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Уйғур ёзуvinинг кенг оммалашуви түркій халқлар томонидан буддизм динининг қабул күтіниши ва унинг ёйилиши билан бөлік. Шунинг учун ҳам буддизм мұхитида яратылған асарлар ниҳоятда күп. Исломга қадар яратылған ёдгорликлар ичіда ҳам буддизм даврига тегишиллари салмокты үринни әгаллады. Бунга “Майтры симит нүм битиг”, “Олтун тусли ёруғ”, “Сюань-цзан кечмиши” ва бошқа күплаб будда ёдгорликтарини мисол келтириш мүмкін.

Монийлик мұхитида яратылған “Хуастуанифт”нинг Санкт-Петербург нусхаси, Тангрига, Монийга бағищланған алқовлар ва бошқа шеърий узиндилар маълум.

Насронийлик мұхитида яратылған битиглар унчалик күп эмас. Бири “Топинувчиларнинг дуолари” деб аталади.

Х юзийлликда қорахонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди. Шу қоғлардан бошлаб түркій мұхитта араб ёзуви ҳам үзлеше бошлади. Лекин араб хати эски уйғур ёзуви үрнини бутунлай әгаллаб олгани йўқ. Турк-ислом оламида XV юзийлликнинг охирларига қадар уйғур ва араб ёзувлари ёнма-ён ишлатылди. Шунинг учун ҳам бу даврларда яратылған асарларнинг құләзма нусхалари икки хил ёзууда. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”, Адіб Ахмад Юғнакийнинг “Хибату-л-хақойик”, Хоразмийнинг “Мұхаббатнома”, Хўжандийнинг “Лагофатнома” асарлари ва бошқа ёдгорликларнинг ҳам уйғур, ҳам араб ёзуви құләзмалари бор. Баъзи бир асарларнинг эса факат уйғур ёзуви нусхалари сақланған, холос.

**Темурийлар даври ёзув маданияти.** Ўзбек ёзув маданияти, китобатчилиги тарихида темурийлар даври ўзининг йұналиши, бойлиги, серкірралығы билан ажралып тұрады. Бу даврда ёзув маданияти, хаттолик санъати гуллаб-яшнади, китобат иши юқори босқичға құтарилди. Уни ўзбек ёзув маданияти ва китобат тарихининг классик босқичи дейиши мүмкін.

Мұхым жиҳати, темурийлар даври ёзув маданиятида ўтмиш анъаналарига, ота-боболардан қолған ёзувларга эътибор катта эди. Темурийлар давлатида тарихнавислик, бадий адабиёт, таълим ва фан соҳаси, давлат девонхоналари ва хўжалик ишларида, расмий-дипломатик муносабатларда икки хил ёзув – эски уйгур ва араб алифболари ишлатилган.

Туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида XIV–XV юзийилліклар қадимги туркий ёзувдан араб хатига ўтиш даври саналади. Шунга қарамай, бадий адабиёт, тарихнавислиқда, шу қаторда давлат ҳужжатчилик ишлари, халқаро дипломатик муносабатларда уйгур хатининг мавқеи юқори эди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор кўллаган ҳам темурийлардир. Темурбек ўз салтанатининг расмий ишларида, ички ҳамда ташки дипломатик муносабатларда, бадий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида ота-боболардан мерос қолған уйғур хатининг кенг амал қилишига ҳайрихохлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма адабий тилининг етакчи, бутун бир салтанатининг иш юритувчи расмий ёзувига айланди. Уйғур хати, араб хати билан баробар Темурийлар давлатининг расмий ёзуви эди.

Эски ўзбек адабий тили ёзма меъёрларининг тартибга тушувида, тил функционал услубларининг такомиллашуви, матн тузиш ва китобат ишининг янги бир босқичга эришуви, унинг гуллаб-яшнашида уйғур хатининг ўрни катта бўлганини алоҳида таъкидламоқ керак. Ушбу ёзув мумтоз ўзбек ёзма адабиётининг сара асарларини, темурийлар яратган тенгсиз обидаларни кунимизгача етказиб келди.

Олтин ўрда ҳамда Темурийлар давлатида уйғур хатининг кенг амал қилғанлиги тарих китобларида ҳам қайд этиб ўтилган. Машхур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажоибу-л-мақдур фи навоиби Таймур” деб аталган китобида уйғур хатининг тарихи тўғрисида яхши маълумот берган. Тарихчи ёзади: “Улар [чигатойликлар – К.С.] ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди, чунки бу [ёзув] уларда ризқ очқичидир” (Рустамов

1976,39–42). Ибн Арабшоҳ ушбу маълумотида “Улар ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, битим ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар” деганда давлат ишлари, халкаро дипломатик муносабатларда, тарихнависликда уйғур хатининг мавқеи юқори эканини кўзда тутган.

Ўша чоғлардан қолган туркий адабий асарларнинг кўлёзмалари уйғур ва араб ёзувларида. Ёдгорликларнинг эски, қадимий кўлёзмалари кўпроқ уйғур хатида битилган бўлса, кейинги даврларга тегишилари араб хатидадир.

Уйғур ёзуви кўлланилмай қўйгач, хон ва бекларнинг кутубхоналари демаганда, кенг улус қадимги туркий ёзувдаги китобларни сақлашга кўп-да уринмади. Шунинг учун ҳам уларнинг катта кисми йўқолиб кетган. Эҳтимол, темурийлар замонида яратилган асарларнинг кўпроқ кейинги, араб хати билан кўчирилган нусхаларигина сақланганлигининг сабаби ҳам шундандир? Уйғур ёзувли ёдгорликлар кўп бўлмаса-да, ўша даврнинг ёзув маданияти тўғрисида аниқ-таниқ хулоса чиқаришга имкон беради.

Ёзма манбаларга таянадиган бўлсак, Темурбек кўзи тириклигида ўз ёрлиқларини, муҳим битигларини уйғур хатида ёздирган. Ана шундай манбалардан бири ўз даврининг улуғ обидаси сифатида тарихда қолган. Бу Темурбекнинг Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаган чоғида тошга ёздирган битигидир (қаранг: Содиков 2016,142–144).

Ёзма манбаларда Темурбекнинг чет мамлакатларнинг хукумдорларига ҳам уйғур хатида мактублар йўллагани ҳақида маълумотлар бор.

XIV–XV асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда китобат санъати гуллаб-яшинади. Ўша кезлар Язд, Ҳирот, Самарқанд маданий марказларида уйғур хатида битувчи хаттотларнинг мактаблари юзага келди. Темурийлар бу ноёб касб эгаларига ғамхўрлик қилди, уйғур хати билан ёзувчи котиблар уларнинг оталиғида иш юритди. Чунончи, Ҳиротда кўчирилган уйғур ёзувли кўлёзмалар Шоҳрухнинг, Самарқандда Мирзозо Улугбекнинг, Яздда эса Мир Жалолиддин (Жалолиддин Мир Ҳакмоқ)нинг буйруғи ва оталиғи остида битилди.

Темурийлар замонида битилган бебаҳо ёзма обидаларнинг айримлари ва, аниқ айтиш мумкинки, энг нодирлари кунимизгача етиб келган. Ана шундай нодир кўлёзмалардан бири Юсуф Хос Ҳожиб ёзган “Қутадғу билиг” маснавийсининг уйгур ёзуви нусхасидир. Уни Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган.

“Қутадғу билиг”нинг Ҳирот мактабида кўчирилганлиги темурийлар замонида ўтмиш адиларининг асарларига эътибор катта бўлгани, шунингдек, қорахонийлар даври адабиёти, эски туркий адабий тил ва ёзув анъанасининг давом этганилигидан далолат беради.

Ҳиротда бахшичилик мактабининг йирик намояндадаридан яна бири Абу Малик бахшидир. Унинг қўлидан чиқсан нодир кўлёзма ҳозир Париждаги Франция Миллий кутубхонасида сакланиб турибди (*Suppl. Turc.*, 190). Бахши мазкур кўлёzmани ҳижрий 840 (=мелодий 1436–1437) йили кўчирган. Кўлёzmага икки йирик асар битилган бўлиб, иккови ҳам форсчадан таржима қилинган: биринчи асар – “Меържнома”, кейингиси эса Фаридиддин Аттор қаламига тегишли “Тазкирату-л-авлиё” асарининг туркий таржимасидир. Туркий версиясида асар “Тазкира-йи авлиё” деб берилган.

Кўлёzма ниҳоятда чиройли, ҳайратга тушади уни кўрган киши. “Меържнома”га жуда кўп миниатюралар ишланган.

“Тазкира-йи авлиё”нинг якунидаги тарихда: *Emdi tazkirada bitülgän taşayix avliyālarniň hikâyat sözləri tögätildi. Tarix sekiz yüz qırqta, at yıl, jumadiyal-āxir ayniň onida Haruda Abu Malik baxşı bitidim*, деб ёзиб қўйилибди.

Самарқанд бахшилари ичида Зайну-л-Обидиннинг довруги кетган эди. Бахши “Ҳибату-л-ҳақойик” достонининг таянч матнини яратган.

Зайну-л-Обидин бахши уйғур хати билан XV аср туркий адабиётининг йирик намояндаси Мир Ҳайдарнинг “Маҳзану-л-асрор” асари ҳамда ўтгиз байтли қасидаси, Юсуф Амирий “Даҳнома”сини ҳам кўчирган. Кунимизда ушбу кўлёзмалар ўз даврининг қимматли ёдгорлиги сифатида ардокланади.

Китобат тарихида Язд хаттотлик мактаби намояндадарининг ишлари айрича ўринга эга. Язд шаҳрида битилган ноёб кўлёзмалардан бири Мансур бахши қаламидан чиқсан мажмуадир. Бу китоб ҳозир Британия Музейида №.8193 кўрсаткичи остида

сакланиб турибди. Кўлёзма темурийлар давридан қолган уйғур ёзувли энг чиройли, шунинг билан бирга, китобат санъатининг ажойиб намуналаридан. Матн маҳорат билан кўчирилган, саҳифалари геометрик шакллар ва ислимий нақшларга бой.

Мансур бахши уйғур ёзуви билан “Бахтиёрнома” асарини ҳам кўчириган. Уйғур ёзувли мазкур қўлёзма хозир Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида (598- кўрсаткичи остида) сақланмоқда. Кўлёзма хижрий 838 (=мелодий 1434) йили кўчирилган.

Уйғур хати Темурийлар давлатининг расмий ёзуви ҳам эди. Темурийлар ўз ёрликларини, расмий ҳужжатларини, ҳатто чет элларга юбориладиган хатларини ҳам уйғур ёзувида битганлар. Уйғур хати девон ишларида, расмий-дипломатик ёзишмаларда кенг ишлатилган. Темурбек ўз ёрликларини, қўшни элларнинг ҳукумдорларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айни ёзувда. Темурбекнинг ўлимидан кейин Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек, Абу Сайд мирзо ва унинг ўғли Умаршайх мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида тамғалаган ёрликлардан айримлари кунимизгача сакланиб қолган. Шоҳрухнинг 1422 йили Ҳирот яқинидаги Боги шаҳарда Чечактўба мавзеидаги Талхан ота мозорининг мужовури Исмоил номига ёздирган суюргал битиги, султон Абу Сайднинг 1468 йили Ҳасан бекка юборган битиги, султон Умаршайхнинг 1469 йили марғilonлик Мир Сайд Аҳмадга берган ёрлиғи (нишони) шулар жумласидандир. Улардан Шоҳруҳ мирзо ҳамда султон Умаршайх ёрликлари факат уйғур хатида, султон Абу Сайднинг турк султонига йўллаган расмий-дипломатик мактуби эса уйғур хатида битилиб, ўқилиши тагма-таг араб хатида келтирилган. Англашиладики, Темурийлар давлатида девон ишларида уйғур хати кенг қўлланган. Буни юқоридаги икки ёрлиқ ҳам далиллаб турибди. Султон Абу Сайд ҳам давлат ҳужжатчилик анъанасидан чиққани йўқ: Рум вилоятига йўллаган дипломатик хатини ўз расмий ёзувида ёздириб, турк султонига, девон хизматчиларига тушунарли бўлмоги учун ўқилишини араб хатида изоҳлаб чиқишига буюрган.

Умуман, туркий халқларнинг ёзув маданияти тарихида уйғур хатининг аҳамияти катта бўлди. Унинг тарихий тараққиёти давомида темурийлар даври муҳим босқич саналади. Қадимги турк ёзув маданияти узлуксизлигини таъминлашда, уйтур хатининг ижтимоий-сиёсий, маданий хаётдаги ўрнини белгилашда, расмий ва дипломатик муносабатлардаги мавкеини таъминлашда темурийларнинг хизмати катта бўлди.

### Моний ёзуви

Мелодий 247 йили Бобилда Моний бошчилигида янги диний оқимга асос солинди ва ўша кезлардан бошлаб Суриянинг Палмира шаҳрида қўлланилган ёзув шакли асосида тузилган моний ёзуви ҳам амал қила бошлади. Кейинчалик ушбу ёзув моний дини билан бирга Ўрта ва Марказий Осиёга ҳам кириб келди. Ушбу тупроқда моний хатини монийликни қабул қилган турк ва суғд жамоалари қўллаган. VII юзийилликка келиб, монийлик уйғур хоқонлигининг давлат дини сифатида амал қилган чоғларда бу ёзув турклар орасида кенг ёйилди.

Одатда, турк-моний жамоаларида диний асарлар кўпроқ моний хатида битилар эди. Бизгача моний хатида битилган туркий ёдгорликлардан сақланиб қолган. Туркий матнлар ичida моний диний мазмунидаги шеърлар бор. Шунингдек, монийчишлар тавбаномаси “Хуастуанифт”нинг айрим қўллэзма нусхалари моний хатида. Жумладан, асарнинг Британия Музейида сақланаётган нусхаси, Берлин фондида сақланаётган Т.II.D.178; TM303(M153); TM183; M172; M443 рақамили узиндилар моний алифбосидадир.

Алифбо тизими куйидагича (Алимухамедов 2016, 74–75 дан олинди):

Белгиси	Англаттан товуши	Белгиси	Англатган товуши
ئ	ä, e	ھ	h
ا	a	ڦ	ڦ
ى	i	ڻ	l
ې	î	ڻ	m
ۇ	u	ڻ	n
ۈ	ü	ڻ	s
و	o	ڻ	p
ۈ	ö	ڻ	ڙ

	<i>b</i>		<i>r</i>
	<i>z</i>		<i>d~ð</i>
	<i>v~w</i>		<i>d̥</i>
	<i>g</i>		<i>q</i>
	<i>γ</i>		<i>k</i>
	<i>x</i>		<i>t</i>
	<i>f</i>		<i>y</i>
	<i>h</i>		<i>hamza</i>
	<i>t</i>		

### Браҳми ёзуви

Браҳми хати (*қаранг*: User 2006,62–66) бўғин ёзуви бўлиб, қадимги санскритча алифбо негизида шаклланган. Туron юртига буддизм таъсирида кириб келган. Браҳми хатини фақат турк-будда жамоаларигина қўллади, қолганлар ўз ёзуvida қолаверди. Шуниси борки, буддизмни қабул қилган турклар ўзининг миллий ёзувидан ҳам кечгани йўқ. Улар ўз тилларига ўтирилган будда асарлари учун уйғур ёзувидан ҳам фойдаланган. Бунинг сабаби, туркий халқлар учун бўғин ёзувидан кўра ўзларининг фонетик алифболарини қўллаш кулагай эди. Шунинг учун ҳам қадимги турклар орасида браҳми хати кенг ёйилган эмас. Унинг ёдгорликлари ҳам шунга яраша оз.

### Сурёний ёзуви

Мелоднинг бошларида Месопотамиянинг гарби-шимолида христианлик гуркираган эди. Бу ўлкада оромий алифбоси асосида шаклланган сурёний хати амал қилган. V юзийилликнинг ўрталарида Сурия диндорлари икки мазхабга бўлиниб қолди. Уларнинг настурый мазҳабидагилари ўз юртида таъқиб остида қолгач, Эрондан паноҳ топдилар. Насронийлар бу ерда ўзининг таълимот мактабларини очди. Мана шу мактаб намояндалари ўз таълимотларини маҳаллий халқ орасига ҳам ёйдилар. Уларнинг миссионерлик ишлари оқибатида насронийлик VII–VIII юзийилликларда Ҳирот, Самарқанд, Қашқар, ҳатто Ҳиндистон билан Фарбий Хитойга етиб борди. Насронийлик билан бир пайтда

бу ўлкаларда сурёний алифбоси (уцинг бир тармоги бўлган эстронгело) ҳам таркала бошлаган.

Марказий Осиёда насронийликнинг ёйилиши осон кечмади. Жумладан, 762 иили Ўтуканда Бўту хоқон бошчилигида монийлик расман қабул қилинган эди. Бунга давлат арбобларидан бўлмиш Бага тархан қаршилик кўрсатди. Бу воқеа Билга хоқон элга эгалик қилган пайтлардаги ҳодисага ўхшаб кетади. Ўша чоғлар Билга хоқон буддизмга ўтишни таклиф қилган, маслаҳатчиси Тўнюқуқ эса бунга қаршилик кўрсатганди. Тўнюқуқнинг айтгани бўлиб, кўп нарса саклаб қолинди. Лекин Бўгунинг монийликка ўтиш тўғрисидаги ташаббусини хеч ким бўта олмади. Шундай эса-да, 780 иили Бўту хоқонга суйиқасед уюштирилиб, ўлдиритириб юборилади. Шундан кейингина бу ўлкаларда буддизм ва насронийликнинг қайта ёйилишига кенг йўл очилди (қаранг: User 2006, 74–75).

Ўрта ва Марказий Осиёда сурёний хатини насронийликни қабул қилган сүғдлар ва туркларгина қўллаган, холос. Бошка диний жамоаларда бу ёзув ишлатилган эмас.

Сурёний хати турк-насронийлар орасида кенг қўлланилган. Бизгача етиб келган насроний мазмунли туркий ёдгорликлар икки хил – уйгар ва сурёний ёзувлариадир. Турклар орасида сурёний ёзуви чигатой хонлиги даврида ҳам амал қилган.

Кунимизгача насроний турклар яратган ёзма ёдгорликлардан муайян қисми етиб келган. Насроний турклардан қолган мерос ичida қабр ёзувларининг тарихий аҳамияти катта. Мазкур қабртошлар XIII–XIV юзийилликларга тегишли бўлиб, улар Еттисувнинг турли ўлкаларидан – Иссикқўлнинг гарбидан, бир пайтлар чигатой хонларининг қароргоҳи бўлган кадимги Олмалиқ шахрининг харобаларидан чиқкан. Шунингдек, насроний битигтошлари Қашкар, Тўқмоқ атрофларидан ҳам топилган. Ушбу манбалар XIII–XIV юзийилликларда айни худудларда насронийликнинг таъсири катта бўлганидан дололат беради.

Битигларнинг тили туркий. Шунингдек, Еттисув ёдгорликларининг сурёний тилида яратилганлари ҳам бор.

Насроний турклар иш юритиш хужжатлари, матнчилик амалиётида уйғур ва сурёний алифболаридан фойдаланган бўлсалар-да, қабр ёзувлари учун, асосан, сурёний хатини

кўлладилар. Уларнинг Еттисувдан топилган ёдномалари ҳам ана шу ёзувда.

Насроний қабртошларининг шакли ҳам кўк турк қабртошларининг кўринишидан ажралиб туради. Ёдгорликлар учун юзи ясси тош танланган. Ўртага хоч тасвири туширилиб, гирдига сурёний хатидаги туркий матн ўйиб ёзилган.

Насроний битигларининг матн тузилиши, услуби ҳам кўк турк, уйгур хоқонлиқлари даври матнларидан фарқ қилиб туради. Турк-насроний эпитафияларининг тузилиши бутунлай ўзига хос. Шунинг учун ҳам, насроний муҳитида яратилган ёдномалар қадимги турк эпитафия тузилиш анъанасини давом эттирган, дея олмаймиз.

Араб тилидаги манбаларда сурёний ёзуви *hurūfu-s-suryāni* дейилган. “Ҳибату-л-ҳақойик” С кўлёзмасининг бошланишига араб тилида сурёний ёзуви билан боғлиқ кичик бир қайд ёзиб кўйилибди. Унда “(Мўгул хати) сурёний хатининг бир туридир. Инжил ана шу (сурёний) хатда битилган” деган жумла бор. Ўша жумлада *hurūfu-s-suryāni* атамаси ишлатилган (*қаранг*: Arat 1992, CXVII).

### Араб хати

Араб алифбоси асосидаги ушбу туркий ёзув араб тилидаги манбаларда *al-xaṭṭu-l-'arabiyyu* ёки *al-kitābatu-l-'arabiyya* дейилган (Махмуд Кошғарий уни ана шундай атаган).

Араб хатининг Ўрта ва Марказий Осиёга ёйилиш тарихи бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда араб хатида битилган энг эски китоблар IX юзийилликка тегишли. Улар араб ва форс тилларида. Араб ёзувида туркий ёдгорликлар X юзийилликдан бошлаб кўчирилган. Ундан эскиси топилганича йўқ. Туркий халқлар қораҳонийлар давридан уйғур хати билан ёнма-ён араб ёзувидан ҳам фойдалана бошлади. Қораҳоний хукумдорлар зарб эттирган тангалардаги ёзувлар, ҳонларнинг айрим ёзмалари араб хатида. XI юзийилликдан эътиборан араб хатида йирик асарлар ҳам кўчирила бошлади. Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб “Кутадғу билиг” асарининг Наманган ва Коҳира кўлёзма нусхалари, Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т турк” асаридаги туркий матнлар, Адид Ахмад

Югнакийнинг “Хибату-л-ҳақойиқ” достонининг араб ёзувли нусхалари, шунингдек, “Туркий Тафсир” араб хатидаги энг эски туркий ёдгорликлардир.

Үрта асрларда турк-мусулмон давлатларида расмий хужожатлар эски уйғур хати билан бир қаторда араб алифбоси негизида шаклланган эски туркий ёзувда ҳам битилган.

**Имло ўзгачаликлари.** Турклар араб алифбосини ўз тилларига мослаб қабул қылган. Алифбо тизими, күшимча ишоратлар, айрим ҳарфлар вазифасида фарқ бор.

Араб алифбоси асосидаги туркий ёзувнинг имло принциплари пухта ишланган эди. Ёзувда унлиларни ифодалаш учун алифбодаги учта ҳарфдан фойдаланилган. Жумладан, “алиф” ҳарфи [a]–[d]–[e] унлиларини, “вāв” ҳарфи [o]–[ö]–[u]–[ü] унлиларини, “йа” ҳарфи эса [i]–[j]–[e] унлиларини англаттан. Шунингдек, унли фонемалар ҳаракатлар билан ҳам берилган.

Туркий тилдаги унлилар имлоси хусусида “Аттұхұфату-з-закиййату філлұғати-т-туркийя” асарининг муаллифи шундай ёздади: “Билгилки, турк тилида шакл йўқ. Шакл йўклиги учун бир қанча аниксизлик ва хатолар пайдо бўлар эди. Шунинг учун ана шу аниксизликдан қутилиш учун от, феъл ва хуруфни ёзища маҳсус шакл қўллаш усулини қабул килдилар. Яъни “фатҳа” ўрнида “алиф”, “касра” ўрнида “йа”, “замма” ўрнида “вāв” қўллай бошладилар” (Аттұхұфа, 10). Келтирилган маълумотда “турк тилида шакл йўқ” дейилганда туркий имлода унлиларни ифодалашга хизмат қиласидан ҳаракатлар йўклиги назарда тутилмоқда. Айни усул билан имлода унлиларни тўлиқ ифодалаш усули жорий этилган.

Ёзувда баъзан чўзиқ унлилар ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, “Девону лугати-т-турк”да кўшалоқ “алиф” чўзиқ унлини билдиради: **أ** || a:č – оч, сук, **إ** || aš – ош, овқат, **ئ** || a:l – ҳийла, **ۋ** || a:w – ов.

Туркий матнларда **ڭ** ҳарфи жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошларини ифодалайди. Айрим ўринларда жарангсиз [p] ни фарқлаш учун уч нуқтали **ڭ** ҳарфидан ҳам фойдаланилган. Масалан: **ڭ** *pand*, **ڭ** **ڭ** *ra*: сўзларидаги *ڭ*, *ڭ*.

**ڭ** ҳарфи жарангсиз [k] ва жарангли [g] ундошларини ифодалайди. Баъзи ҳолларда жарангли [g] ни жарангсиз [k] дан фарқлаш мақсадида “кāф” нинг устига уч нуқта қўйилган: **ڭ**.

Ҫ ҳарфи [c] ва [j] товушларини ифодалайди. Айрим ўринларда жарангсиз [c] ни фарқлаш мақсадида уч нұктали Ҫ ҳарфидан ҳам фойдаланилған: چىن ҫىن – чин, түғри, ۋاققۇق ۋاس – бир қанча.

XI–XIII юзийиллуктарга тегишли туркий ёдгорликларда [v] фонемасининг лаб-лаб [w] ва лаб-тиш [v] вариантлари ёзууда фарқланған. Чунончи. [w] товуши “Девону лугати-т-турк”даги туркий мисолларда, “Кутадгу билиг”нинг араб ёзуудың күләмләрида ڣ // ڣ، туркий “Тафсир”да ڣ, “Муқаддамату-л-адаб”нинг XIII–XIV юзийиллуктарга мансуб дея чамаланаётган нусхасида ڣ // ڣ ҳарфлари билан ифода этилған. Кейинги давр матнларыда бу товушларнинг иккөви “вāв” ҳарфи билан ифодаланадыган бўлди.

XI–XIII юзийиллуктарнинг ёзма ёдгорликларидан туркий сўзларда сўз ичи ва охирида ڏ ҳарфи ҳам ишлатилған. У [d] ундошининг [ð] вариантини билдиради. Масалан, “Кутадгу билиг”нинг Наманган нусхасида: بُونَ edgî – эзгу, بُونَ водиـن – халқ, قَغْوَ qadû – кайғу, فُوذَ qoð – кўй- (феъл) ва б.

Матнларда ڇ ҳарфининг устига уч нұкта қўйиб, сирғалувчи [ž] товуши ифода этилған: زونِ azîn – дунё.

Араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларга нисбатан ёзув принципи амал килған. Бундай сўзлар арабча матнларда қандай ёзилған бўлса, туркий матнларда ҳам ўшандай ёзилаверган. Лекин улардаги араб тилигагина хос бўлган товушлар туркий тил талабларига бўйсунган ҳолда талаффуз этилған. Масалан: ادل 'adl – адл, علی 'Alî – Али, ساند ساند – сано, ҳамд، مثل masal – мақол.

**Араб хатининг турлари.** Араб хатининг узоқ асрли тарихий тараққиёти давомида унинг турлари, услубий қўринишлари юзага келган. Булар:

**Куфий хати** (الخط الكوفي). Араб хатининг энг эски турларидан биридир. У мелодий VII юзийилликда Шарқдаги йирик маданий марказлардан бири бўлмиш Куфа шаҳрида юзага келган. Хатининг бу тури бино пештоқларидаги ёзувларда кўп учрайди.

**Мухаққак хати** (الخط المحقق). Ушбу хат турининг келиб чиққан замони аниқ эмас. Шундай эса-да, унинг тарихи куфий хати билан тенгглашади. У ҳарф шаклларининг аниқ ва равонлиги билан ажralиб туради. Енгил ўқилади, лекин уни ёзиш анча мушкул, ёзув техникасига кўра катта малакани талаб этади.

Мұхаққақ бир оз сұлсга ҳам ўхшаб кетади. Бирок ёйсім он қаралғанда анча көңгірткіледі.

**Насх хати** (خط النسخ). Араб хатининг энг такомиллашган, ёзишга ва ўқишига ўнгай бўлган турларидан биридир. Ҳарфлари аниқ ва оддий. Шунинг учун ҳозирги босмача ёзув учун ана шу хат тури асос қилиб олинган.

Ўтмишда Қуръони каримнинг қўлләзмалари ҳам кўпроқ насхда кўчирилган. Бунинг сабаби аниқ: көңгірткіледі. Ҳарфлари аниқ ва оддий. Шунинг учун ҳозирги босмача ёзув учун ана шу хат тури асос қилиб олинган.

**Сұлс хати** (خط الثلث). Анча нағис хат тури саналади. Ҳарфлари жимжимадор.

Сұлс Қуръони каримни кўчиришда ҳам қўлланилган. Шунингдек, қабртош ёзувларида, бино пештоқларида кўп учрайди. Йирик бадиий асарларнинг ички сарлавҳалари ҳам сұлсда битилган. Сұлсда ёзиш анча мушкул. Бу юмушни тажрибали хаттотлар осон улдалайдилар.

**Девоний хати** (الخط الديواني). Ўзига хос самарадор бўлган хат туридир.

Девоний хати, одатда, қўлләзма китобларнинг илк сахифаларида, баъзан фаслларнинг бошланишида учраб туради. Бу хат туридан нақшларда, қуш тасвирларини чиқаришда көңгірткіледі. Хаттотлар ярим ой шаклини ва бошқа диний рамзларни беришда ҳам девоний хатини қўллаганлар.

**Рикъа хати** (خط الرقعة). Ушбу хат турининг келиб чиқиши хусусида бир тўхтамга келиш қийин. Тахмин қилишларига қараганда, у девоний хатидан кейин шаклланган.

Рикъа ҳарфлари майда ва зич шаклда тортиладиган, лекин каттагина маҳорат талаб этадиган хат туридир.

**Наставълик хати** (خط النسفتعليق). Насх ва таълиқ хатларининг бирикувидан келиб чиқсан. Шунинг учун бу ёзувда ҳар иккисига хос услубнинг уйғунлашувини кузатиш мумкин. Араб хатининг энг такомил топган тури сифатида тан олинади. XIV аср охирларида Эронда шаклланған.

Машҳур Шарқ араб хатининг дебонлари наставълиқда битилган.

Наставълик араб хатининг ўрта асрларда Марказий Осиёда көңгірткіледі. Оммалашган тури бўлгани учун уни *nasxta'liq xari* деб

ҳам кетилаверган. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиузвамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиш учун қулай ё кийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, насхталиқ хатини тилга олади ва хужжату мактубларни туркча хат (уйгур хати)га қараганда ана шу хатда ёзиш маъкул эканини уқтиради. Ўша ерда *nasxta 'liq xaſi* атамаси ишлатилган (Mun.794a.3–4).

Захириддин Мұхаммад Бобур хурросонлик Али Дервеш тўғрисида маълумот бера туриб, “*nasxta 'liq xaſinī tavre bitir edi*” деб ёзган эди (BN.17).

**Шикаста хати** (خط شکسته). Шикаста хати настаълиқнинг айрим ҳарфларини синдириб тортиш натижасида келиб чиққан. Бу шошиб ёзиш оқибатида эмас, балки ҳарфларни сатрга сиғдириш, саҳифаларни бир тартибга тушириш, матнни қўл узмай ёзиш эҳтиёжларидан юзага келган.

### Сиғнақ ёзуви

Эски туркий ёзувлардан бири. “Абушқа” лугатида ушбу ёзув тўғрисида маълумот берилган. Лугат тузувчиси *sīynaq* сўзини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти эканлиги, Захириддин Мұхаммад Бобур ўз ғазалларидан бирида уни тилга олганлигини таъкидлайди ва ғазалнинг ўша байтини мисол келтиради. Мана унинг ёзганлари:

*Sīynaq – bir nav' xaſdur, Čiyatayda xaſ-i bāburī va yayri kibi-ke,  
Bābur Mirzā aš 'arīnda kelür. Bayt:*

*Xūblar xaſi nasibiy bolmasa, Bābur, ne taŋ,  
Bāburī xaſi emāsdür, xaſ-i sīynaqimudur* (DDT.278).

*Sīynaq* атамаси, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданий марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада қўлланилган ёзув шундай аталган бўлуви мумкин.

Сиғнақ хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. Эҳтимол, у қадимги туркий ёзувлардан биридир. Даиллар аниқлангунга қадар бу масалә ... мадди.

Бобур ўз шеърларидан бирида бу ёзувни тилга олиб, уни *xaſ-i sīynaqī* деган (қаранг: DDT.278).

## Хатт-и бобурий

Манбаларда бу ёзув *bāburī xaṭṭ* ёки *xaṭṭ-i bāburī* дея аталган. Жумладан, Захириддин Мұхаммад Бобур ўз ғазалларидан бирида уни *bāburī xaṭṭ* дейди (қаранг: DDT.278).

Ушбу ёзув Бобурнинг тилшунос сифатидаги улут кашфиётидир. Бу хатнинг муайян доирада амал қылғанлиги түғрисида маълумотлар бор. Лекин бу ёзувда битилған матнлардан бизгача етиб келмаган ёки, бор бўлса ҳам, фанга маълум эмас.

Мұхаммад Тоҳир ибн Қосимнинг 1645 йили Балхда Саид Нодир Мұхаммадхон топшириги билан ёзилған “Ажоиб ат-табақот” асарида хатт-и бобурий билан боғлиқ мухим бир факт бор (Азимджанова 1963). ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 409- ҳамда 411- кўрсаткичлари остида асарнинг қўлёзмалари сакланмоқда.

Китоб етти бўлимдан иборат. Уларда оламнинг яратилиши, пайғамбарлар, ер ва коинотнинг ҳолати, баъзи ажойиб ишлар, ғаройиб илмлар ҳақида сўз боради.

409- кўрсаткичли қўлёзманинг 241a–242b- саҳифаларида “Dar ta’ayyunī xuṭut az anvā’i o” (“Хатлар ва унинг турларини билиш ҳақида”) сарлавҳаси остида муайян тартибда ўн тўртта алифбо келтирилган. Алифболарнинг бошида уларнинг оти ҳам ёзиг кўйилған. Шулардан ўнинчи алифбо хатт-и бобурийдир. Унинг бошланишига *Xaṭṭ-i bāburī inast* деб ёзилған. Шундан сўнг хатт-и бобурийнинг 28 ҳарфи келтирилиб, ҳар бири арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилған. Алифбодаги ҳарфлар сираси қуидагича (ўнгдан чапга – фақат арабча ҳарфларни келтирамиз):

ا ب ت ث ج ح خ د ذ س ش ص ض ه ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا

411- кўрсаткичли қўлёзмада ҳам хатт-и бобурий алифбоси бор (у қўлёзманинг 67b- бетида). Бироқ, ушбу қўлёзмада жами ўнта алифбо намунаси берилади. Хатт-и бобурий уларнинг ўнинчисисидир. Мұхими шундаки, ушбу алифбода 29 ҳарф келтирилади. Улар ҳам арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилған. Мазкур алифбода юкоридаги алифбо ҳарфлари қаторига ўва ј ҳарфлари ҳам қўшилған. Бу алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлиги қуидагича:

## اپتىچ خىدۇر زىن شىرىن ئەلمن وەلاي

Баъзи олимлар Бобур ўз ёзувини уйғур хати негизида тузган, деб қарамоқдалар. Лекин, юкорида келтирилгандай алифболар бу фикрни тасдиқламайды. Бизнингча, муаллиф хатт-и бобурийни бошқа бирор алифбо асосида тузган бўлуви керак.

### Лотин ёзуви

Туркшуносликда “Codex Cumanicus” дея аталган асар 1303 иили итальян ва немис миссионерлари томонидан лотин алифбосида ёзилган. У лотинча-форсча-қипчоқча (қуманча) луғат, қиска грамматика, насиҳат ва дуо парчаларидан тузилган. Ундаги туркий (қипчоқча) матнлар ҳам лотин хатидадир.

### *Cûroq va tопшириклиар*

Ер юзида ёзувнинг келиб чиқиши тўғрисида маълумот беринг.

Фонетик ёзувнинг такомиллашган ёзув тури эканлигини қандай исботлай оласиз? Мисолларда кўрсатиб беринг.

Ўрта ва Марказий Осиё халклари кўллаган ёзувларга китоблар ва интернет сайтларидан материал йиғинг.

Йиккан материалларингизга таянган холда Ўрта ва Марказий Осиё ёзувлари диаграммасини тузинг.

Уйда ёки кутубхонада ўқитувчи тавсия этган китоблардан Ўрта ва Марказий Осиё халклари ёзув маданияти тарихнга тегишли билимларни ўқиб ўзлаштиринг. Ўзингизга керакли даражада конспект тузинг.

Илмий китоблар, факсимиль нашрлар, кўлэзма китобларнинг фотонусхалари, интернет сайтларидан Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихи тўғрисида материал йиғинг. Йиккан материалларнинг асосида семинар дарсida тақдимот ўтказинг.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ. ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАРДА КИТОБАТ ИШИ

*Таянч сўз ва бирималар:* қўлёзма китоб, китобат иши, китобат тарихи; ёзув ашёси, ёзув қуроллари; китоб турлари, китобнинг бадиий безаклари; қабртоши ёзувлари, эпитафия.

Эътибор қаратиладиган масалалар:

Китоб ва унинг илк намуналари.  
Ўтмишда ишлатилган ёзув ашёлари ва ёзув қуроллари.  
Китобат турлари.  
Ўрта асрларда Ўрта Осиёда кенг таркалган китоблар.  
Қўлёзма китобларнинг бадиий безаклари.  
Қўлёзма китобларнинг муқоваси, коғози, техник белгилари. Китоб тайёрлаш жараёни.  
Ислом даври қабртошлари ва улардаги ёзувлар.

Ўрта Осиё халкларининг китобат тарихи ёзув тарихи, ўкув тизимининг шаклланиши ва такомили билан боғлиқ холда шаклланиб, равнақ топган. У ҳам ёзув сингари икки ярим минг йиллик тарихга эга.

Олимларнинг фикрича, “Авестў” китоби бошлиб оромий хатида битилиб, тартибга солинган. Унинг сўнгги варианти эса авестў хатида кўчирилган.

Кадим Парфия тупроғидан мелоддан бурунги биринчи юзийилликка оид маҳаллий парфиёний ёзувида битилган минглаб сопол парчалари чиқсан. Булардан ташқари, манбаларда парфиёнийлар замонида “Авестў” ва бошқа китоблар битилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Хоразм ўлкасидан топилган энг эски ёзув ёдгорликлари сопол буюмлар, ёғоч, чарм сиртига битилган хўжалик ҳужжатлари, астодонлар (ўликнинг суякларини солиб кўмиладиган сопол идиш)даги ёзувлардир.

Суғд ёзувининг тарихи мелоддан бурунги III-II юзийилликлардан бошланади. Унинг илк даврларидан ёзувли тангалар, мелоднинг бошларидан сополаклардаги ёзувлар колган. Бизгача етиб келган суғд ёзувидаги йирик битиглар мелодий IV юзийилликка тегиши. Унар узок йўлга отлангая савдогарларнинг

ўз юртига ёзган хатлари бўлиб, суғд мактубот жанрининг илк ва, шунинг билан бирга, гўзал намуналари дир. Хатларнинг услуби, матн тузилиши қадимги суғд адабиётида мактубот жанри юкори даражада эканидан датолат беради.

Суғд китоблари бирмунча кейинги даврларга тегишли. Улар будда, моний, насроний диний-ахлоқий асарлари бўлиб, суғдлар орасида ушбу динларнинг ёйилиши билан боғлиқ ҳолда яратилган. Суғд тилидаги китоблар ичидаги, айниқса, будда мазмунли асарлар салмоқли ўрин тутади. Фанда бундай китоблардан ўттизистаси маълум; уларнинг баъзилари яхлит, кўпин узинди ҳолида.

Илк ўрга асрларда туркий тилдаги китоблар кўк турк, уйғур, моний ёзувларида битилган.

Ўрга Осиё ҳалклари китобат тарихида араб ёзувининг ўрни жуда катта. Ўрга асрларда бу ўлкаларда туркий, форсий ва араб тилидаги китоблар кенг ёйилди. Улар диний-фалсафий, адабий, тарихий, илмий асарлар, хукукшунослик, табобатчилик ва бошқа соҳаларга тегишли китоблардир.

## Ёзув ашёлари

*Ёзув ашёлари* деганда ёзиш учун ишлатиладиган ашёлар, яъни материаллар тушунилади. Ўтмишда булар тош, ёғоч (тахтача ёки тахта), сопол, металл, тери, коғоз эди.

**Тош.** Тарихда монументал мақсадлардаги матнлар учун тошдан кенг фойдаланилган. Марказий Осиёдан топилган энг эски монументал ёзувлар Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоконликлари, уйғур хоконлиғи даврига мансуб.

Хозирги матншуносликда тошга битилган ёзувларга нисбатан “монументал матн”, “эпиграфик матн” атамаларини ишлатамиз. Эски туркчада уларнинг ўз атамаси бор. Кўк турк ёзувли урхун битигларида ёзувли қаброшларни *bäyütäš*, *bütigtaš* деб аталган.

Масалан, Кул тигин битигида: *Kül tigin qoň yilqa yiti yigirmikä učdi. Toqıçımč aý yiti otuzqa [yoŋ ärtürtimiz. Barqım bädizim] bitigtaš[in] bičin yilqa yitikč aý yiti otuzqa qoʃp allqd[imi]z.* – “Кул тигин кўй йилида [биринчи ойнинг?] ўн еттинчисида ўлди. Тўққизинчи ой(нинг) йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой(нинг) йигирма еттисида бутунлай тугатдик” (К.III).

Билга хоқон битигида унинг муаллифи Йўллуғ тигин ўзи ўрнатган ёдгорликни *bāyūtaš* деб атаган, *bāyūtaš toqitdim* (битигтош ёздиридим) дея битади у (Хб.15).

Кўк турк битигларида “ёдгорлик тоши”ни *taš* ҳам дейилган (К.И); *taš toqit* деганда “тош ўрнатмоқ, тикирмак” тушунилади (Ка.12).

Кўк турк ёзувлси енисей битигларида бунинг сингари монументал матнлар *bāyū~bāyūkī~bāyūgī* дейилган. Бунга биринки мисол: *Er erdām iśün, inim-äcīm uyarīn iśün bāyūmin tikā berti.*

– “Йигитлик шарафим учун, ака-укаларим кудраги учун мангу тошимни тикиб берди” (Е.28,4). Ёки яна: *Čab Šatun tarqan bāyūsi tikā bertim.* – “Чаб Шатун мангутошини тикиб бердим” (Е.30,3).

Кунимизга қадар сакланган турк монументал битигларининг энг кўхнаси урхун обидаларидир. Битиглар улуғ йўлбошчилар, миллий қаҳрамонлар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда ҳалқ қаҳрамонларининг кўзи тириклигига олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадиий услубда баён этилган. Муҳими, битигтош ижодкорлари ўша кезлардаёқ фикрни эл-улусга, келгуси ўғил-қизларга етказишнинг энг таъсирчан йўлини топганлар. Улар битигларда тарихий баён, расмий, монументал матнларга хос кўтаринкилиқ, эпиграфияларга хос қайғули оҳанг – бари-барини ўзида мужассамлаштирган синкетик (коришиқ) услубни кўллаганлар.

Ўтмишда қояларга ҳам битиглар битилган. Уларнинг кўпи зиёратчилар томонидан битилган. Қоялардаги ана шундай битиглар енисей ёдгорликларида *bāyū qaya~tāyū qaya* деб аталган.

Соҳибқирон Темурбекнинг Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаш арафасида уйгур хати билан тошга ёздиран битиги ҳам мангутош матн саналади.

Ислом даврида ҳам монументал матнларни ёзиш учун тошдан кенг фойдаланилган.

**Ёзоч.** Ўтмишда ёзувлси материали сифатида ёғочдан ҳам кенг фойдаланилган. Масалан, Муг тоғидан топилган 80 та ёдгорликдан 23 таси ёғочда. Бунда кўпроқ тол ёғочни ишлатишган. У кесиб олингач, пўстлоғидан тозалаб, узунасига

үргасидан иккига ажратилган. Кейинн айни шаклда силлиқлаб, куритилган. Ёзув ёғочнинг текис ёғига ҳам, дўнгалак сиртига ҳам ёзилаверган.

Уйғур ёзувидаги таёқчаларнинг шакли бир оз фаркли. Улар пайраха ёки хатчўп кўринишида бўлиб, ёзуви иккала сиртига битилган.

Мактаб таълимида тахтадан кенг фойдаланилган. Матнни ёзиб ўрганиш жараёнида тахтанинг имкониятлари қўл келган.

**Сопол буюм.** Қадимда кенг тарқалган ёзув материалидир. Ёзув кўза ва турли идишлар, сополакларнинг сиртига битилган. Бошлаб сопол буюмлардаги ёзувлар кулолнинг белгиси, буюмнинг эгаси, идишнинг сигими, унинг нимани сақлашга мўлжаллангани каби маълумотларни акс эттирган. Кейинчалик йирик матнлар учун ҳам сополдан фойдаланиладиган бўлди, ҳатто сополдаги матн бадиий-эстетик вазифани ҳам бажарган. Сугдда таълим жараёнида ҳам сополдан фойдаланилгани маълум.

**Металл.** Қадимий ёзув ашёларидан биридир. Қилич, пичоқ, металлдан (олтин, кумуш, мис ва б.) ишланган идишлар сиртига матн битиш эскидан бор.

**Тери.** Ўрта Осиё ҳалклари чармдан ёзув материали сифатида кенг фойдаланган. “Авестў” китоби ўн икки минг кийик терисига ёзилганлиги ҳакида ривоятлар бор. Шунингдек, суғд, уйғур, ҳатто араб ёзувли ёдгорликлар ичida ҳам терига ёзилганлари учрайди.

**Қоғоз** (<форс. **قەز**). “Кутадғу билиг”да бу сўз *kayaz* шаклида ишлатилган (QBN.118b, 1).

“Ёзув қоғози”ни эса *kayaz bitig* дейилган (қаранг: QBN.55a, 6).

Манбаларда бу сўзнинг *kəyüt* шакли ҳам бор (КТТ.31).

Уйғур ёзувли қадимги туркий манбаларда “коғоз”ни *keğdä* дейилган.

Фонда эътироф этилишича, қоғознинг келиб чиқиши тарихи мелодий 105 йилга тўғри келади ва у Хитойда кашф этилган. Қоғоз хомашёси сифатида дастлаб ўсимлик пўстлоғи, эски паҳталиқ кийимлар ва яроксиз балиқ тўрларидан фойдаланилган. Кейинчалик унинг ишлаб чиқариш технологияси такомиллашиб, паҳта толаси ва дарахт пўстлоғидан олиниадиган бўлди (қаранг: Tekin §. 1993.25).

Қоғоз кейинчалик бошка ўқаларга ҳам тарқала бошлади. Биринчи бўлиб у Буюк ипак йўлининг бошланишида – Хитойнинг

тарбида жойлашган Лоу-лан ва Дун-хуандада ишлатилган. Ҳатто бу ўлкаларда қофоз ишлаб ҳам чиқарилан. Кейин қофоз Дун-хуандан Турфон ўлкасига ҳам олиб келинган. Манбаларда *Ša-čio kegdesi-ol* (“Бу Ша-чио қофозидир”) деган жумланинг учраши ҳам бу нарсанни далиллайди. *Ša-čio* Дун-хуандаги жой отидир.

751 йили машхур Талас жангида мусулмонларга асир тушган турк ва хитойлик қофоз усталаридан мусулмонлар қофоз тайёрлашни ўрганиб олдилар. Бунга қадар ислом дунёсида тайёрланган қофоз ҳам, Шарқий Туркистанда тайёрланган қофоз ҳам Хитойда ишлаб чиқарилган қофоздан анча фарқ қиласади. Хитойда ишлаб чиқарилган қофоз ингичка ўрмон дарахти толасидан тайёрлангани учун юмшоқ, букилувчан ва жилоли бўлган. Ёзув куроли сифатида фойдаланилган мўйқалам бундай қофоз юзасида текис ва енгил харакатланган. Мўйқаламдан қолган излар Узоқ шарқ ҳаттотлик санъатининг классик асарларига ўхшаб кетади. Зотан бундай қофозлар кундалик эҳтиёжлар учун эмас, рассомлик ва ҳаттотлик санъатида фойдаланиш мақсадида тайёрланган. Шунинг учун ҳам бундай қофознинг терс юзи бўш қолдирилган.

Талас жангида мусулмонлар тарафига ўтиб кетган ёки асир тушган турк ёки хитойлик усталардан қофоз тайёрлаш техникаси ўзлаштириб олинди ва ислом оламида қофоз ишлаб чиқариш кенг ёйилди. Самарқанд, сўнг Боғдод шаҳарларида қофоз ишлаб чиқариш изга қўйилди. 900 йилларда Шом ва Қоҳирада ҳам қофоз ишлаб чиқарила бошлади. Ислом дунёсидаги энг қадимий қофоз (мелодий 879 йили битилган) юзасига “Минг бир кечা”дан арабча матнли бир неча сатр битилган узиндирилди. Кейинги қадимий қофоз эса мелодий 1080 йилнинг кузида қораҳонийлар тилида уйғур ҳарфлари билан битилган савдо қонуни саналади (қаранг: Tekin S. 1993, 27–28).

*Девор ва сарой петоқларидағи битиглар* ҳам эпиграфик матнлар сирасига киради. Узбекистоннинг кўплаб тарихий обидаларида ана шундай эпиграфик матнларни учратамиз.

### Ёзув куроллари

Ёзув қуроллари деганда ёзиш жараённида ишлатиладиган қалам, сиёҳ, бўёқ, қаламдон, давот сингари яроғ-аслаҳалар тушунилади.

**Сиёҳ.** Асос эътибори билан қора рангда бўлади. Унинг таркиб навлари ва тайёрлаш усуллари китобат санъатига оид манбаларда баён этилган. Сиёҳдонга ипаклюс солинади. Бу қамишдан қофозга сиёҳ томмаслигини таъминлайди ва сиёҳ тўкилиб кетмайди.

Матнлар асосан қора сиёҳда битилган. Ўрни билан қирмизи ва бошқа рангдаги сиёҳлардан ҳам фойдаланилган. Бошқа ранглар кўпинча матннинг муайян бўлакларини ажратишга хизмат қилган.

“Сиёҳ”нинг қадимги туркий номи *qara* дир, яъни “қора” демак. Бу атама, масалан, “Қутадгу билиг”да келган: *Qalamda qara tamsa, altun kelir.* – “Қаламдан қора (сиёҳ) томса, олтин келади” (QBN.101b,13).

“Сиёҳ”ни қадимги туркий битигларда *mkä* деб ҳам ишлатилган. Масалан: *altun mkä* – олтин суви, зарҳал (СЦ.VIII.9,3).

**Бўёқ.** Қоя ва тош ёзувлари, деворий ёзувлар, айрим санъат асарларига битилган матнларда бўёқдан фойдаланилган.

**Қалам** (<араб. قلم) – қалам, ёзув куроли.

Қаламнинг асл туркий номи *йšik* дир (қаранг: КТТ.31).

Шунингдек, қадимги туркий манбаларда “қалам”ни *bi* дейилган (СЦ.VI.25.4). Кўпчилик бу сўзни хитойчадан ўзлашган деб карайди. Лекин бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки қадимги туркий тилда “ёз-, бит-” англамида кенг ишлатилган *biti* ҳамда “китоб; ёзув; хат” англамларидаги *bitig* сўzlари ҳам ўша *bi* ўзагидан ясалган. Шундай экан, “қалам” маъносидаги *bi* сўзини хитойчадан ўзлашган дейиш тўғри эмас. Эҳтимол, хитой тилидаги *bi* сўзи туркий тилдан ўзлашган чиқар.

Эскида котиблар қамиш ва хат чўплардан фойдаланишган. Қаламчалар қамишнинг маҳсус навидан йўниб ишланган.

Юсуф Хос Ҳожиб қаламнинг кучига катта баҳо бериб, қалам элни тузиш, мамлакатни мустаҳкамлаш қудратига эга эканлигини таъкидлайди. Бунда у расмий битимлар, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро келишувларни кўзда тутади:

*Qilič el tüzär ham bođin qazyatür,  
Qalam el tüzär ham xazina urur.* –

“Килич эл тузади ҳамда халқларни қўлга киритади,  
Қалам эл тузади ҳамда хазина йигади” (QBN.101b,12).

Юсуф Хос Ҳожиб қиличнинг қучи билан элни босиб олиш мумкин, лекин мамлакат қалам билан бошқарилади, дейди. Бунинг билан у мамлакат бошқаруви хужжатларга, расмий ёзмаларга таянажагини таъкидлайди. Мана ўшанинг ўрнаги:

*Qılıč birlä aldī, kör, el alyučī,  
Qalam birlä basṭī ul el hasyucī.*

*Qılıč birlä alsə bolur terk elig,  
Qalam bolmayınča basumas elig. –*

“Кўргин, эл оловчи қилич билан босиб олади,  
Элни бошқарувчи қалам билан бошқаради.

Қилич билан элни тез босиб олса бўлади,  
(Лекин) қалам бўлмаса, кўл (кучи) билан элни бошқариб бўлмайди” (QBN.92a,3–4).

**Қаламдон.** Қаламни саклаш учун хизмат килган. Унинг тайёрланишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Қаламдон қозо бўтқаси, гипс аралашмасидан ясалган, бадиий зийнатланган, расмлар билан безатилган. Қаламдон, шунингдек, мисдан ҳам ишланган. Унга кумуш қадама нақшлар солинган. Унга хато кетган ёзувларни ўчириш учун абр – юмшок булат парчаси ҳам солиб қўйилган.

**Давот** (<араб. *دَوَاتٌ*) – давот, сиёхдон.

Давотлар якка, кўшалоқ, баъзан тўрт идишли бўлиб, уларда турли сиёхлар сакланар эди.

“Давот” қадимги туркий тилда *bitigü* аталган. Бу атамани Юсуф Хос Ҳожиб *davāt* сўзига синоним сифатида ишлатган. Тўгрироги, *bitigü* сўзини ишлатиб (QBN.55a,6), ора-чора *davāt* ни ҳам қўллайди (QBN.118b,1).

## Китобат турлари

Қадимги китобат турлари, китобат иши эски ёзувлар билан боғлиқ. Шунга кўра, уларни оромий ёзувидаги, сүғд, кўк турк, уйғур, моний, араб ёзувларидаги китоблар деб атаемиз.

Яна шарқда китоблар турли шаклларда ишланған. Илк китоблар таҳтача бетига битилиб, таҳлаб ҳам қўйилган. Сопол ёки бошқа хил қаттиқ буюмларга хат битиш ҳам ўша замондан қолган. Юмшоқ материалга ёзиш нисбатан кейинги кезларда оммалашди. Бунда дастлаб тери ёки бошқа бирор юмшоқ материалдан фойдаланғанлар.

Қоғознинг каय़ф этилуви китобат тарихида катта бурилиш ясади. Улар айрим бир варак ёки ўрама көгоз, потхи китоб, дафтар, жилдланған китоб шаклидадир. Булардан ўрама қоғоз ёки дафтар шаклидаги китоблар кўпроқ турк-моний жамоаларида, потхи китоби турк-будда жамоаларида, жилдланған китоблар эса ислом даврида кенг ёйилган эди.

*Алоҳида варак*. Илк ва ўрта асрлардан қолган алоҳида варака ёзилган битиглар ҳам кўп. Алоҳида варака битилган матнлар ҳам китобат санъатининг бир туридир. Бундай матнлар қоғознинг бир юзига ёки иккала бетига битилган. Улар расмий ҳужжатлар, кишилар ўртасидаги ёзишмалар (мактублар), хисоб-китоблар, хўжалик ёзувлари ва бошқа хил қайдлардан иборат. Расмий ҳужжатлар ва мактубларда уларнинг легитимлигини тасдиқловчи муҳр-тамғалари ҳам бор.

*Ўрама қоғоз*. Қадимги туркларда, айниқса, моний жамоаларида китоб тайёрлашнинг ўрама қоғоз шакли кенг оммалашган бўлиб, моний ёдгорликларининг кўпи айни усулда тайёрланған. Ўрама қоғоз усулини буддистлар ҳам кўлладилар. У суғд китобатчилигида ҳам бор. Ушбу китобат тури худуд билан боғлиқ бўлиб, Ўрта ва Марказий Осиё ҳалқларининг ўзаро маданий муносабатлари таъсирида юзага келгани тайин.

Ўрама қоғозларда матн ўнгдан чапга эмас, кўл ҳаракатига куладай бўлсин учун тепадан пастга қараб ёзилган.

Ўрта асрларда хонлар, сultonлар номидан битилган узун-узун ёрликлар ҳам ўрама қоғоз шаклида эди. Уларни ҳам ана шу китоб турига киритиши мумкин.

*Потхи китоб*. Потхи турк-буддистлар орасида кенг тарқалган китоб туридир. Бундай усулда китоб тайёрлаш учун, даставвал, китобга мўлжалланаётган вараклар ўртасига (ёки қоғознинг икки томонига) бир ўлчамдаги кичикроқ доиралар чизиб чиқилган. Матнни ёзаётган пайтда сатр доиррага келиб тақалганда тўхтатилиб, доиранинг иккинчи ёғидан давом

эттирилаверган. Шундай қилиб, доиралар ичи бүш қолган. Құләзма тұлік құлдан чиққаң, ҳалиғи доиралар ўртасидан тешіб чиқылған. Варакларни дасталаб туриб, уларнинг тешигидан ипга тизилған. Сўнгра қоғоз бичимиға тенг икки пайраха олиб тахлоғлиқ қоғознинг икки ёғидан қопланған ва тизимчаси унга маҳкамлаб тутуб кўйилған. Ўз навбатида, пайрахалар мукова вазифасини ўтаган ҳамда китобни яхши сақлаш имконини берган. Китобни ўқиши зарур бўлған тақдирда тизимчаси бўшатилиб, фойдаланиб бўлғач, яна жойлаб кўйилаверган.

Потхи китобат усулини қадимги ҳиндлар ўйлаб топған. Ҳиндларнинг бундай китоби ҳакида Абу Райхон Беруний ҳам ўзининг “Ҳиндистон” асарида маълумот бериб ўтган эди. Потхи қадимги Тибетда ҳам машҳур бўлған, лекин хитой китобатчилигига йўқ. Шунинг учун ҳам олимлар бу китоб усули туркларга Тибетдан ўтган, деб тахмин қиласидилар. Ана шундайми ёки тўғридан-тўғри ҳиндлардан ўтганми, қандай ҳолда юз берганидан катъи назар, у туркий мухитга буддийликнинг муқаддас таълимоти ва асарлари билан бирга кириб келган. Будда нўм битиг, сутраларини туркийга таржима қилиш билан баробар, ҳиндларнинг китобат усулини ҳам кўллай бошладилар. Шунинг учун у будда китобатчилигига хос, баъзан уни монавий турк жамоалари ҳам кўллаган.

Қадимги ҳиндлар бундай китобларни тайёрлаш жараённан ёзув ашёси сифатида пальма япроқларидан фойдаланған. Қизиги шундаки, бундай китоб тури туркларга маълум бўлғач, улар ўз табиий-географик шароитидан келиб чиқиб, пальма япроқлари ўрнини қоғозга алмаштириди. Қоғоз эса китобат ишида дараҳт япроқларидан ишланған варақларга кўра қулай бўлиб чиқди.

Будда маданияти ва китобат тарихида потхи анъанаси узок йиллар давом этди. Кейинчалик китоб тайёрлашнинг янги-янги усуслари юзага келганилигига қарамай, турк-будда жамоаларида анча кеч – ҳатто XVIII юзийлликда ҳам потхига мурожаат қиласидилар. Турк-будда жамоаларида будда асарларига хурмат шу қадар кучли эдики, бахшилар уларда асар таржима килингандар давр тили (классик китобий тил)нигина эмас, китоб шаклини ҳам аслидай сақлашга урингандар. Бу талаб будда мухитида қадимги турк китобат анъанасининг узок вакт сақланиб туришига имкон туғдирди.

Кунимизгача стиб келган уйгур ёзувли потхи китобнинг нодир намуналаридан бири “Майтри симит нўм битиг”нинг Қумул якинидан топилган кўлёзмасидир. У ҳозир Урумчидаги Тарих музейида сакланмоқда. Кўлёзма анча уринган, айниқса, сўнгги вараклари титилиб кетганлигига қарамай, китобат тарихи учун қимматли манба бўлиб хизмат қиласди. Сакланиб қолган вараклари, хатининг нафислиги, унинг эътибор билан битилганилиги ўз даврида китоб ўта нодир қўлёзма бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Потхи китобнинг яхши сақланган, шу билан бирга, хаттотликнинг нодир намуналаридан яна бири “Олтун тусли ёруғ” (“Суварнапрабҳаса сутра”)нинг XVIII юзийилликда кўчирилган кўлёзмасидир. Ушбу ёзма ёдгорликни С.Е. Малов Шарқий Туркистонга уюштирилган илмий экспедицияси чогида топган эди. У ҳозир Санкт-Петербургдаги Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти фондида сакланмоқда (M-I ишоратли қўлёзма). Кўлёзма анча кеч кўчирилган бўлишига қарамай, қадимги турк-будда муҳитида тайёрланган ноёб китоблардан саналади. Муҳими шундаки, ушбу нусхада асар туркийга ўтирилган давр (уни X юзийилликда Сингқу Сели тудун табғач тилидан таржима қилган) тили ва орфографик хусусиятлари яхши сақланган. Бундан унинг кайсиdir қадимий қўлёзма нусхадан кўчирилганлиги англашилади.

Қадимги турк-моний муҳитида яратилган китоблар орасида ҳам баъзан потхи шаклидагиси учраб туради. Шулардан бири Берлин фондидаги Турфондан топиб келтирилган матнлар орасида сакланаётган Т.И.Д 260 кўрсаткичли қўлёзмадир. Ушбу потхи китоб 25 варакдан иборат бўлиб, қоғоз бичими 21,5x6 см. Матни моний хатида бўлиб, гўзал ва равон. Матн ҳар бетида 5 қатордан ёзилган, жами 250 қатор. Шеърий йўлда ёзилган ушбу асар Монийга аталган алковдир (қаранг: Arat 1991,30–59; тўрт саҳифасининг факсимили 443–444- бетларда берилган).

*Дафтар* (<араб. دفتر – дафтар; хужжатчиликда кўпинча “давлат девонларида хисоб-китоб, кишим-чиқим, даромад ва харажат ёзувлари” (Ҳакимов 2013,89). Умаршайх ёрлигига “расмий хужжатларни кайд этиш дафтари” маъносида келган; *daftarlaryu surusun* – “дафтарларга қайд этсин” дея таъкидланади ёрлиқда.

**Босма китоблар.** Марказий Осиёда илк ва ўрта асрларда китоблар, асосан, кўлда кўчирилган. Шарқий турк китобатчилигига, будда ва моний маданий муҳитида илк ўрта асрларда ёки кўлёзма китоблар билан бир қаторда, **ксилография** – тахта бетига матн ёзиб, ундан нусха кўпайтириши усули ҳам жорий килинди. Ксилография босма ёзув усулининг илк, шунинг билан бирга, катта кашфиёти ҳам эди. Тўғри, ксилография ҳеч қачон кўлёзма китоблар ўрнини босолмаган, лекин унинг ўзига яраша кулаги бор. Бу усулда китоб чоп этиш ўкув жараёнида, асарларнинг оммалашувида катта натижа берди. Шарқда юзага келган китоб тайёрлашнинг ксилография усули кейинчалик Европага ўтиб, матбаачиликнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Шарқий Туркистон тупроқларидан топилган кўплаб ксилографлар қадимги турк маданий муҳитида, таълим тизимида унинг кенг кўлланганидан далолат беради. Ксилографлар, асосан, уйғур хатидадир.

Расмий ҳужжатлар, кўлёзма китобларга босилган муҳртамғаларни ҳам ёзувнинг босма усулига киритса бўлади. Чунки улар ҳам муҳркашлар томонидан муайян бичимда тайёрлаб олиниб, сўнг ҳужжат ё китобларга босилган.

Туркий асарларни китоб босиши дастгоҳи – матбаачилик усулида чоп этиш XVIII юзийлиқда, бошлаб Европада амалга оширилган. Жумладан, Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарининг Фаноий томонидан усмонли турк тилига ўгирмаси “Тарихи Фаноий” номи билан 1785 йили Вена шаҳрида матбаа усули билан чоп этилди. Ёки Э. Катремер 1841 йили Парижда “Шарқий турк адабиёти хрестоматияси”нинг биринчи китобини нашр қилдирган. Хрестоматияга Навоийнинг “Мухокамату-л-лугатайн” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарлари киритилган. Шунингдек, ғарб мамлакатлари ва Россияда (Санкт-Петербургда) кўплаб туркий ёдгорликларнинг босма нашрлари амалга оширилди.

Матбаачилик усули Туркистонда XIX юзийлиknинг иккинчи ярмидан жорий этила бошлади. Шу пайтдан эътиборан, Туркистонда типо-литографик корхоналар ташкил этилган. Бу корхоналарда китоб босишнинг икки хил усули кўлланилилар эди. Биринчиси **типография (тихбосма)** усули бўлиб, унда мих шаклидаги металл ҳарфларни кўлда териш орқали китоб босилган.

Бунда араб ёзувининг насҳ услубидан кенг фойдаланилар эди. Иккинчиси эса **литография** (*тошбосма*) усули бўлиб, унда дастлабки, асосий ишни хаттот бажарган. Хаттот матнни маҳсус қоғозга кўчирган. Қоғоздаги матн тош қолип сиртига ўтказилиб, унга кимёвий ишлов берилган. Сўнгра ана шу тош қолилардан нусха олинаверган. Бунда хаттотлар матнни, асосан, араб хатининг настаълик услубида битганлар. Туркистон шаҳарларидағи матбааларнинг аксарияти тошбосма усулида китоб босар эди.

Туркистонда биринчи тошбосма матбаа 1874 йили Хева хони Мұхаммад Раҳимхон II саройида ташкил этилган. Сўнг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Андижон, Наманган ва бошқа бир қатор маданий марказларда матбаачилик корхоналари тузилди. Бу шаҳарларда бир эмас, бир нечтадан корхоналар фаолият кўрсатган. Масалан. Тошкентда тузилган О.А. Порцев, Брейденбах, В.М. Ильин, Ака-ука Каменскийлар, С.И. Лахтин, Ғулом Ҳасан Орифжонов, “Туркистон куръери” газетаси, Туркистон ҳарбий округи штаби; Самарқанддаги Демуров; Бухородаги Гесинский, Левин; Когон, Қўқондаги Вайнер матбааларининг ишлари маълум. Мұхими шундаки, ушбу матбааларда классик адилларимизнинг асарлари ҳам қайта-қайта чоп этилган.

### **Ўрта асрларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган китоб турлари**

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда Қуръони карим, тафсир, ҳадис, мажмуа, куллиёт, ҳамса, девон, маснавий, тазкира, баёз, муншашт, рисола, комус, шарх, кофия сингари китоблар кенг тарқалган.

**Қуръони карим** (<араб. القرآن الکریم). Ўрта Осиёда кенг тарқалган китоб туридир. Қуръоннинг айрим нусхалари ўта маҳорат билан ишланган. Уларнинг бадиий безакларига алоҳида эътибор берганлар. Саҳифаларига ажойиб нақшлар ишланган, матн зарҳал жадвалга олинган. Муқоваси чармдан ишланиб, зийнатланган. Бундай китоблар учун қоғознинг ҳам энг қимматлиси танланган.

Қуръон саводли ва моҳир хаттотларгагина буюртириб кўчиртирилар эди. Матн нафис хатда битилган. Қуръоннинг бадиий безаксиз, оддий қўллэзмалари ҳам кўп.

Тошкентдаги Ўзбекистон мусулмонлар идорасида Куръоннинг халифа Усмон даврида кўчирилган куфа ёзуви кимматли кўлёзмаси сақланмоқда. Бу китоб “Мусҳафи Усмоний” деб юритилади. Уни Амир Темур араб мамлакатлариға зафарли юриши чогида кўлга киритиб, ўз пойтахти Самарқандга келтирган эди.

Мен 1997 йилнинг августида Қашқадарёга ўтказилган археографик экспедиция чоғида Қамаши тумани Лангар ота жамоа хўжалигида жойлашган тарихий Лангар ота мақбарасида Куръоннинг ана шундай ноёб кўлёзмасини кўрган эдим. Бичими 50x30 см ли ушбу китоб кийик терисига битилган. Ёзуви нафис куфийда бўлиб, ҳаракатлар кўйилмаган. Муқоваси қизгиш рангли. Лекин варакларининг кўпи йўқ эди. Китобнинг кейинги тақдиридан хабарим бўлмади.

Куръони карим оятлари китоб ҳолидагина сақланган эмас, улар бошқа манбаларга ҳам киритилган. Ўша манбаларда берилган оятлар умумий матндан ажратиб, ўзга ранг ёки хат услубида битилган.

Куръон оятлари мусулмон даври эпиграфикасида ҳам катта ўрин тутади. Улар сарой ва мадраса, масжиду мақбараларнинг пештоқларига, гумбазларга битилган. Шунингдек, қабртошларига ҳам оятлар ўйиб туширилган.

Куръоннинг туркий таржималари ҳам бор. Унинг илк таржималари бошлиб қораҳонийлар даврида амалга оширилган. Лекин туркий таржималар у қадар кенг ёйилган эмас. Сабаби, мусулмон дунёсида бу муқаддас китобни кўпроқ оригиналда ўқиганлар.

**Тафсирлар** (<араб. تفسير). Куръони карим сураларининг шархи шундай аталади. Муфассирлар ўзларининг билим даражасидан келиб чиқиб, сураларни турлича, имкон қадар, бир-бирларидан яхшироқ шарҳлашга ҳаракат килган. Шунинг учун ҳам ҳар қайси муфассир нусхасини мустакил вариант сифатида қабул қилмоқ лозим.

Тафсир китоблари икки шаклда тузилган: бальзиларида аввал Куръон суралари келтирилган, сураларнинг шархи келтирилади, айримларида сураларнинг түрларидан тўғри тафсирга ўтилаверган.

Ўрта Осиёда тафсирлар уч тилда тарқалган: арабча, форсча, туркийда. Туркий тафсирлар X юзийликтан яратила бошлаган. Уларнинг сақланган кўлёзма нусхалари ҳам анчагина. Сақланганлари орасида энг эскиси “Ўрта Осиё тафсири” ёки “Туркий тафсир” номи билан юритилади. Ушбу тафсир Куръони карим бир қисмининг туркий таржимаси, қолган қисми муқаддас китоб сураларининг шархи. Чунончи, дастлабки қисмлари таржима, сўнгги бўлимлар эса шархдан иборат.

Асар кўлёзмаси Қаршидан топилган, ҳозир Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда (С 197- кўрсаткичли кўлёзма). Асарнинг яратилган даври ҳам, Қарши кўлёзмасининг кўчирилган санаси ҳам номаълум. Мутахассислар уни XII–XIII юзийликларга тегишли деб қарайдилар (*тадқиқи учун қаранг*: Боровков 1963). Ўзбек олими К. Маҳмудов ушбу асарнинг транскрипцияси ва ўзбекча талқинини нашрга тайёрлаб кўйибди. Лекин у хали чоп этилганича йўқ.

**Ҳадис (<араб. حديث).** Ўрта асрларда мусулмон Шарқида ҳадис китоблари ниҳоятда кенг тарқалган.

Илк ҳадислар китоби халифа Умар ибн Абдулазиз даврида тузилган эди. Кейинчалик мусулмон мамлакатларида, хусусан, Мовароуннахрда етук муҳадислар етишиб чиқа бошлади. Булар томонидан кўплаб ҳадис тўпламлари таълиф этилди. Ҳадис илмининг энг ривожланган даври X–XII юзийликларга тўғри келади.

Ҳадис илмида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг номи машҳур. Имом Бухорийнинг тўрт жузли “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” тўплами жами муҳадислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишончли ва мукаммалидир. Китобга энг сахих ҳадислар киритилган.

Мумтоз шеъриятда ҳадислар мазмуни асосида дидактик асарлар ҳам яратилган. Туркий адабиётда бу анъанани Адиг Ахмад Юғнакий бошлаб берди. У ўзининг “Ҳибату-л-хақойик” асарида билим ўрганишнинг фойдаси, ахлоқ-одоб, тиљни тийиш, сахийлик, тавоз... би инсоний фазилатлар борасида баҳс этар экан, ўрни билан, муқаддас сатрларга ҳам мурожаат қиласи: аввал ўз ўғитларини айтиб, сўнг айни байтлар мазмунига мос келувчи ҳадис, Куръон оятларидан далил келтиради. Адиг ўғитлари оят ва

ҳадислар билан уйғулашиб, ўз тасдигини топади. “Хибату-л-хакойик”нинг 1444 иили Самарқандда кўчирилган уйғур ёзуви нусхасида ушбу арабча оят ва ҳадислар араб хатида берилиб, жадвалларга олинган.

Туркий адабиётда Алишер Навоий ҳам ҳадислар асосида асар ёзди: у “Арбаъин”дир. “Арбаъин” – муқаддима, кирқ ҳикматли қитъя ва хотимадан тузилган шеърий асар. Қитъалари киркта арабий ҳадис мазмунидан келиб чиқкан ҳолда ёзилган. Шу боис, “Арбаъин”нинг ҳамма қўлёзмаларида ҳар бир тўртликдан аввал мазмуни очиб берилаётган ҳадис ҳам ёзиб қўйилган.

Навоий куллиётларида “Арбаъин” бошқа асарлар билан бирга ёки алоҳида китоб ҳолида кўчирилган. Навоий асарининг Жомий “Арбаъин” и билан кўчирилган нусхалари ҳам бор. Жумладан. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг X, Сулаймон фондида 106-IV кўрсаткичи остида сақланаётган қўлёзмага иккала шоир “Арбаъин” киритилган. Унда аввал ҳар икки асарга асос бўлган арабча ҳадис, сўнг ушбу ҳадис мазмунидан келиб чиқиб ёзилган Жомийнинг форсча ва Навоийнинг туркий тўртлиги келтирилади. Жами қирқта ҳадис мазмуни иккала шоирнинг кирктадан тўртлиги орқали очиб берилган.

**Мажмуа** (<араб. مجموعه). Ўрта асрларда бир қанча муалифнинг асарларини жамлаган мажмуалар кенг тарқалган. Мажмуа ҳам шеърий, ҳам назмий асарларни жамлай олган. Уларга бир даврда ёки турли даврларда яшаб ўтган шоир-ижодкорларнинг асарлари киритилуви ҳам мумкин. Китобат тарихида икки, ҳатто уч тилда яратилган асарларни жамлаган мажмуалар ҳам бор. Шунингдек, XIV–XV юзийилларда тузилган туркий мажмуаларнинг баъзилари икки ёзуви: уларда уйғур ва араб ёзувлари аралаш ишлатилган.

Британия Музейида Or.8193 кўрсаткичи остида 1432 иили Язд шахрида Мансур баҳши кўчириган мажмуа сақланмоқда. Мажмуадаги туркий асарлар уйғур хатида. Унга туркий “Сирожу-л-кулуб”, “Масъала китоби”, “Рахату-л-кулуб” асарлари. Хоразмийнинг “Мухаббатнома”си, шунингдек, Мавлоно Лутфий, Жавҳарий, Қосим, Сайид, мансур баҳши, Қамбар ўғлиниңғизаллари ва тўртликлар киритилган. Ҳошиясиға эса араб ёзувида Камол Исмоил Исфаҳонийининг (XIII аср) форсий девони, сўнгги икки саҳифа сабаби маддасини уйғур хати билан Рашидиддин

Ватвот “Сод калима” сининг бир бўлаги кўчирилган. У араб ва форс тилидадир (Sertkaya 1975; Содиков 1997, 79–82).

**Куллиёт** (<араб. كُلْيَة). Бундай китобларда бир муаллифнинг бутун асарлари ёки ижод маҳсулиниң катта бир қисми жамланган. Куллиётлар туркий адабиётда бошлаб Алишер Навоий асарлари учун тузилган. Бу юмушни шоирнинг ўз котибларидан бири Дарвеш Мухаммад Тоқий амалга оширди: у XV юзийликнинг 90- йилларида Навоий билан ҳамкорликда ишлаб, унинг куллиётини тузиб чиқди. Куллиёт беш йил давомида (1495–1500) китоб шаклида якунланган. Навоий ҳаётлиги чогида ўз назорати остида тузилган ушбу куллиётга туркий тилдаги деярли барча асарлари (“Махбубу-л-кулуб”дан ташқари) жамланган эди. Кўлёзма китоб ҳозир Истанбулдаги Тўпқопи – Реван кутубхонасида (808- кўрсаткичи остида) сакланмоқда.

Навоий асарлари бўйича кейинги юзийликларда ҳам кўплаб куллиётлар тузилган. Ўзбек матншунослигида бу анъана XX юзийликнинг бошларига қадар давом этди. Ҳозирги кезда кўлёзма фондларида мутафаккир асарларининг турли даврларда тузилган куллиётларини учратиш мумкин. Уларга киритилган асарларнинг сони ҳам ҳар хил; тўпламнинг таркиби уни тузган котиб ёки буюртмачининг хоҳиши, давр эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланганди.

Бирини 1824–1830 йилларда котиб Абдураҳим ибн Мұхаммад Фозил Кошгари тузиб кўчирган. Ушбу китоб ҳозир ЎзРФА Шаркшунослик институтининг Ҳ. Сулаймонов фондида (316-кўрсаткичи кўлёзма) сакланмоқда. Ушбу нодир, ажойиб безакли кўлёзмага Навоийнинг ўн олти асари киритилган. Мазкур фонда Навоийнинг турли даврларда кўчирилган яна тўртта куллиёти бор (526, 2589, 163, 1248- кўрсаткичи кўлёзмалар. Уларнинг тавсифига қарант: Ҳакимов 1983, 17–39).

**Хамса** (<араб. خمسة). Шарқ адабиётида хамсалар форсий ва туркийда яратилган. Форсийлари Низомий Ганжавий (“Панж ганж”), Амир Хусрав Дехлавий (“Ҳашт биҳишт”), Абдураҳмон Жомий (“Ҳафт авранг”) каламига мансуб. Туркий хамсанни Алишер Навоий (1438–1485 йиллар).

Навоий “Хамса”-си яратилган кездан бошлаб XX юзийликнинг бошларига қадар кўп нусхада кўчирилган. “Хамса”нинг китоб шаклидаги тўнгич кўлёзма нусхасини

Навоийнинг ўз котибларидан бири Абдулжамил битган. Котиб муаллиф билан ҳамкорликда ишлаб, ёзилган кисмларини дастхатдан оққа кўчириб бораверган. Натижада котиб ушбу кўлёзмани муаллиф билан олдинма-кетин кўчириб якунлайди. Ушбу кўлёзма китоб ҳозир ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 5018- кўрсаткичи билан сакланмоқда.

Хозирги чоғда кўлёзма фондларида Навоий “Хамса”сининг кўплаб нусхаларини учратиш мумкин. Мавжуд нусхаларнинг китобат шакли ҳар хил: “Хамса” нусхаларининг баъзилари Навоий асарларининг куллиётларида. Шунингдек, “Хамса” алоҳида китоб шаклида ҳам кенг ёйилган. Мухими шундаки, нусхаларнинг барида бешала маснавий тўлигича берилавермаган, айримларида баъзилари учрамайди. Ҳатто куллиётларга ҳам уларнинг айримлари киритилмаган. Шу боис ҳам, “Хамса”нинг беш достонли ёки тўрт, уч, икки достонли нусхалари мавжуд. Баъсан “Хамса” достонларининг алоҳида-алоҳида китоб шаклида кўчирилганлари учрайди. Жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Ҳ. Сулаймонов фондидаги 4307- кўрсаткичли кўлёзмага тўрт достон киритилган: “Ҳайрату-л-аброр”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий”. Мазкур фонддаги 23-II- кўрсаткичли кўлёзма ҳам тўрт достонли: “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий”. Ушбу нусхада “Ҳайрату-л-аброр” йўқ, унинг ўрнида “Лисону-т-тайр” маснавийси берилган.

**Девон** (<араб. ديوان). Туркий адабиётда шеърларини жамлаб девон ҳолига келтирган шоирлардан биринчиси Бурҳониддин Сивасийдир (XIV аср). Кейин туркий шеъриятда Ҳофиз Хоразмий девон тартиб берди. Адабиётшуносликда факат ғазалиётдан иборат бўлишига қарамай, Сайфи Саройининг шеърий тўпламини ҳам девон деб санайдилар. Адабиёт тарихида Атоий ҳам девон тузганлиги хақида маълумотлар бор. Лекин унинг девони тўлигича етиб келмаган. Мумтоз адабиётда Саккокий ҳам девон тузган.

Адабиёт тарихида Мавлоно Лутфийнинг девони щухрат топган. Мутахассислар девон нусхаларини қиёслаш натижасида келган хulosаларига кўра, Лутфий девони беш марта муаллиф таҳриридан ўтган. Улар бир-бирини маълум даражада тўлдиради. Девоннинг тарзи тарзи натижада жаҳоннинг ийрик

қўлёзма фондларида ва шахсий коллекцияларда сакланмоқда. Э. Ахмадхўжаев шоир девони ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, 33 қўлёзма нусханинг тавсифини келтирган (Ахмадхўжаев 1987, 13–53).

Туркий шеъриятнинг энг йирик тўпламларини улуг шоир Алишер Навоий яратди. Унинг девонлари икки тилда. Шоирнинг форсий шеърлари “Девон-и Фоний”га жамланган. Навоий барча туркий шеърларини қамровчи “Хазойину-л-маоний”ни тузгунга қадар уч девони тузилган эди. 1465 йили Навоийнинг хиротлик мухислари унинг шеърларини жамлаб девон туздилар. Шоирнинг йигитлик палласида тузилган ушбу шеърлар тўплами “Илк девон” номини олган.

Кейингисини 1469 йилдан кейин Навоийнинг ўзи тузди, отини “Бадоев-л-бидоя” деди. Учинчиси 1480–1487 йиллар орасида тузилди. Уни “Наводиру-н-ниҳоя” атади. 1492–1498 йиллар орасида аввалги девонларга кирган шеърлари, бу девонлар тузилганидан кейинги чоғларда ёзилган, турли сабабларга кўра аввалги тўпламларга кирмай қолган шеърларини жамлаб “Хазойину-л-маоний” девонини тузди. Девон ўн олти тур лирик жанрни ўз ичига олган.

Навоий “Хазойину-л-маоний”нинг сўнгги таҳририни 1498 йилда амалга оширганлиги маълум. Демак, ушбу девоннинг эски ва энг мукаммал нусхаларида учрамайдиган, адабиётшунослар томонидан кейинги пайтларда аникланаётган айрим шеърлар ўша сўнгти таҳрирдан кейин, шоир ҳаётининг охирги икки йилида ёзилган бўлиб чиқади. Бу шеърларни кейинчалик котиблар, мазмунидан келиб чиқиб, девоннинг бирор бўлимига киритиб юборган ёки баёзларда келтирган бўлиши ҳам эҳтимол.

Қўлёзма фондларида “Хазойину-л-маоний”нинг кўплаб нусхалари сакланмоқда. У шоирнинг куллиётлари таркибида ёки алоҳида ҳолда ҳам китобат қилинган.

Кейинги даврларда Навоийнинг лирик шеърларидан танлаб олиб тўпламлар ҳам тузилган. Булар *терма девон* номи билан юритилади.

Туркий адабиёт тарихида девон тузиш анъанаси XX юзийликнинг бошларига қадар давом этди.

**Маснавий** (<араб. مشواي). Ушбу атама аслида аруз шеърининг *a-a*, *b-b*, *c-c* шаклида кофияланувчи турини англатади. Йирик эпик

асарлар айни шеър шаклида ёзилганлиги учун улар ҳам маснавий деб юритилган. Жумладан, Навоий “Мажолису-н-нафоис”нинг иккинчи мажлисида Мавлоно Лутфийнинг ўн минг байтдан ортикроқ “Зафарнома”си ҳақида маълумот бериб, уни “маснавий” деб атайди: “*Mavlānāniy “Zafar-nāma” tarjimasida on miy baydīn artuqraq masnavisi bar*” деб ёзди у.

Энг йирик маснавийлар, қоидага кўра, алоҳида китоб шаклида тайёрланган. Шунинг учун бундай маснавийни китоб тури деб қараш ҳам хато бўлмайди.

Туркий адабиётнинг энг кўхна маснавийси Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадгу билиг”идир. Асарнинг мавжуд учала йирик кўлёзмаси ҳам алоҳида алоҳида китоб шаклида кўчирилган.

**Тазкира** (<араб. تذكرة). Туркий тилдаги энг эски тазкира Фарииддин Атторнинг форсча “Тазкирату-л-авлиё” асарининг туркий таржимасидир. Унинг уйғур ва араб ёзувли кўлёзмалари маълум. Уйғур ёзувли нусхасини 1436–1437 йилларда Ҳиротда Абу Малик баҳши кўчирган. У “Меърожнома” асари билан бир жилдда. Кўлёзма ҳозир Париждаги Миллий кутубхонада (Suppl.Turc,190 кўрсаткичи остида) сакланмокда.

Туркий адабиёт тарихида мустақил ва ўта қимматли икки тазкирани Алишер Навоий яратди: “Насойиму-л-муҳабbat” ва “Мажолису-н-нафоис” деб аталади улар. Булардан биринчиси – машойих ва авлиёлар тазкираси. “Мажолису-н-нафоис” эса адабиётшуносликка оид асар.

Темурийлар ва Шайбонийлар даври адабиётшунослигига ушбу адабий муҳит тўғрисида маълумот берувчи учта тазкира шуҳрат топди. Булар: Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро”, Алишер Навоийнинг “Мажолису-н-нафоис”, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” тазкираси. Нисорийнинг ўзи ҳам асарини бу давр тазкираларининг учинчиси деб санаган эди.

Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасини Навоийнинг таклифи ва маслаҳати билан 1488 йилда ёзди. Асар форсийда бўлиб, X–XV юзийлликларда яшаб ижод этган 150 га яқин шоир ҳақида маълумот берилган. Унда, асосан, форсий адабиёт намояндадари жамланган эди.

Туркий тилда яратилган ва туркий тилли ижодкорлар ҳақида кенг маълумот берувчи илк тазкира Навоийнинг “Мажолису-н-

нафоис”идир. Навоий ушбу асарида XV аср Маворауннахр, Хурросон икки тилли адабиётини умумий жараён сифатида карайди; бу мухитда яшаб, туркий ҳамда форсийда ижод этган шоир, ёзувчи ва олимлар ҳакида маълумот беради. Асар икки қайта тузилган: биринчи вариантини 1490–1491 йилларда, иккинчи – тўлдирилган, қайта ишланган вариантини 1497–1498 йилларда амалга оширди. Асарнинг мавжуд кўлёзмаларини ўзаро қиёслаш натижасида иккинчи таҳрирдан сўнг Навоий ўз тазкирасида 461 шоир ҳакида маълумот берганлиги аён бўлади (*қаранг*: Ҳакимов 1983, 21–22, 158–162).

Мовароуннахр адабий тазкиранавислигининг учинчи йирик тазкираси Ҳасанхожа Нисорийнинг форсийда ёзилган “Музаккири аҳбоб”идир. Асар 1566 йили ёзиг тугалланган. Унда XVI юзийлилкда Мовароуннахр, Хурросон, Ҳиндистон, Анатёли ва Рум, Озарбайжон, Шарқий Туркистонда яшаб ижод этган 288 туркигўй ва форсийзабон шоирлар ҳакида маълумот берилган. Мухими шундаки, асарда туркий тилда ижод этган шоирларнинг шеърларидан олинган байтлар туркийда келтирилади (*асарнинг ўзбекча нацирига қаранг*: Нисорий 1993).

XIX юзийлилкнинг биринчи ярми Қўқон адабий мухитида Абдул Карим Фазлий Наманганий “Мажмуа-и шоирон” тазкирасини ёзди. Асарнинг тўртта қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Ҳ. Сулаймонов фондида сақланмоқда (*қаранг*: КФИР I, 243–245).

Ўзбек адабиётшунослигига тазкиранавислик анъанаси XX юзийлилкнинг биринчи ярмида ҳам давом этди. Хоразмлик олим ва шоир Ҳасанмурод Лаффасий “Хева шоирлари”, “Тазкираи шуаро” асарларини яратди. Уларда муаллиф XIX аср охири – XX аср бошларида Хева хонлиги ҳамда Мухаммад Раҳимхон II Феруз саройида ижод этган шоирлар ҳакида маълумот беради, уларнинг асарларидан намуналар келтиради.

60- йилларда адабиётшунос Пўлатжон Қайюмий ҳам тазкира тузган. Бу асар “Тазкираи Қайюмий” деб юритилади. Асарда адабиётимиз тарихининг турли даврларида из қолдирган шоирлар жамланган.

**Баёз** (<араб. باص). Матнчилигимиз тарихининг уч хонлик даврида (XVII–XIX асрлар) баёз тузиш анъанаси ниҳоятда авж олди. Баёзларга турли даврларда яшаб ўтган шоирларнинг

шеърлари киритилган. Уларда мумтоз шеъриятнинг айтарли барча турларини (ғазал, мухаммас, мустазод, қасида, муаммо, рубоий, чистон, фард ва б.) учратиш мумкин.

Жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Ҳ. Сулаймонов фондида сақланаётган 1483- кўрсаткичли баёзга Жомий, Навоий, Ҳилолий, Бедил, Саидо, Имло, Ҳувайдо, Фиёсий, Ҳозик, Равнақ, Фузулий, Муқимий, Фурқат, Амирий, Фазлий, Машраб, Маъдан каби шоирларнинг ғазал, мухаммас, рубоий, наът, қасида ва б. шеърлари киритилган.

Айрим баёзларда шеърлари киритилган шоирлар сони ниҳоятда кўп. Ҳатто юздан ортиқ шоирнинг шеърларини жамлаган баёзлар ҳам бор.

Одатда, баёзни тузувчи ва котиб – бошқа-бошқа киши ёки котибнинг ўзи унинг тузувчиси ҳам бўлиши мумкин.

Баёзларда бизгача шеърий девони етиб келмаган ёки номи энди чиқаётган шоирларнинг ҳам шеърлари тез-тез учраб туради.

Баёзларнинг икки тиллилиги ҳам бор. Айниқса, Ўрта Осиё адабий марказларида тузилган баёзлар кўпинча ўзбекча ва тоҷикча шеърлардан иборат. Чунончи, айни фонддаги 2561-кўрсаткичли китобдан Жомий, Ҳилолий, Фузулий, Хилватий, Махзуна, Камий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Роғибий ва бошқаларнинг ўзбекча ва тоҷикча шеърлари ўрин олган (КФИР I,195).

Матнависликда бир ёки бир қанча муаллифнинг туркум шеърларидан тўпламлар ҳам тузилган. Ғазаллар жамланган китоб *ғазалиёт* (<араб. غَازِلَاتُ), мухаммаслар тўплами *мухаммасот* (<араб. مُخْمَسَاتُ), қасидалар мажмуи *қасоид* (<араб. قَاسِيَّة), рубоийлар тўплами *рубоиёт* (<араб. رِبَاعَيَاتُ), қитъалар мажмуи *қитъаот* (<араб. قَطْعَاتُ) ёки *муқаттаот* (<араб. مَقْطَعَاتُ), фардлар тўплами *фардиёт* (<араб. فَرْدَيَاتُ ) ёки *муфрадот* (<араб. مَفْرَدَاتُ ) номини олган.

**Муншаот** (<араб. منشأة). Туркий мактубларнинг энг эскилари қадимги уйғур хоқонлиги даврига мансуб. Шунингдек, Олтин Ўрда хонлари, темурий амалдорларнинг туркийда битган қўплаб ёзишмалари маълум. Лекин улар жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Туркий адабиёт тарихида биринчи бўлиб ўз мактубларини бир китобга жамлаб муншаот тузган Алишер

Навоийдир. Адибнинг бу асари унинг куллиётларига киритилган, у якка китоб ҳолида ҳам кўчирилган.

**Рисола** (<араб. رساله). Фаннинг муайян соҳасига тегишли илмий асар *рисола* дейилган. Рисола якка ҳолда битилган ёки бир қанчаси бир китобга жамланган. Алишер Навоийнинг адабиётшуносликка оид “Мезону-л-авзон” ва тилшуносликка оид “Муҳокамату-л-лугатайн” асарлари ана шундай рисолалардандир. “Муҳокамату-л-лугатайн”нинг хотимасида муаллифнинг ўзи ҳам ушбу асарини “рисола” деб атаган: *bu risālanī jam' qīlīp bitidim*, деб ёзади у.

Адабиётшунослик тарихида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мухтасар” номли илмий рисоласи ҳам бор.

**Мунтхаб** (<араб. منتخب). Бир ёки бир неча муаллиф асаридан олиб муайян масала бўйича тузилган тўплам, сайланма китоб.

**Мухтасар** (<араб. مختصر). Бундай китоблар йирик асарларнинг қисқача баёнидан иборат бўлган.

**Муфассал** (<араб. مفصل). Бир ёки бир неча асарнинг шарҳлари билан берилган мукаммал тўплами.

**Уржузा** (<араб. ارجوزة). Илмий мавзудаги шеърий асар шу ном билан юритилган. Уржузা араб шеъриятида учрайди. У ражаз баҳрида ёзилган.

Ўрта асрлар илм шеъриятининг ажойиб намуналари Абу Али ибн Сино ижодида бор. Унинг шеърияти фалсафа ва фаннинг муайян соҳаларига бағишиланган. Чунончи, унинг тибиётта оид саккизта уржузаси маълум. Булар соҳаларига қараб “Уржузат фи-тибб” – “Тиб ҳакида уржузা”; “Уржузат фи-т-ташрих” – “Анатомия ҳакида уржузা”; “Уржузат фи-фусул ал-арбаа” – “Тўрт фасл ҳакида уржузা”; “Уржузат фи-хифз ас-сихҳа” – “Сиҳатни саклаш ҳакида уржузা” сингари номлар билан аталади.

**Қомус** (<араб. قاموس). Ўрта асрларнинг қомуслари (энциклопедиялар), асосан, араб тилида.

**Фиҳрист** (<араб. فهرست). Библиографик кўрсаткич ёки асарлар каталоги *фиҳрист* деб юритилган. Туркий манбаҳуносликда кўпроқ Навоий асарларининг фиҳристлари тузилган.

**Шарҳ** (<араб. شرح). Ўрта аср Шарқида шарҳлар илмий, фалсафий, диний асарларга тузилган.

Табиийки, чукур илмий ва фалсафий рисолалар мазмуни кенг китобхонлар оммасига ҳар доим ҳам осон тушунилавермаган. Шунинг учун бундай асарлар билан ёнма-ён уларнинг шарҳлари юзага кела бошлади. Жумладан, Абу Наср Форобий Аристотель меросини чукур ўрганиб, унинг айтарли барча асарларига шарҳлар ёзди. Форобий шарҳлари Аристотелни Шарқда машхур килди.

Шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг асарларига ҳам ўнлаб шарҳлар тузилган.

Мусулмон дунёсида Куръони карим сураларининг шарҳлари ҳам кенг ёйилган. Куръони каримнинг шарҳлари *тафсир* номи билан юритилади.

**Кофия** (<араб. **كافية**). Араб тилини ўрганиш учун тузилган қўлланмалар шундай аталган. Кофия китблари, асосан, форсийда битилган. Туркйиси йўқ.

**Сарғу наҳв** (<араб. **الصرف و النحو**) ёки *илеми наҳв* (<араб. **النحو**). Грамматика китоби.

## Қўлёзма китобларнинг бадиий безаклари

Қўлёзма китобларнинг бадиий безаклари, асосан, уларга ишланган шамс, туғро, лавҳа, унвон, зарварақ, қўш зарварақ, сарлавҳа, доира, миниатюра, геометрик шакллар, жадвал, турли накшлар, матннинг хат услуби, хат ранги, хотимада акс этади.

**Шамс** (<араб. **شمس**). Рус текстологиясида *форзац* дейилади. Расм санъатининг бу нафис тури кўпинча ўта ноёб китобларга ишланган. Кўриниши шундай: асарнинг илк сахифасига ёруғлик сочиб турган кун тасвири нақш ишланиб, ўртасига асар номи ёзилади. Аксар холларда сахифанинг гирдо-гирди ҳам нақшга ўралган бўлади. Куллиётларда шамсга унинг таркибидағи асарлар рўйхати берилади.

Мусаввирнинг маҳоратига қараб, шамсларнинг ишланиш услуби ҳам фарқ қиласиди: улар доира шаклида ёки ромбага мойилрок кўринишда ишланиши мумкин. Бунга қўшимча кун тасвирининг ост ва уст кисмига кичик нақшчалар, қўш нақшчалар уланади. Баъзан унинг тараалаётган нурлари ҳам нақшчалардан ташкил топади.

Туркий қўлёзмаларда бу санъат Навоий асарларига кўп ишланган. Жумладан, Алишер Навоий “Хамса”сининг энг эски

нусхаларидан бири – 1485 йили Ҳиротда кўчирилган кўлёзмасининг илк саҳифасига шамсли тасвир ишланган (*суратига қаранг*: НАИР, 24- расм).

Бу борада, айниқса, 1492–1493 йиллар Ҳиротда Султон Али Машҳадий кўчириган “Хамса” эътиборга лойикдир. Ута нафис нақшу миниатюралар билан безатилган ушбу қўлёзма ҳозир Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сакланмоқда (Дорн 560).

Китобда ҳар кайси достон аввалига шамслар ишланиб, орасига асар номлари ёзиб чиқилган (*қаранг*: НАИР, 48, 50, 52, 54- расмлар). Шамсларнинг орасига битилган асар номлари шундай: “Kitâb Xisrav-u Ŝîrin”; “Layli-vu Majnun”; “Haft paykar”; “Iskandar-nâma”.

Қўлёзма китобдаги тўртала шамснинг ишланиш услуби ҳар хил: иккиси ромба шаклига мойил, иккиси доирасимон. Бунга кўшимча ҳолда уларнинг ост ва устига кичик нақшчалар, қўшалоқ нақшчалар уланган. Бари саҳифа гирди бўйлаб нақшга олинган.

“Хамса”гина эмас, Навоийнинг бошқа асарлари кўлёзмалари ҳам шамс билан зийнатланган. Жумладан, “Девон”, “Лисону-ттайр” асарларининг нафис шамс билан зийнатланган ўта нодир кўлёзма нусхалари маълум (*қаранг*: НАИР, 101, 202, 215, 245-; 184–185- расмлар).

Форсий қўлёзма китобларда шамс кўпроқ Саъдий, Хусрав Дехлавий асарларининг нодир нусхаларига ишланган (Хусрав Дехлавийнинг “Хамса”си, “Девон”и ҳамда “Дўвалрани ва Хизрхон” маснавийларига ишланган шамсларга қаранг: ДАИР, 87, 89, 95- расмлар).

*Туғро*. Баъзи қўлёзма китоблар илк саҳифасининг орқа тарафига қорада чизилган турли белгиларни учратиш мумкин. Бу тасвир давлатнинг ёки китобни кўчирирган амалдор(амир)нинг шахсий белгиси (символи, рамзи) бўлиб, уни *туғро* деб аталади. Туғро чизилган саҳифага бошқа ҳеч қандай бўёқ ё суратлар берилмайди. Туғро белгиси расмий ҳужжатларнинг (масалан, ёрлиқнинг) бошланишида ҳам кела олади.

Бу атамани Маҳмуд Кошғарий *tuğray* деб берган: “*tuğray* – хоннинг муҳри (ўғузчадир). Турклар билмайдилар, мен ҳам бу сўзнинг аслини билмайман”, деб ёзади у (МК. 116b).

*Лавҳа* (<араб. لوحه). Рус текстологиясида фронтиспис дейилади. Қўлёзма китобнинг икки бетига бир-бирига симметрик

қилиб ўта нафис безак ишланган. Безаккынг марказида түртбурчак қолдириб, бир ёки иккى устунли шеърий матн ёзилган. Матнли түртбурчакнинг юқори ва остига шаклчалар ишланиб, лавҳа тевараги кўп ҳолларда нур билан ўралган. Алишер Навоийнинг “Девон”и, “Хамса”сининг ноёб кўлёзмаларида бу расм тури кўп учрайди (қаранг: НАИР,2–3,16–17,25–26,35–36,37–38- ва б. расмлар).

Хусрав Дехлавийнинг “Девон”и, “Дўвалрани ва Хизирхон” маснавийси ва куллиётига кирган маснавийларга ҳам лавҳалар ишланган (қаранг: ДАИР,90–94,96–99,106–109,114–115- расмлар).

**Унвон** (<араб. عنوان) – унвон. Шарқ китобатида унвон икки маънода ишлатилади.

Биринчиси, санъат тури, унвон; рус текстологиясида *заставка* дейилади. Кўлёзма китобларнинг ноёб нусхаларига киритилган асарлар кўп ҳолларда унвон билан очилади. Унвон асар бош бетининг учдан бир қисмига зарҳал аралаштириб ишланган безакли нақш бўлиб, ўргасига асар номи ёки бисмиллоҳ ёзилади. Баъзи унвонларнинг ёзувсизи ҳам бор. Унвоннинг тепа қисмигагина нур чизилади. Унвон остидан матн бошланиб кетади (*Навоий асарларига ишланган унвонларга қаранг:* НАИР,27–29,31–34,49,51,53,55,59–63,98- ва б. расмлар).

Мажмуа ва куллиётларда унвон уларнинг таркибидаги асарлар бошланишига алоҳида-алоҳида ишланади.

Хусрав Дехлавийнинг “Хамса”си ва куллиётига кирган маснавийларга ишланган унвонларга ҳам қаранг: ДАИР,101–105,110–113,116–117- расмлар.

Иккинчиси, ёрликларда хукумдорнинг муайян қолипли бошлама-сўзи. Шунингдек, ўрни билан, матн бошланишидаги басмалани ҳам унвон дейилади.

**Зарварак** (<форс+араб. زرورق). Рус текстологиясида *шмуцтитул* дейилади. Бу санъат турининг шакли шундай: ишқ сахифанинг бутун юзига зарҳал аралашган сурат ишланган бўлади. Икки бетга ишлангани қўши зарварак дейилади. Орасига кўпинча асар номи ёзилади. Куллиёт ва мажмуаларда китобнинг бир неча ерида – таркибидаги асарларнинг хар бирига алоҳида-алоҳида зарварак ишлануви ҳам мумкин. Навоий “Хамса”сининг нодир кўлёзмаларидан бирига ишланган қўш зарварак тасвирига қаранг: НАИР,44–45- расмлар.

**Сарлавҳа** (<форс+араб. سرلوحه). Шарқ кўлёзмаларида сарлавҳа ҳам китобнинг бадиий безаги бўла олади. Чунки сарлавҳалар асосий матндан фарқли ўлароқ бошқа рангда, йирикроқ қилиб, баъзан бошқа бир хат услубида ажратиб берилади. Сарлавҳа китобга ишланган нақшинкор расмларда: шамс, лавҳа, унвон, жадвал (рамка)ларда ҳам нафис хат услубида ёзилиб, китоб кўркини оширади.

**Доирача.** Одатда, девонларнинг ноёб нусхаларида кўп учрайди. Таркибидағи шеърларни бир-биридан ажратиш учун уларнинг орасига доирачалар чизилади. Доирача оддий ёки нақшли (читтий гулли) бўлади.

**Миниатюра.** Маснавийлар, тарихий асарларнинг ноёб нусхаларига асар сюjetи, воеа-ҳодисаларга мос ҳолда миниатюралар (мўъжаз расмлар) ишланган. Шеърий девонларга ҳам миниатюралар чизилган. Диний-фалсафий китобларда миниатюралар у қадар кўп эмас. Уларда нақшинкор суратлар устун даражада.

Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг асарлари орасида, айникса, Алишер Навоий достонларига миниатюралар кўп ишланган. Бу эса тасвирий санъат усталарининг Навоий асарлари сюjetига қизиқиш билан қараганилкларидан далолат беради. Навоий маснавийларининг баъзи нусхаларида уларга ишланган миниатюралар ниҳоятда кўп. Жумладан, ЎзРФА Шарқшунослик институтининг X. Сулаймонов фондида сакланаётган “Хамса” нусхасида (2630-1 кўрсаткичли кўлёзма) достонларнинг сюjetига мос ҳолда 18 та миниатюра ишланган. Улар куйидагича тақсимланади: “Ҳайрату-л-аброр”га – 3 та, “Лайли ва Мажнун”га – 2 та, “Фарҳод ва Ширин”га – 3 та, “Сабъаи сайёр”га – 7 та, “Садди Искандарий”га – 3 та (қаранг: Ҳакимов 1983, 114–118). Ёки айни фонdda сакланаётган “Хамса”нинг тўрт достони киритилган нусхасида (23-11 кўрсаткичли кўлёзма) миниатюралар сони шундай: “Фарҳод ва Ширин” маснавийсига – 9 та, “Лайли ва Мажнун”га – 7 та, “Сабъаи сайёр”га – 10 та, “Садди Искандарий”га – 13 та миниатюра ишланган (кўлёзма тавсифига қаранг: Ҳакимов 1983, 143–145).

“Лисону-т-тайр”нинг ноёб кўлёзмалари ҳам миниатюраларга бой. Мухими шундаки, “Ҳайрату-л-аброр”, “Лисону-т-тайр”га ишланган миниатюралар ичида диний мавзуларда ишланганлари

ҳам бор (масалан, Мұхаммаднинг Ыурекда парвози, меъроj тасвири, девлар Сулаймон пайғамбарни Ҳиндистонга олиб кетаётгандылыгы ва б.) (қаранг: НАИР,238,265,267- расмлар).

Алишер Навоийнинг “Девон”ларига ҳам миниатюралар күп ишланган. Бу расмларнинг мавзуи ҳар хил: шеърхонлик, мактаб ё кутубхона тасвири, устоз қошида сұхбат, базму зиёфат, ов билан боғлиқ лавҳалар, от пойгаси, сайд, чавгон ёки қобоқ үйини ва б. (масалан, НАИР,18,19,20,22,92,96,109,129,211,225- расмларга қаранг).

Шарқ тасвирий санъатида Хусрав Дәхлавий асарларига ҳам миниатюралар күп ишланган (қаранг: ДАИР).

Айрим миниатюраларда якка-ёлғиз киши тасвири чизилган. Бу борада Абдураҳмон Жомий “Саламон ва Абсол”нинг 1581 йили котиб Мұхаммад ибн Мулло Мир ал-Хусайнин күчирған ноёб нусхасыга чизилган расмлар эътиборга лойик. Күлөзмаси ҳозир Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланмоқда (ПИС 145- күрсаткичли китоб).

Китобда матн сахифа ўртасида икки устун қилиб битилган. Уларнинг ҳар бири, сұнгра иккаласи умумий қилиб зарҳал жадвалга ўралған. Ҳошияларига ҳар хил рангда турли ўсимлик, гуллар, геометрик шакллар ишланған. Диққатта лойик ери шундаки, ҳошиядаги тасвирларнинг ҳар ери-хар ерига турли шаклларга ўралған кичик-кичик расмлар (миниатюралар) чизилған. Уларда ёлғиз, бальзам икки киши – сұхбатлашаётгандан киң ва йигит, хотин ва әрқак, қанотли париларнинг белидан ё күксидан юқори қисми тасвирланған. Ҳатто бир ўринде отнинг расми ҳам бор. Жами 219 миниатюра ишланған бўлиб, ҳар бетнинг ҳошиясида уч-тўрттадан. Айрим бетларда миниатюра йўқ (күлөзмасининг факсимиль нашрига қаранг: Джами 1977).

**Жадвал** (<араб. جدول). Күлөзма китобларда жадвал (рамка) ҳам матннинг бадиий безаги бўлиб хизмат килади. Бир чизикли, икки, уч чизикли, оддий ёки зарҳал жадваллар бўлади. Улар матнни ажратиб туриш билан бирга, сахифа кўркини таъминлайди. Күлөзма китобларнинг турига қараб жадваллар ҳам ҳар хил. Буткул жадвалсиз күлөзма да бор. Шундай эса-да, уларда матннинг ёзилиш тартиби, хат ранги, тури китобат даражасида бўлади. Асарларнинг оддий күлөзма нусхаларига ҳам жадваллар чизилған. Юқори лавозимдаги кишилар томонидан

махсус буюртма билан күчиртирилган құләзмаларга жадвал  
күпроқ ишланади. Ўта ноёблари зархалли бўлади.

Матн турига қараб жадваллар ҳам ҳар хил ишланган. Насрий асарлар, одатда, сидирғасига ёки ҳошиядагиси ёнламасига битилиб, оддий жадвал билан кифояланади. Шеърий асарлар, айниқса, девонлар бир неча устунли қилиб битилиб, унга ишланган жадваллар ҳам анча мураккаб бўлади. Баъзи асарларда сарлавҳалар ҳам жадвалга ўралади ва ҳ.

Жумладан, ЎзРФА Шарқшунослик институти Ҳ. Сулаймонов фондида сакланаётган Алишер Навоий куллиётининг ноёб нусхасига (316- кўрсаткичли құләзма) ишланган жадваллар шундай: ҳар бир сахифа матни зарҳал жадвалга олинган. Ҳар қар қайси устун (уларнинг сони турлича) бир-биридан икки йўлли зарҳал чизик билан ажратилган. Маснавийлардаги сарлавҳалар ҳам зарҳал жадвалда. Девонларда эса шеърлар оралиғида икки мисра ўрни бўш қолдирилиб, зарҳал чизик тортиб қўйилган. Бу белги ғазалларни, бандларни бир-биридан айриб туради. Айрим сахифаларда шеърларни бир-биридан ажратиб туриш учун оралиққа доирача чизилган. Ҳар икки сахифа ҳошиядан яхлит кўк чизик билан ўраб қўйилибди.

*Геометрик шакллар.* Ўта ноёб құләзмаларда сахифа юзига, жадвалларга қўшимча ҳолда, геометрик шакллар ҳам ишланган. Жумладан, Британия Музейида сакланаётган Or.8193 кўрсаткичли уйғур ёзуви құләзмада айрим ўринларда ромбасимон ва турли геометрик шакллар ишланган. Уйғур ёзуви матн эса ана шу шакллар орасига битилган.

*Нақши ва зийнатлар.* Ноёб құләзма китобларда сахифа юзига ёки матн теварагига, базан сахифага ишланган миниатюрани гир айлантириб турли қўриниш ва рангдаги нақшлар ишланган, ўсимлик ва гуллар тасвири берилган (*Навоий асарлари құләзмаларига ишланган нақшларга қаранг*: НАИР, 4–5, 151–152, 186–187, 213–214- расмлар).

Баъзи құләзмаларда шеърий матн ораси ҳам нафис нақшлар билан зийнатланган. Улар шеърларни ўзаро ажратиб туришга хизмат қиласиди (*қаранг*: НАИР, 56–58, 115–122, 155–159, 166–173-расмлар).

*Матннинг хат услуги.* Шарқ құләзмаларида хат услуги ҳам китобнинг кўркини таъминлагай. Китобнинг чиройи хуснихат,

танланган хат услубига боғлиқ. Махсус буюртма билан тайёрланаётган китобларни хаттотлар кунт-ҳафсалы ва эътибор билан кўчирган. Айрим кўлёзмаларда бир неча хат услуби ишлатилган. Жумладан, “Кутадгу билиг”нинг ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сакланаётган кўлёзмасида асосий матн наслда битилган, бобларнинг сарлавҳалари эса сулсада.

**Хат ранги.** Ноёб кўлёзма китобларда хат рангининг танланиши ҳам аҳамиятга эга. Бундай китобларни кўчирганда бир қанча рангни кўллаганлар: асосий матн қорада, сарлавҳалар, матннинг айрим ўринлари қирмизи рангда битилар эди. Ўта ноёб кўлёзмаларда матннинг айрим сўз ёки жумлалари зарҳал рангда ҳам битиларди. Кўлёзмаларда баъзан жигарранг, кўк, яшил ранглар ҳам ишлатилган.

**Хотима** (<араб. **خطمة**). Кўлёзманинг энг сўнгти сахифасида, матн тугагандан сўнг учбурчак чизилиб, баъзан нақшга олинади. Учбурчак зарҳалда ишланиши ҳам мумкин. Китоб якунидаги бундайин тасвир хотима дейилади. Хотимага котибининг исми-шарифи, кўлёзманинг кўчирилиш тарихи (санаси) ёзилади. Хотиманинг ёзувсизи ҳам бўлади (қаранг: НАИР, 99, 108, 163-расмлар).

### Кўлёзма китобларнинг муқоваси

Шарқ китобатчилигидаги жузвланган китобларнинг муқоваси ҳам ўзига хос санъат асари даражасига кўтарилган. Афуски, бизгача сақланиб қолган кўлёзма китобларнинг бари асл муқовасида эмас. Кўлёзманинг муқоваси дастлабки ёки кейинчалик таъмир жараёнида картондан кайта ишланган бўлиши мумкин. Баъзан кўлёзма фондга келиб тушгандан сўнг тушиб қолган муқоваси ўрнига янгиси қопланади.

Китобат тарихини ўрганишда асл (оригинал), дастлабки муқовалар қадрлийdir. Китобнинг асл муқовалари, одатда, қалин чарм, ёғоч ёки картондан ишланган. Баъзи муқовалар картондан ишланиб, устига чарм қоплангач бўлади. Айримларининг устига матоғиоф тортилган.

Муқовалар оғзи қопқоқли (гилофли) қилиб ҳам ишланади. Айрим ноёб китоблар кутичали бўлади. Гуси жигарранг, қирмизи, қора, мошранг, сабзаранг.

Муқова картон қийкендиларидан ёки бир қанча пишиқ қофоз вараклари ёпиштирилиб тайёрланган. Қоғозлар бүтқасимон сүюқлик ҳолига келтирилгач, махсус қолиңга күйилиб котирилган. Тайёр ҳолда уни “мағзий рехта”, “куйма картон” деб аталарди.

Жилд учун яна қопқокжилд ҳам ишланган. Уларга энг пухта, энг яхши саҳтиён тери ташланади. Бу соҳада “чарми ҳамадоний” деган Ҳамадоннинг оч жигарранг, ялтироқ чарми ажралиб турган. Муқова ва қопқокжилдни тайёрлаш жараёни гоят мураккаб бўлган. Унда “ҳафтжўш” деб аталган бостирма тахтачалар (штамповка)га бўрттирма турли-туманг расмлар, нақшлар ишланган. Уларни тахтакачлар ёки исканжага солиб, секин-аста қисиб куритилган.

Муқованинг юзига ишланган нақшлари бўртма, ўйма ёки сидирға юзли.

Нақш услуби ҳам ҳар хил: баъзи муқоваларнинг бўйламасига ромбага мойил шакл берилиб, уст ва остига майда нақшчалар уланган (буларни *тамға* деб ҳам юритилади). Шунга кўра, муқовалар уч тамғали, беш ва кўп тамғалидир.

Муқованинг гирдига ҳам нақш ишланниб, жадвалга олинади. XV–XVI юзийилларда ишланган китоблардаги муқова тамғаси анча йирик: муқованинг катта сатҳини эгаллайди. Кейинги асрларда ушбу тамғалар майдалашган.

Айрим муқоваларда гул ва ўсимликлар орасига қуш ва ҳайвонлар тасвири чизилган. Баъзи муқовалар юзига гуллар ва турли безаклар берилиб, тамғасиз бўлади.

Муқова юзидағи тамға ё нақшлар ичига уни тайёрлаган саҳҳофнинг исми-шарифи ҳам ёзилган.

Баъзи муқоваларнинг ички томонига ҳам нақшлар, миниатюралар, абри баҳор ишланган (*Навоий асарлари нодир нусхаларининг муқоваларига қаранг:* НАИР, 1, 14, 23, 30, 43, 77–78, 89, 100, 123, 134, 182, 183, 201, 203–204, 230, 244, 261- расмлар).

Муқова бўлакларидан ҳар бирининг ўз оти бор: китобнинг ўнг ва терс қисмидаги муқова вараклари *тоқа* дейилади; ўнг *тоқа* ва *чат тоқа*. Тоқа – фрлаштириб турувчи китобнинг ён қисми *таяки* дейилади. Муқова кўп уруимаслиги учун бурчагига чармдан кичик бир ушлагич-очкич ишланади. Бунинг оти –

*лабаки.* Жуввларини бирлаштириб турish учун ипаклик ёпиштирилади. Уни шеъроза аташади.

Баъзи қопқоқли муқоваларнинг уст қисмидаги ярим бетли ёпқичи бўлади. Буни лаъба дейилган.

## **Кўлёзма китобларнинг қоғози**

Кўлёзма китоблар, асосан, Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган қоғозлардан ишланган.

Қоғоз турларидан бири китобатчиликда *шарқ қоғози* номи билан юритилади. Шарқ қоғозининг хиллари бор: ранги оқ, оқиш ёки новвотранг. Қалин ёки юпқа, баъзилари шалдироқ. Силлиқ, сифатли, баъзизда дағал ва сифатсиз ишланган бўлади. Баъзилари новвотранг бўлиб, жилолидир.

Муайян ўлкаларда ишлаб чиқарилган қоғозлар ҳам машхур. Бири Самарқанднинг юпқа ипак қоғозидир. У кўпроқ оқиши, баъзан новвотранг бўлади.

Яна бири Хурсон ёки Ҳирот қоғози номини олган ипак қоғозидир. У кўпинча новвотранг, юпқа ишланган. Баъзилари новвотранг, қалин бўлиб, жилосиз бўлади.

Китобат ишида Кўконда чиқарилган қоғоздан ҳам кўп фойдаланганлар. Кўкон қоғозининг ҳам навлари бор: бири оқиш, қалин бўлади. Окишининг баъзиси қалин ва шалдироқ, айрими юпқа шалдироқ бўлади. Айримларининг ранги оқиши бўлиб, юпқа ишланган.

Бошқа бир хили новвотранг, юпқа, шалдироқ. Кўкон қоғозининг сарғиш, юпқа, шалдироқ хили ҳам мавжуд. Баъзилари жилоли бўлади.

Кўлёзма китобларнинг баъзиларида етти рангли қоғоз ишлатилган; у, асосан, юпқа ва шалдироқ бўлади. Буни ҳафтранг деб юритилади.

Кўкон қоғозининг қалин ва дағал ишланганлари ҳам бор.

Қоғоз гоят сифатли бўлмоғи даркор. XV юзийилкларда Самарқанд ва Бухоро қоғозлари энг яхши саналган. Булар икки хил бўлган:

(1) Фақат ипак лослардан (пахта толасини қўшмай) тайёрланган. Бу қоғоз пишик, чиройли, тоза, силлиқ бўлган. Уни “қоғози оброви” деб аталади.

(2) Ярим ипак ва ярим каноп толаларидан тайёрланган. Уни “қоғози нимкатоний” деб аташган. Бу ҳам пишиқ, яхши, охорли бўлган.

Қоғознинг орка ва ўнгига буғдой унидан килинган аталасимон елим (оҳор) юпка қилиб суртилган ва сояда қуритилган. Сўнгра ақикдан тайёрланган дандон (тиш) ёки чиганоқ (мухра) билан ишлов берилган. Маълумки, қоғозни ялтироқ қилиш учун етти мартагача пардоз берилган. Хаттот ёзаётган чоғда мабодо хато қилиб қўйса, хатни абр – юмшоқ булутни сувлаб хато ўчирилган, кейин бир оз крахмал суртиб қуритилган. Қоғоз яна қўчиришига яроқли холга келган.

“Ҳафт ранг” ва “абри баҳор” номли қоғозлар муқованинг ички томонига ишлатилган. Бадиий безакли қўлёzmанинг ҳошияси учун турли рангдаги ҳошия қоғози ишлатилган. Уни матнили саҳифанинг теварагига эҳтиёткорлик билан ёпиштирилган.

Қоғозларни тайёрлаш ишларини маҳсус қоғозрез (уста) бажарган.

XIX юзийлиқдан бошлаб Ўрта Осиё китобатчилигида Европа мамлакатларида, хусусан, Россияда ишлаб чиқарилган қоғозлардан ҳам фойдалана бошладилар. Россия қоғозларининг тузи оқиш, оч ҳаворанг. Юпқа ва сифатли. Қоғозда сув тўлқинларининг акси ҳам туширилган бўлади. Баъзи китоблардаги рус қоғозлари дағал ишланган.

Рус қоғозлари XIX юзийлиқда кўпроқ Хоразмда ишлатилган. Россия билан Хоразм ўртасида савдо муносабатлари яхши изга кўйилганилиги туфайли, қоғоз ҳам олиб келинган. Ўша замонлар Хоразмда тузилган баёзларнинг кўпи ана шу қоғозда.

## Қўлёзма китобларнинг техник белгилари

Қўлёзма китобларнинг техник белгилари деганда матн теварагидан колдирилган ҳошия, пойгир белгиси, китобга урилган муҳр-тамғалар, белги-нишонлар тушунилади.

**Ҳошия** (<араб. حاشية). Қўлёзма китобларда саҳифадаги матннинг теварагида ўш қолган жойга ҳошия дейилади. Ҳошияни қандай ўлчамда колдириш котибга боғлик. Баъзи китобларда ҳошия торроқ колдирилади, баъзи китобларнинг матни ихчам битилиб, ҳошияси кенгроқ бўлади. Қўлёзма китобнинг бошидан

охиригача ҳошиялар бичими бир хилда бўлишига амал қилинган. Жадвалсиз, оддий матнларда ҳам ҳошия қолдирилади.

Ҳошия қолдирилишининг яна бир сабаби, матнни ортиқча парокандалиқдан саклашdir. Қофознинг тевараги чириб тушганда ҳам, матнга етиб бормайди.

Баъзи кўлёзма китобларда ҳошиядан ҳам унумли фойдаланилган. Асосий матнда тушиб қолган сўз ва жумлалар ҳам ҳошияга ёзиб қўйилади.

**Пойгир** (<форс. پایگیر) – пойгир; рус текстологиясида погинация дейилади.

Кўлёзма китобларда, одатда, вараклар изчиллигини таъминлаш мақсадида пойгирдан фойдаланилган. Пойгир ҳар бир варак тугагач, кейинги варакқа ўтишдан олдин қўйилган. Бунда аввалги варакнинг пастига кейинги саҳифада давом этувчи матннинг бошидан бир-икки сўзи қиялатиб ёзиб кетилган.

Кўлёзма матнини ўрганишда пойгирнинг аҳамияти катта. Мабодо, пойгир сўзи, яъни саҳифа остидаги ишорат кейинги саҳифадаги матнни бошлаб берадиган бўлса, демак, китоб саҳифалари йўқолмай тўлигича сақланган бўлади. Янги саҳифанинг биринчи сатри аввалги варакдаги пойгирга тўғри келмаса, кўлёzmани кейинчалик таъмирлаш жараёнида вараклари аралаштириб юборилган ёки унинг орадаги вараклари йўқолган бўлиб чиқади. Шунингдек, кўлёзмада пойгир узилиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳам вараклар тартиби бузилади.

**Тамга** – тамға, муҳр; расмий хужжатлар ва китобларга қўйилувчи белги.

Маҳмуд Кошфарийнинг ёзишича, шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри (МК.107а).

Тамғанинг яралиш тарихи жуда узок. Илк тамғалар белги кўринишида эди. Қадимги битигтошларда ҳам белги-тамғалар кўп учрайди. Жумладан, машхур Кул тигин ёдгорлигининг тела қисмига чақалоқни эмизаётган бўри тасвири ишланган. Унинг тагига эса қалқонсимон шакл берилиб, унга хоқонликнинг таг эчкиси (архар) кўринишли белги-тамғаси туширилган (қаранг: МТА.24). Худди шундай қалқонсимон шакл ёдгорликнинг хитойча ёзувли юзида ҳам бор. Бироқ унга тоғ эчкиси эмас, хитойчада хоқонликнинг сти ёзиб қўйилибди (МТА.29). Шундан

ҳам туркий битигли ёғидаги архарнинг хоқонлиқ белги-тамғаси эканини билса бўлади.

Архар кўринишили белги-тамга қадимги туркий битигтошларда, қоятошларда тез-тез учраб туради. Жумладан, Тошкент якинидаги Хўжакент горининг кираверишидаги қояларга ишланган суратлар ичida ҳам тоғ эчкиси бор.

Бошқа бир мисол. У. Серткая ва С. Харжавбай биргаликда Мўғилистоннинг Хайтӯ Тамир аймоғидан топилган тошларга битилган кўк турк ёзувли кичик-кичик битигларни чоп эттиридилар (*қаранг*: Sertkaya, Harcavbay 2001). Ана шу битигларнинг кўпида, ёзувнинг бош қисмига ёки охирига, ҳатто ёзувнинг ораларига турли кўринишдаги белги-тамғалар урилган. Жумладан, сирадаги 4- битиг олти категорли. Битигнинг охирида пастга караган варраксимон тамға чизилган. Мақола эгалари ана шу тамғага таяниб, битиг Уйғур хоқонлиғи даврига тегишли, деган холосага келгандар (ўша асар, 325- б.).

Тўрт категорли 7- битигда ҳам шундай. Матн охирига, шунингдек, бошланиши ва ўртасига чизилган турли тамғалар Уйғур хоқонлиғига тегишли (ўша асар, 327- б.).

Етти қаторли 15- битигнинг ҳам тамғаси иккита: илки ромбасимон, кейингиси эса қипчоқларнинг илгаги икки ёққа караган тамғаси (ўша асар, 339- б.).

Ёки тўрт қаторли 17- битигнинг охирига чатал тамға урилган (ўша асар, 342- б.).

Бир қаторли *Qara tigin* (Кора тигин) деб ёзилган 18- битигда ёзувнинг бошланишига чизилган тамға тоғ эчкиси (архар) кўринишидадир (ўша асар, 343- б.).

Махмуд Кошғарийнинг “Девону лугати-т-турк” асарида туркий белги-тамғалар тўгрисида яхши маълумот берилган. Олим ўгузлар тўгрисида хабар бера туриб, уларнинг уруғлари ва ҳар бир уруғнинг белги-тамғасини бирма-бир келтиради.

У ёзади: “*Oyuz* – туркларнинг бир кабиласи. Ўгузлар туркманлардир. Улар йигирма икки уруғдир. Уларнинг ҳар бирининг маҳсус белғилари, молларига мос тамғалари бордирким, уруғларни шу тамғаларига қараб айирадилар ...” (МК.20б). Кошғарий бу ўринда “хайвонларга уриладиган белги-тамға”ни кўзда тутиб, уни арабчада *alāmatin* (“аломат, белги”) деб атайди. Бу атама *sīmatin* (“тамға кўймок”) феъли билан бирикаётгани

учун, *'alāmatun* ни “тамға” деб түшүнмак керак: арабча матнда ишлатылган *'alāmatun va simatun 'alā-d-davābbi* бирикмасини “хайвонлар устидаги аломат ва тамға” ёки “хайвонларга урилган тамға” деб таржима қилинади.

Кошгариј ўз сүзининг охирида яна қўшиб қўяди: “Бу қабилаларни билишга кишиларнинг эҳтиёжи борлиги учун бирмабир изоҳ бердим. Бу тамғалар уларнинг моллари ва подаларининг белгисидир. Моллари аралашиб кетгандан ҳар қабила ўз молини шу тамғалардан айириб олади” (МК.21а).

Тамға, бошлаб, уруғ белгилари кўринишида юзага келди. Кейинчалик такомиллашиб, хоқонларнинг белгиси, ундан давлат белгисига айланган. Шу билан бир қаторда, уруглар, бек ва амалдорлар, йирик ер эгаларининг, хатто дехкону хунар эгаларининг ҳам ўз белги-тамғаси бўлган. Расмий ишларда, хужжатчиликда, олди-берди ишларида ана шу белги-тамгалардан фойдаланганлар. Давлатчиликнинг такомили билан боғлиқ ҳолда, кейинчалик *muhr-tamgalarغا* ўтилди. Муҳр-тамғалар хоқонлар, давлат амалдорларига тегишли бўлиб, расмий хужжатлар, ёрликлар, ҳалқаро дипломатик хатлар, бек ва султонлар томонидан бериладиган хужжатларга босилган. Улар доирасимон, бодомсимон, уч бурчакли, тўрт бурчакли, саккиз бурчакли қилиб ишланиб, ичига ҳукумдорнинг исми-шарифи, унвони, шиори, иононч-эътиқодига тегишли сўзлар битилар эди.

Қадимги турк-будда асарларида *tamya* сўзи “магик белги, нишон”ни ҳам англатган: “*Alqıñmaqsız isilmäksiz kök qalıq-teg kkırsız arıy köňül yorıyını tamyası*” *atlıy darani nom.* – “Йўқ бўлмасмангу кўк-осмондек губорсиз-тоза кўнгил йўригининг тамғаси” отли дуо китоби (AY.338,19–21).

“Муҳр-тамға”, масалан, “вазирлик тамғаси, муҳри” маъносида келади. Чунончи, Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди элиг Ойтўлдини вазирлик ловозимига кўтарганини таърифлаб дейди:

*Vazırılıy ajar berdi, tamya, ayay,  
Tuysi, küwrügi birlä berdi qiyay. –*

“Унга вазирлик (даражасини) берди, тамға, унвон (берди), Туги, ногораси билан жигасини берди” (QBN.44a,12).

Расмий хужжатларда, ёрдикларда *al tamya* деган атама ҳам учрайди, у “мухр-тамға”ни англатади. Тарихчи Ибн Баттута ўз “Саёҳатнома”сида ёзишича, турклар мухрни *al tamya* деб аташади: *al* – “қизил”, *tamya* – “мухр” маъносини билдиради (Ибн Баттута 2012,371).

*altun tamya* – олтин тамға; хоннинг тамғаси, мухри. Бу атама эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”га киритилган. Хитойча таржимада: 金印 *jīn yìn* (сўзма-сўз “олтин мухр”) (IMS,65).

*kūmīš tamya* – кумуш тамға; тамганинг бир тури, вазирнинг тамғаси (?). Бу сўз эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да берилган. Хитойча таржимада – 銀印 *yín yìn* (кумуш тамға) (IMS,65).

*ič tamya* – уч тамға (Huast.150).

*tört y(a)ruq tamya* – монийлик тушунчасида “тўрт ёруғ тамға” (Huast.79). Булар: биринчиси – севги – Азруа тангри тамғаси; иккинчиси – эътиқод – Кун-ой тангри тамғаси; учинчиси – қўркув – беш тангри тамғаси; тўргинчиси – доно фикр – бурхонлар тамғаси (Huast.80–79).

Китобат санъатида китобларнинг муқовасига ишланган ромбасимон накшлар ҳам *tamya* дейилади.

Ўтмишда “мухрдор, мухр босувчи” ни *tamyači* деганлар.

Битигларда *tamyala* деган сўз ҳам учрайди, маъноси “тамғаламоқ, тамға урмок” дегани. Махмуд Кошгарийда шундай ўринак бор: *ol bitig tamyaladī* – у хатга, китобга хон тамғасини урди (МК.300а).

*Muhr* (<араб. محر>) – мухр, хужжатга урилган мухр-тамға. Улар давлат мухри ёки кишиларга тегишли бўлиши мумкин.

Мухрнинг яралиш тарихи давлатчилик, ҳалкаро дипломатия ва хукуқий муносабатларнинг шаклланиши ва такомили билан боғлиқ. Мухрлар бошлаб ёзув пайдо бўлмаган чоғларда ҳам ишлатилган. Уларнинг тамғаси рамзий-символик белгиларга асосланган бўлиб, давлатнинг рамзий белгилари, ҳайвонлар, қушларнинг расмлари мухрларга ҳам туширилган. Ёзувли мухрлар эса хат санъати ривожлангандан сўнг пайдо бўла бошлади. Энди хон ва амалдорлар ўз исми-шарифини, диний калималар, шиорларини мухрларга ҳам ёза бошладилар.

*Қўлёзма китоблардаги муҳрлар.* Қўлёзма китобларнинг бош ва охирги бетларида ҳошияга қўйилган турли муҳрларни учратиш мумкин. Шакли икки хил: бодомсимон ёки думалоқ. Ушбу муҳрлар китоб эгаси ёки сақловчисига тегишли бўлиб, ичига уларнинг исми-шарифи ёзилган. Улар беклар, вазирлар ва бошқа амалдорлардир. Бу кишилар давлат ишларида қўллайдиган муҳрларини ўз кутубхоналарида сақланаётган китобларига ҳам қўйганлар. Баъзи нодир китоблар хонларнинг кутубхонаси учун маҳсус қўчиритирилар эди. Бундай китобларга, табиийки, хон муҳри босилган. Хусусан, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоийнинг ўз муҳри бўлган. Бу бизга уларнинг кутубхонасида сақланган нодир китобларга қўйилган муҳрлардан маълум.

Шунингдек, қўлёзма китоблар вақф ё мадрасаларнинг мулки ҳам бўлган. Уларга, одатда, вақф эгасининг муҳри босилган. Баъзи қўлёзмаларда бир бетнинг ўзида бир нечта муҳр бўлади. Буниси ушбу китобнинг кутубхонадан-кутубхонага, қўлдан-қўлга ўтиб келганидан далолат. Айрим ҳолларда мулк эгаси ўз муҳрини китобнинг бир неча жойига босган.

Ҳозирги фондларда сақланаётган қўлёзмаларга ушбу фонднинг муҳри ҳам қўйилган бўлади. Уларда фонд номи, китобнинг кўрсаткич рақами ва фондга келиб тушган вақти қайд этилади.

Қўлёзма китобнинг чарм ё картондан ишланган асл муқовасида тамғаси ҳам бўлади. Ушбу тамғага турли нақшлар ишланган ёки китоб муқовасини ишлаган саҳҳофнинг исми-шарифи ёзилган.

Ўтмишда муҳр тайёрлаш санъат даражасига кўтарилиган. Муҳр ясовчи маҳсус усталар бўлган. Бундай касб эгалари муҳркан аталади.

Турк-мусулмон давлатларида амал қилган муҳрларнинг матни, анъанага кўра, арабча, форсча ва туркийда.

*Расмий ҳужжатлар ва мактублардаги муҳрлар.* Ўрта асрларда битилган хон мактублари, ёрликлар, гувохномалар ва бошқа расмий ҳужжатларга давлат муҳри босилар эди. Муҳрлар тенг ёнли тўртбурчак, думалоқ шаклларда. Хон муҳрларига, одатда, бисмилиоҳ, калима-и шаҳодат, пайғамбар ва саҳобаларнинг оти, шунингдек, хонларнинг шиори, исми-шарифи ёзилган. Баъзи муҳрларга уларнинг тамғаси ҳам туширилган.

Хужжатнинг катта-кичиллигига қараб бир ёки бир нечта жойга муҳр босилган.

Бир ўрнак. Тўпқопи Сарой музейида Қирим хони Ҳожи Гирейнинг 1453 йили анқаралик Маҳмуд ўғли Ҳаким Яҳёга берган тархонлик ёрлиги сақланмоқда. Хужжат ҳар сатрининг орасида жой қолдириб 54 қаторга битилган. Муҳими шундаки, битигнинг ягона муҳри матн орасида эмас, ёрлиқнинг уст қисмида – тамға сингари ўртада турибди. Шундан сўнг бисмиллоҳ билан матн бошланган. Муҳрнинг кўриниши ҳам бошқаларидан ажралиб туради: учига япроқсимон нақш кўндирилган ромба шаклида. Унга ўта чиройли хатда ҳам ўнг ёғдан, ҳам сўл ёғдан икки қайта бисмиллоҳ битилган (қаранг: Kurat 1940, 78, 173–184).

Айрим хужжатларда ёрлик берувчи ҳукумдор муҳридан ташқари, давлат идораларининг муҳри, турли қайдлар ҳам учрайди. Султон Умаршайхнинг 1469 йили марғилонлик Мир Сайд Аҳмадга берган уйғур ёзувли гувоҳномасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Хужжат матни 13 қаторли. Ҳукумдор муҳри хужжатнинг юз томонида: 2–3- сатрлар ичкарироқ ёзилган бўлиб, қатор ўртасига думалоқ муҳр босилган. Хужжатнинг терс томонида эса катта-кичик еттита думалоқ муҳрлар бор. Варақ юзидағи ва орқа томонидаги муҳрлар ёзуви араб хатида. Эътиборни тортадиган ери шундаки, ана шу муҳрлар ёнига уйғур хати билан бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки жумла ёзib кўйилибди. Уларнинг биринчиси *Halil dād Kōkälđāš Barīn baxši bila* (Халил дод Кўкалдош Барин баҳши билан), иккинчиси эса *rūznāma bitildi* деб ўқилади (қаранг: Мелиоранский 1906, 08). Ушбу қайдлар хужжат қабул қилувчи ёки бирон расмий кимса томонидан ёзib кўйилган бўлуви мумкин.

**Нишон** (<эрон. نشان) – белги; нишон; хужжатнинг у ёки бу кимсага тегишилилигини далилловчи белги (қаранг: ДТС, 359). Бу атама илк ўрта асрлардан қолган васиқаларда ҳам учрайди. У чоғларда туркий тилга форс тилининг таъсири бўлмаган. Чамаси, бу сўз эроний тиллардан монийлик таъсирида кириб ўзлашган бўлуви керак. Нишон – икки хил: муҳр-тамға шаклида ҳамда қўлда чизиб қўйиладиган белги кўринишида бўлган. Ҳар иккалови тенг ҳуқуқлидир.

*Nišān* хужжат атамаси сифатида “далилловчи хужжат; гувохнома” маъносини билдиради. Масалан, Умаршайх ёрлиғида битигнинг ўзи *nišān* деб аталган.

Бу сўз бирикма шаклида ҳам келган:

*beg nišān* – “беглик нишони, беглик ёрлиги” маъносини беради.

*muħurluy nišān* – “хоннинг муҳр-тамғаси билан тасдикланган хужжат”, баъзан олий даражадаги бундай хужжатлар *alim muħurluy nišān* ҳам дейилган.

*nišan-tamya* – белги, нишон.

*nišān yosun* – жуфт сўз; *yosun* – “конун, қоида”, *nišān yosun* – “конун битилган гувохнома, далилловчи хужжат” маъносини беради.

“Белги, аломат, нишон” маъносида қадимги туркий битигларда *belgij* атамаси ҳам ишлатилган. Маҳмуд Кошғарий бу сўзни изоҳлар экан, унинг ишлатилишига мисол қилиб шундай мақолни келтирган: *Qut belgusi bilig*. – “Бахтнинг белгиси билим ва аклдир” (МК.108а).

*Belgū* атамаси “қўл, имзо”ни ҳам билдирган. “Қутадғу билиг” уйғур ёзувли қўллётзмасининг 190- бетига, матнлар тугаганидан кейин, уйғур ҳарфлари билан қўл қўйилган. Унинг тагига эса араб ҳарфлари билан *baxši belgusi* деб ёзиб қўйилибди (QBН.190). Ушбу белги қўллётманинг сўнгги бетларига кичик матнлар ёзиб қўйган Абдулраззоқ баҳшининг имзосидир.

Ушбу атама *belgū-nišān* шаклида ҳам ишлатилган, у “гувохнома” маъносини англатади.

### Ҳарфни буюм-нарсаларга битиб тушириш усуллари

Матн битиш технологияси бир неча хил: ёзув қаттиқ жисмни ўйиб битилган; жисм сиртига бўртма ҳарфлар туширилган; ёзув қалам (қамиш) билан сиёҳ ё бўёқда битилган; қозозга босма усулда туширилган.

**Ўйма ҳарф усули.** Ёзувнинг бундай усули кўпроқ эпиграфик матнларга хос. Қоялар, қабртошлар, сопол буюмлардаги матнлар кўпинчча ўйиб ёзилган. Бундай матнлар жуда кўп. Урхун ва Енисей дарёлари теварагидан топилган қадимги турк хоконлиqlари ва давлатлари даврига тегишли ёдномалар, қоялардаги битиглар

ўйма усулда. Еттисувдан топилган насроний мазмунли қабр тошлари, мусулмон қабристонлари, тарихий мақбара ва зиёратгоҳлардаги битиглар, тош лавҳалар, деворий ёзувларнинг кўпі ўйиб ёзилган.

**Бўртма ҳарф усули.** Бўртма ҳарфлар жисм сиртига икки усулда туширилган. Бири нумезматикада (тангаларда) кенг қўлланилган. Унда аввал матн қолипи тайёрланиб, сўнг унга металл эритиб қўйилган. Илк ва ўрта асрларда зарб қилинган тангалар бунга мисол бўла олади. Бўртма ҳарф усули баъзан сопол буюмларда ҳам учрайди. Уларни ясаган кулоллар шу усул билан ўз тамға-белгиларини ҳам буюмларга туширганлар.

Иккинчи йўли эса анча қийин. Бунинг учун ясси сиртли жисмга матн ёзиб чиқилган. Сўнг маҳсус ускунга билан ҳарф тевараги ўйиб, текисланган. Шу усул билан ҳарфлар бўртма ҳолга келтирилган. Бундай матнлар ҳам оз эмас. Мусулмон мақбара ва зиёратгоҳларидаги қабртошлар, тош лавҳалар, деворий битиглар ва тахта (эшиклар)даги ёзувлар бўртма ҳарф усулида. Айни усул билан ўрта асрлар меъморчилигига биноларнинг деворлари, эшиклари, қабртошлар сиртига турли безаклар ҳам ишланар эди.

Бўртма ҳарф усули тахта, чарм, картон муқовали шарқ қўлёзма китобларида ҳам учрайди. Муқовасидаги тамға орасига уни ишлаган сахҳоф (муқовасоз) ўз исми-шарифини бўртма ҳарфларда туширган.

**Қўлёзма усули.** Тери ва қоғозлардаги матнлар, қўлёзма китоблар турли сиёҳлар билан қўлда ёзилган. Бунда қалам, қамиш сингари ёзув қуролларидан фойдаланилган. Шарқда күш ё парранда патидан фойдаланилмаган. Күш ёки парранданинг пати (перо) Европа ва рус китобатчилигига хос.

Мухташам сарой ва уйларнинг ички деворларидағи ёзувлар ҳам кўпроқ шу усулда битилган. Бироқ уларда сиёхнинг ўрнига бўёқдан фойдаланганлар. Биноларнинг сирти, гумбазлари, минораларга ҳам бўёқда ёзиб, юзи сирланган.

Баъзан сопол буюмлар, ёғочларга ҳам қўл билан сиёҳда ёки бўёқда ёзилган.

**Матн битишнинг босма усули.** Илк ўрта асрларда шарқий турк маданий мухитида кашф этилган *кесиография* – тахта бетига ҳарф тушириб, ундан нусха кўпайтириш усули босма китоб усулининг ilk кўриниши эди.

Кейинчалик юзага келган *типодрафия* ва *литография* (яъни, тошибосма) усулида ҳам китоблар босиб чиқарилган.

## Ислом даври қабртошларидағи ёзувлар

Маълумки, қабртошлар ўтмишнинг ўзига хос санъат асари, архитектура ёдгорлиги бўлиб, уларни тайёрлаш жуда катта меҳнат ва маҳоратни талаб этган. Бошлаб ёдгорлик учун ноёб ва кимматли тош танланган. Тарихий манбаларда бундай тошлар хукумдорлар буйруғига кўра баъзан узоқ ўлкалардан ташиб келтирилганини тўғрисида маълумотлар бор. Келтирилган ашё тош йўнучи уста(сангрез)га топширилган. У тошни йўниб сандиксимон ёки бешиксимон шаклга соглан. Бу орада тошга битилгучи ёднома матни ҳам тайёрлаб қўйилган. Матн, одатда, олим, муаррих ё шоирлар, диний уламолар томонидан тузилар эди. Улуғ кишиларга аталган ёдномани тузиш учун баъзан улар орасида танлов ҳам ўтказилган. Оқибат, матнлардан энг маъқули, талабга жавоб берадигани танлаб олиниб, хаттотга топширилган. Тошни безашда наққошнинг хизмати алоҳида ўрин тутади. У силлиқланган тошнинг юзаси ва ён багирларини накшлар ҳамда ислом санъатида оммалашган геометрик шакллар билан безаган. Ҳарқалай, кейинги жараён хаттот билан ҳамкорликда бажарилган дея оламиз. Чунки, тошнинг канчалик гўзал чикиши хаттот ва наққошнинг ҳамкорликдаги меҳнатига боғлиқ эди. Бу юмушлар тугагач, тош сангтарошга топширилган. Сўнгги ва энг заҳматли ишни сангтарош якунлаган. Шундай килиб, чиройли бир қабртошни тайёрлаш учун ойлаб вакт сарфланган.

Ўрта асрлар ислом маданияти тарихида турли маданият ва санъат марказларида сангтарошлиқ мактаблари шакллангани маълум. Бу даврларда, айниқса, самарқанд-кеш сангтарошлиқ мактаби шухрат қозонган. Самарқанд-кеш усталарининг ишларини бошқа худудлардаги ёдгорликларда ҳам кузатамиз. Бу усталарнинг меҳнатига талаб катта бўлган ва эътиборли кишилар хотирасига қабртош ясаш учун улар таклиф этилган.

Кўриниши, ишланишига кўра турли даврларда яратилган қабртошлар бир-биридан ажралиб туради. Қабртошларнинг юксак даражада ишланган, классик тури сандик кўринишидадир. Биз уларни шартли равищда “сандиксимон” қабртошлар деб атадик.

Шундай аталса-да, уларнинг тела кисми бўртган, айвон пештоқи шаклида. Ҳатто тошнинг тўрт устуни ҳам кўпинча сарой устунлари шаклида. Умумий қиёфаси эски туркистон архитектурасига мансуб гўзал бир уйни эслатади. Бунда чуқур маъно мужассам: қабр марҳумнинг уйи деган тасаввур бор. Сандиқсимон қабртошлар, кўпроқ, XIV–XVI юзийлликларда кенг тарқалган. Ёдгорлик шакли, унинг безаклари марҳумнинг тириклиги чоғида жамиятда тутган мавқеи ва ёшига ҳам боғлик бўлган. Хонлар, султонлар, амирлар, шайхлар қабрига ўрнатилган тошлар ниҳоятда гўзал ва салобатли. Уларни ўз даврининг ажойиб архитектура обидалари санаш мумкин.

Қабртошларнинг яна бир хили “бешиксимон” тошлардир. Улар бешик шаклида тайёрланган (инсон чақалоқлигида бешикда улгайгани сингари унинг сўнг ери ҳам бешикдай осойишта бўлуви ният қилинган бунинг билан). Баъзилар икки бўлакдан иборат: асоси сандиқсимон ишланиб, усти бешик кўринишида. Бешиктошларнинг тарихи ҳам узоқ. Бундай тошлар ҳам марҳумнинг тириклигидаги даражаси, ёшига қараб ишланган. Айниқса, ўспирин ва гўдак ўтганларнинг қабртошлари кичик ва бежиримлиги билан ажralиб туради.

Шартли равишда “рельссимон” деб аталаётган қабртошлар, нисбатан, кейинги даврларга тегишлидир. Улар кўринишдан қиркма темир йўл рельсига ўхшайди. Шакли жўн, безаклари ҳам йўқ ҳисоб. Марҳумнинг нисбатан қуириқ амалда ўтганидан далолат беради. Иктиносидий таназзул даврида бундай тошлар кенгроқ тарқалган.

Шакли, ишланиши жиҳатидан Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида жойлашган ҳазрати Лангар зиёратгоҳидаги қабртошлар бошқа қабртошлардан буткул айрилиб туради. Мақбара ичидан бир неча қабр жой олган. Биринчи қабр устига тобутсимон тош қўйилган. Лекин тобутсимон тошнинг ёзуви йўқ. Тошнинг бош томонига тепаси меҳроб шаклидаги тошлавҳ (стела) тикланган. Марҳум хотирасига аталган ёзув мана шу тошлавҳда.

Иккинчи қабр устидаги ёдгорлик ҳам шундай шаклда. Қабрнинг бош томонига лавҳ тикланниб, ёзув ана шу лавҳга битилган. Лавҳнинг терс томонига ҳам рамка ишланиб, остига меҳроб чизилган. Рамкага *Lahu-l-hukmi va alayhi yurja’im* (Хукм Уникидир ва Унга қайтадилар) деб ўзилган. Остидаги меҳробда

эса ёзув йўқ. Учинчи қабртошнинг ишланғыши ҳам шундай. Ундаги лавҳнинг терс томонида ҳам аввалгисидай ёзуви бор.

Усталар мазкур тошлавҳларни маҳорат билан ишлаганлар, уларнинг хати ҳам ниҳоятда гўзал. Умуман, мазкур қабртошларни ўз даврининг энг ажойиб санъат ва архитектура, эпиграфик ёдгорликлари сифатида баҳолаш мумкин.

Ёдгорликлар ичидаги трапеция кўринишидагиларини ҳам учратамиз.

Қабртошларнинг анча кейинги даврларда оммалашган симёғоч асоси шаклида ишланганлари ҳам бор. Кеш-Шахрисабз теварак худудларида бундай тошлар жуда оз. Бундай қабртошлар Жиззах вилояти Бахмал туманидаги эски қабристонларда бор. У ерда симёғоч асоси шаклидаги тошлар ниҳоятда кенг тарқалган.

Қабртошлар орасида сополак шаклидагилари ҳам бор. Бундай тошларнинг шакли оддий бўлиб, уларга нақшлар берилган. Ёзуви ҳам чиройли.

XIV юзйилликнинг иккинчи ярми – XX юзйиллик бошларида қайроқ шаклидаги тошлар кенг тарқалган. Буларнинг шакли оддий, безаклари ҳам йўқ. Тошга асосан, басмала ҳамда мархумнинг исми-шарифи, ўлимининг санаси битилган, холос. Бундай тошларни Самарқанд вилоятининг Челек туманидаги эски қабристонларда учратамиз.

Ёдгорликлар орасида қабр-сандик ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу худудларда қабр-сандиклар, асосан, таҳтадан ишланган. Шунинг учун ҳам улар муҳофазага олинган бинолар, кўпинча, мақбараалардаги қабрларга кўйилган. Одатда, қабр-сандик ўзининг ишланиши, безаклари жиҳатидан қабртошлардан қолишмайди. Табиийки, бундай ёдгорликлар улуғ кишиларнинг қабрига кўйилган. Афсуски, кунимизгача бундай ёдгорликлар жуда оз сақланган. Худди шундай қабр-сандик Китоб туманидаги Султон Саид Аҳмад (Ҳазрати Башир) мақбараасида бор. Уни айни турдаги санъат ёдгорликларининг гўзал намуналаридан бири деб санаш мумкин. Ёдгорлик яхши сақланган. Факат у айни чоғда гўр устидан четга олиб кўйилиб. Бу ерлик қарияларнинг сўзига қараганда, қабр-сандик аввал гўр устида турган. Кейинчалик қабрга янги мармар ўрнатилгач, четга олиб кўйилган. Афтидан, мазкур қабр-сандик 300-330 йиллар бурун ясалган чикар.

Ислом даври қабртошларида матнга жиддий эътибор қаратилган. Бу давр қабртошларидаги матн ўз тузилиши, матн танлаш принципига кўра Ўрта Осиё халклари томонидан анча бурун, бошқа диний эътиқодлар даврида яратилган эпиграфик матнлардан фарқ қиласди. Муслим хотирасига ўрнатилган қабртош ислом маданиятининг муҳим ёдгорлигидир. Бу давр тошларидаги матн бутқул исломий руҳда. Табиийки, ёднома матни тошнинг тузилиши, кимга аталаёттанига қараб танланган. Ёдгорликларда мархумга оид тарихий маълумотлардан ташқари ислом эътиқодидаги тушунчалар, Куръони карим оятлари жой олган. Чунончи, эътиборли кишилар шарафига битилган ёднома басмала билан бошланади. Бундан ташқари, тошга Аллоҳнинг исми-сифатлари (асмау-л-хусна) битилган. Уларнинг сони турлича: ўта эътиборли ёдгорликларда 99 та, бошқаларида 66 ёки 33 та келтирилади. Тошга баъзан *Allah*, *Muhammad* сўзлари ҳам битилган. Шунингдек, матнда Куръони каримдан оятлар ҳам келтирилган.

Матн ичидаги марсиялар, баъзан шарқ классикларининг теран фалсафий байтлари ҳам жой олган. Ва, энг асосийси, матнда мархум хақидаги маълумотлар алоҳида ер эгаллайди. Сандиксимон қабртошларда бундай маълумотлар тошнинг бош ва оёқ кўндалангига битилган. Бош томонда ушбу марқад кимга тегишли эканлиги таъкидланса, оёқ томонда ўлимининг тарихи берилади.

Тош соддалашган сари ундаги матн ҳам оддийлашиб, қисқара боради. Айрим тошларда басмала, мархумнинг исми-шарифи ва ўлимининг санаси қайд этилган, холос.

Ислом даврида яратилган қабртошлар уч тилли: арабча, форсий ҳамда туркий. Ёдгорликларда басмала, асмау-л-хусна, Куръони каримдан олинган оятлар арабча шаклда келтирилган. Марсия ва шеърлар, кўпинча, форсийда келади. Мархумга тегишли бўлган кайдлар, ўлимининг тарихи XIV–XVI юзийлликларда, кўпинча, араб тилида бўлиб, булар билан олдинма-кетин форсчада ҳам ёзила бошлайди. Кейинги даврларда мархум тўғрисидаги қайдлар туркийда бериладиган бўлди.

Қабртошлардаги безаклар ҳам эътиборга молик. Тошларга кўпинча меҳроб тасвири туширилган. Баъзи тошларнинг безаклари ниҳоятта бой таърифига сўз ожиз. Ҳатто кирраларига

ишиланган устунчалар ҳам нақшинкор. Устунчалар ишиланишига кўра уч хил: морпеч (кулала илон), кунгирадор ҳамда безаксиз устун шаклида. Яна бир жихати, тошларнинг юз томонига ромашка гул, юлдузчалар ўйиб туширилган. Бу шакл, афтидан, шамдон вазифасини бажарган кўринади.

Яна тошларга ислом тушунчасидаги абадият белгиси(свастика)ни тушириш ҳам мумкин бўлган.

Ёзув тошларга ўйиб ёки бўртма шаклда битилган. Хат услуби кўпда сулс, сулси насх, шунингдек, насх ва настаълиқда. Баъзи тошларда *Allah*, *Muhammad* сўзлари ҳамда матндаги муҳим ўринлар рамкаларга олинib, куфийда ҳам ёзилар эди.

### Қўлёзма китобларни тайёрловчилаr

Қўлёзма китоб бир қанча нодир касб эгаларининг қўлидан чиқкан. Булар: қағозрез, котиб, мусаввир, лаввоҳ, сахҳофлардир.

**Котиб** (<араб. **كتاب**) – хат битувчи, китоб битувчи. Айни маънода **хаттот** (<араб. **خط**) атамаси ҳам кўлланади. Лекин маънода фарқ бор: **хаттот** – “хат устаси; чиройли хат битувчи”; **котиб** эса хат ёки китоб битувчи касб эгаларининг умумий номидир, ҳар қандай хат битувчини ҳам **котиб** дейилаверади.

Қўлёзма китобнинг юзага келишида котибларнинг хизмати катта.

Қадимги туркii тилда китоб битувчи “котиб”ни *bitigči* дейилган. Бу атама Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадгу билиг” асарида ҳам келган:

*Nečä ma bılıg bilsä beglär özi  
Bitigči keräk-ök bütisä sözi. –*

“Бегларнинг ўзи қанчалик билимли бўлмасин,  
Хабар ёзгудек бўлса, албатта котиб керак бўлади”  
(QBN.100b,2).

Бу сўз ўрта асрларда ҳам ишилатилган. Жумладан, бу даврда “девон котиблари”ни *dīvān bitigčilari* дейилган.

Кадимги туркий тилда “котиб, хат битувчи”ни *bükäči* ҳам аталган. Унинг бу шакли “Олтун тусли ёрг” сутрасида бор (қаранг: АY.686,1).

Махмуд Кошгариининг ёзишича, шоҳ мактубларини турк хати (яни, уйғур хати) билан ёзувчи котибни *üütüya* деганлар (МК.42а). “Қутадғу билиг” асарида бу атама *bitigci üütüya* шаклида ҳам ишлатилган. Мана мисоли: *Ögdülmis eligkä bitigci üütüya neküt-teg kerakin ayur.* – “Үгдүлмиши элигга хат ёзувчи котиб қандай (бўлуви) кераклигини айтади” (QBN.100a,14); *Beglärägä bitigci üütüya neküt-teg keräkin ayur.* – “Бегларга битигчи-ишимга [яни беглар хизматидаги котиблар] қандай бўлмоғи кераклигини айтади” (QBN.9,10).

Илк ва ўрта асрларда котибларга нисбатан қўлланган атамалардан яна бири *baxši* сўзиdir. *Baqši~baxši* атамаси қадимги турк будда, моний диний жамоалари даврасида “устоз, мураббий” маъносида ишлатилар эди. Масалан, бу сўз айни маънода “Сюаньцзан кечмиши” асарида ишлатилган: *söki baqşilarniy sawi erür* – бурунги устозларнинг сўзлари эрур (СЦ.VIII.9,2–3). Асарда бу сўз *notcī baqši*, яни “нўмчи устоз” шаклида ҳам келган (СЦ.V.9,18).

Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. Масалан, ўрта асрларда уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxši* сўзи кўшиб айтилган: *Zaynu-l-Abidin baxši, Abdu-l-razzāq baxši* сингари. Ҳозирги ўзбек тилида у “халқ достончиси, бахши”ни билдиради. Айрим оғизларда “фолбин”ни ҳам *baxši* дейдилар. Хитой тилида ҳозир ҳам *boşı* сўзи бор. У фан доктори иммий даражасига эга бўлганларни англатади. Бу сўз хитойчага қадимги туркий тилдан ўзлашган бўлуви керак.

Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор қаратайлик. Илк Қирим хони Ҳожи Гирейнинг 1453 йили Махмуд ўғли Ҳаким Яҳёга берган тархонлик ёрлиғи (vasiqası) бор (Kurat 1940,62–75). Бу ёрлиқнинг бошка ёрлиқлардан фарки шундаки, унинг охирида битигни битган бахши(котиб)нинг ва унга кўрсатма берган қозининг оти ёзиб кўйилган: *Qāzi-l-quzzat mavlānā Sadr-i Shāh ḍtündi. 'Ali baxši*. Ҳозикалон мавлони Гадри Жиҳон шитимос қилди. Али баҳши ёзди).

Яна бир жихати, ёрлиқнинг 51- каторида *altun nişanlıy, al tamyalıy yarlıy berdimiz* деган жумла келади. Ҳолбуки, ёрлиқда бу

жумлада тилга олинган нишон ҳам, тамға ҳам йўқ. Факат унинг бошланишига чиройли бир ёзувли нишон ишланган, холос. Бирок у хоннинг нишони эмас, ундаги ёзув басмаладир. Агар ёрлиқ ўта нафис хат билан битилмаганида, юкоридаги белгиларига асосланиб, уни асл ёрликнинг копияси (нусхаси) деган бўлардик. Шундай бўлиши ҳам чамадан йироқмас. Акс ҳолда, ёрликка котибнинг ва қозикалоннинг исми ҳам ёзилмаган бўларди. Афтидан, Али бахши ёрликдан қозикалоннинг илтимосига кўра нусха кўчириб берган кўринади.

Мухимроқ ери, ёрликда *baxši* атамасининг кўлланилгани. Демак, Қирим хонлигининг илк палласида Олтин Ўрда китобат анъаналари давом этган ва бу доирада ҳам котибларни, ўрни билан, *baxši* дейишган.

**Лаввоҳ** (<араб. لَوَّحٌ) – китоб бетларига лавҳа ишловчи. Хаттот кўчирган матнни рангдор чизиқли жадвал ичига, ҳошияни эса қизил ёки ҳаворанг чизик ичига олади. Ҳошияяга ранг бериш керак бўлган тақдирда, лаввоҳ бўёғли қофозлардан керакли қисмини қесиб олиб, ҳошияга ёпишириб чиқади. Ёпиширилган жойларни эса олтин суви ёки рангли кашталар билан пардалантиради. Лаввоҳ бадиий безакли кўлёзмаларгага оддий найдан қилинган маҳсус асбоб билан сатрлар, мисралар орасига зарҳал, қизил ёки ложуварддан афшон – сочма безак беради. Ҳошияларда ўсимликлар, гуллар ва ҳайвонот дунёсининг нафис тасвири ва олтин сувли жим-жималар ҳам берилар эди.

Кўлёзмаларнинг илк варакларидағи унвон ёки сарлавҳа деб аталган безакли нақшлар билан ўралгин қисмларини ҳам лаввоҳ бажаради. Лаввоҳ ҳар бир асар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда матн кўчирилишидан олдин бир ёки иккита лавҳа (фронтиспис) – асосий мазмунни тасвирлайдиган ва титул саҳифаси ёнида ҳар икки саҳифадаги яхлит расм тайёрлайди.

Лавҳа ўта жимжимадор қилиб ишланади. Олтин суви билан унга гул ва япроқлар расми билан, шунингдек, геометрик нақшлар солинади.

Масалан, “Хамса” каби алоҳида асарлардан таркиб топган китобларнинг ҳар бири аввалида алоҳида лавҳалар берилиб, ўргасида асар ва муаллиф номлари ёзилади.

**Мусаввир** (<араб. مُسَوِّفٌ) – кўлёзма китоб саҳифаларига расм чизувчи, расмчизувчи, ёки кўлесчизувчи мазмунига кўра сюжетли расм

— миниатюралар ишлаган, хаттот бўш қолдирган саҳифаларни улар билан тўлдиран эди.

Мусаввир хунарига оид асбоблар — сарқалам (нозикқалам), мўйқалам, турли бўёқлар бўлиб, уларни рассом ўзи тайёрлар, бўёқлар куюлтирилиб, уларга олтин ва кумуш суви қўшиларди.

Нихоят, қўлэзма *саҳҳоф* (<араб. صحاف), яъни муқовасоз қўлига ўтади. Саҳҳоф китоб муқовасини ишлаш билан шугулланган.

### Машхур хаттотлар

Ўрта Осиёда китобат санъати Амир Темур ва темурийлар даврида кенг қулоч ёди. Бунинг сабабларидан бири мўгуллар истелоси даврида кўп асарлар ёндирилган, яроқсиз ҳолга келтирилган эди. Уларни сакланиб қолган нусхалардан қайта кўчириш, китобат санъати хақида маҳсус асарлар яратиш кун тартибига кўйилди. Бу соҳада Хурросоннинг пойтахти бўлмиш Ҳирот ўрнак бўларли мавқега кўтарилиган эди. Шоҳруҳ Мирзо даврида шакллана бошлаган Ҳирот хаттотлик мактаби Бойсунгур Мирзо ташаббуси ва оталиғида гуллаб яшнаган эди. Қирқ қўлэзма асосида Фирдавсий “Шоҳнома”сини кўчириш, бадиий безаклар бериш, уига миниатюралар яратишнинг ўзигина бу соҳада китобат санъатига дахлдор ижодкорлар Ҳирот маданий марказига тўпланганилигидан дарак беради.

XVI юзийилликда Темурийлар салтанати инқирозга юз тутгач, бу соҳадаги моҳир хаттот ва рассомлар Бухорога кўчиб келган эдилар. Бу ерда ўзига хос Бухоро хаттотлик мактаби ривожлана бошлаган эди. XVIII юзийилликда Муҳаммад Раҳимхон I ва Муҳаммад Раҳимхон II замонасида Хоразмда, ана шу даврда Қўконда китобат санъати равнак топа бошлайди.

Ҳирот мактабини бошқарган Бойсунгур Мирзо қошида, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Газкирату-ш-шуаро” асарида калтирилишича, қирқ нафар моҳир хаттот тинмай китоблар кўчирган. Бойсунгур Мирзонинг ўзи сулс хатининг устаси эди. Унинг теварагидә Ҳад Румий, Мир Имед, Мирзо Аҳмад, Дарвеш Абдулмажид Толқоний, Шамс Бойсунгурний, Ҳожа Абдулқодир Гўянда, Ҳожи Мақсад, Мирзо Миракий, Бадиуззамон Мирзо — настаълик хатини чиройли ёзган.

Алишер Навоий замонида Мухаммад Котиб умр бўйи Жомий асарларини кўчирган.

Хожа Мир Али Табрезий “Қиблату-л-куттоб” (котиблар кибласи) деган лақабга эришган. Султонали Машҳадий уни насх ва таълиқ хатидин настаълиқ хатини ихтиро килди, дея таърифлайди. Амир Темур даврида яшаган бу котибнинг шогирдлари Мавлоно Жаъфар ва Мирабдулхайлар шуҳрат топган эди.

Мавлоний Симий шоир, хаттот ва инишо санъатида мохир бўлган. Хаттотларнинг яна бири Султонали Машҳадийдир. У “хаттотлар шоҳи” лақабини олган ва настаълиқ хатини битишда тенгсиз эди. У Навоийнинг “Илк девон” деб юритилаётган, шогирдлари, муҳлислари тартиб берган девонини ва бошқа девонларини ҳам кўчирган.

Султон Али Машҳадий шогирдларидан: Зайнуддин Маҳмуд, Султон Мухаммад Нур, Султон Мухаммад Хандон, Мавлоно Мухаммад Қосим, Мавлоно Алоуддин ўз маҳорати билан ажралиб турганлар. Султон Алиниңг бир канча истеъодли шогирдлари Машҳадда яшаб, ўз хунарини юксалтириб борганлар. Султон Али Қойимий ҳам Жомий асарларини кўчирган.

Амир Дўст Тералий Бобур Мирзо хизматида бўлган. Абдулжамил котиб эса Навоий “Хамса”сини кўчирган ва шоирга бу нусха ғоят манзур бўлган эди. У Навоийнинг ўз котиби бўлиб хизмат қилган. Дарвеш Мухаммад Тоқий Ҳиравий шоир ва хаттот эди. У Навоий девонлари ва Жомий асарларини кўчирган.

Султон Мухаммад Хандон эса Султон Али Машҳадийнинг суюкли ва билимли шогирдларидан бўлган. У Навоий хизматида бўлган. Табиатан хушчакчақ бўлгани учун унга “Хандон” лақабини беришган. Бу хаттот муаммо соҳасида ва мусиқада ҳам машҳур эди. У найни яхши чалган.

Султон Мухаммад Нур, Мирзо Ҳабиб, Кармон Ҳувар, Мухаммад Ҳусайн Боҳарзий, Қосимшоҳ устозлик даражасига етишган Султон Мухаммад Хандон шогирдларидан бўлганлар. Мавлоно Дарвеш Мухаммад Самарқандий шоир ва хаттот, Хожа Абдуллоҳ Марварид Баёний эса шоир, хаттот ва мусиқачи бўлганлар. А. Мурадов асарида бошқа котиблар ҳакида маълумотлар бор.

Бухоро мактаби намояндаларидан Пирмуҳаммад Сўфий, Бухорий, Миразд Бухорий, Султон Муҳаммад Бухорий, Мавлоно Самиҳ, Устод Жаҳонгир, Мирак Бухорий, Мирали Ҳиравий, Дўст Муҳаммад сингари хаттотлар, музаххиб (қўлёзмаларга безак берувчи) шоир ҳам бўлғанлар. Хат санъатининг аксар турларини пухта билганлар. Бухоро мактаби намояндалари санъати анъаналари XX юзийилликка қадар давом этди. Уларнинг бу шарафли иши туфайли катта ҳажмдаги қадрияларимиз сақланиб колди. Улар орасида Муҳаммад Шариф Садр Зиё каби маърифатли зотнинг китобхонаси ғоят бой бўлган, у биринчилардан бўлиб ўз китобхонасидаги китобларнинг илмий каталогини тузган. Садр Зиё яхши хаттот ҳам эди.

Самарқанд хаттотлик мактабида ҳам атоқли санъаткорлар иш юритганлар. А. Муродов китобида улардан олтмишга яқин хаттотнинг оти келтирилади.

Хоразм мактаби XVI юзийилликдан XIX юзийиллик сўнгига қадар адаб оламидаги машҳур асарлар (жумладан, Фирдавсий “Шоҳнома”си, Жомийнинг “Хафт авранг”) ҳамда ўз ҳудудларида яратилган турли бадиий, илмий, тарихий асарларни қўчирганлар.

Улар орасида Ҳамдалий, Нависий Хоразмий настаълик услугига янгилик киритган Абдураҳмон Хоразмий, унинг ўғли Анисий Хоразмий ва Абдузоҳир котиб хаттотлик санъатига оид “Саводи таълим” асарини ёзган машҳур шоир, таржимон Мунис Хоразмий ҳамда Муҳаммад Юсуф Рожий (шоир, мусиқашунос, таржимон), Комил Хоразмий (уста хаттот, накқош ва бастакор), Абдураззок Факирий (шоир, хаттот) – насх, сулс, райхоний ва бошқа хатлар устаси Муҳаммад Юсуф Чокар (шоир, мусиқашунос, хаттот), Муҳаммад Юсуф Баёний (шоир, тарихчи, табиб, таржимон, мусиқашунос ва хаттот)дан олдин ва кейин ўтган олтмишга яқин ижодкор ва улар қўчирган асарлар хақида маълумотлар мавжуд.

Фарғона мактаби хусусида сўз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан бошланади. У давлат арбоби, саркарда, шоир, олим, тарихчи ва ихтирочи хаттотдир. XVI–XVIII юзийилликларда Фарғонада Навоий асарлари кўплаб қўчирилган. Кўкон хонларининг ичидаги шеърият соҳасида Фузулийга эргашган шоирлар бўлгани учун ҳам, Фузулий асарлари каби китобат қилинган. Қирққа яқин хаттот XX юзийилликка қадар иш юритган.

Тошкент хаттотлари китобат санъатининг турли йўналишдаги намояндалари ҳақида ўзининг “Бадоев-л-вақоэъ” асарида маълумот берган Маҳмуд Восифий, Жалолиддин Юсуф Шоший Муҳаммад Шайх Тошкандий Саййидхўжа ўғли (насҳ устаси), Обидий, Шоший (настаълиқ ва ёқутий хат устаси), Хожи Абдулваҳҳобхўжа Муҳркан (гўзал, нақшдор муҳрлар ясаган), Қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли Алмай (шоир, олим, машҳур “Калила ва Димна” таржимони, ўз тирнокларини хат ёзишга мослаб ўстирган хаттот), Муҳаммад Шоҳмурод Котиб (шикаста устаси). Бу устод Тошкентда Лихтин, Бердиёнбек, Каминский, Ильин, Порце ва бошқалар ташкил қилган литографияда қўлёзмалар кўчиришда фаол бўлган. Навоийнинг “Фаройибу-с-сигар”, “Наводиру-ш-шабоб” девонларини, “Хамса” достонларини, Жомий асарлари, Фузулий, Ҳофиз Шерозий, Амирий девонлари шулар жумласиданdir. Шоҳмурод котиб шогирдларидан ўн тўрт номни устознинг истеъдодли шогирди, олим ва котиб А. Муродов ўз асарида келтирган. Шунингдек, Тошкент мактаби намояндаларидан яна йигирма нафар котиб, улар орасида Ибодулла Одилов тўғрисида ҳам маълумот беради.

### *Сўроқ ва топшириклиар*

Ўрта Осиёда китобнинг пайдо бўлиши ва унинг илк намуналари тўғрисида сўзлаб беринг.

Ўтмишда ишлатилган ёзув ашёлари ва ёзув қуроллари тўғрисида сўзланг.

Илк ва ўрта асрларда қандай китобат турлари амал қилган?

Ўрта асрларда Ўрта Осиёда қандай китоблар кенг тарқалган эди?

Қўлёзма китобларнинг бадиий безаклари нималардан иборат?

Қўлёзма китобларнинг муковаси, қоғози, техник белгилари тўғрисида сўзлаб беринг.

Қўлёзма китоб тайёрлаш жараёни қандай кечган? Қагозрез, котиб, мусаввир, лаввоҳ, саҳҳофларнинг қиласидан ишини таърифлаб беринг.

Ўрта асрлардан қолган мусулмон қабртошлари, уларнинг тузилиши, ёзувлари тўғрисида нималарни биласиз? Мисоллар билан тушунтириб беринг.

Илмий китоблар, факсимиль нашрлар, қўлёзма китобларнинг фотонусхалари, интернет сайтиларидан Ўрта Осиё ҳалкларининг китобат тарихи, қўлёзма китоблар ва уларнинг белгилари тўғрисида материал йигинг. Йиқсан материалынгиз асосида семинар дарсларида илмий презентация ўтказинг.

## **УЧИНЧИ БҮЛІМ. МАТННИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТИЛИ**

**Таянч сұз ва бирикмалар:** матн тузилиши, асар бүлімлари; матн күптиллилиги, асарға құшымчалар, лугаттардағы қисқартмалар,

**Эътибор қаратыладыған масалалар:**

Илк ва ўрта асрларда яратылған асарларда матн күптиллилиги.

Илк ўрта асрларда яратылған асарларнинг тузилиши ва матн таркиби. Ислом даври эпик асарларининг аңынавий бүлімлари.

Күләзма китобларда асарлардан сұнг көлтирилған құшымчалар.

Лугаттарда қайд этилған қисқартмалар ва уларнинг мәньноси.

### **Илк ва ўрта асрларда туркій мұхитда яратылған асарларда матн күптиллилиги масаласи**

Илк ва ўрта асрларда туркій мұхитда, асосан, она тилемде ижод күрганлар ва ўша өзгелдерден сақланиб қолған асарларнинг күпі түркій тилдадир. Шунингдек, құшни-чалық алқаплары, ижтимоий-сиёсий, диний ва маданий муносабатлар таъсирида яратылған иккі, уч, хатто түрт тилли матнлар ҳам бор. Булар туркій-сүғдча, туркій-хитойча, туркій-сүғдча-хитойча, ислом даврида эса туркій-арабча, туркій-форсча, туркій-арабча-форсча, туркій-мұғулча, туркій-арабча-форсча-мұғулчада битилған. Яна турк маданий мұхитида баъзи матнлар сүғдча, арабча ёки форсий тилде ҳам ёзилған.

Туркій мұхитда сүғд тилемде битилған ёдгорликтарнинг энг эскиси Бириңчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтған турк амалдори Махан тигиннинг ўлыми муносабати билан, тахминан, 583–588 йилларда тиқланған Бугут битигтошидир. Битигтош Мұғулистаннинг Архангай аймогидан топилған. Тадқықотчиларнинг тахминича, тошдаги битиг аслида иккі тилли бўлған. Ҳозирги сақланиб қолғани – тошнинг ўнг юзи ва иккі ёғидаги матн суғдчадир. Тошнинг терс юзи анча емирилған бўлиб, унда ҳарф изларинигина илғаш мумкин, холос. Лекин ушбу матн қандай ёзув ва тилда бўлғанligини аниқлашнинг имкони йўқ. Айрим олимлар ушбу матн парчасини хитойча, баъзилар браҳма хатида бўлған, деб фараз қиладилар. Эҳтимол, ўша ўчган ёзув тошнинг ўнг юзидағи суғдча матннинг туркій версияси бўлуви

ҳам мумкин. Чунки, суғдча битигда қайд этилувича, бу қабр тошини “турклар ўрнатишган” (қаранг: Исхоков 1989, 39–40, 132; 2008, 111–117 тошнинг тасвирига қаранг: Sertkaya 1995, 177).

Уч тилли ёдгорликлардан бири қадимги Уйғур хоқонлигининг пойтахти Қорабалғасун ўрнидан топилган тош лавҳадир. У 825 йили тикланган. Матни – туркий, хитойча ва суғдча. Туркийси руний хатида (*расмига қаранг*: Orhun, 61; Sertkaya 1995, 192).

Суғд тили кўк турк (Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари), Уйғур хоқонлиғи, ҳатто корахонийлар замонида ҳам монументал мақсадларда туркий билан ёнма-ён ишилатилган.

Қадимги турк муҳитида хитой тилига ҳам алоҳида эътибор берилган. Буни кўк турк ҳамда уйғур хоқонликлари даврида яратилган айрим туркий ёдгорликларда хитойча матннинг ёнма-ён ишилатилганида ҳам кўрамиз. Чунончи, Иккинчи турк хоқонлиғи даврида яшаб ижод этган муаррих ва адид Йўллуғ тигиннинг ўз амакиси Кул тигин (732 йил) ва отаси Билга хоқон (735 йил) шарафига ёзган битиглари икки тиллидир (туркий ва хитойча). Асосий матн тош лавҳаларнинг юз томони, ён бағри ва тарошланган қирраларида, хитойчаси эса орқа томонида (*қаранг*: Orhun, 18–42).

Матн кўптилилиги борасида, айниқса, туркий тилларга бағишланган лугат ва грамматик асарлар эътиборни ўзига тортади. Чунончи, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугати-т-турк” асари араб тилида ёзилган. Асаддаги сўз мақолалар, уларнинг маъносини очиқлаш учун берилган иборалар, мақол ва ҳикматли сўзлар, шеърий узиндилар, шунингдек, грамматика бўлимида муайян қоидалар тасдиғи учун берилган мисоллар туркийдадир.

Ўтмишда яратилган лугатларнинг кўп тиллилари (уч ёки тўрт тилли) ҳам бор. Масалан, Маҳмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб”ининг лугат бўлими кўлёзмаларда икки, уч ё тўрт тилда берилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг лугат бўлими (яъни исмлар ва феъллар қисми) кўп тиллидир. Лугат араб бўлмаган халкларга (форслар, туркий халқлар, мўгуллар ҳамда қадимги хоразмча сўзловчиларга) араб тилини ўргатиш учун мўлжалланган. Унга мўгулчанинг киритилишига сабаб кейинчалик – XIII асрга келиб мўгуллар орасида ҳам мусулмонликни қабул қилганлари бор эди, улар ҳам ҳисобга олинган.

Лугатда бошлаб арабча сўз келтирилади, сўнг бошқа тилларда – форсча, туркий, мўғулча, баъзан қадимги хоразмий тилида унинг таржимаси берилади. Демак, луғатдаги арабча сўзлик арабшунослик учун, форсча ва қадимий хоразмча сўзликлар – эроншунослик, туркий сўзлик – туркшунослик, мўғулча сўзлик эса мўғулшунослик учун аҳамиятга эга. Агар турли тиллардаги сўзлар чоғиштирма-типологик аспектда ўрганилса, чоғиштирма тилшунослик учун ўта аҳамиятли иш бўлади.

Муҳими, асарнинг мавжуд кўлёзмаларида сўзликларнинг берилиш тартиби ҳар хил: асар нусхалари икки тилли (арабча–форсча, арабча–туркий, арабча–хоразмий), уч тилли (арабча–форсча–туркий), тўрт тилли (арабча–форсча–туркий–мўғулча) вариантларда тарқалган.

Асарнинг лугат бўлими киритилган кўлёзмалари ҳозирги чоғда Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Догистон, Англия, Франция, Италия, Туркия, Эрон, Хиндистандаги йирик кўлёзма фондларида сақланмоқда (қаранг: Исломов 1998,12–21). Лекин буларнинг барида ҳам туркий сўзлик учрайвермайди.

Муҳими, “Муқаддамату-л-адаб”нинг қадимги хоразмий тилидаги сўзлик киритилган нусхалари ҳам бор. Шулардан бири фанда Кўния нусхаси деб юритилади. У Юсуф ога кутубхонасида 5010 рақами билан сақланмоқда. Кўлёзмада асарнинг бўлимлари тўлиқ. Лугат икки тилли: арабча сўзлар хоразм тилидаги таржимаси билан келтирилган (хоразмча матн ҳам араб ёзувида). Кўлёзманинг китобат санаси номаълум; чамаси XII асрда кўчирилган.

Яна бири Англиянинг Британия музейида сақланётган 7429 сонли кўлёзмадир. У 1353 йили кўчирилган. Кўлёзмада фақат феъллар бўлими бор. Луғат, асосан, арабча–форсча–туркийда бўлиб, ора-сира хоразмча сўзлик ҳам киритилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг кўлёзма вариантлари кўп. Шу ўринда асарнинг лугат бўлими (исмлар ва феъллар) илк вариантда қандай кўринишда эди, деган сўроқ туғилуви табиий. Олимлар, муалиф асарнинг лугат бўлимини икки тилда (арабча–форсча) тузган; туркий ва мўғулчасини котиблар кейинчалик унга қўшганлар, деб биладилар. Бизнингча, бу фикр тўғри эмас. Буни рад этувчи далиллар ҳам бор. Чунки туркий сўзлик киритилган варианtlарининг айримлари жуда эски. Яна бир жиҳати, асарнинг нодир нусхаларида келтирилган туркий сўзлик анча қадимий ёзув ва тил хусусиятларини

акс эттиради. Ушбу нусхаларни кўчириш чоғида туркий сўзликка алоҳида эътибор қаратилган: баъзи қўлёзмалардаги туркий сўзлик кизилда. Жумладан, Анқарадаги Турк тили куруми кутубхонасида асарнинг 1469 йили Константинополда кўчирилган нусхаси сакланмоқда (А.187-сонли кўлёзма). У уч тилидир: арабча–форсча–туркий. Муҳими, ундаги барча арабча сўзлар остида туркий таржимаси берилган, форсий сўзлик эса мунтазам эмас.

Мавжуд нусхаларнинг бундай белгилари тубандаги хulosага олиб келади: чамаси, муаллиф мазкур асарини икки қайта ёзган, аникрорги бир ёзиб, кейин тўлдириш киритган. Асарни беш бўлимдан иборат шаклда тузган. Бу илк вариантининг лугат қисми, чамаси, икки тилли эди: арабча сўзлар хоразмча таржимаси билан келтирилган. Бунинг билан маҳаллий муҳит талаби кўзда тутилган. Кейинчалик Хоразм ўлқасининг сиёсий-ижтимоий талабидан келиб чиккан ҳолда, муаллиф асарнинг лугат бўлимини қайта ишлаб, такомиллаштирган: уни кўп тилли лугатга айлантирган. Муаллиф томонидан қайта ишланган ана шу вариантида туркий сўзлик хам бор эди. Таъкидлаш ўринлики, кейинги варианларга хоразмча сўзлик киритилганлиги даргумон. Сабаби, XIII асрдан кейин хоразм тили астасекин истеъмолдан чиқиб, ўлиқ тилга айланана бошлаган эди.

Кейинги юзийилкларда вужудга келган вариантлар муаллифнинг ўша биринчи ёки кейинги – кўп тилли вариантига асосланган кўринади. Асарнинг арабча–хоразмча лугат берилган Кўния нусхаси илк вариантига асосланган бўлса эҳтимол. Лекин асарнинг фанда маълум бўлган бошқа нусхалари иккинчи – кўп тилли нусхадан урчиган дейиш мумкин. Кейинги юзийилкларда асар кўчирилаётган юртнинг маданий, ижтимоий-сиёсий талаблари, ерли халқлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, унинг янги-янги вариантлари юзага кела бошлаган. Туркий муҳитда кўчирилган нусхаларида туркий сўзлик сакланган, форсийзабон муҳит учун аталгандарида эса туркийси тушириб колдирилган.

Асардаги мўгулча сўзликка келсак, унинг кейинчалик – мўгуллар салтанати даврида киритилгани аник.

Британия музейида, ўрни билан, орада юончча таржимаси берилган нусхаси хам бор. Бу эса асарнинг Европа мамлакатларида тарқалиши ва ўрганилиши билан боғлик ҳодисадир. Ўша ўлкаларда яшовчи олимларнинг талабидан келиб чиқиб, ундаги лугат юончада хам изоҳланган.

Туркий матнавислик тарихида диний-фалсафий, адабий матнларнинг ҳам икки ё уч тилда битилган қўлёзмалари кенг тарқалган. Жумладан, Берлин қўлёзмалар фондининг Турфондан топиб келтирилган ёдгорликлар коллекциясида бир қанча сұғдча матнлар бор. Шулардан бири монийликнинг тавбаномаси “Хуастуанивт”нинг сұғдча версиясидир. Мухими шундаки, мазкур матннинг муайян бўлаги туркий таржимаси билан берилган. Таржимаси сатрма-сатр сұғдча матннинг тагида келтирилган (Исхаков 2008,157). Ушбу таржима ўша замондаги турк-моний жамоаларига мўлжалланган чоги.

Ислом даври китобатчилигида мусулмон дунёсини бирлаштирувчи идеология, минтақадаги тил вазияти, адабий алоқалар ва маданиятлар таъсири натижасида бу анъана янада кучайди. Ана шу адабий, лисоний-маданий жараёнларда яратилган матнларнинг сони анчагина. Масалан, Британ Музейида сақланаётган Ог.8193 кўрсаткичли қўлёзмада саҳифа ўртасига уйғур ҳарфли туркий матн битилган. Булар “Сирожу-л-кулуб”, “Масъала китоби”, “Роҳату-л-кулуб” асарлари, Хоразмийнинг “Мұхаббатнома” достони, мұмтоз адабиётимиз намояндадарининг шеърлари ва айrim тўртликлардир. Ҳошиясидан эса Камол Исмоил Исфаҳонийнинг форсий девони ўрин олган.

Бошқа бир мисол. Алишер Навоий “Арбаъин” асарининг айrim қўлёзма нусхалари Абдураҳмон Жомий “Арбаъин”и билан бирга кўчирилган. Ана шундай нусхалардан бири ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги X. Сулаймонов фондида сақланаётган 106-IV кўрсаткичли қўлёзмадир. Қўлёзмага иккала изжодкорнинг қаламига мансуб “Арбаъин”лар киритилган. Унда бошлаб ҳар икки асарга асос бўлган ҳадис, сўнг ушбу ҳадис мазмунидан келиб чиқиб ёзилган Жомийнинг форсча ва Навоийнинг туркий тўртлиги келтирилган.

Эътиборга лойик хусусияти шундаки, баъзи асарларнинг тузилишидан келиб чиқсан ҳолда, матннинг айrim бўлаклари арабча ё форсчада берилган. Жумладан, “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарида Адид Аҳмад ўз ҳикматларини баён этар экан, айни ҳикматларнинг тасдиги учун арабий оят, ҳадис ва ўгитлардан келтиради.

Шунингдек, Захириддин Бобурнинг “Бобурнома” асарида, ўрни-ўрни билан, форсча мақол ва байтлар ҳам келтирилган.

Мұхими, ушбу форсча матнларнинг түркій изоҳ ё таржимаси йўқ. Англашиладики, Мовароуннахр, Хурросон мұхитидаги туркларнинг билим даражаси, улар форсийни ҳам тушуна олғанлиги сабабли Бобур ана шундай йўл тутган. Маълумки, ушбу минтақада, айникса, ўқимишилар араб ва форсийдан ҳам боҳабар эдилар. Бу нарсани ўша давр тазкираларида ҳам яққол кузатиш мумкин. Масалаң, Алишер Навоий “Мажолису-н-нафоис” тазкирасида ўз замонида форсийда ижод этган шоирлар тўғрисида маълумот бера туриб, уларнинг машхур байтларини форсийда келтирган ва уларнинг түркій изоҳини беришга эҳтиёж ҳам сезмайди. Ёки бунинг аксини Ҳасанхожа Нисорийнинг форсча “Музаккири ахбоб” тазкирасида кузатамиз. Тазкирада муаллиф түркій тиљли шоирлар тўғрисида маълумот берар экан, уларнинг машхур байтларидан мисоллар келтирган. Ушбу байтлар ҳам түркійдадир.

Матн битиш тарихида бу анъана XIX юзийлликнинг охирларига қадар давом этди. Умуман, түркій матнларга иккинчи бир тиљли матннинг киритилиши Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг юзийлликлар оша ягона маданий, адабий мұхитда яшаганидан далолат беради. Улар ўзаро биродарлик асосларидан илк ва ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий, маданий таракқиётiga ҳисса кўшиб келдилар.

### **Будда нўм битиглари ва уларнинг тузилиши**

Нўм битиглар (буддизм даврида яратилган қонун китоблари) қадимги түркій адабиётда кенг тарқалган асарлардан бўлиб, улар хитой, тоҳар, сүфд, санскрит тилларидан қадимги түркій тилга таржима қилинган.

Нўм битигларнинг бўлимлари (боблари) *üliš* ёки *bölük*, қисмлари эса *tegzinč* дейилганд. Китобнинг кириш қисми (муқаддимаси) *süy*, Буддага алков бўлими *yükünč* аталган. *Süy* сўзи асли хитойчадан ўзлашган бўлиб, “кириш, муқаддима” маъносини англатади. *Yükümč* эса түркій тилда “ибодат, топиниш” дегани. Будда асарлари анъанавий *yükünč* бўлими билан бошланиб, унда Буддага алков айтилган.

Асарнинг *yükünč* дан кейинги илк бўлими *baştıngi üliš* аталган.

Будда диний-фалсафий асарлари кўпинча, анъанага қўра, потхи шаклида китобат қилинар эди. Потхи китобнинг вараклари *patar* дейилган. Бу сўз санскритча *pattra* нинг туркийлашган шакли бўлиб, қадимги хиндлар пальма япроқларини ва варакни ана шундай атаганлар. Туркий тилда бу лексема иккинчи, яъни “варак” маъносида ишлатилган.

Ҳар қайси варакнинг ўнг бетига сахифа бошига (кўпинча қирмизи рангда) асар бўлими ва бўлим варакларининг тартиб кўрсаткичи ёзиб кетилган. Масалан, *Yükünç, altı patar* (“Юкунч бўлими, олтинчи варак”), *Yükünç, yeti patar* (“Юкунч бўлими, еттинчи варак”), *Baştingi ülüs, on patar* (“Аввалги бўлим, ўнинчи варак”), *Baştingi ülüs, tört yigirmi patar* (“Аввалги бўлим, ўн тўртинчи варак”) ва б. Бир бўлим тугагач, кейинги бўлимдан бошлаб тартиб кўрсаткичи ҳам янгиланган. Ушбу кўрсаткичлар, ўз ўрнида, пойгир (погинация) вазифасини ўтаган ва китоб варакларини тартибли сақлаш имконини берган.

Будда асарларининг бундай тузилганилиги бежиз эмас. Сабаби, асар турк-будда мухитида тўйик шаклда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам ёйилган эди. Чамаси, айрим буддистлар асарнинг керакли бўлимларини кўчириб олиб, ўзлари учун нусхалар тузган ва ундан фойдаланганлар. Шарқ матнавислигига бундай ҳодисани монийликнинг тавбаномаларида, ислом даврида яратилган “Ҳафтияқ”да ҳам кузатиш мумкин.

Буддизмнинг бош фалсафаси “уч жавоҳир”да мужассамлашган. Булар: *Будда, дхарма* (таълимот, конун) ва *сангха* (будда жамоаси). Бу учликни қадимги турклар *üč erdäni*, яъни “уч жавоҳир” деган. Буддизмнинг ана шу қутлуғ учлиги бир қолипга солиб айтилган.

Муҳими шундаки, будда матнлари, дуолари ана шу уч жавоҳирга таъзим билан бошланади. Қадимги туркий тилда унинг айтилиши шундай: *Namo buṭ. Namo darm. Namo sañ* (бунинг *Namo buddaya. Namo darmaya. Namo sañgaya* варианти ҳам бор). Ушбу жумлаларнинг санскритчаси *Namo buddha. Namo dharma. Namo samgha* бўлиб, “Буддага таъзим! Будда ақидасига таъзим! Жамоага таъзим!” деган маънони англатади.

Яна китоб битиш анъанасига қўра, қадимги турк-будда асарларида ҳар қайси бўлимнинг бошланишида асарнинг ва бўлимининги оти гўйд этиб берилган.

Мисол сифатида “Олтун тусли ёруғ” (бошқа бир оти “Суварнапрабҳаса”) сутрасига мурожаат қиласиз. Унда ҳар бир бўлимнинг бошланишида асарнинг тўлиқ оти, кейин эса бўлим сарлавҳаси келтирилган. Ундан кейин асар баёнига ўтилади. Мана мисоли:

*“Altun öylüg yaruq yalrıqlıy qopta kötrülmış nom eligi” atl(i)y nom bitigdä “Eliglär, qanlarnıň köni törüsün aymaç” atl(i)y y(i)g(i)rm(i)nč bölgü.*

*Ol ödün <yayız> yer qatuni Vasundari ikiläy় yenä olurmiş orunintin örü turup t(ä)ñri t(ä)ñrisi Burxan adaqıntıta yinçürü töpün yükünip, iki eligin qawşurup, ayır ayamaqın t(ä)ñri t(ä)ñrisi Burxanqa inčä tep ötünti.*

Келтирилган мисолда “Altun öylüg yaruq yalrıqlıy qopta kötrülmış nom eligi” atl(i)y nom bitig жумласи – асарнинг оти; “Eliglär, qanlarnıň köni törüsün aymaç” atl(i)y y(i)g(i)rm(i)nč bölgü жумласи эса бўлимнинг оти ва сираси; *Ol ödün <yayız> yer qatuni* жумласидан бошлаб бўлимнинг баёни кетади.

Мазмуни шундай бўлади: “Олтун тусли ёруғ ялтироқли тугал юксак нўм тождори” отли нўм битигда “Элиглар, хонларнинг одил сиёсатини айтмоқ” отли йигирманчи бўлим.

Ўша чоғда қўнғир ер маликаси Вусандари иккинчи бор ўтирган ўрнидан тик туриб, тангри тангриси Бурхоннинг оёқларига тиз чўкиб юкуниб, икки қўл бармоқларини қовуштириб, юксак эҳтиром ила тангри тангриси Бурхонга шундай дея ўтнди”.

Мухими, турк-будда адабиётида бадий асарлар ва асар бўлимларининг оти кенг қамровли бўларди. Адабиётдаги ушбу анъана кейинги даврларда ҳам давом этди (Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” маснавийсидаги боб сарлавҳаларини эсланг).

Яна бир жиҳати, ҳар бир бўлим якунида асар номи, уни ким ва қайси тилдан таржима қиласизни тўғрисидаги маълумот ҳам берилади. Масалан, “Олтун тусли ёруғ” асари якунида уни тавғаччадан турк-уйғур тилига ўтирган таржимоннинг оти ҳам қайд этилган: *Beşbaliqlıy Şıqu Şeli tuduň tawyač tilintin türk uyyur tilincä ikləyü ewirmiš nom eligi sudur bitiyü tolu tükäl boldı.* – “Бешбалиқлик Шингқу Шели тұдуы, тавяч тилинден турк-уйғур тилига таржима қиласиз нўм тождори сутраен битилиб тўлиқ тугал бўлди” (AY.674,4–12).

## Монийчилар тавбаномасининг тузилиши

Қадимги турклар монийликка сиғинган чоғлардан қолган ёзма ёдгорликлар унчалик кўп эмас. лекин турларга бой: улар тангриларга ва Монийга бағишлиланган алқовлар, тангрига ёлборув битиглари (тавбаномалар), дуолар, турли мазмундаги шеърлар, ирқ битиги, эпиграфик матнлардан иборат. Ушбу асарлар кўк турк, моний ва эски уйғур ёзувларида битилган.

Кўхна турк-моний диний жамоасидан қолган ёдгорликлардан бири туркшуносликда “Хуастуанивт” оти билан таникли. “Хуастуанивт” монийчиларнинг эркли-эрксиз, билиб-бilmай қилган ёзукларидан ўкинув битигидир. Асарнинг оти матнда *N(i)yošaklarniň suyin-yazuqin ökünge Huastuan(i)vt* деб берилган. Ушбу жумладаги *pýošak* – сугдчадан ўзлашган бўлиб, “tinglovchi” маъносини англатади. у монийлик жамоасида куйи даражадир; *suy-yazuq* – жуфт сўз, “тunoҳлар, ёзуклар” деган маънони билдиради; *ökünge* эса ҳозирги “ўкинув, тавба қилув” англамида. Шунга кўра, асарнинг отидан “Нигўшакларнинг ёзукларлардан ўкинувчи “Хуастуанивт” деган маъно келиб чиқади.

“Хуастуанивт” – таржима асар. У қадимги эроний тиллардан бирида яратилиб, кейин туркийга ўтирилган. Фанда унинг сугдча, қадимги туркий тилдаги версиялари маълум. Туркий версиялари уйғур ва моний ёзувларида битилган. Кўлёзмалари ҳозир Санкт-Петербург, Лондон ва Берлин фондларида сақланмоқда.

Асар ўн беш бўлимли. Бўлимлари *bölük* дейилиб, ҳар қайсиси муайян масала ечимиға бағишлиланган. Матнда ҳар қайси бўлим ўзининг тартиб кўрсаткичи билан бошланади: *ıscınc, törtünç, bişinç, altınç, yitinç, sakızınç* ва б. Уйғур ёзувли матнда жумлалар кўш нукта (..), бўлимлар эса икки жуфт нукта (.. ..) билан ажратилган.

Кўлёзма сўнгидаги асарнинг тугаганлиги ва котибининг оти ёзб қўйилибди: *Bütürmiş Tarhan. Tügädi n(i)yošaklarniň suyin-yazuqin ökünge Huastuan(i)vt.* – “(Матнни) тугаллаган Тархан. Тугади нигўшакларнинг ёзуклардан ўкинув (битиги) – “Хуастуанивт”.

Айтганча, асарнинг кунимизга қадар сақланиб қолган туркий версиялари орасида матний ва тил жиҳатдан катта ўзгариш йўқ. Бу нарса, асарни қўнимиги туркий тилга бир кини ўгирган, унинг

мавжуд қўлёзмалари эса ўша илкин ўтирамдан олинган, деган мулоҳазага олиб келади. Бундайлигининг яна бир сабаби, асар қўлёзмаларининг бари айтарли бир замонда – турклар орасида монийлик дини кенг ёйилган кезларда кўчирилганида бўлса керак.

“Хуастуванивт” диний-фалсафий асаргина эмас, қадимги турк ёзма адабиётининг ажойиб ва тенги йўқ ёдгорлиги ҳамdir. Адабиёт аҳли уни бадиий асар сифатида ўрганади. Топинувчилар кўнглидаги эзгу ўйлар, инжа туйгуларни, уларнинг тангрига илтижосини акс эттириш, матн таъсирини ошириш учун тилмоч ниҳоятда равон бир услубни қўллаган. Матн услуби тилмочнинг теран билимли, тил устаси, сўзга чечан, шоиртабиат киши ўтганидан белги бериб туради. Қолаверса, тангрига бўлган илтижоларда матннинг таъсирчанлиги, топинувчи кўнглиниң туб-тубидаги туйгуларнинг (қадимги туркийда буни *berk qat̄ıy saw* дейилган) баёнига айрича урғу берилган. Ана шу ҳодиса монийлик даври адабиётида, ёзма адабий тилда ўзига яраша “тангрига илтижо услуби”нинг юзага келувини таъминлаб берди. Ислом даврида яратилган муножотлар услубида ҳам қадимги туркий тил даврида яратилган ўша анъананинг эпкинларини кузатиш мумкин.

Асарда изчил қўлланувчи, қолипга тушган жумлалар ҳам бор. Улар турли синтаксик-стилистик вариацияларда. Чунончи, асар бўлимлари *Täj̄rim, yazuqda bōshunu ötünür-biz* (“Тангрим, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз”), *Täj̄rim, amtī yazuqda bōshunu ötünür-biz* (“Тангрим, энди ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз”), *Amtī, täj̄rim, yazuqda bōshunu ötünür-biz* (“Энди, тангрим, ёзугимизни кечиргин дея ўтинурмиз”), *Täj̄rim, amtī öküñür-biz, yazuqda bōshunu ötünür-biz* (“Тангрим, энди ўқинурмиз, ёзуқдан қутқарғил дея ўтинурмиз”) ёки *Anī üc̄ün, täj̄rim, qop yazuqda bōshunu ötünür-biz* (“Шунинг учун, тангрим, бутунлай ёзуқдан кутилайлик дея ўтинурмиз”) жумлалари билан охирлайди. Шундан сўнг *Manastar qirza* ёки *Manastar xirza* [моний ёзувли нусхаларида *Manastar xirza~Manastar xirz*] дуоси келади. Ушбу дуо кўриниши ўртанча эроний тиллардан ўзлашган бўлиб, тангридан “Ёзугимизни кечиргайсан!” [*Mnastar hirz-*]<sup>10</sup> төт килинган илтижони англатади. Уни таржима килемай, аслидай кўзаболи турк-моний жамоаларида русум бўлган.

Яна бир жиҳати, асарда ёзма адабий тилнинг эски, классик ўлчовлари тўла-тўкис, яхши сақланган. Сўзларнинг имлосидан

тортиб, жумлаларнинг тузилишигача шунга бўйсунади. Муҳими, ўша кезларда туркий матнчиликда диний-фалсафий асарлар услуби, унинг ўлчовлари ишлаб чиқилди. Кейинчалик, ҳатто бошқа эътиқодларга ўтилганда ҳам диний-фалсафий мазмундаги асарларни битищда қадимги туркий тилда ишлаб чиқилган ўша ўлчовларга, анъанага таянилган.

## Ислом даври лиро-эпик асарларининг анъанавий бўлимлари

Китобат ишида асар яратиш одоби (“одоби тасниф” ёки “одоби таълиф”)га қаттиқ риоя қилинган. Одоби таълифнинг ўзига яраша талаблари бор. Унга кўра, эпик турдаги бадиий асарларда қўйидаги бўлимлар ўрин олмоғи керак:

**Фихрист-и авваб** (<араб. فهرست ابواب – боблар мундарижаси; **авваб** (<араб. ابواب) – боблар, *bāb* нинг кўплигидир. *Bāb* (<араб. باب) – “боб, асар боби, бўлими”ни англатади.

Йирик асарларнинг бошланишида, одатда, боблар мундарижаси, яъни *фихрист-и авваб* берилган. Фихристда асар бобларининг номлари муайян кетма-кетликда берилади. Жумладан, “Кутадғу билиг” маснавийсининг бошланишида асардаги боблар мундарижаси келтирилиб, унга *Fihrist-i abvāb* деб сарлавҳа қўйилган (қаранг: QBН.8,5). Асарнинг уйгур ёзувили Ҳирот қўлёзмасидаги фихристда келтирилган бобларнинг тартиби ҳам белгилаб борилган: *avval bab, ikinč bab, üçünč bab, törtünč bab* ва б. Охиргиси *yetmiş ikinč bab*, хотимаси эса *soň bab* деб қайд этилган.

**Басмала** (<араб. بسم الله الرحمن الرحيم). Асар қайси соҳага тегишли бўлмасин Оллоҳнинг номи билан, яъни “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм” деб бошланган. Ушбу эътиқод жумласини манбашуносликда **басмала** дейилади.

Басмала, таомилга кўра, араб тилида берилган. Лекин, шунга қарамай, айрим мутафаккирлар ўз асарларини она тилидаги басмала билан бошлаганлар. Жумладан, Фирдавсий ўз “Шохнома”сида басмалани форсчада берган.

Юсуф Ҳоснабад ўзининг “Кутадғу билиг” асарида басмалани туркий тилда келтирган. Мана ўша туркийси:

*Bayat atī birlä sözüg başladim,  
Törütkän, igidgän, keçürgän idim.*

Ушбу байтда кечган *Bayat atī birlä* бирикмаси “Оллоҳнинг номини ёд этиб” маъносини беради. Айни бирикмада арабий басмала (*Bi-smi-l-lâhi-r-rahmâni-r-rahîm*) назарда тутилади; *Bayat atī birlä sözüg başladim* дейилганда “Оллоҳнинг номи билан сўзни бошладим” / “Бисмиллоҳ билан сўзни бошладим” деган маъно бор.

Жумладаги *bayat atī* бирикмаси алоҳида олингандা арабий басмаладаги *ismi-l-lâh* га тенг келади. Кейинги сатрдаги *törütkän, igidgän, keçürgän idim* жумласи эса арабий басмаладаги *rahmâni-r-rahîm* сифатларининг шархидир.

“Кутадғу билиг”да кечган *bayat atī birlä* бирикмаси кейинги давр туркий асарларида *Haq atī birlä / Haq yâdî birlä* ўаклларида ҳам қўлланган. Масалан, Алишер Навоий ўзининг ислом фарзларига бағишлиланган “Сирожу-л-муслимин” асарини шундай бошлайди:

*Çu yondum hâma-yi muškin şamâta,  
Qûlay Haq yâdî birlä zebnâma.*

Ёки Бобурнинг “Мубайян” асари шундай байт билан бошланади:

*Haqqa hamd-u sanâ adâ qîldîm,  
Haq atī birlä ibtidâ qîldîm.*

“Мубайян”нинг *Haq atī birlä ibtidâ qîldîm* бошловчи жумласи “Кутадғу билиг”даги *Bayat atī birlä sözüg başladim* нинг ўзиdir.

“Хайрату-л-аброр”да Алишер Навоий басмаланинг шоирона шархини берган.

**Ҳамд** (<араб. حمد) – ҳамд, сано, мактov, Тангрига бағишилов. Бандаларнинг Тангри таолога билдирган мамнунияти ва шукронаси.

Ислом даври асарлари, одатда, Тангрига ҳамд билан бошланган. Ҳамд асарнинг турига қараб шеърий ё насрый бўлади. Унда Оллоҳнинг сифатлари, Исмининг азалийлиги, Раҳмонлиги. Раҳимлиги, ғизлалари, забодайлиги, боргоҳи (саройи)нинг

ҳашами, илми уммонининг бепоёнлиги, яратувчилиги, кечириувчанлиги, марҳаматига ҳамд ўқилади.

“Кутадғу билиг” асарида *hamd* сўзи ўрнида туркий *ögdi~ögdü* ишлатилган. Жумладан, асарнинг уйғур ёзуви кўлёзмасида ҳамд бўлими *Tājri az(z)a va jal(l) ögdisin ayur* (Энг азиз ва энг улуг Тангрининг мадҳини айтади) деб аталади (QBН.10,19). Бу сўз *ögdü* шаклида ҳам ишлатилган (QBН.8,6).

Адиб Ахмад Юғнакий ҳам ўзининг “Хибату-л-ҳақоик” асарини ҳамд билан: *İlāhî öküş hamd ayur-men seňđ* деб бошлаган (YugС.1,2).

“Ҳамду сано” маъносида *sana* (<араб. شـ) сўзи ҳам ишлатилган. Масалан, бу сўз “Кутадғу билиг”да “Оллохга бағишланган мадҳ”ни билдиради (қаранг: QBN.136а,14).

**Наът** (<араб. نـتـ). Унда Мухаммад пайғамбар (с.а.в) мадҳ этилади. Унинг охирги пайғамбар эканлиги, мўъжизалари, Унга Куръони карим нозил этилгани, меъроjkга эришгани таъриф қилинади. “Кутадғу билиг”да айни маънода *ögdü* сўзи ишлатилган: *Yalawač iluğ Muham(m)ad Mustafa ögdüsün ayur.* – Ялавоч улуг Мұхаммад Мұстафо ўғдусини айтади (QBН.8,6–7); *Yalawač 'alayhi salam ögdüsün ayur.* – Ялавоч алаайҳи-с-салом ўғдусини айтади (QBН.12,2).

**Нияти тасниф** – муаллифнинг асарни яратишдан мақсади, асарнинг ёзилиш сабаблари баён этилади. Навоий бу ерда шу мавзуда қалам тебратган салафларини ёдга олади ва уларни таърифлаб ўтади. Масалан, “Хамса” таркибидағи достонларда Навоий – Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийга алоҳида боблар ажратиб, мавзуга алоқадор фикрларни таъриф қиласди.

**Асар бағишланган кимса васфи.** Йирик маснавийларда ушбу асар кимга аталған бўлса, ўша хукумдорга бағишланган бўлим берилган.

Ушбу бўлим **мадҳ** (<араб. حـ) ҳам дейилган. Жумладан, “Кутадғу билиг”да Тавғач Буғрахонга бағишланган бўлим ана шундай: *Ordukân xanî beg madhîn ayur.* – Ўрдукан хони бег мадҳини айтади (QBН.8,6).

**Асар муаллифининг ўзи тўғрисидаги маълумоти.** Унда муаллиф ўзи тўғрисида сўзлаб, хоҳишу истагини билдиради. Асарда бу бўлимнинг бўлиши шарт эмас.

**Сарлавҳалар.** Муаллифлар сарлавҳаларга эътибор билан қараганлар. Чунки сарлавҳалар боб, фасл, қисмлар мундарижасидан хабардор қилиши билан бирга, уларга бадиий вазифа (поэтик нагрузка) ҳам юклатилган. Сарлавҳада сажъ усулини кўллаш ҳам анъана бўлган.

Шарқ шеъриятида сарлавҳа бериш русум эмас эди. Фақат китъаларга сарлавҳа кўйилган. Лекин Навоий “Хазойину-л-маоний” даги қофияда 32 ҳарфга ғазал битар экан, ҳар бир ҳарф аввалида сарлавҳа бериб боради.

Сарлавҳалардаги сўзларнинг ҳақиқий ва мажозий маънолари идрок этилса, рамзий жиҳатлари очилса, шоир шеъриятининг мавзуи, мазмун доираси англашилади.

Навоий “Хамса”си сарлавҳаларига ҳам муайян ғоявий-эстетик вазифалар юкланган. Ҳар бобнинг асосий мазмунини баён этади.

**Дебочалар.** Дебоча, асосан, девонларга ёзилади ва насрый асарларга ёзиладиган муқаддималардан фарқ қиласи. Дебочани алоҳида жанр ҳам дейдилар. Дебочада шоир ўз девони мундарижаси, ўз ҳасби ҳолига оид маълумотни, адабий-эстетик қарашларини баён қиласи. У кўпинча анчайин дабдабали услубда битилади. Дебочада наср билан назм қоришик келади. Котиб ёки девон тартиб этувчилар томонидан ёзилган дебоча мазмунига кўра сўзбоши ўрнида қаралади. Уларда ҳам “одоби тасниф”га риоя қилинган.

Шеърда ёзилган дебочалар ҳам мавжуд. Хусрав Дехлавий беш девонини алоҳида номлаб (“Тухфату-л-сигар”, “Васату-л-ҳаёт”, “Фуррату-л-камол”, “Бадију-н-накия”, “Нихояту-л-камол”), ҳар бирига насрый дебоча ёзган.

Жомий Навоий тавсияси билан “Фотихату-ш-шабоб”, “Воситату-л-иқд” ва “Хотимату-л-ҳаёт” деб номланган девонларига дебочалар ёзган.

Манбаларда Навоий ўзининг иккинчи расмий девони “Наводиру-н-нихоя”га дебоча ёзган дейилади. Лекин у бизгача этиб келмаган ёки топилганича йўқ. Биринчи расмий девони “Бадоеву-л-бидоя” ва “Хазойину-л-маоний” (унинг таркибида) девон: “Фаройибу-с-сигар”, “Наводиру-ш-шабоб”, “Бадоеву-л-васат” ва “Фавойиду-л-кибар”га ёзган дебочалари нашр этилган. Навоий дебочаларида шоир шахсиятининг айрим кирралари ўз аксини топсан “Чоёз” шебдаги ўзи ва шаклнинг берглиқлиги,

Салафларига муносабати, шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқарога бахшида таърифлар беради.

Кейинги даврларда Нодира, Нодир Узлат, Амирий, Огахий, Мунис, Шавқий, Факирий, Табибий ва бошқа шоирлар ҳам ўз девонларига дебочалар ёзган.

**Тарих** (<араб. تاریخ) – тарих; рус текстологиясида **колофон** дейилади. Матннинг битилган ери, санаси, битувчиси (котиб) ҳақидаги маълумотлар, одатда, тарихда келтирилади. Тарих расмий ҳужжатлар, мактублар, йирик асарларнинг якунига битилади. Олди-берди васиқалари эса тарих билан бошланади. Қабр тошларидағи тарих мархумнинг ўлеми, ёдгорликнинг тикланган вақтини билдиради. Ёзма манбаларда тарихнинг берилиш усули турлича: айримлари анча муфассал, асарнинг битилган санасидан тортиб, қотиби ё таржимонигача қайд этилган. Айрим матнларда унинг санасигина кўрсатилади.

Баъзи йирик кўлёзма китобларда тарих бир неча жойда келтирилуви ҳам мумкин. Жумладан, будда иўм-битигларида асар бўлимлари орасида – бир бўлим тугаб кейингисига ўтишдан аввал асарнинг оти, бўлими, унинг қайси тилган ўтирилганлиги, таржимони тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Баъзи йирик тўплам, мажмуа, кулиётларда ҳам тарих бир неча ўринда – китобга жамланган йирик асарлардан сўнг битилган. Қизиги шундаки, бундай китобларда бир ўринда қайд этилган сана бошқа бир ўринда бир-икки йилга фарқ қилиши мумкин. Бу фарқ, ўз навбатида, кўлёзманинг бир неча йил кўчирилганини билдиради.

Баъзи асарларда унинг тугаганлиги ёзилиб, ундан кейин тарихга ўтилган. Асарнинг тугаганлиги тўғрисидаги қайдларнинг кесими, одатда, *tügadi, tamām boldi* сўзларидан иборат бўлади. Жумладан, “Кутадғу билиг” уйғур ёзувли Ҳирот нусхасининг охирида, асар тугаганидан сўнг шундай деб ёзилб қўйилган: *Tügändi Qutadı (bılıg) kılâbı tarix sekiz qırq üç yilda, qoy yil muharram aypış törti Haruda* (Тугади “Кутадғу билиг” китоби тарих саккиз (юз) қырқ учунчи йил, қўй йили, мұхаррам ойининг түртмичи куни (=1439 йил 18 июнь) Ҳаруда).

Айрим манбаларда асар тугаганлиги тўғрисидаги қайддан сўнг шукронда ёки эзгу ният айтилиб, сўнг тарихга ўтилади. Шукrona ёки эзгу ният *qutluq bolsun, mehnat ketsün* шаклида

келиши мумкин. Масалан, Британия музейида сақданаётган Ог.8193 кўрсаткичли мажмуада унинг таркибидаги “Сирожу-л-қулуб”дан кейин шундай деб ёзib қўйилган: *Tatām boldī Sirāju-l-qulub kitābi. Qutluy bolsun. Tarix sekiz yüz otuz beštā, cīčqan yil, rajab ayinii yigirmi toquzında Yazd şahrida Mansur baxši bitidi.*

Шарқда тарих китобларини ҳам *тарих* деганлар. Бу атама асарнинг отига ҳам қўшиб айтилган.

Учинчи маъноси, *тарих* шеърий санъат турини ҳам билдиради. Тўртлик шаклидаги бундай шеърий санъатда муҳим тарихий воқеаларнинг санаси яширган бўлади. Баъзи котиблар асарнинг китобат тарихини шеърий йўлда битганлар.

### **Асардан кейин бериладиган қўшимча матнлар**

Қўлёзма китобларда асар тугагандан кейин унга бошқа, асардан ташқари матнлар ҳам қўшиб қўйилган. Қўшимча матн, одатда, асар тугаганидан кейин ёки китобнинг ўрталиғида саҳифа ҳошияларига битилади. Лекин ҳошиядаги матннинг ҳаммаси ҳам қўшимча эмас. Ҳошияга матннинг тушиб қолган жойлари ҳам битилган.

Асардан кейин қўшимча матн бериш котибнинг ихтиёрига боғлиқ. Асарга қандай матнни илова қилишни унинг ўзи билади. Лекин котиблар асарга дуч келган матнни қўшимча қиласкермаган. Имкон қадар, асарни тўлдирувчи, бирор жиҳати билан ушбу асарга алоқадор матн илова қилинган.

Баъзан котиб асарни қўчириб тугаллагач, охирига бошқа бир муаллифнинг ёки ўзининг шеърини ҳам ёзib қўйган.

Ёки баъзи китобларда асосий матндан сўнг келтирилган қўшимчани китобнинг котиби қўчирмаган, балки кейинчалик бошқа бир котиб киритиб қўйган бўлиб чиқади. Табиийки, бундай ўринларда қўшимча матн асосий матнга боғланмай ҳам қолади. Шунга кўра, қўшимча матнлар икки хил бўлади:

- а) асосий матн билан боғлиқ бўлган қўшимчалар;
- б) асосий матнга боғлиқ бўлмаган қўшимчалар.

Асарнинг илмий матнини нашрга тайёрлаганда асардан кейинги қўшимчаларни асарга қўшиб юбормаслик керак. Қўшилган тақдирда ҳам, ажратиб бериш лозим. Изланувчи асарга

күшімча килинганды иловаларни ажратса олсин. Акс ҳолда матн тадкицида чалкашлық юз беради.

Бевосита асар матнига боғлиқ бўлган кўшимиchalарни Адіб Ахмаднинг “Хибату-л-ҳақойик” асарида учратамиз. Чунончи, асар мавжуд уч йирик кўлёзманинг барида (*A*, *B*, *C* нусхалар) бир хил тугайди. Учала кўлёзма нусхада асар тугагандан кейин XV аср ижодкорларининг Адіб Ахмадга бағищланган шеърлари илова қилинганди.

Бири, муаллифи номаълум бўлган тўртликдир. Тўртликда адибнинг туғма кўр эканлиги, ушбу асари ўн тўрт бобдан тузилганлиги қайд этилади. Шундан сўнг, Амир Сайфиддиннинг ҳам адибга бағищланган тўртлиги жой олган. У адибни *adiblar adibi, fazzilar hasi* деб таърифлайди.

Адіб Ахмадга аatab Амир Темур замонида яшаб ўтган маданият ва адабиёт ҳомийси Амир Арслон Хожа тархон маснавий битган. Унинг ушбу маснавийси кўлёзмаларда юқорида қайд этилган тўртликлардан кейин берилган. Шеърда у адибнинг исми-ширифи, туғилган юрти, асарининг оти, шунингдек, нима мақсадда ушбу асар кўчиртирилгани тўгрисида маълумот берган. Асарга илова қилинганды ушбу маснавий ўн байтидан кейин تمت هبة الحقائق بعون الله الملك الخالق (“Подшоҳ Яратувчи Оллоҳнинг кўмаги билан “Хибату-л-ҳақойик” асари тугади”) деб ёзиб кўйилган. Лекин ушбу жумла *A* ва *B* нусхаларда йўқ. Агар *C* нусхада кечган арабий жумлага таянган ҳолда фикр юритилса, ушбу ўн байти маснавийнинг сўнгги икки байти асарни Арслон Хожа тархоннинг буйруги билан битган котибга тегишли бўлиб чиқади.

Баъзи кўлёзма китобларда ундан ўрин олган йирик асарларга қиска луғат ҳам илова қилинганди. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Ҳ. Сулаймонов фондида 154- раками билан “Хазойину-л-маоний”нинг 1844 йил Хевада котиб Охунд ибн Мир Ҳасан ал-Чоҳаргўй кўчирган нусхаси сакланмоқда (*тавсифига қаранг*: Ҳакимов 1983, 54–55). Мухими, кўлёзмада девон кўчириб тугаллангач, ўн варақ ҳажмида (392b–401a- саҳифалар) кичик бир فرهنك حضرت میر علی شیر ملقب بالنوابی сарлавхаси билан бошланади. Луғатда Навоий асарларида

кўлланган баъзи арабча сўзларнинг маъноси берилган бўлиб, арабча сўзлар қорада, ўзбекча изоҳи эса қизилда.

Ёки айни фондда 2752- рақами билан Навоий “Хамса”сининг 1591 йили кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. Ушбу нусхага “Хамса”нинг бешала достони киритилган. Эътиборли ери шундаки, кўлёзманинг 202b, 203a, 203b бетларининг ҳошиясидан (булар “Сабаъи сайёр”нинг ҳошиясида) оти номаълум киши томонидан 76 мисрали шеърий лугат ўрин олган. Луғатнинг сарлавҳаси: *نصاب نواي Niṣāb-i Navāyī*. Унда Навоий асарларидаги сўзлар маъноси форсийда шеърий шаклда келтирилган. Луғатнинг хат услубига қараганда, у “Хамса” кўчирилиб бўлганидан анча кейин ёзилган ва мазмунидан тугалламай қолгани кўриниб турибди (қаранг: Ҳакимов 1983,118–120).

Айrim асарларни кўчириб тутатгач, якунига котибининг ўзи қисқа хотима ҳам ёзib қўяди. Ушбу хотималарда асар кимнинг буйруғи билан кўчирилганлиги, котиб ҳақида қисқа маълумот берилган. Баъзи манбалардаги ушбу хотималар шеърий йўлда. Бундай хотималар ҳам кўшимча матн саналади.

Котиблар кўшимча сифатида, имкон қадар, бирор жиҳати билан асарга боғлиқ матнни беришга ҳаракат қилган. Ёки кейинчалик китобнинг охирига ёзib қўйилган матннинг ҳам асарга боғлиқлиги бор. Масалан, ЎзР ФА Шарқпенослик институтининг Ҳ. Сулаймонов фондида 2030 рақами остида Навоийнинг терма девони сақланмоқда. Котиби ва кўчирилган санаси номаълум. Мухими, қўлёзма ҳошияларида шоир Кулфатнинг Навоийга татаббу қилган 163 ғазали битилган. Тахминларга қараганда, Кулфат ғазаллари дастхат бўлса керак. Чунки ушбу ғазаллар Навоий шеърларини мутолаа қилиш жараёнида худди ўша ғазалнинг ёнига – саҳифанинг ҳошиясига ёзib борилаверган (қаранг: Ҳакимов 1983,94–95).

Ёки айни фондда сақлананаётган 18- рақамли терма девон ҳошиясида ҳам Навоий ғазалларига ёзилган иккита татаббу битилган. У қўлёзма китобнинг 13b, 28a саҳифаларидадир (қаранг: Ҳакимов 1983,66–67).

Шунингдек, шу фондда 2913- рақами остида “Хамса”нинг “Маҳбубу-л-кулуб” билан бирга кўчирилган қўлёзмаси бор. Китобда “Фарҳод ва Ширин” асари тутагандан кейин Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги уч бетли (вв.1076-1086) форсча ҳикоят

келтирилган. Ҳикоятнинг сарлавҳаси: *Hekāyat Sultān Hasayn Mīrzā va dar kanizak o.*

### Лугатлардаги қисқартмалар

Ўтмишда кўп тилли лугатларда омонимлар, бир тилдан иккинчи тилга ўзлашган сўзларни қайта-қайта ёзавермаслик учун шартли қисқартмалардан фойдаланилган. Буни “Муқаддамату-л-адаб”нинг Ўзбек тили ва адабиёти музейи фондида сақланаётган 202- рақамили кўлёзмаси мисолида кўриб чиқамиз.

Лугат тўрт тилли бўлиб, тартибга кўра бошлаб арабча сўзнинг бирлик шакли, керакли ўринларда кўплиги берилган. Кейин тагига кетма-кет унинг форсча, туркий ва мўғулча таржимаси келтирилган. Форсийда сўзнинг кўплиги арабчадагидек кўлланган бўлса, иккинчи сатр **جع jam'** сўзи билан кўрсатилган. Арабча кўпликтаги сўз туркий ва мўғулчада ҳам айни шаклда учрайдиган бўлса, учинчи ва тўртинчи сатрлар **جع jam'** сўзининг бош ҳарфи **ج** “жим” билан берилган. Айрим ўринларда бирликдаги сўзнинг икки ва ундан ортиқ кўплик шакллари учрайди. Улар ҳам бирлик шаклидан кейин келиб, **ف** “жим” ҳарфи билан ёзилган.

Араб тилидаги сўз лугатда зикр этилаётган бошқа тилларда ҳам айни шакл ва мазмунда кўлланган бўлса, бу сўз форсча, туркий ва мўғулча сатрида **المعروف ma'rūf** сўзи билан кўрсатилган. Бундай холда форсча сатрида **المعروف ma'rūf** сўзи тўлигича ёзилиб, туркий ва мўғулчасининг ўрнида унинг охирги ҳарфи **ف** “фа” ҳарфи билан белгиланган. Масалан, А.11a,2 да:

арабча	عرش	'arš
форсча	معروف	ma'rūf
туркий	ف	fa
мўғулча	ف	fa

Агар арабий сўзининг форсий таржимаси туркийда ва мўғулчада ҳам форсчадагидек кўлланган бўлса, туркий ва мўғулча сатрида **ف** “фа” ҳарфи билан кўрсатилган. Масалан, А.12b,3 да:

арабча	زحل	zuhal
форсча	کیوان	kayvān
туркий	ف	fa

Агар сўзнинг мўғулчаси туркий сўзликдагидек қўлланган бўлса, охирги сатри **Ф** “фа” ҳарфи билан белгиланган. Масалан, А.35b,1 да:

арабча	مشش	<i>mišmiš</i>
форсча	زردالو	<i>zardālū</i>
туркий	ايرۇك	<i>erük</i>
мўғулча	ف	<i>fa</i>

Арабий сўзнинг маънодоши кетма-кет келган бўлса, у холда биринчи сўзга унинг таржимаси берилган. Ўздан кейинги маънодоши эса **مِشْلُهُ** *misluhi* (яъни, “унга ўхшаш”) сўзи билан кўрсатилган ва маънодошларининг сонига қараб кетма-кет жойлаштирилган.

Масалан, А.38b,1 да **نَاحِيَةٌ** *nāhiya* (“томон, тараф”) сўзи туркийда **سَارِي** *sari* деб изоҳланган. Бу сўздан кейин “томон, тараф” англамларида келган **جَانِبٌ** *jānib*, **وَجْهٌ** *vajh*, **قَطْرٌ** *qatr*, **رَجَاءٌ** *rajā*, **عَرْضٌ** *'urd*, **شَفَاعٌ** *šafā'*, **طَرْفٌ** *taraf*, **حَافَةٌ** *hāffat* сўzlари форсий, туркий, мўғулча сўзликда *misluhi* сўзи билан белгиланган. Англашиладики, турили хил арабча сўзлар туркий тилда бир хил сўз билан ифодаланган.

Шунга ўхшаш шартли белгилар асарнинг бошқа қўлёзма нусхаларида ҳам ишлатилган. Чунончи, Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган 3807 раками кўлёзмасида кетма-кет келган арабча синонимларининг туркий ва форсий таржималари **ر** (яъни, *misluhi*) белгиси билан кўрсатилган. Кўплик шаклини ифодалаш учун эса **ج** (*jam'* сўзининг бош ҳарфи) кўлланган.

“Муқаддамату-л-адаб” қўлёзмаларида туркий феъл шаклларини кўрсатиш мақсадида ҳам шартли қисқартмалардан фойдаланилган. Жумладан, Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган 2699- раками кўлёзмада феълнинг ҳозирги замон шакли қисқартмада **ر** “ра” ҳарфи, масдар шакли эса **ق** “қаф” ёки **ك** “қаф” ҳарфлари билан берилган. Бунда ҳозирги замон феъл шаклининг **-r** (-ir, -ir / -ur, -ür), масдар шаклининг эса **-taq**, **-täk** аффикси билан ҳосил қилинганлиги назарда тутилган.

## *Сұроқ ва топшириктар*

Илк ва ўрта асрларда яратылған асарларда матн күптиллигі қандай маданий муносабатлар ва тил вазиятлари таъсирида келиб чиққан?

Илк ўрта асрларда яратылған асарларнинг тузилиши ва матн таркиби ҳақида сұзлаб беринг.

Ислом даври эпик асарларининг анъанавий бўлимлари нималардан иборат?

Қўлёзма китобларда асарлардан сўнг келтирилған кўшимчаларнинг хиллари ва вазифаси қандай?

Лугатларда кайд этилган қисқартмалар ва уларнинг вазифасини мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.

## ТҮРТИНЧИ БҮЛІМ. ИЛМИЙ НАШРЛАР ЯРАТИШ МАСАЛАСИ

*Таянч сүз ва бирикмалар:* илмий нацир, оммабон нацир; транслитерация, транскрипция, табдил; ўғириш, таржима; “йүгөн” унли, “ингичка” унли; техник белгилар.

Эътибор каратиладиган масалалар:

Транслитерация, транскрипция ва матн табдили.

Құләзма матнни транслитерация килиши.

Құләзма матнни илмий транскрипцияга ўғириш.

Матнни илмий транскрипцияга ўғиришда қабул килинган харфлар тизими: унлилар ва ундошлар учун құлланувчи харфлар.

Транскрипция матнда құлланувчи ишоратлар ва пунктуацион белгилар.

### Транскрипция. Транслитерация. Табдил

Классик матнларни нашрға тайёрлашда, уларни ҳозирги ёзувга ўғиришда транскрипция ёки транслитерациядан фойдаланилади. *Транслитерация* матнни харфма-харф ҳозирги ёзувга ўғириб чиқышидир. Бунда матндаги сүз нечта ҳарф билан берилған бўлса, унинг транслитерацияси ҳам айни ҳолатда ҳозирги ёзувга ўғирилади.

*Транскрипция* эса матнининг талаффуз шаклини ҳозирги ёзувда ифодалашдир. Бунда матндаги сүз нечта ёки қандай ҳарф билан ифодаланишидан қатъи назар, сўзининг талаффуз шакли, қандай товушлар билан айтилаётгани инобатга олинади ва шу нарса ёзувда акс эттирилади.

*Табдил* эса ўтмишда яратилған асар матнининг ҳозирги ўзбек тилидаги баёнидир. Табдил билан таржима бир-биридан фарқ қиласади. Таржима асарни бошқа бир тилдан ўғириш. Табдил эса бир тил доирасида амал қиласади. Масалан, қадимги туркий ёдгорликларни ҳозирги китобхон түгридан-түгри тушунавермайди. Сабаби уларнинг тили анча қийин: таркибида қанчадан-қанча унutilған сүз ва иборалар, грамматик кўрсаткичлар бор. Шунинг учун ҳам қадимги туркий битиглар,

айрим ҳолларда Навоий асарлари ҳам, ҳозирги китобхонга табдил қилиб берилади.

Энди транслитерация ва транскрипцияни мисолларда кўриб чиқамиз. Мисол учун кўк турк битигларида кечган **ТҮН:НӨҮМӘ:ҒҮНН** сўз бирикмасини оладиган бўлсақ, унбу бирикма транслитерацияда **T'ÜR'K B'IL'GÄ QaĞaN**, транскрипцияда эса **türk Bılgä qayań** шаклида берилади. Ёки **ТҮН** сўзи транслитерацияда **T'aDR'I**, транскрипцияда эса **tägri** шаклида берилади.

Йирик жумлаларда шундай берилади:

Матн (Тон.1):

:НҮРЛҮГӨ:ҚҰММӘ:↓↓>Ø:НӨҮМӘ  
НҮНННВ:НӨҮГӨ:)>ØННН:ØØН

Транслитерацияси:

**B'IL'GÄ:TOÑuQuQ:B'aN'ÖZüM:TaBĞaČäL'iDÄ:  
QİLINTİM:T'ÜR'KBODUN:TaBĞaČQA:KÖR'üR'äR'T'I**

Транскрипцияси:

**(Bän) Bilgä Toñuquq-bän, Özüm Tabşač äliňä  
qiliňtim. Türk bodun Tabşačqa körür ärti.**

Мазмуни: “(Мен) доно Түнүкумандар. Ўзим Табғач элида вояга етдим. (Ўша чоғларда) турк халқы Табғачга қарам эди”.

Транслитерациянинг ҳам ўзига яраша афзаллиги бор. Илмий транслитерацияни ҳар кимса тушунавермайди. У соҳа эгалари учун кулай. Сабаби, транслитерацияда матннинг сўзининг қандай белгилар билан берилаётгани акс этган бўлади. Масалан, суғдшуносликда матнларни ҳозирги ёзувга ўгиришда кўпроқ транслитерациядан фойдаланадилар. Туркологияда ҳам кўк турк, уйғур ёзувли матнларнинг илмий нашрлари баъзан транслитерацияда берилмоқда.

Туркологияда илмий нашрлар кўпинча транскрипцияда берилади. Транскрипциянинг пухта ва мукаммаллиги мутахассиснинг билим даражаси, классик матн тилини қанчалик даражада билишига боғлиқ.

Чет эллардаги йирик туркологик марказларда туркий ёзма ёдгорликлар, хусусан, энг кўхна битиглардан тортиб эски ўзбек тили ёдгорликларига қадар, бари илмий транскрипцияда берилади. Ҳатто Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг илмий нашрлари ё асл ёзуvida ёки транскрипцияда. Негадир биздаги илмий нашрларда транскрипцияга эътибор қаратилмаяпди. Ҳатто докторлик диссертацияларида хам классик ижодкорлар асарларидан келтирилган ўрнаклар хозир ишлатаётган ёзувимизда. Охир оқибат ўзбек олимлари тайёрлаган нашрлар чет элларда тан олинмаётир. Биздаги илмий нашрларнинг дунё шарқшунослиги, чет эл туркологиясига тенглаша олмаётгандигининг бош сабаби хам ана шунда.

Нацрлар икки хил бўлади: бири кенг жамоатчиликка аталган, яни оммабоп нашрлар, бошқа бирори – илмий нашрлардир. Кўпга аталган нашрларнинг жорий ёзувда берилуви табиий. Чунки мактаб ўқувчисидан тортиб ўқимишли кишилару китобсеварлар классик шоирларнинг асарларини ўқиб ўрганмаги, фикри озукланмоғи керак. Лекин филолог-мутахассислар учун мўлжалланган илмий китоблар транскрипцияда берилгани маъқул. Бу – жиддий масала.

Жўнгина бир мисол, Навоий асарларида кечган *او* сўзидаги унли товуш икки хил талаффуз қилинади: агар *oī* шаклида “йўғон” талаффуз қилинса, “ӯт, олов” маъносини, *ot* шаклида “ингичка” талаффуз қилинса, “ӯтмак (буйруқ)” ёки “ӯт қопчаси”ни билдиради. Улар маъносига кўра бошқа бошқа сўзлардир. Шунга яраша, ушбу сўзларга кўшимчалар хам икки хил кўшилади: биринчисига кўшимчанинг “йўғон” эши (вариант) кўшилиб, *otqa*, кейингисига эса кўшимчанинг “ингичка” эши кўшилиб, *otmäk* бўлади. Бу сўзлардаги унлиларнинг “йўғон” ёки “ингичка” эканини уларга кўшилаётган кўшимчаларга қараб ҳам ажратиш мумкин. Ёки: *յۇز* даги ә ҳарфи “йўғон” унли сифатида *tuz* деб талаффуз қилинса, “ош тузи, намак”, *tüz* деб “ингичка” айтилса, “тўгри (киши); текис (ер)” “ки “созни созлашга буйруқ” англамларида келади. Яна, *النور* даги унлилар *oltur-* шаклида “йўғон” айтилса, “(курсига) ўтирмок”; *Nür-* шаклида “ингичка” талаффуз қилинса, “(кишини) ўлдирмак” маъноси англашилади. Шунинг учун хам, биринчисига кўшимча кўшилганда, *olturyusi*,

кейингиси эса *öltürgüsi* бўлади. Бирининг ўрнида бошқасини қўллаб бўлмайди, сўзнинг маъноси буткул ўзгариб кетади. Ҳозирги нашрларда эса буларнинг иккаласи ҳам бир хил ёзилмоқда. Ушбу нашр асосида Навоий асарлари сўзлигини яратмокчи бўлган изланувчи ҳам ўз-ўзидан саноқда янглишади, уларни қориштириб юборади. Бунинг сингари мисоллар талай. Илмий транскрипция эса бундай чигалликларнинг олдини олади. Яна бир жиҳати, классик асарларимиз тилида ўзига яраша уйғунлик бор: айтилиши “йўғон” ўзакли сўзларга, қўшимчаларнинг ҳам “йўғон” эшлари, “ингичка” ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг ҳам “ингичка” эшлари қўшилган: *äylämäk*, *bilmäk*, *kettäk*, *tüzmäk*; *qaramataq*, *oqitäqaq* сингари. Ҳатто сўздаги унлининг лабланган-лабланмаганилигига қараб, қўшимчаларнинг қўшилишида ҳам уйғунлик бўлади: *közüt*, *közüt* ёки *elim*, *tilägim* сингари. Туркий унлилар тизимидағи бундай уйғунлик, ўз ўрнида, матн жозибасини таъминлашга ҳам хизмат қиласди.

Қисқаси, матншунос мутахассисларимиз олдида Лутфий, Навоий, Бобур, Оғаҳий сингари классикларимиз асарларининг дунё олимлари тан оларли илмий-транскрипцион нашрларини яратиш иши турибди.

### Матнни илмий транскрипцияга ўгириш

Туркологияда икки хил транскрипция қабул қилинган. Бири, кирилл алифбоси негизидаги, иккинчиси эса лотин алифбоси негизидаги транскрипция. Сўнгги чоғларда бутун дунёда, ҳатто рус туркологиясида ҳам, лотин ёзуви асосидагиси кенг ишлатилмоқда.

Матнни транскрипцияга ўгиришда, аввало, асарнинг фонетик хусусиятларини, асарнинг товушлар тизимини яхши билмак керак.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги [a] унлиси ўрнида ёзма ёдгорликлар тилида икки фонема қўлланган: “йўғон” талаффузли сўзларда орқа қатор [a], “ингичка” талаффузли сўзларда эса олд қатор [ä] ишлатилган. Буларнинг ҳар иккovi маъно фарқлаш хусусиятига эга. Масалан, илк ўрта асрларнинг манбаларида *ab* – “ов”, агар сўзни “ингичка” унли билан *äb* деб талаффуз қилинса, “уй” англанилади. Ёки *at* – “от” (йилқи) ёки “исм”; *ät* эса “эт, гўшт”ни билдиришни ва ҳоказо.

Кадимги туркй битигларда сүз боши ва биринчи бўғинда келадиган олд қатор, “ингичка”, кенг, лабланмаган [ä] унлиси кейинчалик “ёпик” [e] га ўзгара бошлади. Шунинг учун ҳам ўрта асрларда яратилган ёдгорликларни транскрипцияга ўтирганда бундай сўзларни [e] билан берган маъкул: *el, erdi, kergäk* сингари.

Матнда кечган [i] билан [e] унлиларини фарқлай олиш керак.

Алишер Навоийнинг машхур байти бор. Уни, одатда, шундай ўқишади:

*'älam ahlî biliñiz-kim, iš emäs dušmanliy,  
Yär oluñ bir-birinjizgä-kim, erür yarlıy iš.*

Ушбу байтдаги *iš* сўзи матнда “алиф”у “йā” ва “шин” билан ёзилган (شى). Бироқ, юкоридагидек *iš* деб ўқилганда, мазмундағализлик келиб чиқади. Яъни, “душманлиг иш эмас” (*iš emäs dušmanliy*) деган мазмун англашилади. Аслида ушбу жумладаги сўзини *iš* (“иш”, яъни “дело”) эмас, [e] товуши билан *eš* (“ҳамроҳ; дўст” маъносида) деб ўқилгани тўғри. Ана шунда “душманлиф сенга эш бўлмайди” деган маъно келиб чиқади.

Иккинчи сатрдагиси ўзидай қолгани маъкул, чунки у ерда “иш” маъносидадир. Бундан ташқари, *erür yarlıy iš* дейилганда “Тангрининг ёрлиги”, яъни “буйруғи” кўзда тутилмоқда.

Юкоридаги фикрларга таянганда, байтни куйидагича ўқиш мумкин:

*'älam ahlî biliñiz-kim, eš emäs dušmanliy,  
Yär oluñ bir-birinjizgä-kim, erür yarlıy iš.*

Мазмуни эса тубандагича бўлади:

“Олам ахли билингизки, душманлиг (сира) эш бўлмайди.

Бир-бирингизга дўст бўлинг, Тангрининг ёрлиги [яъни буйруғи] шудир”.

Матнлар тилида кечган [i] ва [e] унлилари билан боғлиқ бошқа бир мисол.

Адиб Аҳмад Юғнакий “Ҳибату-л-ҳақойик” асарининг араб ёзувли нусхасида шундай сатрлар бор (мисол Yug.C.17 дан олинди):

قُمُوغْ ياشنْ رُو ايشينك بولوب آشکارا  
بُو كُورگانْ ايشيتْ كانْ سنتكا كولماسونْ

Ушбу шеърнинг биринчи сатридаги **إِيش** сўзи мати мазмунидан келиб чиқиб, іш деб ўқилади: *yaşru išiň* – “яширин”, яъни “беркитикча ишинг”.

Транскрипцияси:

*Qatıuň yaşru išiň bolup aškārā,  
Bu körgän, ešitkän seňä külmäsün.*

Мазмуни:

“Барча яширин ишларинг ошкор бўлиб,  
Бу кўрган, эшитган (кишилар) сенга кулмасин”.

Ўша сахифадан олинган бошқа бир мисол:

ايشيم ديب اينаниب سير ايما سقين  
نيچه ما اينالخ ليق ايش ايرсنا يقين

Мисолда кечган ҳар иккала **ايш** сўзини *iš* эмас, [e] билан *eš* дей ўқилса, тўғри бўлади. Маъноси, “дўст, ўртоқ” дегани.

*Ešim dep iñänip sır ayma, saqin.  
Nečä mä iñančlıq eš ersä yaqin.*

Маъноси:

“Сенга қанчалик ишончли, яқин дўст бўлса ҳам,  
Дўстим деб ишни сирларингни айтма, яхшилаб ўйла”.

Хозирги [i] унлиси ўрнгизда ҳам ўтмишда икки фонема кўлланган: “йўғон” талафузли сўзларда орқа қатор [i], “ингичка”

талафкузли сўзларда эса олд қатор [i] амал қилган. Буларнинг ҳам иккови маъно фарқлаш хусусиятига эга.

Ҳозирги [i] унлиси ҳам ёзма ёдгорликлар тилида икки фонемадир: [i] ва [ї]. Шунинг сингари [o] унлиси ҳам икки фонема: [o] ва [ö]. Илмий матнда буларни фарқламасликнинг иложи йўқ.

Масалан, туркий матнларда кечган **چو** ни тўрт хил ўқиса мумкин. Агар бу сўзни “йўғон” [i] билан ис деб ўқилса, “учмоқ” (летать), “ингичка” [ї] билан ис деб ўқилса, 3 (сон) англашилади. Шунингдек, ундаги “алифу ваб”ни [o] ёки [ö] сифатида ҳам ўқиса бўлади. Агар “йўғон” [o] билан ис деб ўқилса, “ўчмоқ”, “ингичка” [ö] билан ис деб ўқилса, “ўч, қасос” бўлади.

Ёки **تۇر** даги “ваб” ҳарфини “йўғон” [o] сифатида *tor* деб ўқилса, “тузоқ”, “ингичка” [ö] сифатида *tör* деб ўқилса, “үйнинг тўри; юқори ўрин” англашилади.

Яна: **لۇ** даги “ваб”ни “йўғон” [o] билан *bol-* деб ўқилса, “бўлмок” (быть), “ингичка” [ö] билан *böl-* деб ўқилса, “бўлмак” (делить) англашилади. Бундан ташқари, бу сўзни *bul-* деб ҳам ўқиса бўлади. Унда “топмоқ” англашилади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, туркий ёзма ёдгорликлар тилида амал қилган унлилар тизими учун қуйидаги транскрипция белгиларини қўллаган маъқул: *a, ä, e, ī, i, u, ü, o, ö*.

Шунингдек, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизиқча тортиб кетилади: *ā, ī, ū* сингари. Масалан, *vafā, zakī* ва б.

Ундошлар учун туркологияда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, γ, g, x, z, ž, s, č, š, y, l, m, n, ȳ, r* ҳарфлари қўлланилади. Бу сирадаги *γ* – ҳозирги ўзбек имлосидаги [ɛ], *č* – [ç], *š* – [ʃ], *ȳ* эса сонор [*hə*] товушини билдиради. Шунингдек, [v] фонемасининг икки хил варианти транскрипцияда айри-айри ҳарфларда келтирилгани маъқул: туркий сўзлардаги варианти учун – *w*; ўзлашган сўзларда қўлланиладиган варианти учун эса *v* ҳарфи олинади. Масалан, соф туркий *sıw, saw* сўзлари <*w*> ҳарфи билан, арабчадан ўзлашган *vatan, vafā* сўзлари эса <*v*> ҳарфи билан ёзилади.

Шунингдек, араб ёзувли матнларда **ڇ** билан келган сўзлар *ž* билан берилади. Туркий сўзларда сўз ичи ёки сўз охирида келган **ڇ** ҳарфи транскрипцияда *č* билан ифодаланади.

Араб ёзуви матнларда арабчадан ўзлашган сўзларни транскрипцияда беришда айрим товушлар учун куйидаги белгилардан фойдаланилади: җ ҳарфи учун –  $\delta$ ; ҹ учун –  $h$ ; Ҫ учун –  $h$ ; Ӯ учун –  $\underline{s}$ ; Ӯ учун –  $\dot{\varepsilon}$ ; Ӱ учун –  $\dot{z}$ ; Ӳ учун –  $\dot{t}$ ; Ӵ учун –  $\dot{d}$ ; ӱ учун –  $\dot{s}$ .

Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ёдгорликларнинг кўпи уйғур хатида. Уйғур ёзувидаги матнни ўқишининг эса ўзига яраша кийинчилиги бор. Сабаби, алифбодаги ҳарфларнинг катта бир гурухи полифоник функцияга эга бўлиб, [k]–[g], [b]–[p], [t]–[d], кўпинча [q]–[y]–[x], [s]–[z], [s]–[ş] товушлари ёзувда фарқланмайди, бир хил белги билан ифодаланаверади. Бу эса матнни ўқиш, сўзлар талаффузини аниқлашда мутахассисни чалғитади. Бундай ҳолатларда, бизнингча, уларнинг кўк турк, араб ёзувларида манбаларда қандай келишига таянилгани маъқул.

Масалан, кўк турк ёзувида [k] билан [g] товушлари алоҳида ҳарфлар билан ифодаланган: биринчиси Ҷ, кейингиси эса Ӯ шаклидадир.

Ёки [b] билан [p] хам ёзувда фарқланган: биринчиси Ӣ ва  $\delta$ , кейингиси эса Ӣ ҳарфи билан берилган. Шуларни кўзда тутган ҳолда уйғур ёзуви матнда Ӣ ҳарфи билан келган Ӣ, Ӣ сўзлари жарангли [g] билан *bitig*, *beg* шаклида; охири Ӣ ҳарфи билан ёзилган Ӣ, Ӣ, сўзлари жарангсиз [p] билан *bilip*, *körüp* шаклида ўқиласди.

Ёки араб ёзуви матнлардаги ёзилишини кўзда тутган ҳолда уйғур ҳарфли матнда Ӣ ҳарфи билан ёзилган Ӣ, Ӣ сўзлари *başla*, *kişi* деб ўқиласди ва ҳоказо.

Яна бир жиҳати, XI–XV юзийлликларда яратилган манбаларнинг айримлари (Темир Кутлуғ, сulton Абу Саид ёрликлари, “Хибату-л-ҳақойик”нинг Абдураззок бахши кўчирган кўлёзмаси) икки хил ёзувда: уйғур хатида битилиб, тагида қаторма-қатор араб хатида унинг ўқилиши (транслитерацияси) берилган. Араб ёзуви матнига таяниб, уйғур хатидаги матнни тўғри ўқиш мумкин. Бу нарса уйғур алифбосидаги айрим ҳарфларнинг қандай вазифада келаётганини аниқлаб олишга, матнни транскрипцияга тўғри ўгиришга имкон туғдиради. Кўпроқ ана шунга таянган маъқул.

XI юзийилдикдан бошлаб туркий тилга -и ҳамда *va* боғловчилари ўзлаша бошлади. -и – форсча, *va* эса араб тилидан ўзлашган.

Араб ёзуви матнларда -и ҳамда *va* боғловчилари ёзува фаркланмайды, иккениң “вā” ҳарфи билан ёзилади. Бирок, ушбу боғловчиларнинг кўлланилишида қатъий қоида бор. Матнда -и боғловчиси жуфт сўзларни, уюшик бўлакларни бир-бирига боғлайди, киши ё нарса отлари саналганда ишлатилади. *va* боғловчиси эса гап тугагандан сўнг, иккинчи гап бошланганда ишлатилади, кўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро боғлайди, -и боғловчиси кўлланган жуфт сўзларни ҳамда синоним сўзларнинг бир гурухини иккинчисига боғлаш учун ишлатилади (Абдураҳмонов, Рустамов 1984, 143–144).

-и боғловчиси ундош билан тугаган сўзларга -и, унли билан тугаган сўзларга эса -*vii* шаклида кўшилади. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида Навоий асарларини “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” деб атамиз. Аслида эса уларни “Фарҳод-у Ширин”, “Лайли-ву Мажнун” шаклида айтганимиз тўғри бўлади.

Шунингдек, матнда таъкид юкламаси -и ни ҳам фарқлай олиш керак. Чунки араб ёзуви матнларда у ҳам “вā” билан ёзилади. Ундош билан тугаган сўзларга -и, унли билан тугаган сўзларга эса -*vii* шаклида кўшилади.

Буни Алишер Навоийнинг “Насойиму-л-мухабbat мин шамойими-л-футувват”да Адиб Аҳмад ҳақида ёзган қуйидаги сатрларида якъол кузатса бўлади:

دیرلار که کوزلاری بوتاو ایرمیش و اصلا ظاهر ایرماس ایرمیش بصیر بولوب  
اوزка بصیر لارديک انداق ایماس ایرمیش کе کوز بولғаи و کورмас بولғаи ااما بغايت  
زирек و زکی و زاهد و متفق کيши ایرمیش حق سبحانه و تعالى اکرچे ظاهر کوزین  
پاپوق يارانған دور ااما کونклی کوزین بغايت ياروق قىلغان دور ... آتنىنگ تىلى ترک  
الفاظى بىلە مواعظ و نصائح قە کويا ایرمیش بلکە اکثر ترک اولوسى دا حکمت و نكته  
لارى شایع دور و نظم طریقى بىلە ایتтор ایرمیش... (NMT.333)

Келтирилган матннинг илмий транскрипцияси шундай бўлади: “... *Derlär-ki, közləri bütaw ermış-u aşlä zähir ermäş ermış. Başır bolup özgä başırlar-deg andaq emäş ermış-ki, köz bolyay-u, körmäş bolyay, ammä bagäyat zırak-u zakı va zähid-u muttaqı kişi ermış. Haq subḥānahū va ta'üllā agarçī zähir közin yapuq yaratqandur, ammä köyli köz-in bayğışçısı yaruq qılı'yandur. ... anıñ tili türk alfazı bilä*

*mavā’iz-u naṣāyīḥqa gōyā ermiš, baṭki aksar Türk ulusida ḥikmat-u nuktaları şāye ‘dur va naṣm ṭarīqi bilā aytur ermiš ... ”.*

Ушбу матнда *köz bolyay-u, körmäs bolyay* жумласидаги -и боғловчи эмас, юкламадир. Қолганлари боғловчи бўлиб келган.

## Илмий нашрларда ишлатиладиган техник белгилар

Матнни илмий транскрипцияга ўгириш жараёнида техник белгиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Булар куйидагилардир:

Илмий матнда бурчакли қавс, яъни [ ] белгиси “тovуш; фонема” деган маънони билдиради. Масалан: [a] – “*a унлиси*”, [t] – “*t ундоши*” ва б.

<> белгиси “харф” деган маънони билдиради. Масалан: <*a*> – “*a ҳарфи*”, <*a*> – “сўз бошидаги *a ҳарфи*”, <-*a*> эса “сўз ўргасидаги *a ҳарфи*” деган маънони билдиради ва б.

Бундан ташкари. <> белгиси матн орасига қўйилганда, тушиб қолган сўз ёки жумланинг ўринини билдиради: <... ...> сингари.

Илмий матнда < белгиси сўзнинг генезисига ҳам ишора қиласиди. Масалан, (<*араб.* ... ) белгиси “айни сўз арабчадан ўзлашган” деган маънони англатади.

Товуш ёки сўзнинг фонетик вариантини кўрсатиш учун ~ белгисидан фойдаланилади: *qodur~quur* сингари.

Илмий матнда ёй қавс, яъни ( ) белгиси бир қанча ўринда ишлатилади:

Бирор манба ёки илмий асардан мисол келтирилиб, ўша манбанинг сахифасига ишора қилинганда ёй қавсга олинади: (QBN.17a.6) сингари.

Бадиий матннинг мазмуни очиқланганда, асл матнда учрамаган, лекин мазмун нуктаи назаридан ишлатиш керак бўлган сўз ёки бирикмалар ёй қавсда берилади.

Илмий транскрипцияда жуфт сўзлар чизикча билан ёзилади: *yer-sulari* сингари.

Эски матнларни ўкишда гап чегараларини аниклаб олиш ҳам қийин. Чунки кўлёзмада тиниш белгилари ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам бу соҳада мавжуд нашрларда бирхиллик йўқ. Таъкидлаш керакки, классик матнлардаги гап чегарасини аниқлашда бош ўлчов – мантиқ, фикр бутунилиги ва унинг синтактик жиҳатдан

шаклланганлигидир. Ана шу жихатларни күзда тутган ҳолда, матнда гап чегараларини белгилаб, ҳозирги имлодаги сингари тиниш белгиларини күллаган маъкул.

Үрнак учун келтирилган гап, унинг таркибидаги атоқлы отлар – киши отлари, жой номлари бош ҳарф билан берилади.

Илмий транскрипцияда матн куйидаги тартибда берилади:

Асар илмий нашрга тайёрланганда матннинг бошланишида күләзманинг сахифаси күрсатиб күйилади: (39a) ёки (39b) сингари.

Матн давомида ҳам қавсда күләзма сахифалари изчил равищда күрсатиб борилади.

Шеърий асарлар, юридик хужжатлар ёки ўрама қоғоздаги асарлар нашрга тайёрланганда матн қатори ҳам күрсатиб борилади: 1) ... , 2) ... , 3) ... , 4) ... сингари.

### Күләзма матнни илмий транскрипцияга ўтириш намунаси

Юқорида айтилган фикрлар асосида “Хибату-л-хақойик”нинг араб ёзуви қүләзма нусхасидан олинган мисолни транскрипцияга ўтириб күрамиз.

Матн (YugC<sub>9</sub>):

بِلِيْكَ تَبَيْنَ آئُرْمَنْ سُوْزُونْ ڭَا أُولَا  
بِلِيْكَ لَكَ ڭَا يَا نُوسْتَ آئُرْنَنْ ڭى أُولَا

بِلِيْكَ بِيرْلَه بِيلُورْ سَعَادَتْ يُولِي  
بِلِيْكَ بِيلَ سَعَادَتْ يُولِينِي بُولَا

بِهَالِيقْ دِيَنَارْ أُولَ بِلِيْكَ لَكَ كِيشِي  
بُولَ جَاهِلْ بِلِيْكَ سِيزْ بِهَاسِيزْ بِيشِي

بِلِيْكَ لَكَ بِلِيْكَ سِيزْ قَچَانْ تَكْ بُولُورْ  
بِلِيْكَ لَكَ تِيشِي اِيزْ جَاهِلْ اِيزْ تِيشِي

Келтирилган мисолда сўзи *bilic* шаклида транскрипцияга ўтирилади. Чунки кўк турк ёзуви битигларда *bitig*, *bilig* сингари сўзлар <g> ҳарфи билан ёзилган.

“Қутадғу билиг”нинг араб ёзуви нусхаларида, “Девону лугати-т-турк”да кечган туркий матнларда жўналиш кўшимчаси

“йүғон” ўзакли сўзларда *-qa*, “ингичка” ўзакли сўзларда *-kä* шаклида бўлиб, унинг жарангли *-ya*, *-gä* варианти учрамайди.

Биз кўраётган матнда эса سۇرۇم گا даги “кәф”нинг устига уч нуқта қўйилган. Бу белги унинг [k] эмас, [g] деб ўқилишига ишора килади.

Бунинг яна бир сабаби шундаки, матн давомида йўғон талаффуз этилувчи сўзларда унлилар, жарангли ундош, сонорлардан сўнг унинг *-ya* варианти қўшилган. Масалан: *elik tuttačituya* (қўл тутувчимга), *šahituya* (шоҳимга) сингари.

Матнда кечган جاھن، بەھالىق، سەعادەت сўзлари араб тилидан ўзлашган. Щунинг учун улар матнда “айн”, “хойе ҳаввос” билан ёзилган. Транскрипцияда хам уларни ўзидай сақлаймиз.

Транскрипцияси куйидагича бўлади:

Biligtin ayur-men, sözümgä ul-a,  
Biligliggä, yä dost, özüñni ula.

Bilik birlä bilinür sa'ādat yoli,  
Bilik bil, sa'ādat yolñi bul-a.

Bahāliq dīnär-ol biliglig kiši,  
Bu jāhil biligsiz, bahāsiz biši.

Biliklig biligsiz qačan teñ bolur?!

Biliklig tiši – er, čāhil er – tiši.

Биринчи сатрдаги *ul* – “асос” маъносида.

Тўртинчи қатордаги *bul* – “топмок” дегани.

Матндаги *biši* – “танга”, *bahāsiz biši* – “қадрсиз танга”, яъни “чақа пул”.

Сўнгги қатордаги *tiši* – жонзотга қисбатан ишлатилса, “урғочи”, лекин бу ерда кишига қисбатан қўлланаётгани учун “хотин, хотин киши” маъносини англатади.

Келтирилган шेърнинг мазмуни шундай бўлади:

“Билимдан сўз очдим, сўзимга асосдир,  
Билимлига, эй дўст, ўзингни боғла [яъни, билимли кишига  
эрғаш].

Билим билан саодат йўли топилади,  
Билим ол, саодат йўлини топгин.

Билимли киши баҳоли динордир [яъни қимматбаҳодир],  
Бу жоҳил билимсиз – қадрсиз мисдир [яъни сариқ чақа билан  
тengдир].

Билимли билан билимсиз қачон teng бўларди?!  
Билимли хотин – мард, жоҳил эр – хотин [яъни хотин киши  
билин баробар]”.

Бошқа бир ўрнак. Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг “Насойиму-л-муҳаббат мин шамойими-л-футувват” асаридан олинган Сайид Насимий ҳакидаги матнни кўриб чиқамиз. Матннинг асли кўйидагича (қаранг: NMT,373):

732 سید نسیمی قفس الله روحه

عراق و روم طرفی داغی ملک دین ایرکان دور رومی و ترکمانی تبل بیله نظم آیتیب  
دور و نظمی دا حقوقی و معارف بغلیت کوب مندرج دور منکور بولған ملک اهلى غا آتینک  
شعری مقابله سی دا شعر همانه کе یوғторур همта تقليد اهلى آتى مذهبی دا قصور تهمتی غه  
متهم قیلیب شهید قیلیلار مشهور مونداق دور کیم تیریسین سویار حکم بولوپتور اول حللت دا  
بو شعرنى دیب دورکه

قبله دور بوزونک نکلا قاشلارینک محراب لار  
صورتىنک مصحف ولی خل و خطینک اعراب لار

و بو شعرنىدик تخلصى اوشيو مداعا دال دور کيم

ای نسیمی جون میستر بولدى اقبال وصال  
قوى تیرینگنى سویسە سویسون بو پلید قصاب لار

Энди келтирилган матнни худди шу туришида кирилл ёзувига ўтириб чиқамиз. Одатда, матннинг бундай шакли оммавий нашрларда берилади. Унинг кирилл ёзувига ўгирмаси (яъни, ўқилиши) кўйидагича бўлади:

*Саййид Насими, қоддасаллоху рухаху*

Ирек-у Рум тарафидағы мулкдин эркантур. Румий ва туркманий тил била назм айтпидур. Ва назмида ҳақойик-у маориф бағойат күп мундариждур. Мазкур бұлған мулк ахлиға аниң шеъри мұқобаласида шеър ҳамонаки йүқ туур. Ҳамона тақлид ахли ани мазхабида қусур тұхматига муттаҳам килип, шаҳид қылдилар. Машхур мундақтур-ким, терисин сүйар ҳукм бўлуптүр. Ул ҳолатда бу шеърни депдурки:

*Қибладур йузунг нигоро, қашларинг меҳроблар,  
Суратинг мусҳаф ва ле хол-у ҳаттинг эъроблар.*

**Ва бу шеърнинг тахаллуси ушбу муддаоға дoldур-ким:**

*Эй Насими, чун муйассар бўлди иқбол висол,  
Кўй, терингни сўйса сўйсун бу палид қассоблар.*

Энди эса матнни турган ҳолатида лотин алифбоси асосидаги илмий транскрипцияга ўғириб чикамиз. Унинг илмий транскрипцияси куйидагича бўлади:

*Sayyid Nasīmū, qoddasallahu rāḥahu*

*'Irāq-u Rūm ḥarafidaŷi mulkdiñ erkändür. Rūmī va türkmānī til bilä nażm aytipdürü. Va nażmida ħaqāyiq-u ma'ārif bayāyat köp mundarijdur. Maðkūr bolyan mulk ahlīya anīň še'rī muqābalasında še'r hamānā-ki yoq turur. Hamāna taqlid ahli anī maðhabida quşur tuhmaſīya muttaham qiliп, şahid qildilər. Maşhūr mundaqtur-kim, terisin soyar ҳukm boluptur. Ul һalatda bu še'rni deptür-ki:*

*Qibladur yüzünj nigärä, qaşlarinj mehräblar,  
Şürafanıj müşhaf va le xäl-u xatțanıj e'räblar.*

**Va bu še'rni稅 taxalluši ušbu muddaâya daldur-kim:**

*Ey Nasīmū, čūn tuyassar boldi iqbäl vişäл,  
Qoy, teriñni soysa soysun bu palid qaşşäblar.*

## **Расмий хужжатлар: тавсиф, транскрипция ва талқин намунаси**

Күйида құлғында фондларида сакланып калған расмий хужжатларни тавсифлаш, уларни илмий транскрипцияда бериш, матнны талқын килиш намунасини көлтирамиз. Матнлар Содиков 2016,31–33,67–70, 148–151 дан олинди.

### **Васиқалар**

#### **1**

Шаби исмли кишининг Басмилга сотган ери түғрисидаги хужжат. Берлин фондидан U 5241 күрсаткичи остида сакланып турибди (*нашига қаранг*: Содиков 2016,31–33).

Қоғознинг ўнг бетига 24 қатор хужжат матни битилган. Тескарисида яна бир қатор – девонхона ходимининг ёзуви бўлиши керак. Лекин хат шакли ўнгдаги ёзув билан бир хил. Хати текис, жўн, югурик хат. Тартибли ёзилган.

Қоғознинг тевараги чириган, орада хам тешилиб қолган жойлари бор, матннинг айрим жойлари узилиб тушган. Матннинг беш жойига: 1–2- қаторнинг бошланиши, 6- қаторнинг охири, 10- қаторнинг боши, 19- қаторнинг боши, 24- қаторнинг охирига думалоқ, гулсимон тамға-муҳр урилган.

#### **М а т н т р а н с к р и п ц и я с и:**

##### **Sate 1. (ўнг юзи)**

- (1) (Bi)čin yıl, alt(ınč ay) yeti yanjıqa meňä, Šabıqa
- (2) yuňlaqlıq quanpu kergäk bolup Tsinküü ögän üz(ä)
- (3) suwaqlıy bir sīy, sekiz küri uruý kirür yerimin
- (4) Basmılqa tuyuru-toumlitu satdım. Satıy quanpus(ın)
- (5) inča sözläsdim(i)z. Qoču kedini yorır, iki uči kin-
- (6) lig otura tamyalıy üç miğ beş yüz quanpuqa
- (7) käpäzi birlä kezišdimiz. Bu quanpuy bitig qılımış kün
- (8) üzä men, Basmıl, tūgäl berdim. Men Šabı y(ä)mä bir eksük-
- (9) süz tūgäl sanap aldım. Bu yermiň sıçısı: öndün
- (10) yüjaq Basmılنىj yer, küntin yüjaq täjirim
- (11) v(a)rxarıntaqň yer, kedin yüjaq Tayruköy ögän,
- (12) taydın yüjaq uluy yol adırar. Bu tört sıči

- (13) içindäki yerkä miň yıl, tümän künkä tegi  
 (14) Basmıl erklig bolsun. Taplasar özi tutsun, taplamasar,  
 (15) adın kişikä ötkürü satsun. Men, Şabïnij  
 (16) oyulum-qızım, eçim, inim, qam-qadaşım, yägänim,  
 (17) tayayım aytmasun-istämäsün, aytılyi-istägli saqınsar,  
 (18) sawları yorımasun, taqı bir-ök erklig beg işi-küç-  
 (19) in tutup, alayın, yulayın tesärlär, bu-oq ögän  
 (20) üzä suwaqlıy iki tanču yer yaratı berip yulup  
 (21) alsun. Yuldači kişi qorluy bolsun, Basmıl qorsuz  
 (22) bolsun. Tanuq – Yapıy tutuq; tanuq – Tolu Beg tutuq;  
 (23) tanuq – Satyar Yımäk; tanuq – Sojsuz toyın. Men, Beg  
 (24) Toγ[r]ıl bitidim. Bu tamya men, Şabïnij-ol.

## Sate 2. (тескариси)

- (25) (Şa)bıta almii(ş) ...(bi)tigi

И з о х л а р:

2, 4, 6, 7- қаторларда: *quapri* – пул билиги.

2–3- қаторларда: *Tsinküü ὥğän üzä suwaqlıy* – “Тсинкуу ўзанидан сув ичадиган // суғориладиган” деган англамда.

5- қаторда: *Qoču kedini yorır* – Күчү бозорида олди-берди учун фойдаланиш мумкин бўлган хитой қуанпуси кўзда тутилмоқда. Кўринадики, Күчү бозорларида маҳаллий танга билан бир қаторда хитой қуанпуси ҳам муомалада бўлган.

5–6- қаторларда: *iki uči kinlig, otura tamyalıy* – икки учи йўл-йўл, ўргасига тамға урилган хитой пули.

10, 11, 12- қаторларда: *yığaq* – “томон; тараф” маъносида.

18–19- қаторларда: *bir-ök erklig beg işi-küçin tutup, alayın, yulayın tesärlär* – “бирор кимса ҳукмдор бекнинг кучига таяниб, уни олиб кўяман деса” маъносидадир.

М а з м у н и:

## Sate 1. (үнг юзи)

- (1) Маймун йили, олтинчи ойининг еттинчи кунида менга, Шабига  
 (2) ишлатиш учун қуанпу керак бўлиб, Тсинкуу ўзанидан  
 (3) суғариладиган бир сиғ, саккиз кури уруғ сепиладиган еримни  
 (4) Басмилга узил-кесил сотдим. Баҳосини

- (5) шундай келишдик. Күчү бозсрида ўтадиган, икки учи йўл-
- (6) йўл, ўртаси тамғали уч минг беш юз қуанпуга
- (7) келишдик. Бу қуанпуни ҳужжат тузилган кунин
- (8) мен, Басмил тугал бердим. Мен Шаби ҳам кам-кўст-
- (9) сиз тугал санаб олдим. Бу ернинг чегараси шарқдан
- (10) Басмилнинг ери, жануб тарафдан тангрим
- (11) ибодатхонасига қарашли ер, гарб тарафдан Тайпукўй ўзани,
- (12) шимол тарафдан катта йўл айириб туради. Бу тўрт чегара
- (13) ичидаги ерга минг йил, туман кунга кадар
- (14) Басмил эгалик қилсин. Истаса, ўзи тутсын, истамаса,
- (15) бошқа кишига ўтказиб сотсин. Мен, Шабининг
- (16) ўғил-қизим, акам, иним, қон-кардошим, жияним,
- (17) тоғам сўрамасин, талаб қилмасин, сўровчи, талаб қилувчи ёмон хаёл қиласа,
- (18) сўзи ўтмасин, агар бирор кимса ҳукумдор бекнинг иши-куч-
- (19) ига таяниб, уни олиб қўяман деса, мана шу ўзан-
- (20) дан сув ичувчи икки танчу ер топиб бериб, кейин юлиб
- (21) олсин. Юловчи киши зиён кўрсин, Басмил зиён
- (22) кўрмасин. Гувоҳ – Япиг тутук; гувоҳ – Тўлу Бег тутук;
- (23) гувоҳ – Сатғар Йимак; гувоҳ – Сўнгсуз роҳиб. Мен, Бег
- (24) Тўғрил битдим. Бу тамга мен, Шабиникидир.

## Sate 2. (тескариси)

(25) Шабидан олинган (ернинг) ҳужжати.

## 2

Кўни Куз отли хўжайнинг Бурхан Қули отли қулига берган эрк ҳужжати. Матн 21 қатор. Хати равон, тартибли. Матннинг тўрт жойига – 1–2- қаторларнинг бошланиши, 6–7- қаторларда ичкарироққа, 11–12- қаторларда ўртага, 20–21- қаторларда охирроққа саккиз бурчакли тамға урилган.

Нашрига қаранг: Содиков 2016, 67–70.

## М а т н т р а н с к р и п ц и я с и:

- (1) Taqīyū yīl, üçünč ay, iki yañiąqa men.
- (2) Köni Quz aýir igkä tegip, ölüp-yüür

- (3) baryay-men, tep Šıňuy tutuň begkä,
- (4) kündägüm Likäkä keňäşip-aytüşip,
- (5) Gäljsidä tuymüš Burxan Qulï atlïy
- (6) oýulanqa ögkä-qanqa buyanï
- (7) tegsün, tep boş bitig berdim.
- (8) Bu küntä mřnča Burxan Qulïňň ya
- (9) örü tayqa, quđi quumqa barsar,
- (10) öz köňülinčä buyan berip yorisun.
- (11) Menij qatïnlarım, Tirig Eltmışä başlap
- (12) ewdäki qatïnlarım, menij tuymüšlarım-
- (13) kim, yemä čamlamasunlar. Čamlasarlar, ya
- (14) ičkärü ayılıqqa bir altun yastuuq, ya
- (15) Quču beginkä bir at, balïq beginkä bir
- (16) ud berip, aýır qiy(i)nqa tegsün. Tanuq –
- (17) tört maxarač täýrilär; tanuq – yet’ ná baldız
- (18) täýrimläř yükärkü; tanuq – İkiči; tanuq – Er Toşa.
- (19) Bu bitigni Čaqaşı Boqsaj toyin üskintä
- (20) qatïnlarımqa ayitüp berdim. Bu tamya men,
- (21) Likäniň-ol. Men Qaysın tu(tuň) ayitüp bitidim.

И з о х л а р:

2-3- қаторларда: *aýır igkä tegip, olüp-yütip baryay-men* – бу жумла “оғир дардга чалиниб, ўлыб-йитиб кетсам, ишим чала қолмасин, деган хавотирда” англамида келган.

6-7- қаторларда: *buyan* (< скр. *riṇyu*) – “савоб; эзгу, савобли, ҳайрли иш” (қаранг: ДТС,120); *buyanï tegsün* – “савоби тегсин дея” маъносини билдиради.

7- қаторда: *boş bitig* – хужжатчиликка тегишли атама, “эркинлик берувчи хужжат” маъносида; *boş* – “эркин, озод” дегани.

9- қаторда: *örü tayqa, quđi quumqa barsar – örü tay* – “юкори тоғ” хамда *quđi quum* “куйи күм” ўзаро қаршилантириш йўли билан бадийи ифода хосил килинмоқда; “юкори тоққа (борадими), куйи күмга борадими” деган маънода, яъни “истаган ерида: ҳамма ерда” англамида келган.

11-, 12-, 20- қаторларда: *qatïn* – “куйидаги”; *qatïnlarım* – “мендан кейингилар; бола-чакам, уругим” маъносида.

14- қаторда: *yastuuq* – олтин ё кумуш ўлчов бирлиги (қаралсин: ДТС,245); *bir altun yastuuq* – “бир олтин ястук бирлигига жарима тўланиши” тушунилади.

16- қаторда: *qiyin* – “жазо, қийнок”; *aýır qiyinqa tegsün* – оғир жазога тортилсин; оғир жазо берилсин.

21- қаторда: Бошқа нашрларда хужжат битувчининг отини *Qaysin Tu deb beradilap*. Бу ўринда *tu* исм эмас, балки *tutuŋ* нинг қисқартмасидир. *Qaysin tu(tutuŋ)* – ушбу хужжатни битган расмий киши. Бунинг исботи учун бошқа хужжатларнинг якуний жумласига қаралсин.

### М а з м у н и:

- (1) Товук йил учинчи ойининг иккинчи кунида мен
- (2) Кўни Куз оғир касалликка чалиниб, ўлиб-йитиб
- (3) қолмайин дея Шингуй тутунг бег,
- (4) қуёвим Лика билан кенгашиб-сўзлашиб,
- (5) Гангсида туғилган Бурхан Қули отли
- (6) ўғлонга (кулга), онамга-отамга савоби
- (7) тегсин деб, эрк хужжатини бердим.
- (8) Бугундан бошлиб Бурхан Қулининг (эрки ўзида),
- (9) юқори токқа (борадими), куйи қумга борадими,
- (10) ўз кўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин.
- (11) Менинг қарамоғимдагилар, Тириг Элтмишдан бошлиб
- (12) уйдаги бола-чақам, менинг туғишгандарим-
- (13) ким, ҳеч бири даъво қиласин. Даъво қилсалар, ё
- (14) ички хазинага (ўрдага) бир олтин ястук, ё
- (15) Кучу бегига бир от, шахар бегига бир
- (16) сигир бериб, оғир жазо юқлатилсин. Гувоҳ –
- (17) тўрут маҳарач солиҳ; гувоҳ – етти эгачи-сингил,
- (18) эндиғи солиҳалар; гувоҳ – Икичи; гувоҳ – Эр Тўнга.
- (19) Бу хужжатни Чакси Буқсанг роҳиб қошида
- (20) бола-чақамга айтиб бердим (ўқиб эшиттирдим). Бу тамға мен,
- (21) Ликаникидир. Мен, Қайсин тутунг айтиб туриб (улар ўз оғзидан айтганлари бўйича) ёздим.

### Султон Умаршайх ёрлиги

Мирзо Умаршайх султон Абусаид кўрагоннинг ўғли, у султон Мухаммаднинг ўғли, у Амироншоҳ мизонинг ўғли, у эса Амир Темур кўрагоннинг ўғлидир.

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида акс эттирган хужжатлардан бири султон Умаршайхнинг (1451–1494) 1469 йили

Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайд Аҳмадга берган ёрлиғидир (Мелиоранский 1906,01–012, таблица I; Содиков 2013,124–130; 2016,148–151).

Ёрлиқ варакнинг бир юзига битилган. Хати чиройли ва тартибли (ўтмишда бундай нафис хатни *iz haſ* дейилган). Қоғоз бўйига олти, энiga икки буқланган. Қайта-қайта буқланаверганидан, йиртилишига оз колган. Ҳатто буқланган бўғинларининг айримлари терс ёғидан қоғоз билан елимлаб ҳам кўйилган.

Қоғоздаги матн ўн уч қатори, бошидаги уч қатори, колганларига қараганда, ичкарироқдан битилган бўлиб, иккинчи ва учинчи каторларининг олдига доирабичимли муҳр-тамға босилган. Султон Умаршайхнинг ушбу муҳр-тамғаси матнининг ўзида *mihur*, ёрлиқнинг ўзи эса *mihurluy nišān* дейилган.

Қоғознинг терс юзида еттита муҳр-тамғаси бор. Муҳр-тамғалардаги ёзувлар араб хатида. Улардан бошқа яна шу бетга уйгур хати билан икки жумла ёзиб кўйилиби. Жумлаларнинг биринчиси *Halil dad Barin baxši bilā*, куйироқдагиси эса *roznāma bitildi* деб ўқилади (Мелиоранский 1906,08). Ушбу қайдлар идоранинг хужоат қабул қилувчи ходимига тегишли бўлуви керак.

Қоғознинг сиёҳи яхши қуримай туриб буқланган кўринади: хужжатнинг айрим сатрлари варакнинг турс ёғига ҳам юқиб колган.

Битигда ёзилишига кўра, Мир Сайд Аҳмад Марғилоннинг улуғларидан (*Maryīman büzrügläriderin*) эди. Султон Умаршайх бундан илгари ҳам унга ҳиммат кўрсатиб, суюргал берган. Ушбу суюргалда эса унга кўшимча имтиёзлар берилаётгани таъкидланади.

Ёрлиқ (*muhurluy nišān*) туркмучал саноги бўйича сигир йили шаввал ойининг йигирма сakkизинчи куни Андижонда битилган. Бу тўғрида *muhurluy nišān* *iy yil şavval ayinij yigirmi sekizi Andigändä bitildi* деб қайд этилган.

Ушбу ёрлиқнинг араб хатида эмас, қадимги туркий ёзувда эканлиги, айниқса, ёрлиқ битилган қоғознинг терс ёғидаги девонхона ходими томонидан ёзиб кўйилган айрим қайдларнинг уйғур хатида эканлиги ўта аҳамиятли. Буларнинг бари темурийлар

давлатида ушбу ёзувнинг юридик мавқеи катта бўлганидан далолат беради.

Қўйида П. Мелиоранский келтирган факсимили асосида (Мелиоранский 1906, таблица I) ёрлиқнинг транскрипциясини келтирамиз.

### М а т н т р а н с к р и п ц и я с и:

(1) Sultān Umar šayx bahadur sözüm

(2) dīvānlarya, barča (3) M(a)ryin(a)n určinniŋ (4) tüšämäl amaldär, sāhib čamlariya!

M(a)ryin(a)n büzrügläridin Mir Sayid Ahmadya (5) M(a)ryin(a)n qasabasidin burun bir milk bayi bilä iki qošluq ekininiŋ har ne (6) dīvānya čiqar har türlüg mälini suyuryal berilip erdi. Emdi uy yılıda (7) riāyat qiliip qasabadilin otuz altun tawači tartusini dayi suyuryal (8) berildi. Emdi bu tarixqa berilgənni uy yıl, şavval ayinii yigirmi yetisidin (9) başlap buruny suyuryalini dayi berilgän nişanlı yosunu bilä musallam tutup, (10) yılşa yaŋgi niş(ā)n tilämäyin, bu niş(ā)n bilä yıl sayu heč türlüg saltiq (11) salmayin daftarlarya surusun. Özi alip yesün. Heč kişi mäl, (12) taru tilämäsün, kūc-uşa tegürmäsün, tep muhurluy ni(şā)n uy yıl, (13) şavval ayinii yigirmi sekizi Andigändä bitildi.

### А й р и м с ў з в а ж у м л а л а р и н и н г и з о ҳ и:

4- категорда: *tüšämäl amaldär* – тушим йигувчи амалдор, темурийлар замонидаги солиқчи лавозими; *sāhib čamlari* – солиқ идораларининг бошликлари.

4–5- категорларда: *Maryinan* – Маргилоннинг эскича аталиши; у ўша чоғларда қасаба эди.

5- категорда: боғлар *milk* ўлчови, экин майдонлари эса *qošluq* ўлчови билан белгиланган. Матнда Мир Саид Ахмадга бундан бурун *bir milk bay* билан *iki qošluq ekin* дан келадиган даромадлар суюргал қилиб берилгани таъкидланмоқда.

6, 8, 12- категорлардаги *iy yili-iy yıl* турк мучалайилларининг иккинчиси – “сигир йили”дир. Қадимда *id yili* дейилган, кейинчалик товуш ўзгаришига учраб *iy ga aylanigan (id>id>iy)*.

7- категорда: *tawači tartusı* – бу биримдаги *tawači* – хукумдорнинг мухим топшириқларини бажарувчи ёрдамчиси, сарой амалдорлари устидан назоратчи; *tartu* – матн маъносига қараганда “қўшимча мол-мулк; тортиқ”ни англатади, шунда “тавачи томонидаги берилган қўшимча мулк; тортиқ” тушунилади.

Матнда ушбу ёрлик *nišān*, *muhurluy nišān* деб аталган. *Nišān* – илк англамида “белги”, ҳужжат атамаси сифатида эса “далилловчи ҳужжат; гувоҳнома” маъносини билдиради; *muhurluy nišān* – “хоннинг муҳр-тамғаси билан тасдикланган ҳужжат”, баъзан олий даражадаги бундай ҳужжатлар *altun muhurluy nišān* хам дейилган.

9- қаторда: *nišān yosun* – жуфт сўз; *yosun* – “қонун, қоида”, *nišān yosun* – “қонун битилган гувоҳнома, далилловчи ҳужжат” маъносини беради.

12- қаторда: *küč-uya tegürmäsün* – “зўравонлик қиласин; зиён-захмат етказмасин” деган маънони беради. Одатда, эркинлик, имтиёз ҳукукини берувчи ҳужжатларда кишининг муҳофазаси ҳуқукий жиҳатдан химоя қилинган ва унинг эркинлигини кафолатлаш учун “Унга ҳеч кимса зўравонлик қиласин” (*Heč kişi küč-uya tegürmäsün*) деб ёзиб қўйилган.

*taru* – “дон-дун” маъносида.

13- қаторда: *Andigān* – Андижоннинг эскича аталиши; ушбу тапонимдаги *gān* – “шаҳар, кент” маъносини билдиради. *Andigān* ўша кезларда йирик, марказий шаҳар саналган. Султон Умаршайхнинг ўрдаси, кароргоҳи шу шаҳарда эди.

### М а т н и н г м а з м у н и:

(1) Султон Умаршайх баҳодур сўзим

(2) девонхоналарга, барча (3) Марғинан юргининг (4) тушим йигувчилари, солиқ идораларининг бошлиқларига!

Марғинан бузурғларидан Мир Сайд Аҳмадга (5) Марғинан қасабасидан илгари бир милк bog билан икки қўшлиқ экиннинг ҳар не (6) девонга чиқар ҳар турли молини [яъни хазинага тўланувчи даромадни] суюргал қилиб берилган эди. Энди сигир йилида (7) (бунга) риоят қилиб, қасабадан ўттиз олтин тавачи тартусини [яъни қўшимча мол-мулк, тортиқ] яна суюргал (8) қилиб берилди. Энди бу санада берилганни сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан (9) бошлаб аввалги суюргални яна берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, (10) ҳар йили янги нишон талаб килмай, бу нишон билан йил бўйи ҳар турли солиқ (11) солмай, дафтарларга қайд этилсин. (Даромадларидан) ўзи фойдалансин. Ҳеч киши (ундан) мол, (12) дон-дун талааб қиласин. Унга зўравонлик қиласин, деб бу муҳрли нишонни сигир йили, (13) шаввал ойининг йигирма саккизида (=1469 йилнинг 11 майида) Андиганда битилди.

## *Сүрөт ва топшырыктар*

Ислом даври эпик асарларининг анъанавий компонентлари нималардан иборат?

“Транслитерация”, “транскрипция” ва “матн табдили” деганда қандай матнлар англашилади?

Матнни илмий транскрипцияга ўтиб олинганда асарнинг қай хусусиятига эътибор берилади?

Транскрипция жараёнида қандай ишоратлардан фойдаланилади?

Унлилар ва ундошлар учун кўлланувчи ҳарфларни яхши ўзлаштириб олинг.

Алишер Навоий девонларининг факсимиль нашрлари ёки девон кўлёзмаларининг электрон нусхалари асосида бир нечта ғазални танлаб олинг. Уларни компьютерда араб хатида териб чикинг. Сўнг оригинал матнга таянган ҳолда, шеърларни илмий транскрипцияга ўтириб чикинг.

# **БЕШИНЧИ БЎЛIM. АСАР ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИНИ ЧОҒИШТИРМА ЎРГАНИШ ВА ИЛМИЙ МАТН ТУЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ**

*Таянч сўз ва бирималар: қўлёзма нусха, таянч нусха, ёрдамчи нусха; илмий матн, илмий-танқидий матн, йигма матн; илмий аппарат.*

**Эътибор қаратиладиган масалалар:**

Илмий матн ва унинг турлари.

Илмий-танқидий матн тузиш принциплари.

Йигма матн тузиш принциплари.

Йигма матн тузишида илмий аппаратни кўллаш.

Асар қўлёзмаларини қиёсий ўрганиш ва матн таҳрири масаласи.

Асар қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш жараёнида эътибор қаратиладиган масалалар. Келиб чиқадиган назарий хуносалар.

Таянч қўлёзмани сайлаб олиш ва асарнинг қиёсий матнини тузиш йўллари.

Ёзма манбани тавсифлаш йўллари.

## **Илмий матн ва унинг турлари**

Илмий матнлар уч хил бўлади: илмий, илмий-танқидий ва йигма матн.

*Илмий-танқидий матн (яъни, научно-критический текст)* деганда асарнинг мавжуд ёки бир нечта қўлёзма нусхалари бўйича унинг қиёсий илмий нашрини яратиш тушунилади.

Ўзбек матншунослигига илмий-танқидий матн тузиш принциплари анча кенг ишлаб чиқилган (*булар тўғрисида қаранг: Шамсиев 1986, 16–40; Сирожиддинов, Умарова 2015, 66–104*).

Илмий-танқидий матн асарнинг мавжуд қўлёзма нусхадарига таянган ҳолда тузилади. Шунинг учун ҳам унинг матни кўпинча араб хатида бўлади. Кўпчиликка кулай ва тушунарли бўлиши учун илмий-танқидий матн, баъзан, транскрипцияда ҳам берилиши мумкин.

Илмий-танқидий матнни тузишдан мурод асарнинг муаллиф матнига яқин бўлган вариантини яратишдир. Табиийки, илкин матн сакланмаган бўлса, муаллиф вариантини тўлигича тиклаб бўлмайди. Лекин, илмий фаразлар, қиёсий тахлиллар, аниқ далиллар туфайли асл вариантга яқинлашиш мумкин.

Илмий-танқидий матнда нусхалараро сўз ва жумлалар фарқи сатр остида илмий аппаратга риоя қилган ҳолда кўрсатиб борилади. Таянч матнда янгилиш кетган, тушиб қолган сўз ёки жумлалар ёрдамчи матндан олиб тўғриланади, тўлдирилади. Илмий-танқидий матннинг пухта ва мукаммаллиги мутахассиснинг билим савияси, эски ёзувни қанчалик яхши ўқий олиши, классик матн тилини, жумла курилишини қанчалик даражада билишига, матнни тўғри тушунишига боғлик. Билимли текстолог тузган матн пухта ҳам мукаммал бўлади.

Кўлёзма нусхалари кўп бўлган асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш учун эса энг муҳим ва ноёб, имкон қадар, қадимию нусхалар сайлаб олингани маъкул. Кўзланаётган илмий матн ана шу нусхалар асосида тузилади. Бироқ, асар нусхаларини сайлаб олиш учун матншунос бошқа нусхалардан: уларнинг ютуқ ва камчиликларидан ҳам хабардор бўлмоғи керак. Акс ҳолда, аҳамиятли кўлёзма ўтибордан четда қолиб кетиши мумкин.

Сўнгги йилларда ўзбек матншунослигига яратилган илмий-танқидий матнларга Алишер Навоийнинг “Назму-л-жавохир” (Рашидова 1991), “Садд-и Искандарий” (Ҳамидова 1994), “Насойиму-л-муҳабbat мин шамойими-л-футувват” асарлари бўйича тузилган (қаранг: NMT), шунингдек, Гулханийнинг “Зарбу-л-масал”и бўйича тузилган (Исхоков Ф. 1997) илмий матнларни мисол қилиб келтирса бўлади. Ушбу асарларнинг илмий-танқидий матнлари асосида номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ёқланди.

Илмий-танқидий матннинг ютуғи билан бирга, ўзига яраша кусури ҳам бор. Жумладан, текстолог бир нечта матнни чогиштирас экан, эркли-эрксиз равища асарнинг янги бир вариантини яратиб кўяди. Яна, у яратадиган матн, ҳар қандай ҳолатда ҳам нисбийдир. Уни идеал матн деб бўлмайди, бирор ерда ҷалғиб, хатога йўл қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам асарнинг иғфама матнини тузиш фойдалироқ.

*Йигма матн* (яъни сводный текст) деганда асарнинг мавжуд ёки бир нечта кадрли кўлёзмалари асосида улардан йигиб, асарнинг тўла илмий нашрини яратиш тушунилади. Бунда асарнинг муайян нусхасида (таянч нусхада) тушиб қолган байтлар, жумлалар ёки бўлимлар иккинчи бир нусхадан олиб тўлдирилади. Нусхалараро сўз ва жумлалар фарқи сатр остида илмий аппаратга

риоя килган ҳолда кўрсатиб борилади. Дунё илмида, чет эл шарқшунослигига илмий-танқидий матнга нисбатан йигма матннинг мавқеи баландрок туради.

Турк олими Р.Р. Аратнинг “Ҳибату-л-хакойик” асари бўйича тузилган илмий матнини йигма матнга мисол қилиб келтириш мумкин (*қаранг*: Arat 1992).

Асарнинг илмий матни илмий-танқидий ёки йигма матн асосида яратилади.

### Матн таҳрири масаласи

Ўзбек ёзма адабий тили тарихида матн тузиш анъанаси канчалар эски бўлса, таҳрир санъатининг келиб чикиши ҳам шу қадар эскидир. Туркий матн тузиш анъанаси юзага кела бошлаган чоғларданоқ, уларнинг муаллифлари жумлалар таҳририга, равон ва тушунарли, ўқишли бўлишига, матн балоғатига алоҳида эътибор қаратганлар. *Матн балоғати* – сўзларни топиб ишлатиш ҳамда матнни имловий, грамматик ва стилистик жиҳатдан саводли, ўқувчи учун тушунарли, шунинг билан бирга, ўқишли қилиб битиш санъатидир.

Матн тузиш амалиёти тарихи икки жил таҳрир жараёнини бошдан кечирган:

Биринчиси, асарни ёзиш жараённида уни услубий ва мазмун жиҳатидан такомиллаштириш йўлидаги муаллиф таҳрири;

Иккинчиси, асарнинг кейинги нусхаларида (масалан, асарнинг янги вариантида ёки кейинги замонларда нусха кўчириш билан боғлиқ ҳолда) амалга оширилган таҳрир.

Муайян асарнинг юзага келишида таҳрир жараёни қандай кечгандилиги биз учун коронгу. Лекин муаллиф таҳрирининг излари буткул ўчиб кетган ҳам эмас. Баъзи қўлёзмаларда айрим сўз ва жумлалар ўчирилиб, устидан тузатиб қўйилган жойларини кузатамиз (Бу нарса, ора-чора. иш юритиши коғозларида учраб туради. Қўлёзма китобларда, хон ва султонларнинг ёрликларида эса бундай эмас. Уларни, айниқса, нодир китобларни хаттотлар пишиб, киёмига етган матнлардан кўчирган бўлади). Шунингдек, ўтмишдан қолган тазкира ва хотираларда, мактублар, тарих китобларида ижодкор таҳририга тегишли маълумотларни ҳам ўқиб қоламиз.

Муаллиф таҳрири тўғрисида аниқ-таниқ хulosса чиқаришга имкон берадиган яна бир факт бор. Бу ҳам бўлса, матннинг тили ва услубидир. Тили ва услуби мукаммал, юксак балоғат даражасида битилган асар муаллиф тарафидан ёзib тугаллангунга қадар жиддий таҳрир жараёнини ўтганидан далолат қиласди. Одатда, ижодкор асарни қайта-қайта таҳрир қилиб, кўнгли тўлгандан кейингина, котибга кўчириш учун топширган.

Классик асарларнинг кўллёзма нусхаларидаги ўзаро фарқлар ҳам матн таҳририга мисол бўла олади.

Ўтмишда китоблар, асосан, кўлда кўчирилган. Асарнинг кўллёзма нусхалари замон зайли ва ўқимишли жамоанинг қизиқишидан келиб чиқкан ҳолда кенг тарқалган. Буюк ва машхур асарларнинг турли асрларга тегишли кўллёзма нусхалари бор. Қизиги шундаки, асар шеърий ёки насрый бўлишидан қатъи назар, унинг барча нусхалари текстологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилиб туради. Ҳатто бир замонда икки котиб томонидан кўчирилган нусхалар матни ўзаро фарқ қилиши мумкин.

Матн таҳрири баъзан асар вариантиларининг юзага келиши билан боғлиқ бўлади. Бундай таҳрир муаллиф тарафидан амалга оширилади. Бунда муаллиф асарни тутгатиб, котибга топширади. Котиб эса уни тоза вараққа кўчиради ёки, шеър бўлса, девон таркибига кўшиб юборади. Кейинчалик девонни янгилаш, мажмуя ёки кулиёт тузиш чоғида шоирда шеърни таҳрир қилиш эҳтиёжи туғилиб, ўзига ёқмаган жойларини ўзгартиради, унга янги байтлар қўшади. Насрий асар бўлса, уни янги аниқланган маълумотлар билан тўлдиради. Баъзан эса (бу энди кўпинча маснавийларда кечади) муаллифнинг ўзида асарни қайта ишлаш фикри уйгонуви ҳам мумкин. Натижада асарга янги боблар қўшади, кўнгли тўлмаган жойларини таҳрир қилиб чиқади. Асарнинг муаллиф тарафидан ишлаб чиқилган янги варианти, одатда, ана шундай яратилади. Мухими, асарнинг ҳар иккала таҳрир варианти ҳам tengma-teng яшашга ҳақли. Кейинги давр кўллёзмалари эса, талабга қараб, асарнинг у ёки бу вариантидан кўчирилаверган.

Ўтмишда яратилган китобларнинг муаллиф ўлимидан кейин кўчирилган кўллёзма нусхаларидаги текстологик фарқларнинг аксарияти котибларга тегишли. Бунда бир сўз бошқаси билан алмашинуви (кўпинча, сўзларнинг синонимлари ишлатилади ёки унutilган сўзлар ўша даврда қўлланаётган сўз билан

алмаштирилади), жумла фарклари тез-тез учраб туради, ўрни билан, котиб шевасининг таъсири ҳам кўриниб қолади.

Баъзан замон талаби ва ўқувчининг эҳтиёжига қараб, асарнинг айрим бўлимлари қискартирилган.

Шундай бўлишига қарамай, котиблар асар матнини, имкон қадар, аслидай сақлашга урунган. Айниқса, ўтмишдан қолган асарларни кўчиришда муаллиф матнини саклаган ҳолда, орадаги истеъмолдан чиккан архаик сўзлар тагига ёки ҳошияга уларнинг маъносини бериб кетгандар.

Текстология доимо асарнинг муаллиф вариантини тиклаш сари интилади. Чунки унинг учун асар кейинчалик қандай матний ва услугий ўзгаришларга учраганлиги эмас, муаллиф уни қандай шаклда яратганлиги, илк муаллиф варинати қандай бўлганлигини аниqlаш мухимроқдир.

### **Кул тигин ҳамда Билга хоқон битигларида кечган хоқон сўзининг чоғиштирма таҳлили**

Тарихнавис ва адаб Йўллуғ тигин битган Кул тигин, Билга хоқон битиглари туркий матншуносликнинг шаклланиши, унинг такомилини белгиловчи матнлардандир. Иккала ёднома буткул мустақил асарлар бўлувига қарамай, битигларда акс этган воқеа-ҳодисалар, матн тузилишидаги ўхшашик уларни ўзаро яқинлаштиради. Ҳатто Кул тигин кичиг битигининг 1–11- сатрлари Билга хоқон битиги муқаддимасининг 1–8- сатрларида, Кул тигин улуғ битигининг 1–30- сатрлари Билга хоқон улуғ битигининг 2–24- сатрларида такрорланади (қаранг: Содиков 2004, 57–66, 76–89).

Айтганча, иккала мангутошнинг матни тўлиқ сакланган эмас. Тош юзининг айрим жойлари нураб, матни ҳам шикастланган. Айниқса, Билга хоқон битиги кўп талафот еган. Шу боис, асарлар матнини узил-кесил тиклашнинг иложи йўқ. Бироқ, афзаллиги шундаки, бир матннинг шикастланган сатрлари баъзан иккинчи битигда сакланган, битигларнинг бири бошқасини тўлдиради.

Энди ҳар иккала битигда такрорланган матнни ўзаро чоғиштириб кўрамиз. Уларнинг фарки куйидагicha:

Битигларда баъзи сўзлар икки хил фонетик вариантда учрайди:

*ň~у* ҳодисаси: *yanya* (К.23) – *yaya* (Х.19) – “суріб”.

*m~b* ҳодисаси: *Käňü tarman* (К.21) – *Käňü tarban* (Х.18) – жой оти.

Бундай фонетик хусусият ўша кезларда сўзнинг иккала варианти аралаш кўлланганидан далолат беради: *yanya~yaya*, *Käňü tarman~Käňü tarban* сингари.

Гапларнинг шакли ўзгарган:

**Ka.1:** *sabimin tüktäi äsidgil* – “сўзимни тугал эшиггин”.

**Xb.1:** *sabimin tüktäi äsiđ* – “сўзимни тугал эшигт”.

**K.10:** *türk bodun ölüräyin* – “турк халқи(ни) ўлдирайин”.

**X.9:** *türk bodunuñ ölüř(äyin)* – “турк халқини ўлдирайин”.

**K.11:** *Ögüm İl-bilgä qatunuñ täjri töpüsintä tutup yönärü kötürmis ärinc.* – “Онам Эл билга хотунни тангри мартабасида тутиб, юқори кўтарган”.

**X.10:** *Ögüm İl-bilgä qatunuñ täjri töpüsintä tutup yönärü kötürti ärinc.* – “Онам Эл билга хотунни тангри мартабасида тутиб, юқори кўтарди”.

Баъзан бир сўз бошқаси билан алмашган:

**K.7:** *Tabyač bodunqa böglük urı oylin quł boltı, silik qız oylin kün boltı.* – “Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қул бўлди, сулув қиз боласи билан жория бўлди”.

**X.7:** *Tabyač bodunqa böglük urı oylin quł qilti, silik qız oylin kün qilti.* – “Табғач халқига бек бўладиган ўғил боласини қул қилди, сулув қиз боласини жория қилди”.

Авалги матнда *urı oyul, qız oyul* сўzlари восита келишигига (ўғил боласи билан, қиз боласи билан), иккинчи битигда эса тушум келишигига (ўғил боласини, қиз боласини) кўлланган. Шунга мувофиқ равищда, гапларнинг кесими ҳам ўзгармоқда (*quł qilti, kün qilti* – қул қилди, жория қилди).

Юқоридаги стереотип жумланинг бошқа бир ўринда кўлланувига эътибор беринг. К.24: *Böglük urı oylin quł boltı, silig qız oylin kün boltı bilmädük üçün.* Шу ўринда мазкур жамла мазмунини англаш қийин: “Бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг жория бўлди, билмаган(и) учун (?)”.

Иккинчи битигда эса мазмун ойдинлашади. X.20: *Böglig urı oylinquñ quł qiltiy, silig ... qiltiy ol bilmädük ägin (bilmädükin?) üçün.* – “Бек бўладиган ўғил болангни қул қилганини, сулув (қиз болангни жория) қилганини у билмагани учун”.

Баъзан бир қўшимча ўрнида унинг бошқа бир варианти қўлланади:

K.25: *ögüm qatunu y kötürmiš tājri*

X.21: *ögüm qatunu y kötürügmä tājri* – онам маликани кўтарган [яъни, улуғлаган] тангри.

Ушбу мисолдаги *-miš*, *-gtä* қўшимчали сифатдошларнинг маъноси бир: *kötürmiš* // *kötürügmä*.

Матнларда тасвирий ифода ўзгариши мумкин:

K.24: *qanij subča yügürti* “конинг сувдай оқди”.

X.20: *qanij ögüzčä yügürti* “конинг дарёдай оқди”.

Янада муҳими, айрим жумлалар иккинчи матнни тузили жараёнида таҳрир қилинган. Қуидаги мисолларни чоғиштиринг:

K.29: *Tājri yarlıqazu, qutum bar üçün, ülügüm bar üçün öltäci bodunu yirgürü igit(t)im.* – “Тангри ёрлақасин, баҳтим бор учун, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб, оёққа қўйдим”.

X.23: *Tājri yarlıqaduq üçün, qutum <>, ülügüm bar üçün öltäci bodunu y t(iri)rü igit(t)im.* – “Тангри ёрлақагани учун, баҳтим, насибам бор учун ўлаётган халқни тирилтириб, оёққа қўйдим”.

K.28: ... *barmiš bodun <> ölü yitü, yadayin, yalañin yana kälти.* – “... кетган халқ ўла-йита, яёв, яланғоч кайтиб келди”.

X.22: ... *barmiš bodun [yadayin, yalañin] ölü yitü <> kälти.* – “... кетган халқ яёв, яланғоч, ўла-йита келди”.

Иккинчи битигда *bodun* сўзидан кейин нураган нураган ҳарфлар ўрни бор. Матн мазмунидан келиб чиқиб, бу ўринда *yadayin*, *yalañin* сўзларини тиклаш мумкин. Шунда хоқон сўзи битилган матн иккинчи битигни битиш чоғида муаллиф томонидан таҳрир этилгани маълум бўлади.

Муаллиф таҳририга яна бир мисол:

K.29: *Yalañ bodunu tonluy <>, čiyan bodunu bay qiltim, az bodunu öküš qiltim.* – “Яланг халқни тўнли, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим”.

X.23–24: *Yalañ bodunu tonluy qiltim, čiyan bodunu bay qiltim, az bodunu öküš qiltim.* – “Яланг халқни тўнли қилдим, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим”.

Янада муҳими, муаллиф Йўллуғ тигин Билга хоқон битигини тузиш чоғида аввалги матнга янги жумлалар ҳам киритади, уни тўлдиради. Масалан:

K.21: *Ol ödkä qul qułuy bolmıs, ... ... ... < >*. – “У чоғда кул кулли бўлган, ... ... ... < >”.

X.18: *Ol ödkä qul qułuy < >, kün küňlüg bolmıs ärti. İnisi isin bilmäz ärti, oylı qaqıñ bilmäz ärti*. – “У чоғда кул қулли, жория жорияли бўлган эди. Иниси оғасини билмас эди, ўгли отасини билмас эди”.

Яна бир мисол: К.16 да Билга хоқон ўз отасининг ўлимидан кейинги воқеаларни шундай эслайди: *Qaṇıt qaqanqa başlayı Baz qayanıý balbal tikmis*. – “Отам хоқон (гўри)га бошлаб Баз хоқоннинг балбали тикилди”.

X.14 да эса юқоридаги маълумотдан сўнг хоқон ўзининг неча ёшда отасидан айрилганлигини эслайди: *Qayan učduqda özüm sákız yaşda qaltım*. – “Хоқон ўлганда ўзим саккиз ёшда қолдим”.

Кейинги қайд аввалги битигда йўқ.

Яна чоғиширинг:

K.26: *İnim Kül tigin < > birlä sözläşdimiz*. – “Иним Кул тигин билан сўзлашдик”.

X.21: ...*igin iki şad, inim [Kü]l tigin (bir)lä sözläşdimiz*. – “[Кул тигин (?) икки шад, иним Кул тигин билан сўзлашдик”.

Кул тигин битигининг кейинги сатрида икки шад ҳам ёдга олинади. Лекин Билга хоқон битигида жумла қискарган. Чоғиширинг:

K.27: *İnim Kül tigin birlä, iki şad birlä ölü yitü qazyanıtm*. – “Иним Кул тигин билан, икки шад билан йла-йита зафар қозондим”.

X.22: *İnim Kül t... birlä, < > ölü yitü qazyanıtm*. – “Иним Кул тигин билан ўла-йита зафар қозондим”.

Муаллиф саркарда Кул тигин таърифини бош ўринга қўйиш мақсадида кейинги матнда икки шадни эсламаган кўринади.

Қиёсий тахлилдан англашиладики, Билга хоқон кичик битигининг 1–8- сатрлари ва улуғ битигининг 2–24- сатрлари Ка1–11, К1–30 нинг айнан тақрори эмас.

Машҳур саркарда Кул тигинга аталган битиг Билга хоқон кўрсатмасига мувофиқ тикланган, унданаги матн ҳам хоқон тилидан сўзланади. Эҳтимол, уни хоқоннинг ўзи айтиб туриб ёзdirган чиқар. Ёзувчи Йўллуғ тигин отасининг сўзларини матнга туширган. Орадан уч йил ўтиб, Билга хоқон вафот этгач, унга бағишиланган битигни ҳам Йўллуғ тигиннинг ўзи ёзди. Хоқоннинг

аввалги ёдгорликка битилган нутқини олиб, бунисига ҳам кирилди. Бироқ, кейинги битигдагиси бурунги матннинг сўзма-сўз қайтариғи эмас, балки ёзувчи томонидан қайта кўрилган, таҳрир этилган, тўлдирилган вариантидир. Матннинг қолган қисми ўзича давом этади: Кул тигин битигида саркарданинг фаолияти ёритилган бўлса, Билга хоқон битигида хоқоннинг эл эрки, улус фаровонлиги йўлида кўрсатган қаҳрамонликлари баён этилган.

Адид Йўллуғ тигин томонидан қайта ишланган матнни таҳрир санъатининг бизгача етиб келган илк, шунинг билан бирга, ажойиб намунаси деса бўлади.

### **“Кутадғу билиг” қўлёзма нусхаларининг чоғиштирма таҳдили**

Фанда “Кутадғу билиг”нинг учта йирик қўлёзмаси маълум (қаранг: Содиков 2000, 149–191). Уларнинг бири қадимги туркий-уйғур, иккиси араб хатида. Араб ёзувли қўлёзмалар (Наманган ва Қохира нусхалари), тахминларга кўра, XIII–XIV юзйилликлар оралиғида кўчирилган. Уйғур ёзувли нусхани эса 1439 ўили хиротлик Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган. Уйғур ёзувли қўлёзма ҳозир Вена Миллий кутубхонасида (A.F.13), Наманган нусхаси Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари марказида (1809- кўрсаткичли қўлёзма), учинчisi эса Қохирада сақланмоқда (қисқартмада қўлёзмаларни QBH, QBN, QBQ деб белгиладик).

Асарнинг Ҳирот нусхаси, матннинг мураккаблигиданми, олимлар эътиборидан айтарли четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, бу нусханинг ўзига яраша ютуклари оз эмас. Кузатувларга кўра, уйғур ёзувли қўлёзма бошқаларига қарагандан эскироқ нусхадан кўчирилгани аён бўлмоқда. Унинг бошқа нусхалардан фарқли ерлари кўп. Мухими, ушбу фарқлар матнда йўл кўйилган хатолар эмас, мазмун билан боғлиқ. Унинг котиби қорахонийлар даври тилини жуда яхши билган ва матнга укув ила ёндашган. Қўлёзма кунт билан ўрганилса, асар ва унинг мазмуни билан боғлиқ кўп тутунлар ечилади, илкин нусха (муаллиф варианти) сари йўл очилади.

“Кутадғу билиг”нинг учала нусхасида матн тузилиши бир оз фарқли. Жумладан, QBN қисқа насрый муқаддима билан

бошланган. Сүнг боблар мундарижаси келади, кейин яна унвон (басмала) билан мавзуга ўтилади.

Уйгур ёзуви QBH ҳам насрий муқаддима билан бошланган. У тугагач, 76 байтли шеърий муқаддима келади. Унда ҳам насрий муқаддимада тилга олинганлар бирма-бир, аммо энди назмда баён этилган. Иккинчи муқаддимадан кейин *Führist-i abvab* сарлавҳаси билан боблар мундарижаси келтирилган. Фиҳристдан сүнг унвон билан мавзуга кўчилади.

QBQ нинг тузилиши ҳам уйғур ёзуви кўлёзмага якиндири.

Асар бобларининг бошдаги ўн бири дебочадир. Булар ҳамд, сано, наът, ёруғ кўклам ва улуғ Буғрахон мадхи, етти юлдуз ва ўн икки бурж баёни, киши ўғлининг қадри билим ва укув билан белгиланажаги, тилнинг фойдаси билан зиёни, китоб эгасининг узри, эзгуликнинг мадхи, билим ва ақлнинг фазилати, китобнинг мазмуни ва муаллифнинг ўзи тўғрисидаги боблардир. Ўн иккинчи фаслдан бошлаб воқеалар баёнига ўтилади.

QBQ нинг хотимасида мавзудан ташкари яна уч боб келтирилган. Уларда ўтган йигитликка ўқинч, замона бузуклиғиу дўстлар жафосининг хасрати, асар эгаси Юсуф улуғ Ҳожибининг ўзига панди баён этилади. QBN да матн сўнгидаги ушбу уч боб тушиб қолган. Бирок фиҳрист-и аввабда уларнинг иккиси (*Fanî dunyakâ arılıp, tiriglig yawa bolmîši; Zamana bîwasîni, dostlar jafasîn ayur*) якуний боблар сифатида қайд этилган. Уйғур ёзуви QBH да эса хотимадаги ўтмиш йигитликка ўқинч, замона ва дўстлар вафосизлигининг хасрати ҳакидаги фасллар учрамайди. Унда сўнгги китоб эгаси Юсуф Хос Ҳожибининг ўзига панди ҳакидаги боб келтирилган. Лекин асар бошидаги мундарижада ушбу фасллар (70–72- боблар) қайд этилган. Уларнинг аталиши шундай: *Tiriglig yawa qilmîšin ökünmäkligin ayur; Yusup çîlbaşı yigîllikkä ökünüp añaqalıyin ayur; Ödlâk artaqi, dost-qadaş jafasîn ayur*.

Уч кўлёзма фиҳристларининг тартиби ҳам ўзига яраша. QBN фиҳристида 67 бобнинг аталиши келтирилган. Асарнинг илк анъанавий – тангрига ҳамд, ялавоч алайҳиссалом ўгдуси, тўрт сахобанинг фазилати, Ўрдукан хони Тавғач Буғрахон мадхи бўлимлари мундарижада йўқ. Бешинчи – етти кавоқиб ва ўн икки бурж тўғрисидаги боб *Kitap başi* деб қайд этилган.

QBN фиҳристида эса 73 бобнинг оти келтирилади. Лекин ушбу нусха фиҳристида, аввалги кўлёзмадан фарқли ўларок,

бошланишдаги анъанавий тўрт бобнинг сарлавҳаси ҳам сирага киради. Яна бир белгиси, QBH фиҳристида келтирилган бобларнинг тартиби белгилаб борилган: *avval bab, ikinc bab, üçinc bab, törtünç bab* ва б. Охиргиси *yetmiş ikinc bab*, хотимаси эса *sosy bab* деб қайд этилган.

QBQ фиҳристида 72 бобнинг аталиши берилган ва унда ҳам асарнинг бошланғич анъанавий бўлимлари боблар сарасига киритилган. Маълумки, ўрта аср китобатчилигидаги асар муқаддимасидаги анъанавий бўлимлар ва хотима (асар эгасининг узри келтирилган боб) зарурй эди. Уларни фиҳристда қайд этмаслик матнигуносликда уқадар жиҳдий нуқсон хисобланмаган. Шунинг учун бўлса керак, QBN фиҳристида ҳам ушбу бобларнинг сарлавҳалари тушириб колдирилган кўринади.

Яна бир белгиси: QBN да матн орасида ана шу дастлабки тўрт боб сарлавҳалари арабча аталган. Мухими шундаки, уйгур ёзувли QBH да ушбу бобларнинг сарлавҳалари фиҳристда ҳам, матн орасида ҳам туркийдадир. Жумладан, матн ичидаги сарлавҳалар шундай: *Teyri 'azza va jalla ögdüsün ayur; Yalawač 'alayhis-salam ögdüsün ayur; Tört sahabanij fazilatın ayur; Yaruq yaz faslin, uluy Bıvraxım ögdüsün ayur.*

QBQ да матн орасидаги дастлабки уч боб сарлавҳаси арабча, тўртинчи – Буграхон ўгдуси бобидан бошлаб туркий аталган.

Афтидан, бошда (муаллиф нусхасида) боб сарлавҳаларининг бари фақат туркийда эди. Кейинчалик, асар мақаддимасидаги бошланғич бобларнинг сарлавҳалари шарқ ислом китобат анъанаси йўлини тутиб, арабчага ўгирилган. Шунга кўра, асарнинг уйгур ёзувли QBH нусхаси қандайдир эскироқ нусхага асосланганлигини тахмин килиш мумкин.

Ҳар қайси қўлёзма фиҳристида қайд этилган боблар билан матн ичидаги, ҳатто айни қўлёzmанинг ички сарлавҳалари ҳам тўлиқ мос келмайди. Шунинг учун фақат фиҳристлар асосида асар неча бобли экани ҳақида фикр билдириш уқадар тўғри эмас. Бунинг учун ички сарлавҳаларни ҳам муайян изчилилликда қиёслаб чиқмоқ керак.

Маълумки, мавжуд нусхаларнинг ҳеч бири тўлиқ эмас. Бир нусхадаги боб бошқасида тушиб қолган ёки уларнинг айримлари бирлаштириб юборилган. Байтларининг сони ҳам кўп ўринда ўзаро тенг келмайди: бир нусхада бор байт бошқасида учрамайди

ва б. Құләмалар ичиде нисбатан тұлиғи QBN бўлиб, у 6106 байтгидир. Лекин унда асарнинг якуний боблари тушиб қолган.

Үйгур ёзуви нусхада эса ундан озроқ – шеърий муқаддимани қўшиб санаганда 5772 байтдан иборат. Мухими, мазкур қўләзмада асарнинг бошланиши ва охири бор.

Асарнинг муайян бир нусхаси устида ишлаганда баъзан мазмунни очиб бериш қийин кечади. Ана шундай ҳолларда асарнинг бошқа қўләзма нусхаларини чогиштириб ўрганиш ҳам қўл келади. Турли нусхаларни бир-бирига чогиштириш йўли билан матн мазмунини, уни кўчириш чоғида йўл қўйилган чалкашликларни аниқлашимиз мумкин. Бунга бир-икки ўрнак келтирамиз.

“Кутадгу билиг”нинг эзгу ишлар қилмоқликка бағишиланган тўққизинчи бобида тил ва сўз таърифида шундай байт бор. У асарнинг Наманган нусхасида куйидаги кўринишида:

*Uqus körki söz-ol, bu til körki – söz,  
Kişi körki yüz-ol, bu yüz körki – köz* (QBN.17a.6).

Ушбу байтнинг маъноси:

“Укув(яни заковат)нинг кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки – сўз,

Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки – кўз”.

Этибор қаратилса, биринчи сатрнинг маъноси ғализ эканини англаш қийин эмас: унда “укув”нинг ҳам, “тил”нинг ҳам “кўрки сўз” экани таъкидланмоқда.

Асарнинг уйгур ёзуви Хирот нусхасида ушбу байт бошқачароқ берилган – мантиқда изчиллик бор. Ундаги байт куйидагича:

*Uqus körki til-ol, bu til körki – söz,  
Kişi körkü yüz-ol, bu yüz körkü – köz* (QBH.19.23).

(Укувнинг кўрки тилдир, бу тилнинг кўрки – сўз,  
Кишининг кўрки юздир, у . . . . . – кўз).

Кўринадики, асарнинг Наманган нусхасини кўчираётган котиб, чарчаганиданми, беҳосданми, биринчи гандаги *til* сўзининг

ўрнига *söz* деб ёзib юборган. Ҳирот нусхасида эса ана шу байт асос күләмдән түгри қўчирилган.

Яна бир мисол. “Кутадғу билиг”нинг ўн биринчи бобида асар муаллифи Юсуф Ҳос Ҳожибнинг ёши билан боғлик мухим маълумот бор. Бу маълумот асарнинг Наманганд нусхасида шундай берилган:

*Tegürdi meñä elgi elik yaşım,  
Quyu qıldi quzyun tüsi-teg başım.*

*Oqır elik emdi meñär kel tey়,  
Pusuy bolmasa, bardım emdi naru* (QBN.20a.8–9).

Маъноси қўйидагича бўлади:

“Эллик ёшим менга қўл тегурди.

Кора қузгун тусидек бошимни оқ(куш) қилди [яъни: сочсоқолим оқарди].

Эллик (ёш) энди мен томон кел, деб чорламоқда,  
Пистирма (яъни ўлим) бўлмаса, энди нари бораман”.

Ушбу байтларда адиб ўзи тўғрисида маълумот берар экан, ёшининг элликдан ошиб олтмиш томон кетганлигини таъкидлаяпти. Лекин биринчи сатрда “Эллик ёшим менга қўл тегурди” деб, кейинги байтда ҳам “Эллик (ёш) энди мен томон кел, деб чорламоқда” дейилгани қизик. Чамаси, бу ўринда ҳам котиб тасодифан янгилишиб кетган: кейинги байтдаги *altıň* сўзининг ўрнига *elik* деб ёзив юборган.

Асарнинг уйғур ёзуви Ҳирот нусхасида эса ушбу байтлар тўгри берилган. Унинг ўқилиши шундай:

*Tegürdi meñä elgi elik yaşım,  
Quyu qıldi quzyun buşı-teg başım.*

*Oqır emdi altıň meñä kel tey়,  
Pusuy čiqmasa yolda, bardım sayu* (QBH.22.22–23).

Бу икки байтнинг маъноси қўйидагича бўлади:  
“Эллик ёшим менга қўл тегурди,

Кора күзгүн тусидек бошимни оң(куш) қилди [яньи: соч-соқолим оқарди].

Энди олтмиш (ёш) менга кел, деб чорламоқда,  
Йүлда пистирма [яньи ўлим] чиқмаса, у томон бораман”.

“Кутадғу билиг” нусхаларини ўзаро чоғишириб ўрганишнинг аҳамияти катта. Мұхими, ҳирот қўлёзмасининг аҳамияти бошка нусхалардан оз эмас, унинг ўзига яраша ютуклари ҳам бор. Матнлар бир-бирига чоғиширилганда асарнинг илкин, муаллиф нусхаси сари йўл очилади. Шу ўринда яна Ҳирот нусхасининг ўзгачаликлари, унинг афзалликларини кўрсатувчи мисоллардан кўриб чиқсан.

Асарнинг ўнинчи бобидаги бир байт Наманган нусхасида шундай берилган:

*Bolur öträ iślär bütün ham pişiy,  
Biliklig kişilär pişiy yer aşıy* (QBN.19a.1).

(Сўнг барча ишлар тугал ҳамда пишик бўлади,  
Билимли кишилар ошни пишик ейди).

Асарнинг Ҳирот нусхасида бу байт бироз фарқли. У шундай:

*Bolur öträ iślär bütün ham başıy,  
Biliklig kişilär başıy bil aşıy* (QBH.21.18).

Бунинг маъноси қўйидагича бўлади:  
“Сўнг барча ишлар тугал ҳамда саринча бўлади,  
Билимли кишилар(нинг жамоага) бош (бўлиш)ини фойдали деб билгин”.

Кишини фикрлашга ундовчи ери ҳам шунда: бу байтлар илк муаллиф вариантида *Biliklig kişilär pişiy yer aşıy* (Билимли кишилар ошни пишиқ ейди) деб эмас *Biliklig kişilär başıy bil aşıy* (Билимли кишилар(нинг жамоага) бош (бўлиш)ини фойдали деб билгин) дея берилганига ким ҳам эътиroz билдира лади? Асарнинг илмий-танқидий матнини тузганда ана шу белгиларни ҳам кўзда тутоқлик керак.

Яна мисол: “Кутадғу билиг”нинг наманган нусхасидаги боблар фихристи “*Yeti kavakib on iki buruj*” деган сарлавҳа билан бошланган (QBN.2b.5). Бунинг маъноси “Етти юлдуз, ўн икки бурж” деганидир. У ҳамд, наът ва Буғрахонга бағишлиланган бўлимлардан кейинги, китобнинг бошловчи бўлимининг аталишидир.

Қоҳира нусхасининг боблар мундарижасида бу сарлавҳа “*Yeti kavakib, on iki yulduznī ayur*” деб берилган (QBQ.8.6).

Ҳирот нусхасидаги боблар фихристида бу сарлавҳа бир оз фаркли; у “*Yeti yulduz, tört yayiz, on iki ökäknij ögdükini ayur*” деб берилган (QBH.8.9). Шу ўринда сарлавҳадаги *tört yayiz* бирикмасига эътибор қаратсак. Ундаги *yayiz* – асли ранг маъносини билдиради, “қўнгир ранг”дир. Бу сифат бадиий асарларда, хусусан, “Кутадғу билиг”да ҳам ерга нисбатан қўлланилган: *yayiz yer* – қўнғир ер (QBH.12.14). Кўчма маънода “ер”нинг ўзини ҳам билдиради, *yayiz* деганда “ер, тупроқ” тушунилади. Боб сарлавҳасига келсак, унда *tört yayiz* дейилмоқда, буни “тўрт ер” деб тушунилмайди; уни “унсур, элемент, материя” дея агламоқ керак: *tört yayiz* – “тўрт унсур” дегани. Ана шунда матнга мос тушади. Чунки ушбу бобда етти юлдуз, ўн икки бурж ва тўрт унсур тўғрисида сўз юритилган. Шундан келиб чиқиб, юкоридаги сарлавҳани “Етти юлдуз, тўрт унсур, ўн икки буржни мадҳ этганини айтади” деб ўгириш мумкин. Англашиладики, *yayiz* сўзи илкин маъносида “унсур”ни билдирган, қолган маъналари эса ўшандан учриган.

Наманган нусхасининг боблар мундарижасида олтинчи боб сарлавҳаси “*Yayluq ayırliqin ayur*” (“Инсоннинг қадр-қимматини айтади” – QBN.2b.6), асар давомида эса “*Yayluq ayırliqin tanurlayur biling birlä*” (“Инсоннинг қадри билим билан белгиланади”) деб берилган (QBN.12b.6).

Қоҳира нусхасининг боблар мундарижасида ушбу сарлавҳа “*Adam oyli ayirliqi biling birlä erdukin (ayur)*” (“Одам ўғлининг қадр-қиммати билим бирла эрканлигини айтади”) деб берилган (QBQ.8.7).

Ҳирот нусхасининг боблар мундарижасида бу сарлавҳа “*Yayluq oyli-qizi ayirliqi uqus, biling erdukin ayur*” (“Кипи ўғил-қизининг қадр-қиммати укув, билимда эканлигини айтади” – QBH.8.8), асар давомида эса “*Yalimyuq oylani 'azizliqi biling, uqus*

*birlä erdükìn ayur*” (“Киши ўғлонининг азизлиги билим, уқув бирла белгиланувини айтади”) деб берилган (QBН.16.17). Ораларидаги мухим фарқи: Наманган нусхасида “инсон, киши” маъносида келган *yañluq* сўзининг ўрнида Қоҳира нусхасида *Adam oyli*, Ҳирот нусхасида эса *yañluq oyli-qizi, yalinyuq oyланї* сўзлари келган.

Боб сарлавҳаларининг берилишига яна бир мисол. Қоҳира нусхасининг боблар мундарижасида ўнинчи боб сарлавҳаси “*Bilik, uquš, 'ilm erdämimi ayur*” (“Билим, укув, илм фазилатини айтади”) деб берилган (QBQ.8.11).

Ҳирот нусхасининг боблар мундарижасида эса ушбу сарлавҳа: *Yañluq ayürlüyü bilig, uquš bila erdükìn sözlär* (Кишининг қадркиммати билим, укув бирла эканлигини сўзлайди) кўринишида (QBН.8.13). Бирок асар давомида бобнинг бошидаги сарлавҳа *Yal(n)guq arıylüyü bilig, uquš birlä erdükìn ayur* деб берилган (QBН.20.5). Мухим фарқи – юкоридаги *ayürlüyü* (қадри) сўзининг ўрнида *arıylüyü* келади. Қадимги туркийда *arıylüyü* – “тозалик, софлик, поклик” дегани. Шундан келиб чиқиб, бу сарлавҳани “Инсоннинг поклиги билим, уқув бирла эрканини айтади” деб тушунмак керак.

Яна мисоллар. Асарнинг тил таърифига багишлиланган бобида, Наманган нусхасида:

*Öküš sözläsä, yañsadï ter tilig,*  
*Yana sözlämäsä, ayin ter tilig* (QBN.13b.7).

(Кўп сўзласа, тилни эзмаланди дейилади,  
Аксинча, сўзламаса, тилни гунг-соқов дейилади).

Ҳирот нусхасида ушбу байт қуйидаги кўринишида:

*Öküš sözläsä, igşidi ter bilig,*  
*Yana sözlämäsä, ayin ter tilig* (QBН.17.14).

(Кўп сўзласа, ақли дардга чалинди, дейилади,  
Аксинча, сўзламаса, тилни гунг-соқов дейилади).

Ёки яна, Наманган нусхасида:

*Til asy়и telim bar, basınma öküш,  
Ara ögdilür til, ara miň söküş* (QBN.13b.10).

(Тилнинг фойдаси талайдир, ортиқча ховлиқма,  
Гоҳо мақталур тил, гоҳида минг сўкиш эшигади).

Ҳирот нусхасида:

*Til asy়и telim bar, yasi ma öküш,  
Ara ögdilür til, ara miň söküş* (QBN.17.18).

(Тилнинг фойдаси талайдир, зиёни ҳам кўп,  
Гоҳо мақталур тил, гоҳида минг сўкиш эшигади).

Эзгу ишлар қилмоқликка бағишиланган бобида Наманган нусхасида:

*Kiši körki söz-ol, bu söz-ök telim,  
Yuri, edgü sözlüg kişig ög tilim* (QBN.17a.4).

(Кишининг кўрки сўздир, сўз эса талай,  
Кел, эй тилим, эзгу сўзли киши(лар)ни мақта).

Ушбу байт ҳирот нусхасида шундай:

*Kiši körkü söz-ol, söz asy়i telim,  
Yuri, edgü sözlüg kişi ög tilim* (QBN.19.21).

(Кишининг кўрки сўздир, сўзниңг фойдаси талай,  
Кел, эй тилим, эзгу сўзли киши(лар)ни мақта).

Асар нусхаларини ўзаро чогиштириш жараёнида матн ва мазмун билан боғлиқ бунинг сингари мисоллар кўп чиқади.

Булардан кўринадики, муаллифнинг кўзи тириклигигидаёқ, асарнинг бир ... варианти бўлган. Бизгача сақланган қўллэзмалар бир нусхадан эмас, унинг турли вариантларидан кўчирилган, деб караш тўғри бўлади.

## **“Девону лугати-т-турк” қўлёзмасида ишлатилган ҳарфий ишоратлар ва айрим сўзларнинг ўқилиши**

“Девону лугати-т-турк” асарининг биттагина қўлёзмаси маълум, у ҳам бўлса, илкин эмас, кейинги даврга тегишли. Уни Муҳаммад бин-Абу Бакр Дамашкий отли котиб Шомда хижрий 664 йил, шаввал ойининг йигирма еттинчи куни (=милодий 1266 йил августининг биринчисида), ўзи ёзишига қараганда, Маҳмуд Кошғарий ўз қўли билан ёзган қўлёзмадан кўчириб тугаллаган. Ушбу нодир қўлёзма хозир Истанбулдаги Миллат кутубхонасида (Millet Genel Kütüphanesi. Kayıt No. Ar. 4189) сақланмоқда.

Қўлёзма 320 варакли (639 саҳифа). Ҳар бетига ўн етти қатордан қилиб матн битилган. Хати чиройли, насхда. Айтарли бутун бошли матн корада, орадаги боб ва фаслларнинг сарлавҳаси, бошланишда туркий мисоллар, шунингдек, сарлавҳа қилиб берилган ҳарфлар қизилда. Баъзи сарлавҳалар қуюқ корада ажратиб ёзилган. Матн бўйлаб туркий мисоллар қорада ёзилиб, устига қизил чизиқ тортиб қўйилибди. Мисол-тўртликларнинг қаторлари доирачалар билан ажратилган.

Баъзи тадқиқотларда, қўлёзмада туркий ўrnaklarning ёзилишида хатолар кўп; уни туркий тилни яхши билмаган киши кўчирган, деган қарашларни ҳам ўқиб қоламиз. Бундай қарашларга умуман қўшилиб бўлмайди. Аксинча, котиб эски туркийни жуда яхши билган, ўзи ҳам туркийлардан экани аниқ (буни котибнинг асарга битган сўзбошисидан ҳам билса бўлади). Матн қунт билан кўчирилган, билимли ва юксак кўникмага эга хаттотнинг иши бу. Афтидан, битгучи асарни кўчириб бўлгандан кейин ҳам, туркий ўrnaklarни қайта-қайта кўриб чиқкан кўринади; тузатиш киритилган ўринлар ҳам бор. Хаттот ҳатто эски уйғур хатини ҳам яхши билган, дея оламиз: бир неча ўринда ёзган мисоллари ўта чиройли; ҳар кимса ҳам бундай ёза олмайди уйғур хатини. Оллоҳ раҳмат қылсин у кишини, қўлёзмани кўчиришда узок ишлагани, анча тер тўkkани билиниб турибди.

Энг муҳими, қўлёзмада туркий мисолларнинг тўғри ўқилишини таъминлаш учун уларга турли диакритик белгилар (ҳаракатлар) изчил кўйиб борилган. Ушбу график ишоратлар сўзлар талафузини, уларнинг ўқилишини аниклашда қўл келади. Қўлёзма қадринген санча сизради.

Шу ўринда матн имлоси, туркий мисолларга кўйиб кетилган диакритик белгилар билан боғлиқ бир хусусиятга эътибор қаратмоқчимиз. Қизиги шундаки, қўлёзмада айрим ўринларда муайян ҳарф устига ва остига бирйўла икки хил ҳаракат: *fâħa* ва *kasra* ёки *zâmatta* ва *kasra* кўйиб кетилган. Бугина эмас, бир сўзнинг ўзи бирйўла икки хил ҳарф билан ёзилган ўринлар ҳам бор. “Девону луғати-т-турк”нинг ҳозирги замон нашрларида, қўлёзмадагисини янглиш санаб, улардан бири қабул қилинмоқда. Луғатда берилган сўзларнинг бир хиллигини сақлаш, ўкувчининг кўпда чалғимаслиги учун бу яхшидир. Лекин қўлёзмада сўзга бериб кетилган иккинчи ишоратнинг маъниси нима? Муаллиф нимага ишорат килмоқда бунинг билан? Бизнингча, ҳарфий ишоратларнинг бундай тарзда қўйиб кетилгани, бир сўзнинг икки икки хил ёзилгани бежиз эмас. Чамаси, ушбу сўзлар икки хил талаффуз қилинган; муаллиф сўзнинг ёзма адабий тилдаги кўриниши билан бир каторда, унинг талаффузи, шевалардаги фонетик вариантини ҳам кўзда тутган чоғи. Матнда турли ҳаракатлар аралаш ишлатилганинг сабаби ҳам шу. Қўлёzmани кўчириш чоғида котиб янглишган эмас.

Энди буни мисолларда кўриб чикамиз.

*Биринчиси*, бир ҳарфга бирйўла *fâħa* ва *kasra* белгиларининг қўйишлиши ҳолати.

Сўз бошида *alif* ҳарфига *fâħa* ва *kasra* белгиси қўйилган. Бу ишорат икки хил вазифани ўтайди. Биринчиси, у ингичка [e] товушининг ифодаси бўлиб, бир сўзни икки хил – ундан ҳам, бундай ҳам ёзиш мумкинлигига ишора қиласди. Масалан: آفَكْ / إِفَّاكْ / آفَكْ / إِفَّاكْ / آفَكْ / إِفَّاكْ *ewâk* – шошқалок, Ҷи *ewâk er* – шошқалок киши. Ёки яна: آلوڭ / إِلُوكْ *elük* – масхара; хазил (МК.37a).

Иккинчиси, йўғон ўзакли сўзларда ушбу ишора бир сўзнинг [a] билан ҳам, [i] билан ҳам талаффуз этилганлигини англатади. Бунинг мисоли: آتْنچو / إِتْنچو نانكْ / نانكْ *atînču* / *iñinču*: آتْنچو / إِتْنچو *atînču* / *iñinču* – ташланган, отилган нарса (МК.40a).

*Tašiqti* (ташкари чиқди) сўзини ёзишда сўз бошидаги Ҫ та ҳарфига бирйўла ҳам *fâħa*, ҳам *kasra* белгиси қўйиб кетилган. Шунга кўра, бу сўзни *tašiqti* ҳамда *tîšiqti* шаклларида ўқиш мумкин бўлади. Мана мисоли:

از آفدىڭ تىشىقى / تىشىقى *taşıqtı / tüşiqti* – чиқди, ташқари чиқди; تىشىقى / تىشىقى */ er ewdin taşıqtı / tüşiqti* – киши уйдан ташқари чиқди (MK.163b).

Taş сўзининг *i* ли варианти ҳозирги айрим туркий тилларда ҳам сақланган. Жумладан, турк тилида *tış* сўзининг *d* лашган вариантти кенг қўлланади: “ташқари чиқди”ни турклар *dışarıya çıktı* / *dışarı çıktı* дейди; ёки *Diş İşler Bakanlığı* – “Ташқи ишлар вазирлиги” дегани; ёки ҳаво йўлларида: “ички йўллар” – *iç hatlar*, “ташқи йўллар” эса *diş hatlar* бўлади. Яна чоғиштиринг, Хоразм топонимларидан: *İcənqala* – “ички қалъа” дегани; *Dışanqala* – “ташқи қалъа, яъни шаҳардан ташқаридаги ўрда”.

Бир ҳарфга бирйўла *zatma* va *kasra* белгиларининг қўйилиши ҳолати. Бунда *zatma* лиси сўзининг лабланган [i], [ü], [o] [ö] товушлари билан, *kasra* лиси эса [i] ёки [j] билан ўқилишига ишора килади. Буларнинг мисоли:

أَنْ أَنِي الْخَلَدِي / الْخَلَادِي ol anî eliklädi / elüklädi – у уни масхара **الْخَلَامَاتُ / الْخَلَامَكُ**, мазак қилди, **الْخَلَانُ / الْخَلَانُ** (*eliklär / elüklär*) (*eliklämäk / elüklämäk*) (MK.78a).

Ёки яна:

أَنْ بُو أَشْعَجْ جَعْكَلَنْدِي / جَعْكَلَنْدِي ol bu aşiy čiwkünländi / čiwickinländi – у бу овқатни баданни енгиллатадиган, баданга фойдали деб билди **جَعْكَلَنْمَاتُ / جَعْكَلَنْمَكُ**, **جَعْكَلَنْلَوْزُ / جَعْكَلَنْلَوْزُ** (*čiwkünlänmäk / čiwickinlänmäk*) (MK.203a).

أَنْكَنْ / انگىنْ öryük / önjik – попук; ёстиқнинг ипаклик кулоқлари, богочлари (MK.40b).

تُرْغُ turuy / turiy – тоғлардаги қалъа, туар жой (MK.94a).

سُرْقُ / سُرْقُ suruq / suruq – чодирнинг устуни (MK.96b).

Матнда бир ҳарф устига остан-устун *fatḥa* va *zatma* белгиларини қўйиш ҳолати ҳам учрайди. Масалан, *tat* сўзини ёзища сўз бошидаги **تَ** *tā* ҳарфининг устига *fatḥa* va *zatma* кўйилган. Бу ишора ушбу сўзининг [a] билан ҳам, [u] билан ҳам талаффуз қилинганини англатади:

تَ / تُتُّ tat / tut – килич ва пичоклар устида пайдо бўладиган занг (MK.204a).

Яна бир эътиборли жиҳати, айрим ўринларда муайян бир сўз икки ҳарф билан ҳам ёзилган. Масалан, *qoy* сўзи тушум келишишига келганда **وْ** *ya* ҳарфининг устига **عْ** *nūn* нинг нуқтасини

кўйиб, ундан кейин *żatma* белгиси кўйилган. Шунга кўра, ушбу сўзни *qou* ва *qop* шаклларида ўкиш мумкин:

آن ۋۇنۇغ / ۋۇنۇغ ئىڭلەدى *ol qoysi / qonuy özüklädi* – у кўйининг ўқ томирини кесди (МК.77b);

آن ۋۇنۇغ / ۋۇنۇغ باتىردى *ol qoysi / qonuy baturdi* – у кўйни боғлатди (МК.265a);

اَز ۋۇنۇغ / ۋۇنۇغ سىئىدى *er qonuy / qoysi soydi* – киши кўй терисини шилди (МК.276b);

اَز ۋۇنۇغ / ۋۇنۇغ سادى *er qonuy / qoysi sadi* – киши кўйни санади (МК.277b).

Туркий шеваларда бундай сўзларнинг икки хил ишлатилишини Махмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Жумладан, *butaq* сўзига изоҳ берар экан, ёзади:

بېتق / بېتق *butaq / butiq* – бутоқ; бир шевада. Бу сўздаги *č tā* ҳарфининг *fathā* ли ўқиладиган тури бўлганидек, *kasra* ли ўқиладиган тури ҳам бор [яъни بېتق *butiq* ва بېتق *butaq* тарзидаги талаффузлари] (МК.95a).

Ёки яна:

سَرْقِيْق / سَرْقِيْق *sarqiyiq / sarqimiq* – хар нарсанинг ичи. Муаллифнинг таъкидлашича, бу сўзнинг *č nūn* билан ёзиладиган ميزاب و متزاب میزاب و منزار و منشار икки хил кўлашга мосдир (МК.262a).

Юкоридаги мисоллардан Махмуд Кошғарий туркий ўрнакларни беришда сўзларнинг фонетик вариантлари, уларнинг шевалардаги талаффуз шаклларига алоҳида ургу бергани кўриниб туриди. Бу товуш ҳодисасини у турли график воситалар, ишоратлар билан аник ва ихчам кўринишда ўз лугатида акс эттира олган. Шунга кўра, туркий ўрнакларни ўкиганда, айниқса, асарнинг илмий нашрларини яратишда уларнинг иккала шакли ҳам эътиборга олинмоғи керак.

Яна бир жиҳати, кўлёзмада кўп ўриңда ҳошияларга ҳам мисоллар берилди. Буларни тасодифан тушиб колган, устидан ўқиши чогида тузатиб чиқилган, деб бўлмайди. Тўғри, бундай ерлари ҳам бор: матнда тасодифан тушиб қолган бир-икки сўз ҳошияга ҳам чиқариб кўйилган. Лекин, биз сўз юритаётганимиз ёзувлар лугатнинг бутун бошли сўзмаколаларидир. Уларни йўл-йўлакай унтиб колдириб, кейин қўшиб кўйилуви мумкин эмас. Бу қўшимчалар кейинчалик бошқа

олимлар томонидан тўлдирилган деб ҳам бўлмайди: тили, хат услуби бир. Демак, ҳошиядаги ёзувларни котибнинг ўзи кейинчалик асарнинг бошқа бир қўлёзмасидан олиб тўлдиргани ойдинлашади.

Тахминимизча, котиб ушбу қўлёзмани кўчиришда унинг икки қўлёзма нусхасига таянган кўринади. Бошда у асарни бир қўлёзмадан олиб, тўлик кўчириб чиқкан. Кейинчалик, қўлёзмани тугаллагандан сўнг, унинг қўлига асарнинг эски, аввалгисига қараганда тўликроқ нусхаси тушиб қолган. Бу нусха, ҳарқалай, унинг ўзи асар якунида таъкидлаганидек, лутфат муаллифи ўз қўли билан тузган илкин қўлёзма бўлуви керак. Котиб ана шу илкин қўлёзмага таяниб, ўзи кўчирган матн устидан қайта кўриб, аввалгисида учрамаган, тушиб қолган ўринларни ана шу нусхадан олиб, ҳошияларга ёзиб чиқкан. Ҳатто, бир ҳарфга қўйилган икки хил диакритик белгини ҳам кўпроқ ўша, ўзи таъкидлаган, муаллиф нисхасига таяниб қўйиб чиқкан бўлуви ҳам мумкин. Шундай килиб, “Девону лутфати-т-турк”нинг фанга таникли, ҳозирча ягона саналаётган ишончли қўлёзмаси яратилди.

### **Алишер Навоий Адаб Ахмад мероси тўғрисида**

Алишер Навоий ўзининг икки асарида Адаб Ахмад Югнакийни ҳурмат-эҳтиром билан тилга олган. Бири, “Насойиму-л-муҳабbat” тазкирасида. У ерда Навоий адабнинг кўзи ожиз экани, лекин ўта зийрак ва закийлигини таъкидлаб, унинг билан боғлиқ бир нақлни эслайди. Адабнинг турк алфозида битган панду ўйтларини юкори баҳолаб, унинг шеърият аҳли орасида шуҳрат топган шоҳ байтларидан ўрнаклар келтиради.

Мана ўша байтлар (мисолни “Насойиму-л-муҳабbat”нинг Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида 97а кўрсаткичи остида саклананаётган қўлёзмасидан келтирамиз – 98а- бет):

*Uluylar ne bersä, yemäs-men demä,  
İlig sun, ayız ur, yemäsäň yemä.*

*Yana bu ham anïñdur-kim:*

*Tiliŋni tiya tut, tišiŋ s̄immasun.  
Bu turyan xalayıq seňä külmäsün.*

*Bu ham anïñdur-kim:*

*Söňäkkä iligdür, erängä bilig,  
Biligsiz erän-ol iligsiz söňäk.*

Учинчи байтнинг иккинчи мисраси қўлёзмада *Biligsiz erän-ol söňäksiz ilig* шаклида берилган ва *söňäksiz ilig* бирикмасининг тагига *iligsiz söňäk* деб ёзиб қўйилган. Байтнинг маъносидан келиб чиқиб, илмий-танқидий матнда, ушбу мисрани *Biligsiz erän-ol iligsiz söňäk* шаклида тиклаш мумкин (жумладан, Ҳамидхон Исломий “Насойиму-л-муҳабbat”нинг илмий-танқидий матнини тузгандা ана шундай йўл тутган – NMT.333).

Шу ўринда мазкур байтнинг тўртлик таркибидаги ҳолатини текшириб кўрайлиқ. Бу байт кирган тўртлик “Хибату-л-ҳақойик”нинг *A* нусхасида шундай шаклдадир:

*Söňäkkä yilig-teg erängä bilig,  
Erän körki 'aql-ol, söňäknij yilig.*

*Biligsiz yiligsiz söňäk-teg xalî,  
Yiligsiz söňäkkä sunulmas elig* (YugA<sub>18-19</sub>).

Юқоридаги тўртликнинг 1-, 2-, 4- қаторлари ўзаро қофиядош (*a-a-b-a*). Муҳими шундаки, Навоий келтирган мисолда иккинчи байт “Хибату-л-ҳақойик”даги шаклидан ўзгарган: *Erän körki 'aql-ol, söňäknij yilig* “Насойиму-л-муҳабbat”да *Biligsiz erän-ol iligsiz söňäk* деб берилган. Асарнинг мавжуд қўлёзмаларида сўнгти бирикманинг мазмунга тўғрилаб *iligsiz söňäk* ёки қофияни назарда тутиб *söňäksiz ilig* деб берилганлигининг боиси ҳам шунда.

“Насойиму-л-муҳабbat”да Адип Аҳмаддан ўrnak келтирилган уч байтнинг биринчisi “Хибату-л-ҳақойик”да учрамайди. Демак, ушбу байт шоирнинг бизга маълум бўлмаган панду насиҳат мазмунидаги бошқа бир асаридан олинган дейиш мумкин.

Навоий келтирган иккинчи мисолни “Хибату-л-ҳақойик”даги байтларнинг бирига муқояса қилса бўлади, лекин унинг иккинчи

мисраси тамоман ўзгача. Қиёс учун “Ҳибату-л-ҳақойик”даги шунга якын бўлган мисрани ўз ичига олган тўртликни келтирамиз (С нусха бўйича):

*Eşitkil biliglig nekü dep ayur:  
Adablar başı til, ködäzmäk turur.*

*Tiliň bektä tutğıl tişin şıńmasun,  
Xalı čiqlsa bektin, tişinji siýur* (YugC<sub>13</sub>).

Ушбу тўртликнинг учинчи мисраси Навоий келтирган иккинчи мисолга қисман тўғри келади, холос. Лекин у айнан “Ҳибату-л-ҳақойик”дан олинганми-йўкми, аник-таник айтиш кийин.

Учинчи байт адабнинг “Ҳибату-л-ҳақойик” асаридан.

“Насойиму-л-муҳабbat”нинг М. Мирзаахмедова тайёрлаган Тошкент нашрида ва Кемал Эраслан тайёрлаган Истанбул нашрида юкоридаги уч байтнинг биринчи ва учинчиси келтирилган, холос. Ҳар икки нашрда иккинчи байт учрамайди (афтидан, нашрларга асос бўлган кўлёзмада шундай бўлган кўринади). Лекин ушбу байт, кўриб ўтилганидек, асарнинг Санкт-Петербург кўлёзмасида бор.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуzzамонга битган мактубларидан бирида (бу мактуб “Муншаот”га кирган) Адип Ахмад ўтитларини эслаб, ундан ибрат қилиб бир тўртликни ҳам келтиради. Мухими шундаки, ушбу тўртлик “Ҳибату-л-ҳақойик”дан олинган эмас. У Адип Ахмаднинг буткул бошқа бир асаридан. Мана ўша шеър:

*Atadın xatā kelsä, körmä xatā,  
Şavāb bil xatā qilsa taqī ata.*

*Atanıň xatāsıñi bilgil şavāb,  
Seni yüz balādin qıtqaryay Xudā.*

Навоийнинг “Насойиму-л-муҳабbat” асарида Адип Ахмад ижодидан ўрнак қилиб келтирилган байтлар ҳамда “Муншаот”да ибрат қилиб келтирилган тўртликдан англашиладики, Адип

Аҳмаднинг “Хибату-л-ҳақойик” асаридан ташқари, панд-насиҳат руҳидаги бошқа асарлари ҳам бўлган. Лекин ўша асарлари кунимизгача тўлиқ ҳолда сақланган эмас.

Англашиладики, Адиб Аҳмад асарлари ўрта асрлар туркий адабиётида ғоят шухрат қозонган. Унинг байтлари эл орасида мақолу ҳикматлар сифатида кенг ёйилган эди. Навоий ана шуларга ишора қиласи.

### **“Мұхокамату-л-лугатайн” асари құләзмаларининг чөфиштирма таҳлили**

Алишер Навоий “Мұхокамату-л-лугатайн” (“Икки тил мұхокамасы”) асарининг түртта құләзмасы маълум (МЛ, 6-8):

А. Нусхалардан бириңчиси Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейи Реван кутубхонасида 808- кўрсаткичи остида сақланувчи Навоий куллиётининг 774а-781б- бетларидан ўрин олган. Ушбу құләзма, тахминларга қараганда, мавжуд нусхаларнинг энг эскисидир. Хати ўта тартибли, ҳар бетига 27 қатордан матн битилиб, тевараги зарҳал ҳошия билан ўралган. Орадаги оятлар ва айрим арабча жумлалар қирмизи рангда.

В. Асарнинг яна бир нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимидаги сақланаётган 4056-кўрсаткичли Навоий куллиётига кирган (құләзманинг 773б-781а-бетларда).

Асар безакли унвон (варақнинг тўртдан бир бўллагига ишланган нақш) билан бошланиб, ичига “Kitāb-i Muḥākamatu-l-ḥuqāyatūn” деб ёзилган (773б). Мажмуага кирган бошқа асарлар ҳам безакли унвон билан бошланиб, сарлавҳалари ана шундай тартибда берилган: “Kitāb-i Munājatnāma”, “Kitāb-i Čehil xadīs”, “Kitāb-i Nażmu-l-javāhīr” сингари.

Матн бошдан-охир уч чизиқли жадвалга ўроғлиқ. 775а, 776б-бетларда матндан тушиб қолган жойлар ҳошияга ёзилиб, улар ҳам жадвалга ўралган.

Хати қорада, орадаги оятлар, ўрнак сифатида берилган сўзларни ажратиб турувчи нуқталар қирмизи рангда. Хати текис, лекин майда. Ниҳоятда чиройли құләзма.

С. Париж нусхаси. Ушбу нусха Миллий кутубхонада сақланаётган Назарий куллиётини таркибида (Suppl. Turc. 317/1513-

кўрсаткичли қўлёзма). “Муҳокама: у-л-луғатайн” қўлёзманинг 277b–285b- бетлари дадир.

Қўлёзма 1526–1527 йилларда кўчирилган, ўта тартибли. Ҳар бетига 25 қатордан матн битилган бўлиб, орадаги оятлар, арабча жумлалар, шунингдек, *bayt*, *rubā'ī* сингари бошламалар қирмизи, зарҳал рангларда.

Яна бир жиҳати, Тўпқопи қўлёзмасида шеърий мисоллар: байтлар, тўргликлардан аввал *bayt*, *rubā'ī*, *qī'a* сингари сарлавҳалар қўйилмаган, лекин бўш жой ташлаб кетилган (котиб уларни ёзиб чикишга ултурмаган чоғи). Париж қўлёзмасида эса ана шу сарлавҳалар ҳам бор.

“Муҳокамату-л-луғатайн”нинг Тўпқопи ва Париж нусхалари матний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин.

**D. Аасарнинг яна бир қўлёзмаси Будапештда сақланмоқда.**

“Муҳокамату-л-луғатайн”нинг қўлёзмалари орасида Тўпқопи ва Париж нусхалари матний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин: Тўпқопида қайси жойлари тушиб қолган бўлса, Париж қўлёзмасида ҳам айтарли шундай.

Аасарнинг Фотих кутубхонасида сакланаётган қўлёзмаси бошқа нусхалардан бирмунча фарқ килади. Мухими шундаки, юкоридаги икки қўлёзмада учрамайдиган сўз ва жумлалар ушбу нусхада тўлдирилган; текстологик жиҳатдан бу нусханинг ўзига яраша афзаллиги ҳам бор.

Куйида аасарнинг қўлёзма нусхалари ўртасидаги ана шундай текстологик фарқларга тўхталамиз.

Навоий ўз аасарида туркий тилнинг сўз бойлигини кўрсатиш мақсадида форсийда муқобили бўлмаган юзта феълни келтирган. Уларнинг юзта сўз (*üz lafz*) эканлигини муаллифнинг ўзи ҳам икки-уч ўринда таъкидлайди. Қизиги шундаки, аасарнинг Тошкент нашрида ушбу феъллар тўқсон тўққизта. Бунинг боиси, аасарнинг бизга етиб келган қўлёзмаларида уларнинг сони турлича: Тўпқопи ва Париж нусхаларида тўқсон тўққиз, Фотих ва Будапешт нусхаларида юздадир. Ушбу икки нусхада бошқа қўлёзмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У *çitmildilamaq* феъли бўлиб, кетма-кетлиқда *qic̄itlamaq* сўзидан кейин келади. Бундан кўринадики, ҳалиги нусхани кўчираётган котиб бу сўзни тасодифан тушириб қолдирган. Тошкент нашрида ушбу феълнинг учрамаслигининг сабаби ҳам шунда, нашр учун Париж қўлёзмаси асос бўлган.

Йиғма матн тайёрлаш жараённида Анқара нашрида матнга ана шу феъл ҳам киритилибди (Содиқов 2011,12, 30).

Яни бир жиҳати, юзта феълнинг баъзилари қўлёзмаларда бироз фарқ қиласди: масалан, Тўпқопи қўлёзмасида – *oxrantmäk*, Фотиҳ нусхасида – *oxrantmaq*; кейингиси тўғри, биринчи нусхада котиб тасодифан янгилишиб кетган кўринади; Тўрқопида – *suqlatmaq*, Фотиҳ нусхасида – *suqlatmaq* ва б.

Навоий келтирган юзта феъл ичидаги қўлёзмаларда бир-биридан фарқли бўлганилари қўйидагилардир:

Тўпқопи қўлёзмасида (775b–776a)	Париж қўлёзмасида (278b–279a)	Фотиҳ қўлёзмасида (774b)
<i>utintmaq</i>	<i>utintmaq</i>	<i>utsintmaq</i>
<i>oxrantmäk</i>	<i>oxrantmäk</i>	<i>oxrantmaq</i>
<i>qılımtaq</i>	<i>qılımtaq</i>	<i>qılıntmaq</i>
<i>yaşqataq</i>	<i>yaşqataq</i>	<i>yasqataq</i>
<i>işqartaq</i>	<i>işqartaq</i>	<i>işqartaq</i>
<i>tançqataq</i>	<i>tançqataq</i>	<i>yancıqataq</i>
<i>qaħataq</i>	<i>qaħataq</i>	<i>qaħataq</i>
<i>čıprutmaq</i>	<i>čıprutmaq</i>	<i>čıprutaq</i>
–	–	<i>čımdılamaq</i>
<i>suqlatmaq</i>	<i>suqlatmaq</i>	<i>suqlanmaq</i>

Баъзи ўринларда жумлаларнинг тузилишида ҳам фарқли жиҳатлари бор. Масалан, Тўпқопи ва Париж қўлёзмаларидағи айрим жумлалар Фотиҳ қўлёзмасида таҳрир қилинган ёки аввалги икки қўлёзмада учрамайдиган жумлалар Фотиҳ қўлёзмасида тўлдирилган (*қаранг*: МЛ,21–25). Бир-иккитасини кўчириш чоғида тушириб қолдирилган, дейиш мумкиндир, лекин орада муҳим маълумотлар ҳам киритилган бўлиб, улар тил ва услуб жиҳатидан Навоийнинг жумлалари, буларни асарга муаллифдан бошқа киши киритуви мумкин эмас.

Куйидаги мисолларга эътибор каратинг:

Тўпқопи қўлёзмасида	Фотиҳ қўлёзмасида
Fârsîgoy türk beglär-ü mirzâdalar <i>boxsamaq</i> nî fârsî til bilâ tilâsälär-ki. adâ qılıyaylar <... ...> (776a).	Fârsîgoy türk beglär-ü mirzâdalar <i>boxsamaq</i> nî fârsî til bilâ tilâsälär-ki, adâ qılıyaylar, āyā ne nav' qılıyaylar? (775a)

<p>Va agar bir-biridin mutamayyiz qılsa, türkçä at bilä-oq aytur.</p> <p>&lt;... ...&gt;</p> <p>Yana at anvā'ıda-ki, <i>tabučaq-u arymaqt</i> va yākā-vü yabu va tatu yosunluq barını türkçä-oq ayturlar (777a-777b).</p>	<p>Va agar bir-biridin mutamayyiz qılsa türkçä at bilä-oq aytur.</p> <p>Yana yazı quşlarıdın <i>toydaq-u toydarı, čäryraq, qılqırıuy, qulapurya, yapalay, quladı, läglak, čaylaq, qaraquş, telbäquş, čiqčiyy-deg</i> quşlarıń atları yoqtur, köpin türkçä ayturlar. Va tay-u tüzdä čılıya, <i>sogmay, döš, aryadal, qırışma, burtay-u sekritmä, sırt, učma, eşmä, burmay, ılat, taqıralan, toqay, kölkülük, saj, sayaj, čaqıl, say, şortay-deg</i> nimälärniń köpigä at ta'yın qılmaydurlar.</p> <p>Va jānvärlarnıń ünidin bir at <i>kişnämägigä ſıha</i> at qoyupturlar. Tewä <i>bozlamayıya-vu</i> uy <i>müjrämägigä</i> va ešäk <i>ı̄ymamayıya</i> va it <i>müjaşmayayıya-vu ulumayıya</i> lafz yoqtur.</p> <p>Yana at anvā'ıda-ki, <i>tabučaq-u arymaqt</i> va yākā-vü yabu va tatu yosunluq barını türkçä-oq ayturlar (776b).</p>
<p><i>andaq-ki, qahal-u yasal va qabal-u tunqal</i> va <i>tarqal-u tosqal</i> va <i>soyuryal</i>.</p> <p>&lt;... ...&gt;</p> <p>Bu alfaz-u 'ibāratda bu nav' daqäyiq köpdür-kim, bu künğä deginčä heč kişi munuň haqıqıya mulähaza qılmayan jihaddin bu yaşurun qalipdur (778a).</p>	<p><i>andaq-ki, qahal-u yasal va qabal-u tunqal</i> va <i>tarqal-u tosqal</i> va <i>soyuryal</i>.</p> <p>"Qılıč bilä čapmay"nın, "suylumay"nın va "nayza bilä sançmay"nın-vu "Ilmay"nın – barisün <i>zad</i> lafzi bilä adä qılurlar.</p> <p>Yana ba'dı mahal va makanya bir "qäf" ilhäq qılıp, bir faşl yä bir amrya mansüb qılurlar, andaq-ki, <i>qişlaq-u yaylaq</i> va <i>awlaq-u quşlaq</i>. Va bu ham yarıbdur va farsıda ham ba'dını türk tili bilä ayturlar. Bu alfaz-u 'ibāratqa bu nav' daqäyiq köptür-kim, bu künğä deginčä heč kişi munuň haqıqıya mulähaza qılmayan jihaddin bu yaşurun qalipdur (777a).</p>
<p>Tä mulk 'arab-u şart salätińidin türk xanlarıya intiqäl taptı, Hülägüxan zamânıńdin sultân-i şâhibqırän Temür Kürägän &lt;... ...&gt; zamânıńdin farzand-i xalıq Şährux sultannıń zamânıńníj äxiriyäça türk tili bilä šu'arä paydä boldilar (780b-781a).</p>	<p>Tä mulk 'arab-u şart salätińidin türk xanlarıya intiqäl taptı, Hülägüxan zamânıńdin sultân-i şâhibqırän Temür Kürägän davrâniýaça türk tili bilä andaq şä'ir paydä bolımadı-kim, andin ta'ríf qılıyuča, varaqqa yazılıyuča aşar zähir bolmış bolayı. Va salâtińidin ham andaq nimä manqûl emäs-ki, biraw qaşıda aytsa</p>

bolyay. Aminā sultān-i şahibqirān Temür Kürägän zamānidin farzand-i xalīq Šahrux sultānnıň zamānınıň äxirriyaca türk tili bilä šu' arā paydā boldılar (780a).

Жадвалда кечган биринчи мисолда кейинги күлөзмадаги шакли түфри. Муаллиф вариантида ҳам шундай бўлганилиги аниқ: *Färşigoy türk beglär-ü mirzādalar boxsamaqnī färstī til bilä tiläsälärki, adā qilyaylar, āyā ne nav' qilyaylar?* Тўпқопи күлөзмасида эса жумла тасодифан тугалланмай қолган, деса бўлади.

Кейинги мисолларда бундай камчилик йўқ; уларда матн бутунлай янги бир жумлалар билан тўлдирилган. Масалан, қушлар тўғрисида сўз борганда Тўпқопи күлөзмасидаги маълумотлар анча қисқа. Фотиҳ нусхасида эса матннинг бу ери анча тўлдирилган. Унда дашт қушларининг отлари (*toydaq, toydari, čayruq, qılıquruq, qulapırğı, yapalat, quladu, lägläk, čaylaq, qaraqış, telbäqış, čiqći*), тогу тузда бўлувчи қушларнинг отлари (*čılıq, soqmay, döš, aryalal, qiraşma, burtay-u sekrimä, sırt, učta, eştä, burmay, ilat, taqiralan, toqay, kölküläk, say, sayaq, čaqıl, say, şortay*) ҳам берилган. Шунингдек, туркий тилда жониворларнинг ҳаракати билан боғлиқ: *at kişnämägi, tewä bozlamayi, iyu müjrätmägi, ešäk ijramatayi, it mişaşmayi* ва *ulumayi* сингари сўзларнинг ишлатилуви, форсийда эса буларга teng келадиган сўзларнинг йўклиги таъкидланган.

Жадвалдаги бошқа мисоллар ҳам шундай, аввалги күлөзмадаги маълумотни тўлдиради, унга аниқлик киритади.

Навоий асарлари тилида сингармонизм (товушлар уйғунлиги) “темир конун” сифатида амал қилган. Бу нарса товушлар тизимини англашга ҳам имкон беради. Масалан, муаллиф келтирган мисолларда “йўғон” ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг -*taq* варианти қўшилади: *quruqşataq, aldamaq, qıstamaq, yalıńtaq* сингари; “ингичка” талаффузли сўзларга эса -*mäk* варианти қўшилади: *igirmäk, indämäk, sürkänmäk, örtänmäk* сингари. Кўринадики, Навоий тилида орқа қатор, “йўғон” [a] билан олд қатор, “ингичка” [ä] нинг ҳар иккови мустақил фонемалар сифатида амал қилган.

“Мұхокамату-л-луғатайн”да жониворларнинг ҳаракатини англатувчи феъллар билан боғлиқ қизиқ бир мисол бор. Асарнинг Анқара нацирида бу мисол шундай берилган: *iyu müjremegige ve*

*išek ijramatayığa ve it tegištayığa ve ulimatayığa lafz yoqtur* (ML, 175). Мұхими шундаки, ушбу жумла асарнинг Түпқопи қўлёзмасида йўқ, Фотих қўлёзмасида эса бор, нашрға ўша қўлёзмадан олинган.

Ушбу жумладаги келишик қўшимчаларининг қўшилиш тартибига эътибор қаратилса, қуйидаги ҳолатга дуч келамиз: *tegištäk* сўзи “ингичка” ўзакли бўлишига қарамай, унга қўшимчанинг “йўғон” варианти қўшилмоқда: *tegištayığa*. Англашиладики, нашрда бу ўринда хатога йўл қўйилибди. Бунинг сабабини, кейинчалик, Фотих қўлёзмаси билан танишиб чикқанда билдим.

Ҳақиқатан, матнданаги бу жумлани ўқиш қийин, сабаби у ҳошияяга ёзилиб, матнда эса киритилиши керак бўлган жойи белгилаб қўйилган. Анқара нашрида хатога йўл қўйилганлигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Компьютерда матнининг электрон вариантини йириклиаштириб қўрганимда, сўзнинг маъносини англадим: қўлёзмада *tegištayığa* эмас, *mījaštayığa* деб ёзилган экан. *Mījaštāq* “йўғон” ўзакли сўз, шунинг учун унга қўшимчанинг ҳам “йўғон” варианти қўшилмоқда.

Қўлёзмада ёзилгани шундай:

اوی مونکراماکی کا و ایشک اینکراماغی غه و ایت مینکشماغی غه و اولوماغی  
غه لفظ یوقور

Транскрипциясини шундай берамиз: *iy türämägigä va ešäk ijramatayığa va it mījaštayığa-vu ulimatayığa lafz yoqtur*.

Үй (яъни сигир) мунграйди, эшак инграйди, ит эса тишисига мингашади; яна “ит улиди” деймиз, бўрига ҳам шундай. Навоий ана шуни назарда тутмоқда. Кейинги ўқиганимиз тўғри.

Бу жумлада кечган *türämägäj* сўзи “ингичка” ўзакли бўлгани учун унга жўналиш келишигининг “ингичка” -*gä* варианти, *ijramatayi*, *mījaštayi*, *ulimatayi* сўзлари эса “йўғон” талаффузли сўзлар бўлгани учун эса қўшимчанинг ҳам “йўғон” талаффузли -*ya* варианти қўшилмоқда. Агар эски ўзбек тилида “темир қонун” бўлмиш товушлар уйғунлигига эътибор берилмагандা, юқоридаги нашрда унинг хато ўқиганинг сөнгмай ҳам колардик.

Ушбу қонун қўлёзмаларни ўқиёттанас сўзларни тўғри ўқишимизда, ҳатто уларнинг маъносини сўлиб олишимизда очкич вазифасини бажаради.

Кўлёзмалар орасидаги ушбу текстологик фарқлар кўйидаги хуросаларга олиб келади:

Афтидан, “Муҳокамату-л-лугатайн” асарининг икки хил варианти бўлган: Навоий асарни ёзиб тугаттач, уни котибга топширган; котиб ана шу вариант асосида матнни кўчирган. Кейинчалик, чамаси бирор ойлардан сўнг, муаллиф асарни қайта кўриб чиқиб, унга баъзи бир қўшимчалар ҳам киритган. Айтиш мумкинки, асар Навоийнинг ўз кўли билан таҳрирдан ўтказилган. Шундай килиб, “Муҳокамату-л-лугатайн” асари, муаллифнинг кўзи тириклигигидаёқ, икки хил вариантда ёйилган эди.

Кунимизгача етиб келган нусхалар асарнинг у ёки бу вариантидан кўчирилган чамаси. Масалан, Тўпқопи ва Париж нусхалари асарнинг илк вариантидан, Фотих кўлёзмаси эса асарнинг кейинги, Навоийнинг қайта таҳриридан ўтган вариантидан кўчирилган кўринади. Шунинг учун ҳам, Тўпқопи ва Париж нусхалари текстологик жиҳатдан, айрим жузъий фарқларни айтмагандা, бир-бирига жуда яқин. Фотих кўлёзмаси эса улардан фарқ қилиб туради.

Асарнинг илмий ва илмий-танқидий матнларини яратишда кўлёзмалардаги ушбу текстологик фарқлар инобатта олинмоғи керак.

### **Асарнинг қиёсий матнини тузишда таянч қўлёзмани сайлаб олиш**

Бир неча кўлёзма асосида асарнинг илмий-танқидий ёки йигма матнини тузиш учун, бошлаб, таянч нусхани, яъни тузилажак илмий матн учун асос бўлувчи қўлёзма нусхани сайлаб олмоқ керак бўлади.

Таянч нусхани сайлаб олишда қўлёзманинг кўйидаги белтиларига эътибор қаратилмоғи керак:

Биринчидан, асар қўлёзмасининг бошқа нусхаларга қараганда тўлиқлиги, қандай сақланганлиги инобатта олинади. Кўпинча эски, қадимий қўлёзма яхши сақланмаган бўлиши мумкин, ҳар қандай ҳолатда ха. унинг тўлиқлиги эътиборга олинади;

Иккинчидан эса, қўлёзманинг кўчирилган даври, унинг қадимийлигига эътибор қаратилади. Бор бўлса, муаллиф яшаган даврда ёки шунга яқин чоғларда кўчирилгани олинади;

Учинчидан, кўлёзманинг эътибор билан маҳсус кўчирилганлиги, китобат жиҳати ҳисобга олинади.

Мавжуд кўлёзмаларнинг ана шу белгиларини инобатга олган ҳолда танқидий матн учун таянч нусха сайлаб олинади. Таянч нусха танқидий матн учун етакчи нусха саналади. Асарнинг колган кўлёзмалари эса қўмакчи нусхалар бўлади.

Таянч нусхани сайлаб олиш кўп жиҳатдан асарнинг нечта нусхада сақланганлигига боғлиқ. Асар икки нусхада, баъзилари уч ёки ортиқ нусхада сақланган бўлиши мумкин. Икки-уч нусхада сақланган асар устида ишлаш нисбатан ўнгай. Улардан бири таянч нусха қилиб олинади-да, қолган икки нусхаси қиёслаб борилади.

Асар ўн-ўн беш ва уидан кўп нусхада бўлса-чи? Бундай ҳолда, юкоридаги талабларга каттиқ риоя килиш керак. Чунки ҳамма матнни бир пайтнинг ўзида танқидий матнiga киритиб бўлмайди. Уларнинг ичидан қадимий ва нодир, ўта аҳамиятли нусхаларни сайлаб олиш талаб қилинади. Баъзан кейинги даврда кўчирилган кўлёзмалар орасидан ҳам муҳим ва ўта аҳамиятлилари чиқиб қолади. Буларни ҳам эътибордан четга қолдирмаслик керак.

Масалан, Навоийнинг йирик асарларини текстологик ўрганишда ана шундай вазиятга дуч келамиз. Сабаби, унинг йирик асарлари ўтмишда кўплаб нусхаларда кўчирилган. Дунё кўлёзма фондларида Навоий асарларининг шоир тириклиги даврида кўчирилган нусхалари, кулиётлар бор. Айрим китобларни Навоийнинг ўз хаттотлари битган. Ҳатто уларнинг кўчирилишини шоирнинг ўзи кузатиб борган, айримларининг устидан ўзи ҳам ўқиб чиққан. Таянч нусха учун ўша кўлёзмаларни танлаган маъқул. Кўмакчи нусхалар сифатида ҳам эътиборли кўлёзмалар белгиланади.

Текстология соҳасида сўнгги йилларда яратилган энг яхши, намуна қилиб кўрсатишга арзирли ишлардан бири Алишер Навоий “Насойиму-л-муҳабbat мин шамойими-л-футувват” асарининг илмий-танқидий матнидир. Матнни текстолог-адабиётшунос Ҳамидхон Исломий тузган (қаранг: NMT).

Ушбу матнни тузишда асарнинг қуйидаги кўлёзма нусхалари асос қилиб олинган:

Алишер Навоийнинг ҳижрий 901 (мелодий 1495/1496) йилни Ҳиротда китобат килинган кулиётги таянч нусха сифатида

белгиланган. Бу куллиёт Навоийнинг ўз шогирди котиб Дарвеш Мухаммад Тоқий қаламига мунсуб бўлиб, унда “Насойиму-л-муҳаббат”нинг тўлиқ матни берилган. Куллиёт айни чоғда Истанбул Тўпқопи музейидаги Реван кутубхонасида 808 рақами остида сақланмоқда.

Кўмакчи қўлёзма сифатида иккита нусха танланган: бири, “Насойиму-л-муҳаббат”нинг Ҳиротда алоҳида китоб шаклида кўчирилган нусхасидир. У ҳозир Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти фондида Д 97 рақами билан сақланмоқда.

Кўмакчи нусхаларнинг бошқа бири, Истанбул Сулаймония музейининг Фотих кутубхонасида 4056 рақами билан сақланаётган куллиётдир. Ушбу куллиётта Навоийнинг йигирма тўртта асари жамланган. Китоб 778 вараг бўлиб, “Насойиму-л-муҳаббат” унинг 52- варагидан 163- варагигача битилган.

Юқоридаги учала қўлёзма жуда майдо ҳафий ёзуvida битилган бўлиб, матннаги айрим сўзларни ўқиб олиш қийин. Шунинг учун, уларни аниклаб олиш мақсадида йирик ва дона-дона қилиб ёзилган қўлёзмаларга ҳам мурожаат этилган. Булар иккита: бири, Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти фондида С 509 рақами билан сақлананаётган қўлёзма. Тавсифда у XIX юзийлиқда Шаркий Туркистонда кўчирилган деб кўрсатилган.

Қўшимча қўлёзмалардан иккинчиси, асарнинг Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида 3415 рақами билан сақлананаётган нусхасидир. У 319 варакли бўлиб, тавсифда XIX юзийлиқда кўчирилганлиги қайд этилган.

Ҳар икки қўшимча нусхадан таянч ва кўмакчи нусхаларнинг матнларида тушиб қолган ибора ва сўзларни тиклашда фойдаланилган (қаранг: NMT.20–21).

Бошқа бир мисол. Текстолог Ҳилола Назированинг таъкидлашича, Мухаммад Ризо Оғахий “Зубдату-т-таворих” асарининг олтига қўлёзма нусхаси маълум. Олима асарнинг илмий-танқидий матнини яратишда шулардан учтасига таянади. Қолган учтаси эса матн тарихини ўрганишда фойдаланилган (қаранг: ЗТ,Ixiii–Ixviii).

Булар куйидагиардир:

*А нусха. Россия Миллий кутубхонаси фондида Т.Н.С.22 рақами билан сақлананаётган қўлёзма.*

*В нусха.* Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти фондида Е 6 рақами билан сақланаётган қўлёзма.

*С нусха.* Истанбул университети нодир китоблар фондида ТУ 82 рақами билан сақланаётган қўлёзма.

Шунингдек, бошқа қўлёзмалар:

ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидағи 821 рақами билан сақланаётган қўлёзма.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидағи 5364 рақами билан сақланаётган қўлёзма.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фондидағи 275 рақами билан сақланаётган қўлёзма.

Мухими шундаки, матншуносликда асарнинг ўзида таянч матнни ажратиб олишга асос бўладиган маълумотлар ҳам учраб қолади. Буни Адаб Ахмад Югнакий “Ҳибату-л-ҳақойик” асарининг мавжуд қўлёзмалари асосида кўриб чиқамиз.

“Ҳибату-л-ҳақойик”нинг учта йирик (*A, B, C* нусхалар) ва учта узинди қўлёзмалари (*D, E, F* нусхалар) маълум.

Йирик ва тўлиқ қўлёзмалардан бирини 1444 йили Самарқандда Зайну-л-Обидин бахши уйғур хатида битган (*қўлёзма тавсифи ва факсимиль нашрига қаранг: Arat 1992,20–25,I–LXII*).

Иккинчи қўлёзмани 1480 йили Итанбулда Абдулраззоқ бахши Самарқанд қўлёзмасидан олиб кўчирган. Ушбу нусха уйғур хатида ёзилиб, ҳар каторининг тагида араб хатида ўқилиши берилган (*қўлёзма тавсифи ва факсимиль нашрига қаранг: Arat 1992,27–30,LXIII–CXVII*).

Учинчи нусха фақат араб ёзувида. Хат услугига караганда, XVI асрда кўчирилган кўринади, котиби ҳам маълум эмас (*қўлёзма тавсифи ва факсимиль нашрига қаранг: Arat 1992,30–32,CXVIII–CLXVI*).

Сақланиб қолган узинди қўлёзмалардан бири уйғур. иккинчиси уйғур ва араб, учинчиси араб хатида (*қўлёзма тавсифи ва факсимиль нашрига қаранг: Arat 1992,32–39,CLXVII–CLXIII*).

Мавжуд нусхаларда асар уч хил – “Атабату-л-ҳақойик” (“Ҳақиқатлар эшиги”), “Ҳибату-л-ҳақойик” (“Ҳақиқатлар тухфаси”), “Файбату-л-ҳақойик” (“Фойибий ҳақиқатлар”) номлари билан юритилган.

Адиб Ахмад түгрисида Амир Темур замонида яшаб ўтган маданият ва адабиёт ҳомийси Амир Арслон Хўжа Тархон яхши маълумот берган. Бу киши Адиб Ахмад меросининг қадрига етди, унинг авлодларга сақлануви учун қўп яхши ишлар килди. Хаттот Зайну-л-Обидин бахшига буюргма бериб, “Хибату-л-ҳақойик”нинг таянч нусхасини туздирган ҳам шу киши бўлади.

Амир Арслон Хўжа Тархон яна шоирга аatab шеър битиб, “Хибату-л-ҳақойик”ка илова килган. Унинг шеъри мавжуд ҳар учала йирик қўлёзмада асардан кейин келтирилади. Шеърда у адабнинг оти, унинг отаси, туғилган юрти, асарининг оти, шунингдек, ушбу қўлёзманинг кўчиртирилиш сабаби түгрисида маълумот беради. У ёзади:

*Adibnij̄ yeri ati Yügnäk erür,  
Şafâliq 'ajab yer, köňüllär yarur.*

*Atası atı Maḥmūdī Yügnäki,  
Adib Aḥmad oylı, yoq-ol heč şaki.*

*Kitābim̄ ati erür “Hibatu-l-  
haqāyiq” ibārat 'arabañ-oş ol.*

*Tamāmī erür kāšyari til bilä,  
Ayitmiş adib riqqat-i til bilä.*

*Agar bilsä kāšyar tilin har kişi,  
Bilür ol adibnij̄ nekim aymisi (YugC47-48).*

Мазмуни:

(Китоб) “кошғар тили” билан ёзиб тугалланди,  
Адиб уни бадиий тилда ижод килди.

Агар ким “кошғар тили”ни билса,  
Адабнинг айтганиларини англаш етади.

Эътибор қаратиласа, ушбу маълумотда Адиб Ахмад ўз асарини “кошғар тили” (*kāšyar tili-kāšyari til*)да битганлиги

таъкидланмоқда. Бунинг билан шеър муаллифи кошгар шеваси асосида юзага келган ёзма адабий тилни (қорахонийлар даври адабий тилини) кўзда тутган. Юсуф Хос Ҳожиб қорахонийлар даври ёзма адабий тилини ҳукумдорга нисбат бериб “бутрахан тили” (*buyraxan tili*), Махмуд Кошғарий эса “хоқония туркчаси”, “хоқония тили” (*at-turkiyyatu-l-xâqâniyya*) деб атаган эди.

“Хибату-л-ҳақойик”нинг қўлёзмалари шу кадар кенг тарқалган эдики, ҳатто асарнинг адаб вариантидан фарқли вариантлари ҳам юзага кела бошлаган чоғи. Бу хакда Амир Арслон Хўжа Тархон шундай ёзади:

*Köp elni körürbiz, adib sözini  
Bilä bilmägändin ular özini.*

*'Aybqa qouyuptur xalayiq ara,  
yalat ma'näsini ayitmis yana.*

*Sabab erdi bu iş bitidük kitāb,  
Kerák qıl ijābat, kerák qıl 'itāb* (YugC.48–49).

Шунинг учун ҳам XV юзийлиқдаёқ асарнинг таянч матнини тузишга эҳтиёж туғилган ва бу ишга киришилган эди. Ушбу таянч матн Зайну-л-Обидин бахши 1444 йили Самарқандда кўчирган уйғур ёзувли қўлёзмадир. Асарнинг қолган икки йириқ қўлёзмаси (*B* ва *C* нусхалар) ана шу таянч *A* қўлёзмасидан олиб кўчирилган. Яъни, 1480 йили Абдулраззок бахши асарнинг уйғур ёзувли *A* нусхасидан уйғур ва араб ёзувларидаги *B* нусхани кўчирилган, *B* нусхадан эса кейинчалик араб ёзувли *C* нусхаси кўчирилган.

Шуларга таянган ҳолда, асарнинг илмий-танқидий ёки йигма матни нашрга тайёрланадиган бўлса, таянч қўлёзма сифатида 1444 йили Самарқандда тузилган уйғур ёзувли *A* нусхани белгилаш мумкин. Кўмакчи қўлёзмалар сифатида эса асарнинг *B* ва *C* нусхалари ва асардан сакланиб қолган узиндилар танланади.

### Асарнинг қиёсий матнини тузиш

Асарнинг илмий-танқидий ёки йигма-қиёсий матнини тузиш куйидаги тартибада жадиди:

Бунинг учун, бошлаб, асарнинг ҳар бир қўлёзма нусхаси белгилаб чиқилади. Масалан,  $A$ ,  $B$ ,  $C$ ,  $D$ ,  $E$  нусхалар. Ёки нусхалар коди асар қўлёзмаларининг номи билан ҳам берилиши мумкин:  $QBN$  – “Кутадгу билиг”нинг Ҳирот нусхаси;  $QBN$  – “Кутадғу билиг”нинг Наманган нусхаси;  $QBQ$  – “Кутадғу билиг”нинг Кохира нусхаси сингари. Қўлёзмаларни қандай кодлаштириш тадқиқотчининг ўз қўлида. Бироқ, фанда қабул қилинган, оммалашган кодлардан фойдаланилгани маъқул. Шунда бошқалар ҳам кийналмайди, тушунишга осон бўлади.

Мавжуд нусхалар ичидан таянч нусха сайлаб олиниб, илмий матн шу матн асосига қурилади. Қолган қўмакчи нусхалар эса ана шу таянч нусхага қиёслаб борилади.

Илмий-танқидий, йигма матн, имкон қадар, асарнинг оригинал ёзувида (ўз ёзувида) тузилгани маъқул. Матншуносликда араб ёзувли қўлёзмалар бўйича тузиладиган илмий-танқидий матн ҳам араб ёзувида берилади. Шунга қарамай, қўпчиликнинг фойдалана олишини кўзлаб, қиёсий матн илмий транскрипцияда ҳам тузилади.

Матннинг чап канотига асарда фойдаланилаётган қўлёзма нусхаларнинг коди ва саҳифа кўрсаткичи ёзиб қўйилади:  $A_{2b}$ ,  $B_{4a}$ ,  $C_{11a}$  сингари. Кейинги саҳифаларга ўтилган захоти қисқартмаларнинг тартиби ҳам ўзгариб боради.

Илмий матн насрый асар бўйича, унинг бир қўлёзмаси асосида тузилаётган бўлса, бошда матннинг чап канотига қўлёзма нусханинг саҳифаси қўйилади. Қолган ўринларда эса кавс ичida унинг саҳифалари кўрсатиб борилади: (2a) ... (2b) ... (3a) ... (3b) сингари.

## Қиёсий матн намунаси

Куйида “Кутадғу билиг”нинг қўлёзма нусхалари асосида қиёсий матн тузиш намунасини келтирамиз. Қиёсий матнни тузишда “Кутадғу билиг”нинг араб ёзувли Наманган нусхаси ( $QBN$ ), бошқа қўлёзмаларга караганда тўлиқ бўлгани учун, таянч манба килиб олинди. Асарнинг араб ёзувли Кохира нусхаси ( $QBQ$ ) ҳамда уйғур ёзувли Ҳирот қўлёзмаси ( $QBN$ ) қўмакчи нусхалар сифатида танланди ва улар матн давомида таянч нусхага қиёслаб борилади.

Ўнг томондаги қисқартмалар асарнинг қўлёзма нусхалари ва уларнинг бетларини кўрсатади. Таянч қўлёзма араб хатида бўлгани учун асосий матн

ҳам араб ҳарфлариңдадир. Күмакчи күләзмаларнинг бири араб, иккинчиси эса уйғур хатида. Шунинг учун ҳам, матн остида келтирилаётган фарқлар иккى хил шрифттә: араб ёзуви нусханинг фарқли сүзләри араб хатида, уйғур ёзуви күләзмадаги фарқ килювчи сүзләр эса транскрипцияда берилди.

Матн давомида сүзләр кифтига тиркалган юлдузча (\*) ҳамда сонлар (масалан, <sup>1, 2, 3</sup> сингари) “ушбу сүз күмакчи күләзмада бундан бошқачадир” деган маънени англатади. Орадаги фарқлар матн тагида күрсатыб ўтилади.

## Матн

QBN23a, QBQ12a, QBH13b

\*ای تولدی کون توغدى تبغىنكا اوغرامىشىن<sup>1</sup> اپور

اشىتى بى جافىق<sup>2</sup> ايتىندى<sup>3</sup> ايتىك

QBN23b

اوقوشلۇغ بېلکلک ھە اوكلوک امول<sup>4</sup>  
سوزى يومشاق<sup>5</sup> اردى تىلى نۇز تمار  
يورىر اردى اردم الىك كا الىب  
تۇمان اردەم<sup>6</sup> بېرلا خلق دا<sup>7</sup> بىرون  
ايلىك كا بىراين قىلابن تىوڭ  
اجىلسون<sup>10</sup> منىك<sup>11</sup> كىتسو اماك لاريم  
تىلار ارمىش اردم الدبلارىن<sup>12</sup> اول<sup>13</sup>

QBH14a

تىلى لفظى بېرلا<sup>14</sup> انكار ينگىزانو\*\*

QBQ12b

بىلەك سىتسا بىلەك بېلکلک الىر<sup>15</sup>  
بىلەك قىدا پولسا بېلەكلىك بېلېر  
بېلکسىز نا بىلەك<sup>16</sup> بىلەك قىمتى<sup>17</sup>  
كوه<sup>19</sup> قىرىنى ھە كھەر اوچ بېلېر  
اپور كوندورايىن تىوغا خاتىلۇم  
ايلىك كا يوز اوردى<sup>21</sup> بى بىلەكا تېتىك

پېكتى اردى او غلان قىلينجى امول  
بۇزى كوركلوک اردى كوروب كوز قمار  
قموغ تورلۇك اردم توکال اوكرانىب  
اوزىننكا بېقىب ايدى منما بىوكون  
نىكوتىك<sup>8</sup> يورىرمن بى بېردا قورغ  
ايلىك كا توسلۇسون<sup>9</sup> بى اردم لاريم  
اوقوشلۇغ بېلکلک بىك ارمىش امول

سوزىن ايدى شاعر مونكار منكزانو

اوقوش قدرىنى ھە اوقوشلۇغ بىلېر  
نuko بىلەكا تەلۋا بىلەك قىرىنى  
بېلەكلىك بېلېر اول بىلەك نىنك اتى  
بىلەك قدرىنى ھە بېلەكلىك بىلېر<sup>18</sup>  
بو آى تولدى ايتى كور اطتنۇن تلۇم  
اوزىننكا كراكنى قىلدى<sup>20</sup> ايتىك

## Матн фарқлари:

باب اى تولدى کون توغدى الىك تىو غىنка كىمىشى: QBQدا ушбу сарлавча шундай:

<sup>1</sup>QBHدا: *kelmişin*;

<sup>2</sup>QBHدا: *jawliy*; <sup>3</sup>QBHدا: *enitti*;

<sup>4</sup>QBH ва QBQда: *köylü*;

<sup>5</sup>QBHدا: *yumşay*;

<sup>6</sup>QBH ва QBQда: *erddamim*; <sup>7</sup>QBHدا: *eldin*; QBQда: *elida*;

<sup>8</sup>QBH ва QBQда: *nekükä*;

<sup>9</sup>QBHва QBQда: *tosulsu*; <sup>10</sup>QBH ва QBQда: *acılsu*; <sup>11</sup> QBQда: مېنى;

<sup>12</sup>QBНда: *idälärin*; QBQда: ايدى لارىن;

<sup>13</sup>QBH ва QBQда бундан кейинги икки байт ўзаро ўрин алмашган;

<sup>14</sup>QBНда: *ta 'ni*; QBQда: تو تىل لفظى معنى;

\*\*QBQда ушбу байтдан кейин сатр ўртасига شعر деб сарлавха күйилганд.

<sup>15</sup>QBHда бундан кейинги байт йўқ; QBQда эса кейинги икки байт йўқ, уларнинг ўрнига шундай байт келган:

بليك قىمتىنى بلىكلىك بىلير  
اوقوش قا اغىرلىق اوقوش دين كلىر

<sup>16</sup>QBНда: *bilgäy*; <sup>17</sup>QBНда: *hurmati*;

<sup>18</sup>QBQ: اوقار;

<sup>19</sup>QBHда бундан кейин шундай давом этади: *qadri ayit qüllir qiyomatı*; QBQда: قىمتىنى نادان نا بلىر;

<sup>20</sup>QBQ: كراكىن ايتىندى;

<sup>21</sup>QBH ва QBQда: *yüz urdî eligkä*.

Матн транскрипцияси:

### Aytoldi Küntuydî tapýïja oýramışın ayur

Bir Aytoldi atlıy er erdi yetig,  
Eşitti bu jawïy, etindi etig.

Yigit erdi oyлан, qılıńčı amul,  
Uquşluy, biliglig ham öglüğ amul.

Yüzi körklüğ erdi, körüp köz qamar,  
Sözi yumşaq erdi, tili tüz tamar.

Qamuy türlüg erdäm tûgäl ögränip  
Yurür erdi erdäm eligkä alıp.

Özijä baqıp aydii: Men ma bu kün  
Tümän erdämüm birlä xalqda burun

Nekü-teg yurür-men bu yerdä quruy?  
Eligkä barayın, qılayın tapuy.

Eligkä tosulsun bu erdämlärim,  
Ačilsun, meniŋ ketsü emgäklärim.

Uquşluğ, biliglig beg ermiš, amul,  
Tilär ermiš erdäm adabların ol.

Sözin aydi ša'ir mugar menjätü,  
Tili, lafzü birlä ajar yanızatu.

Uquş qadrinï ham uquşluğ bilir,  
Bilig satsa bilgä, biliglig alır.

Nekü bilgä telwä bilig qadrinï,  
Bilik qayda bolsa, biliglig bilir.

Bilik bilir-ol bilignij ati,  
Biligsiz ne bilgä bilig qiymati.

Bilik qadrinï ham biliglig bilir,  
Guhar qadrinï ham guhar-oq bilir.

Bu Aytoldi aytتى, kör: At, ton, tohum,  
Ayur: Kondüräyin tapuyyqa yolum.

Özinä keräkini qıldi etig,  
Eligkä yüz urdi bu bilgä tetig.

М а з м у н и:

### **Ойтүлди Кунтуғди хизматига йўл олганини айтади**

Ойтүлди отли идрокли бир киши бор эди.

Бу довруғни [элигнинг довруғини] эшилди, тайёргарлик  
күрди.

Ёш ўғлон эди, феъли-рафтори мулойим,  
Заковатли, билимли, ақлли, вазмин киши эди.

Юзи кўркли эди, кўриб кўз қамашади,  
Сўзи юмок эди, тилидан тўғрилик томарди.

Барча турли ҳунарни тугал ўрганиб,  
Санъат-хунарни эгаллаб юрар эди.

Ўзига ўзи боқиб, айтди: “Мен ҳам бу кун  
Туман ҳунарим билан халқда пешқадам бўлиб

Бу ерларда бекор нима қилиб юрибман?  
Элиг ҳузурига борайин, (унга) хизмат қилайин.

Бу ҳунарларим элигка ярасин,  
(Элиг) хурсанд бўлсин, менинг ташвишларим кетсин.

Заковатли, билимли, юмшоқ феълли бег эмиш,  
Ҳунарли ва одоблиларни тилаётган эмиш”.

Шоир ўз сўзини бунга ўхшатиб айтади,  
Тили, лафзи билан унга мослаб (шундай деган):

Заковатнинг қадрини ҳам заковатли (киши) билади,  
Доно билим сотса, билимли олади.

Нечук билгай телба билим қадрини,  
Билим қайда бўлса, билимли билади.

Билимнинг отини билимли билади,  
Билимнинг қийматини билимсиз қаердан ҳам биларди?

Билимнинг қадрини ҳам билимли билади,  
Гавҳарнинг қадрини ҳам гавҳар(шунос)гина билади.

Кўргин, бу Ойтўлди айтди: “От, кийим ва жабдуқларни  
(хозирлаб), -  
Деди: “Йўлимни (элиг) хизмат(и)га тўғрилайин”.

Ўзига керакти ‘нарса)ларни ҳозирлади,

Бу доно, идрокли (киши) элиг томон жүнади.

### Бошқа бир мисол

Күйида “Хибату-л-ҳакойик” бир бўлимининг киёсий матни ўрнак килиб келтирилаётир. Аслида қиёсий матн ўз ёзувида берилгани маъкул. Лекин ушбу асарнинг кўлёзма нусхалари уйғур хамда араб ёзувлари дидир. Шунинг учун хам биз қиёсий матнни илмий транскрипцияда беришни маъкул кўрдик. Бу иш матннинг кўпчиликка тушунарли бўлишини хам таъминлади. Туркологияда матнларни нашрга тайёрлашда кўпинча ана шу усулдан фойдаланадилар.

Биринчи устундаги кичик рақамлар билан бирга берилиган *A*, *B*, *C* кўрсаткичлари асар кўлёзмалари ва уларнинг саҳифасини билдиради. Иккинчи устундаги рақамлар – шеър сатрларининг кўрсаткичидир. Матндаги сўзлар кифтида турган сон-кўрсаткичлар эса бошқа кўлёзмалардаги фарқларга хавола қиласди. Уларнинг фарқи киёсий матндан сўнг келтирилган.

A<sub>27</sub>

### النوع الثاني في حفظ اللسان و سائر أدابه<sup>1</sup>

- 1 Eşitkil biliglig negü tep<sup>2</sup> ayur:
- 2 Adablar başı til, ködäzmäk tiyür<sup>3</sup>.
  
- 3 Tiliň bektä tutyıl, tišiň sînmasun,
- 4 Xalî čiqsa bektin<sup>4</sup> tišiňni siyur.

آخری<sup>5</sup>

A<sub>28</sub>, B<sub>15</sub>, C<sub>14</sub>

- 5 Sanıp sözlägän er sözi söz sağı,
- 6 Öküş yaňşayın til unulmas<sup>6</sup> yayı.
  
- 7 Sözün boşlay<sup>7</sup> idma<sup>8</sup> yïya tut tiliň,
- 8 Yetär başqa bir kün bu til boşlayı<sup>9</sup>.

آخری<sup>10</sup>

A<sub>29</sub>

- 9 Xiradlıqmu bolur tili boş kişi,
- 10 Telim başní yedi bu<sup>11</sup> söz til boş.

- 11 Öčüktürmä<sup>12</sup> erni tilin, bil, bu til  
 12 Basıqtursa<sup>13</sup> bütmäs<sup>14</sup>, bütär oq başı.

A<sub>30</sub>

آخرى<sup>15</sup>  
 جراحث السنان<sup>16</sup> لها التيام  
 و لا يلتام ما جرح النساء

### Özgä<sup>17</sup>

- 13 Safih er tili öz başı duşmanı.  
 14 Tilindin töküldi telim er qanı.  
 15 Öküş sözlägändä öküngän telim.  
 A<sub>31</sub>, B<sub>16</sub>, C<sub>15</sub> 16 Tilin beklägändä ökünnmiş<sup>18</sup> qanı.

آخرى<sup>19</sup>

- 17 Ne-kim kelsä ergä tilindin kelür,  
 18 Tilindin<sup>20</sup> kim edgü, kim esiz bolur<sup>21</sup>.

- 19 Eşit, büt<sup>22</sup> bu sözgä, qamuy taŋda tan<sup>23</sup>,  
 20 Turup<sup>24</sup> tilgä yüküp<sup>25</sup> taðarru' qılur<sup>26</sup>.

A<sub>32</sub>

قال النبي عليه السلام اذا اصبح ابن آدم سجدت  
 اعضاءه اللسان<sup>27</sup>  
 اخرى<sup>28</sup>

A<sub>33</sub>

- 21 İki näj biriksä, bir erdä xalï,  
 22 Bükändi<sup>29</sup> ol ergä müruvvat yoli.

B<sub>17</sub>, C<sub>16</sub>

- 23 Bir, ol yanşar ersä keräksiz sözüg<sup>30</sup>,  
 24 İkinç, yalğan ersä ol erniñ tili.

A<sub>34</sub>

### Özgä<sup>31</sup>

- 25 Tili yalyan erdin yïraq tur tez-ä,  
 26 Keçür sen-mä 'umruñ könilik üzä.

- 27 Ayïz til bezägi köni söz turur<sup>32</sup>.

## 28 Köni sözlä sözni, tilijni bezä<sup>33</sup>.

A<sub>35</sub>

*Özgä*<sup>34</sup>

- A<sub>35</sub>      29 Kødäzgil<sup>35</sup> tilijni, kel, az qıl sözüň,  
               30 Kødäzilsä bu til, kødäzlür özüň.
- 31 Rasul: Erni otqa yüzin atquči,  
               32 Til-ol, tedi<sup>35</sup>, yïy til, yul<sup>36</sup> otdin özüň.

### Матн фарқлари:

<sup>1</sup>В,Сда: ادابها و رسومها ; <sup>2</sup>Сда: *dep*; <sup>3</sup>В, Сда: *turur*; <sup>4</sup>Вла: *bekta*:

<sup>5</sup>В,Сда бу сарлавхा йўк; <sup>6</sup>Вда: *ayalmas*; Сда: *ayalmas* ёзилиб, сатр остида  
деб изоҳлаб кўйилган;

<sup>7</sup>В,Сда: *boşluy*; <sup>8</sup>Вда: *izma*, Сда: *itta*; <sup>9</sup>В,Сда: *boşluyi*; <sup>10</sup>В,Сда бу сарлавхা  
йўк; <sup>11</sup>В,Сда: ] til söz ...;

<sup>12</sup>Сда бу сўзниң остига کندوکه دشمن ائمه دеб изоҳлаб кўйилган; <sup>13</sup>В,Сда:  
*başaqtursa*; <sup>14</sup>Сда бу сўзниң остига انکлемز دеб изоҳлаб кўйилган;

<sup>15</sup>В,Сда бу сарлавхা йўк; <sup>16</sup>В,Сда: السهام. <sup>17</sup>В,Сда бу сарлавхা йўк; <sup>18</sup>В да:  
*öküngän* ёзилиб, тагида форсчада پېشман شده деб изоҳлаб кўйилган, Сда:  
*ögüngän*; <sup>19</sup>В,Сда бу сарлавхা йўк;

<sup>20</sup>В,Сда: *bu tildin*; <sup>21</sup>Сда: *erür*; <sup>22</sup>Сда: *büt* сўзининг остига دеб  
изоҳланган; <sup>23</sup>В,Сда: *tej*; <sup>24</sup>Вда: *qorip*, Сда: *qorip* ёзилиб, остида دوب  
деб изоҳланган; <sup>25</sup>В,Сда: *yükünür*;

<sup>26</sup>В,Сда бундан кейин 29-32- сатрлардаги тўрт катор матн келади;  
<sup>27</sup>В,Сда бу ҳадис йўк; <sup>28</sup>В,Сда бу сарлавхা йўк; <sup>29</sup>Сда: *tügändi*; <sup>30</sup>В,Сда: *sözin*;

<sup>31</sup>В,Сда бу сарлавхা йўк;

<sup>32</sup>Сда: *durur*; <sup>33</sup>Вда *bezä* сўзининг остига форсчада آرایش کрده دеб  
изоҳланган; <sup>34</sup>В,Сда бу сарлавхা йўк;

<sup>35</sup>Сда *ködäzgil* сўзининг тагида مەصلق دеб изоҳланган; <sup>36</sup>Сда: *dedi*; <sup>36</sup>Сда  
yul сўзининг остига حلاص قىل دеб изоҳланган.

### Мазмани:

#### Тилини сақлаш ва унинг бошқа одоблари тўғрисида

- 1 Эшигил, билимли киши нима дейди:
- 2 Адабнинг боши тилни сақтай билишдир.

- 3 Тилингни сақлагин, тишинг синмасин,
- 4 Агар у кафасдан чиқса, тишингни синдиради.

### Ўзга (бир ўгит)

- 5 Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи сўзнинг соғидир,
- 6 Кўп вайсаган тил қайтариб бўлмас ёвдир.
  
- 7 Сўзингни бўш кўйма, тилингни тий,
- 8 Бу тилнинг бўши бир кун бошга етади.

### Ўзга (бир ўгит)

- 9 Тилига эрк берган киши ақлли бўладими?
- 10 Эрк берилган нутқ кўп бошни еди.
  
- 11 Кишини тил билан ўчакишишима, билки, бу тил
- 12 жароҳати тузалмайди, ўқнинг жароҳати тузалиб кетади.

### Ўзга (бир ўгит)

*“Тиз жароҳатига даво бор-у, тил жароҳатининг давоси йўқ”.*

### Ўзга (бир ўгит)

- 13 Сафих кишининг тили ўз бошининг душманидир,
- 14 Тили туфайли кўп кишиларнинг қони тўкилди.
  
- 15 Кўп сўзлаганлар орасида ўқингани кўп,
- 16 Тилини саклаганлар орасида ўқингани борми?

### Ўзга (бир ўгит)

- 17 Неким келса эрга, тилидан келур.
- 18 Тилидан ким эзулик топади, ким эсиз бўлади.

- 19 Эшит ва бу сўзга ишон: “Инсон ҳар сахар  
20 уйғонгач, унинг танаси тилга юкуниб тазарру  
қиласди”.

*Набий алаиҳи-с-салом айтодилар: “Одам  
боласи тонг оттирганда унинг аъзолари  
тилга сажда қиласди”.*

### Ўзга (бир ўғит)

- 21 Агар бир кишида (ушбу) икки нарса бирлашса,  
22 У кишига мурувват йўллари бекилади:  
  
23 Бири, у кераксиз сўзлар айтиб вайсақи бўлса,  
24 Иккинчиси, у кишининг тили ёлғон сўзлайдиган  
бўлса.

### Ўзга (бир ўғит)

- 25 Ёлғон сўзловчи кишидан тезда йироқ бўл,  
26 Сен ўз умрингни тўғрилик билан ўтказ.  
  
27 Нутқнинг безаги тўғри сўз туур,  
28 Сўзни тўғри сўзла, тилингни беза.

### Ўзга (бир ўғит)

- 29 Тилингни сақлагин, кел, сўзни кисқа қил,  
30 Бу тилинг сақланса, ўзингни сақлаган бўласан.  
  
31 Расул (алаиҳи-с-салом): “Эрни юзи билан ўтга  
32 ташловчи тилдир”, деди. Тилингни тий, ўзингни  
ўтдан халос қил.

## Ёзма манбани тавсифлаш

*Тавсиф* (русчада *описание* дейилади) қўлёзма манбанинг муҳим текстологик белгиларини қоғозга қайд этишдир. Қўлёзма манбани ўрганиш иши уни тавсифлашдан бошланади.

Ёзма манбани тавсифлаш мутахассисдан чуқур билим ва малака талаб килади. Мутахассис манбанинг тавсиф учун керакли бўлган муҳим қирраларини ажрата олмоғи ва уни ихчам, лўнда килиб ёритиб бермаги керак.

Барча тавсифлар каталогларга жамланади. Каталог муайян қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзма ёки тошбосма манбалар бўйича тузилади.

Тавсиф уч хил бўлади: *қисқача тавсиф*; *ўртacha тавсиф*; *монографик тавсиф*.

Қисқача тавсифда қўлёзманинг муҳим, бир қарашда эътиборни ўзига тортадиган, илкин билим учун муҳим бўлган жиҳатлари ёритилади. Булар: қўлёзманинг сақланиш рақами, муаллифнинг исми-шарифи, китоб ва матннинг бичими, кўчирилган йили ва котиби сингарилардир. Агар улардан бирортаси ноаниқ бўлса, тавсифда бу ҳам кўрсатиб кўйилади.

Ўртача тавсиф бунга қараганда кенгроқ бўлади. Юқоридагилардан ташқари, матннинг ичига ҳам бироз кириб борилади. Асарнинг бошланиши ва охири, хат тури сингарилар ҳам қўшилади.

Монографик тавсиф баридан афзал. У кенг қамровли бўлади. Айрим монографик тавсифлар йирик илмий мақола қаторида юради.

Яна қабртошдаги ёки коялардаги битиглар билан қўлёзма манбаларни тавсифлаш ҳам бир-бираидан анча фарқ қиласди.

*Қабртош ёзувларини тавсифлаш* иши тошнинг тикланган жойини кўрсатишдан бошланади. Манзилнинг оти, чеккароқ ерда бўлса, йирик аҳоли пунктидан неча чақирим узоқликда ва қай қутбда эканлиги аниқ кўрсатилади. Кейинги асосий иш тошнинг умумий кўрининиши (шакли)ни, ҳозирги сакланганлик ҳолатини таърифлашдан бошлади, сўнг ўлчамлари белгилаб чиқилади. Бунда қабртошнинг баландлиги, узунлиги, энининг ўлчами аниқ келтириллади. Ана шулардан кейин ёзувини ўқишига ўтилади. Тошнинг устидаги битиглар, ён томонидаги (бош томон, оёқ

томон ва икки ёнидаги) битигларнинг хат тури, ўқилиши ва уларнинг мазмуни баён этилади. Тош сиртидаги нураган жойлар, ўчиб кетган ёзувлар ўрнига тавсифда нукталар қўйиб кетилади.

**Вараққа битилган матнини тавсифлаш.** Қўлёзма фондларда бир варақ шаклидаги (коғознинг ўнг юзига ёки ҳар икки ёғига битилган) матнлар ҳам кўп. Муҳими шундаки, уларнинг ҳар қайсиси фондда алоҳида документ (хужжат) сифатида ўз кўрсаткич рақами билан сақланади. Шунга кўра, уларга тавсиф ҳам алоҳида-алоҳида тузилади.

Баъзан сақланиб қолган варақ йирик бир асарнинг узиндиси (фрагменти) бўлиб чиқади. Бундай ҳолда варақнинг сақланиш рақами (кўрсаткичи), коғознинг сақланиш ҳолати, бичими, хат тури баён қилинади. Аниқлашнинг имкони бўлса, қайси асарнинг узиндиси эканлигини ёзиб кетган маъқул.

Кўпинча расмий ҳужжатлар бир вараққа битилган бўлади. Варақдаги ҳужжатни тавсифлашда унинг сақланиш рақами (кўрсаткичи), коғознинг сақланганлик ҳолати, бичими кўрсатилгач, сўнгра матнга ўтилади. Бунда унинг хат тури, шошилинч ёки эътибор билан кўчирилганлиги, ҳужжатга урилган муҳр ва тамғалар ҳақидаги маълумотлар берилади. Тавсифда, имкон бўлса, ҳужжатнинг тузилган санасини ҳам кўрсатган маъқул.

**Ўрама қоғозга битилган матнни тавсифлаш** учун бошлаб коғозининг бичими (узунлиги ва эни), бир-бирига улаб елимланганлиги, сақланганлик ҳолати таърифланиб, сўнг матн ўлчовига ўтилади. Ёзув тури, хат ранги ва матн неча қатордан иборат эканлиги таъкидланади. Тамға ёки муҳрларга алоҳида ургу қаратилади. Тўлиқ сақланган бўлса, бошланиши ва сўнгги хотима жумлалари сўзма-сўз берилади. Ёзилган бўлса, кўчирилган санаси ҳам кўрсатилади.

Ўрама қоғозга битилган ёрликлар ҳам ана шу усулда тавсифланади. Фақатгина уларни тавсифлаганда ичидаги тарихий маълумотлар, муҳим далиллар ҳам келтирилгани маъқул.

**Қўлёзма китобни тавсифлаш.** Китобнинг муқоваси (ўзиники ёки кейинчалик қайта муқоваланганлиги), ранги, ўнг ва терс тоқаларидаги тамғалар, тамға ичидаги ёзуви кўрсатилади. Сўнг китобнинг ичига ўтилади. Коғозининг тури, унинг бичими, сақланганлик ҳолати қайд ўтгач, ичидаги матн тавсифига

киришилади. Бошлаб китобнинг бадиий безакларига (унвони, жадвалга ўралганлиги ва б.) тўхталган маъқул. Сўнг хат тури, ранги, матн сарлавхаларининг берилиши баён қилинади. Қисқача тавсиф асарнинг кўчирилиш тарихи, котибнинг исми-шарифини қайд этиш билан тугайди.

*Мажмуа ва кулиётларни тавсифлаш.* Мажмуа ва кулиётлар йирик китоблар бўлгани учун уларнинг таркибидаги асарлар тавсифда бирма-бир кўрсатилади. Кўпинча унинг таркибидаги у ёки бу асар юлиб олиниб, алоҳида ўрганилади. Асар нашрга тайёрланганда ҳам унинг ичидан ажратиб олинади. Тавсифда бунга алоҳида эътибор берилмаги керак.

Унда кўлёзма китоб неча варақдан иборат экани, ўрганилаётган асар кўлёzmанинг кайси варақларидан ўрин олгани, мажмуа таркибида яна қандай асарлар мавжуд эканлиги қайд этилади. Имкони бўлса, китобга кирган ҳар бир асарни келтириб, унинг бетларини ҳам кўrsatган маъқул. Тавсифда яна кўлёzмани кўчирган котиб, у кимнинг буйруги асосида кўчиргани, сақланган бўлса, жойи ва йили, китобнинг бадиий безаклари, хатининг чиройли ё оддийлигигача, тартиби билан, аниқ айтилади.

Одатда, мажмуа ёки кулиётлардаги йирик асарларнинг охирига бир нечта ўринга тарих битилади. Кўлёзма бир неча йил давомида кўчирилган бўлса, тарихнинг саналари ҳам бир-биридан фарқ киласди. Тавсифда бу нарса ҳам аниқ кўrсатилгани яхши.

### *Сурок ва топширикчлар*

Илмий матн ва унинг турлари тўғрисида сўзлаб беринг.

Илмий-танқидий матн нима ва у қандай принципларга таянган ҳолда тузилади?

Йиғма матн нима ва у қандай тузилади?

Йигма матн тузишда илмий аппаратдан фойдаланиш йўларини пухта эгаллаб улинг.

Асар кўлёzmаларини қиёсий ўрганиш фанда қандай натижаларга олиб келади?

Асар кўлёzма нусхаларини қиёсий ўрганиш жараёнида келиб чиқадиган изазий хуносаларга бир-икки мисол кептиринг.

Таянч кўлёzма нима ва уни сайдлаб олиш талаблари қандай?

Ёрдамчи нусха нима? Қиёсий матн тузища унинг аҳамияти қай даражада?

Кўлёzма манбаларнинг факсимиль нашрлари ёки вебсайт саҳифаларига койланган электрон нусхалари асосида бир нечта манбани ёзма тавсифлаб чиқинг. Гузган тавсифингизни мутахассиста кўrсатиб, фикрини олинг.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

- Arat 1991 – Arat R.R. Eski Türk Şiiri.* – Ankara, 1991.
- Arat 1992 – Adib Ahmed b. Mahmud Yükneki.* Atebetü-l-Hakayik. R.R. Arat. – Ankara, 1992.
- Аттұхұфа* – Аттұхұфатуз закияту филуғатит туркия (Түркій тил (қипчоқ тили) ҳақида иөбә тұхфа). Таржимон ва нашрға тайёрловчи С. Муталибов. – Тошкент, 1968.
- AY – Ceval Kaya.* Uygurca Altun Yaruq. Giriş, Metin ve Dizin. – Ankara, 1994.
- BN – Заһириддин Мұхаммад Бобур.* Бобурнома. – Тошкент, 1989.
- ДАИР* – Амир Ҳусрав Дехлавий асарларыга ишланған расмлар. Альбомни тузувчилар ва сұзбоши мұаллифлари Х. Сулаймон ва Ф. Сулаймонова. – Тошкент, 1983.
- DDT – Dictionnaire Djaghatai-turc.* V. de Vilaminof-Zernof. – SPb., 1869.
- Джами 1977 – Абдурахман Джами.* Саламан и Абсалъ. (Факсимile рукописи). Подготовка издания К.С. Айни. – Душанбе, 1977.
- ДТС – Древнетюркский словарь.* Л., 1969.
- Huast.* – “Хуастуанифт”нинг қадимги түркій версияси. Асарнинг Санкт-Петербургда сакланыпташкан уйғур ёзуви күләзмаси асосида. Нашри: Содиков 2009, 85–99.
- IMS – Idiqt mahkaması sözlüğü.* Millatlar naşriyatı, 1984.
- K* – Күл тигин битиги: *Ka* – кичиг битиг, *K, Kb* – улуг битиг, *K-I-III, Kc* – тошнинг тарошланған кирралари ва терс томонидаги ёзув. Нашрлари: Малов 1951, 19–55; Аманжолов 2003, 153–170; Содиков 2004, 96–112; 2009, 31–49.
- KKT – Kitab-ı Mecmî-i Tercüman-ı Türkî ve Acemî ve Mûyalî.* Recep Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. – Ankara, 2000.
- Kurat 1940 – Kurat A.N. Topkari Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırımlı ve Türkistân Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler.* – İstanbul, 1940.
- MK – Kaşgarlı Mahmud.* Dîvânü Lügati’t-Türk. Tipkîbasım / Facsimile. Ankara, 1990.
- ML – ‘Ali Şir Nevayi.* Muhakemetü'l-luyateyn (İki Dilin Muhakemesi). Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder. – Ankara, 1996.
- МЛ – Алишер Навоий.* Мұхокамату-л-лугатайн. Қосымжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017.
- Mun.* – *Алишер Навоий.* Муншает. Истанбул, Тұңқопи саройи күтубхонаси, 808-күрсаткычли күләзма.
- NMT – Алишер Навоий.* Насойимул мұхаббат мин шамойимил фұтуват. Илмий-танқидий матн. Нашрға тайёрловчи Ҳ. Исломий. – Тошкент, 2011.

*ЗТ – Мұхаммад Риза Мираб Ағахи.* Зубдат ал-таварих. Научно-критический текст, введение и примечание составлены Х. Назировой. – Ташкент–Самарканд, 2016.

*Orkun 1987 – Orkun H.N. Eski Türk Yazitları.* – Ankara, 1987.

*Orhun – Orhun. Moyolistan Tarihi Eserleri Atlası.* – Ankara, 1995.

*QB (QBH, QBN, QBQ)* – Юсуф Ҳос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асарининг кўлёзма нусхалари: *H* – уйғур ёзувли Ҳирот (Вена) нусхаси: Радлов 1890; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. Herat (Viyana-Avusturya) Nüshası. Tipkibasim. Hazirlayan E. Üşenmez. – Ankara, 2014; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası. Tipkibasim. Wien, ÖNB, Cod. A.F. 13. – Ankara, 2015; *N* – араб ёзувли Наманған (Фарғона) нусхаси: ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонцида сакланыётган 1809 раками кўлёзма; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig (Nemengan/Fergana/Özbekistan Nüshası). Tipkibasim. Hazirlayan E. Üşenmez. – Ankara, 2013; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası. Tipkibasim. O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik Instituti, 1809. nr. – Ankara, 2015; *Q* – Миср Миллий кутубхонасида 168 раками остида сакланыётган Қохира нусхаси: *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig (Kahire Nüshası). – Ankara, 1993; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası. Tipkibasim. Dâru'l-kutub va'l-vaşâ'i'l-ķavmîyya taşavvuf turkî, 168. nr. – Ankara, 2015.

*QTH* – уйғур хатида битилган қадимги түрккілік васиқалар: Содиков, Омонов 2012,127–193- 6.

*Ton* – Тўньюқук битиги: Аманжолов 2003,175–185.

*X* – Билга ҳокон битиги: *X* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Xa*, *Xb* – икки ёнидаги ёзув, *Xc* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *X,I-II* – тараишланған кирралардаги ёзув. Нашрлари: Содиков 2004,112–120; 2009,49–58.

*Yug (A,B,C)* – Адіб Ахмад Юғнайининг “Хибату-л-хақойик” асари: *A* – асарнинг 1444 или Самарқандда кўчирилған нусхаси: Arat 1992,20–25,I–LXII; *B* – 1480 или Итанбулда кўчирилған нусхаси: Arat 1992,27–30,LXIII–CXVII; *C* – XVI асрда кўчирилған нусхаси: Arat 1992,30–32,CXVIII–CLXVI.

*E* – кўк түрк ёзувли Енисей битиглари: Малов 1952; *Orkun 1987*,295–616.

*Ибн Баттута 2012 – Ибн Баттута.* Саёҳатнома. Тұхфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор (Ғаройиб шахарлар ва ажоиб сафарлар ҳақида назар сохибларига тұхфа). Масъул мұхаррир Н. Иброхимов. – Тошкент, 2012.

*MTA* – Moyolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü. Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. – Ankara, 2001.

*НАИР* – Алишер Навоий асарларига ишланған расмлар. XV–XIX асрлар. Альбомни түзувчилар ва сўз боши муаллифлари Ҳ. Сулаймон ва Ф. Сулаймонова. – Тошкент, 1982.

*Нисорий 1993 – Ҳасанхөжса Нисорий.* Музаккпры ахбоб. Форс тилидан И. Бекжон таржимаси. – Тошкент, 1993.

*СЦ* – “Сюань-цзан кечмиши” асари: Тугушева 1991.

## ИЛМИЙ АСАРЛАР

- Абдураҳмонов, Рустамов 1984 – Абдураҳмонов F., Рустамов A. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари.* – Тошкент, 1984.
- Азимдэжанова 1963 – Азимдэжанова С. Новые сведения о “Хатт-и Бабури”.* – XXVI Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. – М., 1963. С. 5–10.
- Алимухамедов 2016 – Алимухамедов Р. Қадимги турк-моний адабиёти манбалари.* – Тошкент, 2016.
- Аманжолов 2003 – Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма.* – Алматы, 2003.
- Аҳмадхўжаев 1987 – Лутфий асарлари кўлёзмаларининг каталоги.* Тузувчи Э. Аҳмадхўжаев. – Тошкент, 1987.
- Боровков 1963 – Боровков А.К. Лексика Среднеазиатского тифсира XII–XIII вв.* – М., 1963.
- Исломов 1998 – Исломов З. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг кўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йигма илмий-танқидий матни* (Тошкент кўлёзмалари асосида). Докторлик диссертациясининг автореферати. – Тошкент, 1998.
- Исҳоқов 1989 – Исҳоқов М. Сугд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти.* – Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). – Тошкент, 1989. 5–142- б.
- Исҳаков 2008 – Исҳаков М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье.* – Ташкент, 2008.
- Исҳоқов Ф. 1997 – Исҳоқов Ф. Гулханий “Зарбулмасал”ининг илмий-танқидий матни.* Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1997.
- КФИР – Каталог фонда института рукописей. I том.* – Ташкент, 1989.
- Малов 1951 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности.* – М.–Л., 1951.
- Малов 1952 – Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы.* – М.–Л., 1952.
- Малов 1959 – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии.* – М.–Л., 1959.
- Мелиоранский 1906 – Мелиоранский П. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха.* – Записки Восточного Отделения. Г. XVI. 1904–1905. – СПб., 1906. С. 01–012, таблица I.
- Радлов 1890 – Радлов В.В. Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи.* – СПб., 1890.
- Рашидова 1991 – Рашидова М.Х. Текстологическое исследование произведения Алишера Навои “Назмул джавахир”.* Автореферат кандидатской диссертации. – Ташкент, 1991.
- Рустамов 1976 – Рустамов А. Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида.* // “Адабий мерос” (5). 1976. 39–42- б.

*Сирожидинов, Умарова 2015 – Сирожидинов Ш., Умарова С.* Ўзбек матншунослиги кирралари. – Тошкент, 2015.

*Содиқов 1997 – Содиқов Қ.* Уйгур ёзуви тарихи (Манбашунослик ва китобат тарихи масалалари). – Тошкент, 1997.

*Содиқов 2000 – Содиқов Қ.* Туркий матннавислик тарихидан. – Кадимги ёзма ёдгорлайлар. – Тошкент, 2000. 117–2004- б.

*Содиқов 2004 – Содиқов Қ.* Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004.

*Содиқов 2009 – Содиқов Қ.* Эски туркий битиглар. – Тошкент, 2009.

*Содиқов 2011 – Содиқов Қ.* “Мухокамату-л-лугатайн”ни ўқиб ўрганиш. – Тошкент, 2011.

*Содиқов 2013 – Содиқов Қ.* Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. – Тошкент, 2013.

*Содиқов 2016 – Содиқов Қ.* Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий хужжатлар. – Тошкент, 2016.

*Содиқов, Омонов 2012 – Содиқов Қ., Омонов Қ.* Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари. – Тошкент, 2012.

*Тугушева 1991 – Тугушева Л.Ю.* Уйгурская версия биографии Сюаньцзана. – М., 1991.

*Шамсиев 1986 – Шамсиев П.* Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1986.

*Ҳакимов 1983 – Ҳакимов М.* Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент, 1983.

*Ҳакимов 2013 – Ҳакимов М.* Шарқ манбашунослиги лугати. – Тошкент, 2013.

*Ҳамирова 1994 – Ҳамирова М.Ш.* Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқики. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1994.

*Sertkaya 1975 – Sertkaya O.F.* Uygur Harflariyle Yazılmış Bazi Manzum Parçalar. II. –İstanbul, 1975.

*Sertkaya 1977 – Sertkaya O.F.* İslami Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. – Bochum, 1977.

*Sertkaya 1995 – Sertkaya O.F.* Göktürk Tarihinin Meseleleri. – Ankara, 1995.

*Sertkaya, Harcavbay 2001 – Sertkaya O., Harcavbay S.* Hayto Tamir (Moğolistan)’dan yeni yazıtlar (ön neşir). – Türk Dili Araştırmaları Yıllığı-Bulleten 2000. – Ankara, 2001. S. 313–346.

*Tekin Ӯ. 1993 – Tekin Ӯ.* Eski Türklerde Yazı, Kayıt, Kitap ve Kayıt Damgaları. – İstanbul, 1993.

*User 2006 – User H.Ӯ.* Başlangıcından Günümüze Türk Yazı Sistemleri. – Ankara, 2006.

## ҚҰШИМЧАЛАР

### ОЧИҚЛАМА СҮЗЛИК (ГЛОССАРИЙ)

<i>археография</i>	Күләзма манбаларни йиғиб ўрганувчи фан; археографик экспедициялар күләзмаларни йиғиши билан шүгүлланади.
<i>басмала</i>	Ислом даври асарларининг бошламаси, яни “Бисмиллохир раҳмонир раҳийм” жумласи.
<i>бахши</i>	1) устоз, муаллим; 2) уйғур хатида битувчи хаттот; 3) достон айтuvчи, бахши.
<i>графика,</i> <i>графемика</i>	Тиلىшунослик, манбашибунослик ва историографиянынг ёзуви ўрганадиган соҳаси. Ўз ичидә бир қанча йұналишларга ажралади. Булар: этиграфика – деворий ёзувларни ўрганувчи соҳа; палеография – қоғозға Ѽзилған битигларни ўрганувчи соҳа; нимизматика – тангалардаги ёзувларни ўрганадиган соҳа.
<i>китоб тарихи</i>	Соҳанинг юзага келиши ва такомили билан шүгүлланади.
<i>китобат иши</i>	Китоб тайёрлаш билан боғлиқ амалий жараёндир. Рус манбашибунослигидә “книжное дело” дейилади.
<i>китобшунослик</i>	Фан тармоқларидан бири бўлиб, китобат ҳакидаги илмий билимларни жамлайди.
<i>котиб</i>	Ёзув иши, китоб кўчириш иши билан доимий шүгүлланувчи киши.
<i>лаввоҳ</i>	Күләзма китоб бетларига лавҳа ишловчи.
<i>манбашибунослик</i>	Адабиёт, тарих ва бошқа илмларнинг ёрдамчи соҳаси. Унинг <i>адабий манбашибунослик</i> , <i>тарих манбашибунослиги</i> , <i>илмий асарлар манбашибунослиги</i> йұналишлари бор. Адабий манбашибунослик деганда адабиёт тарихининг ҳамма даврларида яратилған ёзма манбаларни, шоир ва ижодкорларнинг ёхуд муаллифи номаълум бўлган асарларнинг яратилған давридан бошлаб, то ҳозиргача кўчирилған күләзмаларини, босма нашрларини танқидий ўрганиб чишиш тушиунилади.
<i>матин</i>	Күләзма (ёки босма) асарларда муаллифнинг асл сўзи, асарнинг ҳеч қандай шарҳ ва изоҳлар берилмаган ҳакиций нусхаси, текст.

<i>матншунослик</i>	Адабиёт, тарих ва бошқа фанларнинг ёзма манбаларини ўрганишда ёрдамчи соҳа бўлмиш манбашуносликнинг бир бўлаги, текстология. Матншуносликда асарнинг муаллиф нусхасига яқин бўлган нусхаси тикланади. Матншунослик асл матнни тиклаш йўллари, унинг илмий принципларини ишлаб чиқади.
<i>мусаввир</i> <i>муқови</i>	Қўлёзма китоб саҳифаларига расм чизувчи, рассом. Қўлёзма китобларнинг муқоваси қуйидаги бўлаклардан тузилган бўлади: ўнг ва терс юзи <i>тоқа</i> дейилади; тоқаларни бирлаштириб турувчи ён кисми <i>таяки</i> бўлади; жузвларни бирлаштириб турувчи кисми <i>шероза</i> ; копқокли муқоваларнинг устки кисмидаги ярим бетни энлайдиган ёпқичи <i>лаъба</i> дейилади.
<i>табдил</i>	Ўтмишда яратилган асар матнининг ҳозирги ўзбек тилидаги баёни.
<i>транскрипция</i>	Матннинг талаффуз шаклини ҳозирги ёзувда ифодалашдир. Бунда матннинг сўз нечта ёки қандай харф билан ифодаланишидан қатъи назар, сўзнинг талаффуз шакли, қандай товушлар билан айтилаётгани инобатга олинади ва шу нарса ёзувда акс эттирилади.
<i>транслитерация</i>	Матнни ҳарфма-харф ҳозирги ёзувга ўтириб чиқиш. Бунда матннинг сўз нечта ҳарф билан берилган бўлса, унинг транслитерацияси хам айни ҳолатда ҳозирги ёзувга ўтирилади.
<i>ёзув ашёлари</i>	Ёзиш учун ишлатиладиган материаллар. Ўтмишда булар тош, ёғоч (тахтача ёки тахта), сопол, металл, тери, қоғоз эди.
<i>қоғоз</i>	Ёзув ашёси, материали. Қўлёзмаларнинг қоғози икки хил: биринчиси, <i>марқ қоғози</i> . Унинг турлари бўлган: <i>самарқанд қоғози</i> , <i>ҳирот қоғози</i> , <i>хўтман қоғози</i> сингари. Кейинчалик Туркистон билан Россия ўргасида савдо муносабатлари кириб келгач, <i>рус қоғози</i> хам кириб келган.
<i>қўлёзма</i>	Кишилик кечмишида ёзув яратилгандан бўён қўл билан ёзилган барча манбалар.улар қандай материалга ёзилганига кўра турлича айтилади.
<i>қўлёзма китоб</i> <i>қўлёзма манбалар</i>	Қўлёзма холидаги, қўлда ёзилган китоб. Қайси тилда эканлиги, қай соҳага тегишли эканлигидан қатъи назар, қоғозга ёзилган битиглар, китоб шаклида тайёрланган ёдгорликлар.

***күләзма мерос***

Халқнинг маънаниги ва маърифатини юксалтиришга, бадий дид ва завқини тарбиялашга, илм-фанга бўлган хаваси ва салоҳиятини оширишга хизмат қиласиган күләзма асарлар.

***xat***

1) бирор ёзув учун қабул қилинган ҳарфий белгилар. Масалан, араб хати, уйғур хати, суғд хати; 2) бирор ёзув тизимида ҳарфларни ёзишдаги ўзига хос услуб, кўриниш. Масалан, насх хати, настълиқ хати; 3) мактуб, ёзишма; 4) хукм, фармон, хужжат; 5) қадимий битиглар; 6) ҳар қандай матн; 7) ёзув матни йўллари, катор, сатр; 8) бирор кимса ёки нарсани санаб кўрсатиш, рўйхат; 9) чизик, йўл, из; 10) ўкиш ва ёзиш; 11) хат илми, хат таълими.

***xattot***

Ёзув иши, китоб кўчириш иши билан доимий шугууланувчи киши. Ҳакикий хаттот кўп ишлатиладиган насх ва настълиқ хатларини кўчириш билан кифояланмай, рикоъ. райхоний, тавқиъ, сулс, шикаста ва бошқа хат услубларини ҳам билган.

**“МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК АСОСЛАРИ”**  
**ФАНИНИНГ ЎҚУВ ДАСТУРИ**  
Т у з у в ч и: профессор *K. Содиқов*

**Ўқитиладиган дарс мавзулари**  
**(Назарий дарслар)**

Кириш сұхбати. Фаннинг мақсад ва вазифалари. “Матншунослик ва манбашунослик асослары” фани ва унинг адабиёт тарихини ўрганишдаги ахамияти. Матншунослик ва манбашуносликнинг адабиётшунослик фанлари орасыда туттган ўрни. Ўқув фани олдида турған мақсад ва вазифалар. “Матншунослик” ва “манбашунослик” тушунчалари ва уларнинг илмий талкини.

Ўзбек матншунослиги: шаклланиши ва тарихий такомили. Ўзбек матншунослиги ва унинг тарихий илдизлари. Матн тузиш анъаналарининг юзага келиши. Илк ва ўрта асрлар матншунослиги.

Ўзбек китобат тарихи. Марказий Осиё халқлари маданияти тарихида китобат санъати ва унинг юзага келиши. Ёзув маданияти. Илк китоблар. Илк ўрта асрларда китобат санъати. Битигтошлар ва уларда етиб келган тарихий-балий асарлар. Тери ва қоғозга битилган матнлар.

Буддизм, монийлик ва насронийлик мұхитида яратилған битиглар ва уларнинг ўзбек китобат тарихидаги ўрни. Монийлик даврида яратилған күләзма манбалар.

Темурийлар даври ёзув маданияти ва китобат санъати. Темурийлар даврида юзага келган шарқ китобат марказлари хамда уларда яратилған күләзма китоблар. Темурийлар даврида яшаб ижод этган хаттотлар. Темурийлар давлатида ёзув маданияти. Хирот, Самарқанд, Язд хаттотлик мактаблари ва уларда күчирілған күләзмалар.

Китоб ва унинг турлари:

а) шаклиға кўра: тахта, эпиграфика, кўләзмалар -- қоғоз, ўрама қоғоз, потхи, жилд, дафтар ва бошқалар;

б) китоблarda асарларнинг жойланишига кўра: мажмуа, куллиёт, девон, баёз, илмий асарлар ва б.

Кўләзма китобларнинг бадиий безаклари. Шарқ китобат иши ва кўләзма китобларнинг бадиий безаклари. Кўләзма китобларга ишланған жадваллар, геометрик шакллар, нақшлар ва миниатюралар.

Китоб муқоваси ва унинг бадиий безаклари. Муқова турлари.

Ўтмишда ишлатилған қоғоз ва унинг турлари: самарқанд, хирот, кўқон қоғози ва уларнинг сифати. Ўрта Осиёга рус қофозининг кириб келиши.

Кўләзмаларнинг хат услуби. Араб ёзуви кўләзмалар ва уларда ишлатилған хат турлари: куфий, сурс, настаълик, девоний ва б. Илк ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда кенг тарқалған хат турлари.

Тошбосма китоблар ва уларнинг яратилиш тарихи. Ўрта Осиёда литография усулида китоб босишининг юзага келиши. Туркистон шаҳарларида илк литографиялар ва уларда китоб босиш. Литографик китоблар ва уларнинг мазмун мундарижаси. Ноширик.

Қўлёзма китобларни сақлаш ва уларни илмий ўрганиш масаласи. Хозирги қўлёзма фонdlар. Европа илмий марказларида мавжуд қўлёзма фонdlар ва уларда шарқ қўлёзмаларининг сакланиш холати. Осиё мамлакатларидағи йирик қўлёзма фонdlар.

Ўзбекистондаги қўлёзма фонdlар хакида маълумот. ЎзР ФА Шарқшунослик институти ва унинг фонdlари.

Шахсий архивлар ва уларни рўйхатга олиш масаласи.

Қўлёзма фонdlар ва улардан фойдаланиш одоби. Қўлёзма фонdlарда ишлиш ва у ердаги китоблардан фойдалана билиш маданияти. Қўлёзмаларни эҳтиётгаб сақлаш ва уларни ўқиши фазилати.

Шарқ қўлёзмаларини илмий тавсифлаш. Қўлёзмаларни илк тавсифлаш. Монографик тавсиф ва унинг талаблари. Илмий каталог ва унинг турлари. Қўлёзмаларнинг электрон нусхаларидан фойдаланиш.

Асар қўлёзмалари асосида илмий матн тузиш. Илмий матн ва унинг аҳамияти. Қўлёзма асосида матннинг илмий нашрини амалга ошириш.

Матн ва унинг турлари. Яратилажак матнлар ва уларнинг турлари: илмий, илмий-танқидий, йиғма матн; оммавий матнлар ва уларни тайёрлаш принциплари.

Факсимиль нашрлар, уларнинг фандаги ўрни ва аҳамияти. Асарнинг факсимиль нашри қўлёзма ўрнини босувчи таянч манба сифатида. Фото-факсимилларнинг юзага келиш тарихи. Хозирги замонда яратилаётган факсимиль нашрлар ва уларнинг илмий-амалий аҳамияти.

Илмий-танқидий матн тузиша асар қўлёзмаларини сайлаб олиш ва улардан фойдаланиш масаласи. Кўп қўлёзма нусхалари асарлар бўйича илмий, илмий-танқидий, йиғма матн тузиш. Таянч қўлёзмани сайлаб олиш масаласи. Биттагина қўлёзмаси сакланган асарнинг илмий матнини яратиш.

Илмий транскрипция, транслитерация, табдил. Илмий транскрипция, транслитерация, табдил ва уларнинг муҳим белгилари, ўзига хослиги. Уларнинг илмий-амалий аҳамияти.

Илмий матн тузиши принциплари ва эътибор қаратиладиган масалалар. Илмий матн тузишнинг муҳим принциплари. Матн турини танлаш, қўлёзма сахифаларини белгилаб бориш, матннинг муҳим ўринларини ажратиб кўрсатиш: сарлавхалар, янги фикрнинг бошланиши, киши жой отлари, жумлаларни чегаралаб бориш ва б. Матн сўнгидаги киши отлари, географик отлар, грамматик кўрсаткичлар ва шунинг сингари бошка маълумотларни бериш.

Матн техникаси. Илмий аппарат масаласи. Илмий матннинг техник хусусиятлари. Илмий китобларга хавола масаласи. Цитата олиш коидалари. Илмий этика масаласи.

Шарқ матншунослигида яратилган йирик кашфиётлар. Шарқ матншунослигида сўнгги йилларда яратилган йирик ишлар. Европа, Осиё илмий марказларида йирик шарқшунос олимлар томонидан яратилган илмий, илмий-танқидий, йиғма матнлар. Шарқ манбалари бўйича яратилган таржималарга умумий экспурс.

Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мухаммадизо Оғаҳий асарлари бўйича тузилган илмий матнлар.

Бугунги ўзбек матншунослиги ва унинг олдида турган вазифалар. Ўзбекистонда матншунослик соҳаси ва унинг ютуқлари. Ўзбек таникли матншунослари. Ўзбек матншунослигининг келажакдаги вазифалари.

### **Машқ дарсларининг йўналиши**

Илмий китоблардан, интернет сайтларидан Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихи бўйича материал йигиш ва тақдимотини ўтказиш.

Илмий китоблардан шарқ китобат санъати бўйича материал йигиш ва тақдимотини ўтказиш.

Қўлёзмаларни илк тавсифлаш. Варакка битилган расмий хужжатларни тавсифлаш.

Қўлёзма китобларни тавсифлаш. Монографик тавсиф ва унинг талаблари.

Илмий каталоглар билан танишиб чикиш.

Қўлёзма китобнинг бадиий безаклари устида ишлаш. Бирор қўлёзманинг электрон варианти ёки рангли факсимиль нашри асосида китобнинг бадиий безакларини тавсифлаш.

Қўлёзма матнни илмий транскрипцияга ўгириш.

Асар қўлёзма нусхаларининг факсимииллари асосида бирор бўлимининг илмий-танқидий матнини тузиш.

Бугунги ўзбек матншунослиги ва унинг олдида турган вазифалар.

“Ўзбек таниқли матншунослари” мавзууда материал тайёрлаш ва тақдимотини ўтказиш.

### **Талабанинг ўзи ўқиб ўрганиши учун мавзулар (мустақил таълим)**

Матншунослик ва манбашуносликнинг ёндош соҳалари.

Марказий Осиё халқлари ёзув маданияти тарихи.

Ўлкамиизда исломдан аввал ишлатилган хат турлари.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда яратилган эпиграфик матнлар.

Илк ислом даври манбашунослигининг шаклланиши ва ривожланиши.

Илк ва ўрта асрларда китобат иши: китоб тарихи ва китобат санъати.

Араб хатининг турлари.

Интернет тармоғи хамда нодир китоблардан шарқ күләзмалари, китобат санъатига оид материаллар йигиши.

Китоб тарихи, ёзув тарихи бўйича слайдлар яратиш ва уларнинг тақдимотларини ўтказиши.

Шарқ күләзмаларини ўқиб ўрганиш.

### **Фани ўзлаштириш учун талабаларга тавсия этиладиган манбалар, илмий асарлар ва ўкув қўлланмалари**

#### **Ўзбек тилидаги китоблар:**

*Алишер Навоий.* Насойимул мұхабbat мин шамойимил футувват. Илмий-танқидий матн. Нашрға тайёрловчи X. Исломий. – Тошкент, 2011.

*Алишер Навоий.* Мұхокамату-л-лугатайн. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. – Тошкент, 2017.

*Маҳмуд Коғзарий.* Девону лугати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрға тайёрловчи К. Содиков. – Тошкент, 2017.

*Сирожиддинов Ш., Умарова С.* Ўзбек матншунослиги кирралари. – Тошкент, 2015.

*Содиков К.* Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. – Тошкент, 2004.

*Содиков К.* Эски туркий битиглар. – Тошкент, 2009.

*Содиков К.* “Мұхокамату-л-лугатайн”ни ўқиб ўрганиш. – Тошкент, 2011.

*Содиков К.* Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. – Тошкент, 2013.

*Содиков К.* Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий хужжатлар. – Тошкент, 2016.

*Содиков К., Омонов К.* Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари. – Тошкент, 2012.

*Шамсиев П.* Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, 1986.

*Хакимов М.* Шарқ манбашунослиги лугати. – Тошкент, 2013.

*Ҳасаний М., Ҳабибуллаев А.* Адабий манбашунослик ва матншуносликнинг назарий масалалари. – Тошкент, 2012.

#### **Рус тилидаги китоблар:**

*Аманжолов А.С.* История и теория древнетюркского письма. – Алматы, 2003.

*Тугушева Л.Ю.* Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. – М., 1991.

Уйгурские деловые документы X–XIV вв. из Восточного Туркестана. Предисловие, транскрипция, перевод с древнеуйгурского Л.Ю. Тугушевой. Факсимile рукописей. – М., 2013.


**Чет тиллардаги китоблар:**

- Arat R.R.* Eski Türk Şiiri. – Ankara, 1991.
- Adib Ahmed b. Mahmud Yükneki.* Atebetü-l-Hakayik. R.R. Arat. – Ankara, 1992.
- Eckmann J.* Harezm, Kıpçak ve Çayataç Türkçesi Üzerine Araştırmalar. – Ankara, 2003.
- Kaşgarlı Mahmud.* Dīvānū LŪgati't-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. – Ankara, 1990.
- Orkun H.N.* Eski Türk Yazıtları. – Ankara, 1987.
- Sertkaya O.F.* İslami Devrenin Uygur Harfleri Eserlerine Toplu Bir Bakış. – Bochum, 1977.
- Tekin T.* Orhon Yazıtları. – Ankara, 2010.
- Tekin Ş.* Eski Türklerde Yazı, Kayıt, Kitap ve Kayıt Damgaları. – İstanbul, 1993.
- Yusuf Has Hacib.* Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası. Tıpkıbasım. Wien, ÖNB, Cod. A.F. 13. – Ankara, 2015.
- Yusuf Has Hacib.* Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası. Tıpkıbasım. O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik Instituti, 1809. nr. – Ankara, 2015.
- Yusuf Has Hacib.* Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası. Tıpkıbasım. Dāru'l-kutub va'l-vaṣā'iḥi'l-kaṿmiyya taṣavvuf turkī, 168. nr. – Ankara. 2015.


## ҘЭМДА МАНБАЛДАН НАМУНАЛАР




Кул тигин битиги (732 йили тикланган).




Күк турк ёзувли “Ирк битиг” китобидан (Британия музейи, Or.8212 (161) күрсаткичли күләмزا).




“Хуастуанивт” асари уйгур ёзувли күләмасининг бир бўлаги (Россия ФА Шарқ күләмалари институтининг Санкт-Петербург бўлимидаги сакланадиган SI D1 (SI 3159) күрсаткичли күләмза).




Турк-моний мазмунили қўлёзмадан




“Ўғузхоқон” достонининг уйғур ёзувили қўлёзмасидан (Франция миллий кутубхонаси. Suppl. Turc., 1001).




Уйгур ёзувли потхи китобнинг бир сахифаси (Берлин, Бранденбург академияси фондида сакланаётган U0536 Seite 1 кўрсаткичли узиңди)



Уйгур ёзувли потхи китобнинг бир саҳифаси (Берлин, Бранденбург академияси фондида сакланаётган U 592 кўрсаткичли узинди)



“Меържнома” асарининг уйгур ёзувли кўлёзмасидан (Франция Миллий кутубхонаси, Suppl. Turc. 190/1513 II кўрсаткичли мажмуя).



“Тазкира-йи авлиә” асарининг уйғур ёзуви күлөзмасидан (Франция  
Миллий кутубхонаси, Suppl. Turc. 190/1513 II күрсөткүчли мажмua).

التي صرّوها على مدارج الحلة في الكتب والمعجم حتّى يطلع القائل  
التاول وأولى النّاس بالحاجة يحيط به الأشياء المذكورة واللغات  
المسموّة فللمكتبة في المودة ما شاء وذر ريح اللسان في عالمها  
والله أعلم ولو تعمق فما ثوبت وقلبي عليه طور ولا جعل ولا  
فوق الآباء العظيم ومحاسناتهم الوكيل

**الفول في الحروف التي يشتمل عليها اللّغات**  
المؤلف الذي يدور على لسانه المثل يذكر ما هي باسم عشر حرفها  
أصلية ذكر منها كتابة الرّقة بخطها الماهر والرّقة أخوك  
لقد سمعت منك بدور شيئاً تكلّمت قطعاً ما على وجه التّسويف

— ح — ح — ح — ح — ح —  
أ ف ح و د ل ف ك ح ص ح  
ح ن ب ح م ا ح د ب ح م ب ح

ص ح س ب ح و ح س ح ل  
ولنظر هذه الحروف في العبرة ابتدأت وسبعين حرف  
آخر قد يزيد لا ذكر لها في الحروف اللغات لا تتخلّصها وقولها  
الصلة ولغتها العربية وهي شديدة في هذه اللغة والرّقة  
الشّولى من بحرى الراي في السّنة الفا العربية والمعن المجهة

Махмуд Кошгари “Девону луғати-т-турк” асари кўлёзмасининг бир бети  
(Millet Genel Kütüphanesi. Kayit No. Ar.4189).

سَرْعَةِ النَّارِ وَالنَّادِيِ الْمُبِينِ إِلَى الْمُلْكِ الْمُكْتَفِي  
 الْمَوْلَى يَدْعُكَ أَنْ مَوْلَى الْمَلَائِكَةِ سَيِّدِ الْعَالَمِينَ  
 الْمُطَهَّرُ الْمُحَسَّنُ الْمُجَاهِدُ الْمُجَاهِدُ  
 كَانَ مَرْءُ عَاطِفٍ لَا دَحْدَاحٍ هُوَ يَكْتَفِي مَوْسِيَّةَ الْمُشْرِقِ  
 الْمَطَهَّرُ طَهَّرَ الْمُطَهَّرَ مَذْكُورُكَ شَفِيعَ الْمُسْتَغْاثِ  
 الْمُرْئُوكَ يَكْتَفِي فَوْحِيَ حَمَارٌ يَكْتَفِي أَكَبَ بَرْ تَعْرُفُ أَفَازَ  
 يَعْوِلُ إِلَى الْمُسْرَدِ إِلَى الْمُجَرَّدِ يَعْصِرُ الْجَوَادَ الصَّاعِدَ يَكْتَفِي الْمُجَاهِدُ  
 الْمُجَاهِدُ الْمُعَظَّمُ يَاسِعُهُ حَفْيَهُ وَفَطَنَهُ يَكْتَفِي سَرْبَلَهُ  
 الْمُسْعَدُ يَخْدُمُ الْمُصْفَرَ وَالْمُزْعَجَ يَسْكُنُ الْمُخَاطِلَ فِي الْمَأْمُونِ فِي الْمُعْرِضِ  
 الْأَمَمُ فِي الْأَمَمِ يَلْكِدُ الشَّفَعَةَ مِنَ الْمُرْتَفَعِيَّةِ أَنَّكَ مَلِكَ تَكْرِيَةِ  
 أَهْلِ الْجَنَّةِ الشَّفَعَةَ يَكْلُوْنَكَ ثَوْبَ الْجَوَافِيَّةِ الْمُؤْمِنَ  
 مَذْكُورُكَ الْعَوْنَى يَكْلُوْنَكَ ثَوْبَ الْجَنَّةِ الْمُؤْمِنَ  
 يَعْزِلُ الْمُلْمَنَ يَقَالُ يَزْرِعُهُ أَوْلَى ذَقْنِ قَرْنَاهِيَّةِ مَرْعَى وَيَقَالُ  
 يَسْهُمُ بِهِ أَنِّي السَّعْدُ الْمُرْدُ اَنْسِلُ بَعْدَ الْأَوْلَى يَقَالُ يَرْتَبِشُ بِهِ  
 أَنِّي اَرْتَدَدُ سَيَا الْمُتَلَدِّيَّةِ اللَّهِيَّ وَيَقَالُ يَرْتَكِعُ بِسَرْأَى أَرْضَنَ  
 مَذْكُورُكَ بَعْدَ صَامَرَ يَكْلُوْنَكَ أَنِّي ثَوْبَ الْمُؤْمِنِ لِعَمَى الْمُمْ  
 وَيَقْعُدُ مِنْهُ سَلَاغُ الْمُسْطَافَ بِإِيمَانٍ فَعَالَ

Махмуд Кошгари “Девону луғати-т-турк” асари қўлёзмасининг бир бети  
 (Millet Genel Kütüphanesi. Kayıt No. Ar.4189).

كېنگىڭىلار كاۋاپسىن قۇرت  
 كېنگىڭىلار كاۋاپسىن قۇرت  
 تىزامات بىلەكتى كېنگىڭىلار  
 اىنماقىن بىلەكتى كېنگىڭىلار  
 مەخارەتلىق ايدى ئاشىرىپسىز  
 سەكسىزلايدى ئەسى كەتكىل بىلەكتى  
 يۈزىنلى بىلەكتى كېنگىڭىلار  
 كەتكىل بىلەكتى كېنگىڭىلار  
 كەتكىل بىلەكتى كېنگىڭىلار

## آنى قالار ئۇرىنىڭىز


يىالىكى ئاي ئەلىشىدىك قىسىم  
 مەكاڭخواھىسى سۆزۈپ كېتى  
 بىلەكتى كەتكىل بىلەكتى كەتكىل  
 اىسینما بىر بىر بىر كەتكىل

## لەنگىچىن ئەرىقىلەتىقى


مۇنۇندا بىرى كەتكىل بىلەكتى  
 كەتكىل بىلەكتى كەتكىل بىلەكتى  
 بىلەكتى كەتكىل بىلەكتى  
 تىقىمىرى كەتكىل بىلەكتى  
 اىسینما ئەرىقىلەتىقى  
 كەتكىل بىلەكتى كەتكىل بىلەكتى

قۇقا

Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” асарининг Наманган нусхасидан (ЎзР  
 ФА Шарқшунослик институти фондидаги 1809 ракамلى күләзма. XIII  
 юзийилликда күчирилганды).



А 3 1 — 8



А 3 1 — 8


Адиб Аҳмад Юғнакий “Хибату-л-хакойик” асарининг А нусхасидан  
(Истанбул Аёсофия кутубхонаси. 4012 ракамли мажмуа таркибида. 1444  
йили кўчирилган).

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
 لَهُ الْكَلْمَنْدَهُ لَيْوَزَتْ سَنَشَا  
 سَبَيكْ رَجَنْدَهُ دِينَ اُوسَارِمَنْ اُوسَكَا  
 شَامُ اَيُوْغَانِي سَنَا بُوْزِيلْهَهَ  
 اُرَيَانْجَهَ اِيَاهِينْ تَابِي بِيرَ سَنَشَا  
 سَنَكْ بَازِلِيغَيْنَكْ غَهَ شَوعْ لَوقِيرَهَهَ  
 جَهَاتْ جَاهَورَهَ اَوْجَفَانَ يُوْغُورَهَهَ تَانَشَا  
 سَهَيْكْ بِيرِلِيغَيْنَكْ غَهَ دَاهِيلْ اَنْغَاعَنْ  
 بُولَهَهَ بِرَسَنَكْ اِيجَهَ دَاهِيلْ كَرِيغَيْنَكَا  
 بِرِيزْ كَلِيغَيْلَهَهَ آللَّهُ عَلَى اللَّهِ وَاحِدَهُ

Адиб Ахмад Юнгакий “Хибату-л-ҳакойик” асарининг С нусхасидан  
 (Истанбул Тўпқопи сарой кутубхонаси, 35552 ракамли мажмуа таркибида.  
 Тахминан XV-XVI юзийилликда кўчирилган).




Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо” асари кўлёзмасидан (ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидағи 185/III рақамли кўлёзма. 1850 йили кўчирилган).




Мавлоно Лутфий “Девон”идан (ЎзР ФА Адабиёт музейидаги 231 рақамли кўлёзма. XIX юзийларнда кўчирилган).




Алишер Навоий “Девон”идан (Франция Миллый кутубхонаси, Suppl. Turc. 317 кўрсаткичли куллиёт).




Алишер Навоийнинг “Лисону-т-тайр” асарига ишланган миниатюра (Франция Миллий кутубхонаси, Suppl. Turc. 317 кўрсаткичли куллиёт).




Машраб “Девон”идан (ҮзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги 170 ракамли құләзма. 1890 иили күчирилган).




Мухаммад Ризо Отахий “Девон”идан (ҮзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги 1161 ракамли құләзма. XIX ғасырда күчирилган).



Мукимий “Девон”идан (ЎзР ФА Шаркшунослик институтидаги 7521 рақамли қўлёзма. XIX юзийликда кўчирилган).





## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
Илк бўлим. Ўрта Осиё халқларининг ёзув маданийти тарихи.....	13
Иккинчи бўлим. Илк ва ўрта асрларда китобат ичи .....	44
Учинчи бўлим. Матнинг тузилиши ва тили .....	95
Тўртинчи бўлим. Илмий нашрлар яратиш масаласи .....	116
Бешинчи бўлим. Асар қўлдёзма нусхаларини чоғицтирма ўрганиш ва илмий матн тузинг принциплари .....	139
Фойдаланилган манбалар ва илмий асарлар .....	188
Кўшимчалар .....	192

**Қосимжон Содиков**

## **МАТНШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

*Ўқув қўлланма*

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июнданги 434-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

Компьютерда сахифаловчи – Р. Алимуҳамедов

Тошкент давлат шарқшуностлик институтининг  
нашириёт бўлимида нашрга тайёрланди.  
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25

Босишига руҳсат этилди 12.09.2017. Бичинми  $60\times84^{1/16}$   
Офсет босма. «Times New Roman» гарнитураси.  
Кўлами: 13,75. босма табок.  
Сони 100 нусхада  
Буюртма № 48 Шартнома № 60.

«Extremum-press» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш, Богоишамол кўчаси, 3.  
Тел: 234-44-05  
E-mail: Extremum-press@mail.ru